

Шоҳистаҳон Ўлжаева

АМИР ТЕМУР

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЎЛЖАЕВА ШОҲИСТАХОН МАМАЖОНОВНА

**АМИР ТЕМУР
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ**

Ташқи сиёсат. Дипломатия

Монография

Тошкент
«Akademnashr»
2017

УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

Ў 69

Ў 69 Ўлжаева Шоҳиста

Амир Темур давлат бошқаруви [Матн] / Ш. Ўлжаева. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 248 б.

ISBN 978-9943-4728-8-4

УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур дунё сиёсати ва тамаддунида улкан из қолдирган сиймолардан биридир. Унинг ҳарбий салоҳияти ва бунёдкорлик соҳасидаги хизматлари ҳанчалик юксак бўлса, ташки сиёсат ва дипломатия борасидаги чора-тадбирлари ҳам шу қадар улугвор.

Мазкур монографияда улуг ажододимизнинг ҳалиқаро муносабатлар ва давлат бошқарувидаги ўзига хос тутумлари атрофлича таҳлил этилган. Китоб кўхна тарихимиз билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Дилором Юсупова
тарих фанлари доктори

Тақризчилар:

Акмал Саидов
юридик фанлар доктори,

Хайдарбек Бобобеков
тарих фанлари доктори

ISBN 978-9943-4728-8-4

270 800 K

© Ўлжаева Шоҳиста
«Амир Темур давлат бошқаруви»
© «Akademnashr», 2017

КИРИШ

Ўзбек халки мустақилликка эришиши билан миллий ўзликни англашга катта имкониятлар яратилди. Миллий давлатчилигимиз тикланган бугунги кунда барча соҳалар қаторида аждодларимиздан қолган сиёсий меросимизни чуқур ва холисона тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир. Зеро, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган. Тарихнинг илдизлар бор жойда таракқиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлари мавжуд. Бу қоидалар бугунги кунда ўзбек давлатчилиги мисолида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирда халқимизнинг сиёсий меросини қайта тиклаш ва уни сайқаллаштирган, модернизациялаштирган ҳолда давом эттириш давр эҳтиёжига айланди.

Мустақиллик йилларида олимлар томонидан олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар аждодларимизнинг бой тарихга, ўзига хос миллий давлатчиликка, бетакрор маънавий меросга эга бўлганлигини кўрсатмоқда.

1998 йили Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов олимлар билан бўлган учрашувда Ватан тарихи фани олдида турган долзарб муаммолар, жумладан, миллий давлатчилик тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, ундаги маънавий асосларга таяниш лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда миллий давлатчилик тарихининг маънавий асосларидан фойдаланиш масаласига Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.¹

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.3.

Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғриси-даги маҳсус қарори¹ ҳам миллий ўзликни англашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида юзага келган Қадимги Бақтрия (мил. ав. VII аср), Хоразм (мил. ав. VII аср), Кушон (мил. ав. I аср), Турк хоқонлиги (VI аср), Амир Темур салтанати (XIV аср охири – XV аср бошлари) каби давлатларнинг ҳар бирида ўзига хос бошқарув асослари яратилган бўлиб, ўз даврида давлат, ҳалқ ва жамиятнинг тинчлиги, тараққиёти ҳамда фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган. Жумладан, Амир Темур салтанати юксак давлатчилик таълимоти яратилган босқич сифатида аж-ралиб туради. Унда жорий этилган бошқарув асослари ўз даврида нафақат мамлакат фуқароларининг манфаатлари ҳамда фаровонлиги учун хизмат қилган, балки Ғарб ва Шарқ давлатлари ўртасидаги муносабатлар, ҳалқаро иқтисодий, сиёсий ва маънавий барқарорликка ҳам самарали таъсир кўрсатган.

Совет даврида Амир Темур шахси, давлатчилик фаолияти, жаҳон цивилизациясидаги ўрни салбий талқин этилган. Бунинг замирида ўзбек ҳалқи онгу шууридан миллий гурур, ўзликни англаш ғояларини таг-томири билан суғуриб ташлашдек ёвуз мақсад ётар эди. Ўзбекистоннинг мустақилликни кўлга киритиши бу каби ҳаракатларни бартараф этишга хизмат қилди. Истиқлол туфайли Соҳибқироннинг ўтмишимиздаги, умуман, инсоният тарихидаги катта хизматлари муносиб баҳолана бошланди.

Амир Темурнинг фаолиятини холис ўрганишда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари бекиёс. Хусусан, «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (1994 йил 29 декабрь), «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиши тўғрисида»² (1995 йил 26 декабрь), «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил этиш ва «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида» (1996 йил) қатор фармон ва қарорлар чиқарилди, бу тадбирлар темуршуносликнинг кейинги тараққиёти

¹ Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // Тошкент ҳақиқати. 1998 йил 28 июль.

² Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори // Тошкент ҳақиқати. 1995 йил 4 январи.

учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Амир Темурнинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, тарихдаги буюк хизматлари БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилиб, унинг 660 йиллик юбилейи¹ кенг нишонланди.

Ислом Каримов асарларида Соҳибқироннинг миллий давлат-чилик тарихида тутган ўрни, Мовароуннахрни озод, мустақил қилиш билан бирга марказлашган давлат барпо этгани, салтанатни адолат ва қонунларга асосланиб бошқаргани, илм-фан равнақига алоҳида эътибор қаратгани ва бошқа улкан хизматлари ҳақида кўп маротаба таъкидлаб ўтилган.² Жумладан, шавкатли аждодимизнинг ўлмас ишлари: мураккаб тарихий шароитда ҳалқнинг бошини қовуштира билгани, истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида истиқлол байроғини баланд кўтаргани, пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб марказлашган қудратли салтанат тузганига алоҳида урғу берилган.³

Амир Темур ўз фаолияти давомида ўзбек ва дунё ҳалқлари манфаатлари учун қуидаги вазифаларни адо этди. Биринчидан, юртимизда илдиз отган мӯғуллар зулмига узил-кесил барҳам берди. Иккинчидан, майда давлатларга бўлиниб кетган, тарқоқлик, ички урушлар ва адолатсизликлар хукм сурган Мовароуннахрни ягона давлатга бирлаштириб, унинг бошқарув

¹ UNESCO: Resolutions twenty eighth session of the general conference. – Paris, 1996. Vol. I. – P.89.

² Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Азалий буюклик маскани // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.171 – 174; Каримов И.А. Соҳибқирон камолга етган юрт // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.175 – 178; Каримов И.А. Адолат ва қудрат тимсоли // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.179 – 180; Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.181 – 191; Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин // Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.25 – 30.

³ Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.169.

аппаратини шакллантириди ва мустаҳкамлади. Учинчидан, кунун устувор бўлган жамият асосларини барпо этди. Тўртинчидан, салтанатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асосларини мустаҳкамлади. Бешинчидан, нисбатан қисқа вақт ичida Мовароуннахрни дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айлантириди. Олтинчидан, Осиё, Африка, Европа минтақаларидағи халқларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун катта хизмат қилди ва халқаро майдонда адолатни таъминлаш учун курашди. Еттинчидан, турли дин, миллат, элат вакиллари ўртасида алоқалар ўрнатилиши натижасида биринчи марта ягона макон ва интеграция ғоялари шакллана бошлади. Салтанат бошқарувида ислом динининг илмий асосларига, бағрикенглик тамойилларига таянилди. Амир Темур хукмронлиги даврида давлат, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлаштирилган, сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлик ўрнатилган. Давлат бошқарувининг муҳим соҳаларидағи фаолият ана шу мақсадларга йўналтирилган, чиқарилган қонунлар ўз вақтида ижросини топган. Бунинг самараси ўлароқ Амир Темур давлатида илм-фан, маънавият, меъморчилик ва санъат юксак даражада ривож топди. Фанда бу ҳақли равишда иккинчи уйғониш даври деб талқин этилади.

Инглиз олимаси Ҳилда Ҳукҳэм (Hilda Hookham) Амир Темур ўз юртида давлатчилик ва маданий анъаналарнинг давомчиси бўлганлигини, X – XI асрларда табобат, математика, астрономия, география, фалсафа, тарих, араб ва форс тиллари, адабиёт бўйича беназир асарлар яратган буюк алломалар ватанидан етишиб чиққанлигини, мазкур алломаларнинг йирик асарлари бир неча юз йиллар давомида Европадаги уйғониш даврига катта таъсир кўрсатиб, унга пойдевор бўлиб хизмат қилганлигини¹ эътироф этади.

Умуман олганда, Амир Темур давлати ўзбек давлатчилиги тарихининг энг ривожланган босқичидир. Салтанатда барча соҳаларда туб бурилишлар, юксалишлар кузатилган. Таракқиёт учун хизмат қилган Амир Темур фаолияти билан боғлиқ тарихий қадриятлар аллақачон умуминсоний қадрият даражасига етиб улгурган.

¹ Ҳукҳэм Х. Властитель семи созвездий / Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат. 1995. – С.17.

Ислом Каримов: «Амир Темур – бизнинг шаъншавкатимиз, турур-ифтихоримиздир. Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир»¹, – дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бунга тарихда далил ва асослар етарли. Шунингдек, «Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чукур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».²

Амир Темур давлатчилиги марказида ҳалқ ва давлат манфаати, инсон омили тургани боис бу даврда шаклланган сиёсий удум ва анъаналарнинг ижобий жиҳатларидан бугунги кунда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Амир Темур даврида шаклланган давлат бошқаруви асосларининг туб негизини таҳлил қилиш, унинг тараққиётига замин яратган омилларни тушуниб этиш бугунги кунда улардан ижодий фойдаланишда долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан Амир Темур давлатининг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд ижтимоий тизимни батафсил ёритиб бериш муҳим масаладир. Қолаверса, марказий ва маҳаллий бошқарув тизими, қурутгой, мансаб (лавозим) ва унвонларнинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш зарур.

Амир Темур давлатининг суд-хукуқ, мудофаа ва ҳарбий тизимини яхлит ҳолда тадқиқ этиш, уларнинг давлатчилик тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб бериш ҳам муҳим масала саналади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амир Темурнинг дунёдаги энг кучли ва йирик салтанатлардан бирини барпо этгани, ҳарбий санъати, давлатни қандай асосларга таяниб бошқарганини англаб этиш даврлар оша тадқиқотчилар ҳамда сиёсатчиларнинг, арбобларнинг дикқат-эътиборини тортиб келган. Уларнинг кўлами тўғрисида умумий таасаввур уйғотувчи библиографик тадқиқотлар фикримизга далилдир.³ Жумладан, Э.В.Ртвеладзе,

¹ Каримов И.А. Халқимиз бор экан ... – Б. 167.

² Каримов И.А. Азалий буюклик маскани ... – Б. 173.

³ Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1996. – 264 б.; Амир Темур жаҳон тарихида / Иш раҳбари С.Сайдкосимов. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 296 б.; Алимов Р.А. Соҳибқирон Амир Темур (Методик тавсиянома). – Тошкент, 1995 ва бошқалар.

А.Х.Сайдов бу борада изланишлар олиб бориб, «Амир Темур дунё фани кўзгусида» номли библиографик асар чоп эттиридилар.¹ Ундаги маълумотларга кўра, Амир Темурга бағишилаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 700 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 дан кўпdir. Бу асарларда Амир Темур шахси, салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаётига турлича баҳо берилган.²

Асрлар оша Амир Темур гоҳ каттиққўл ва золим шахс, гоҳ адолатли ва талабчан ҳукмдор сифатида талқин этиб келинган. Бу каби турли баҳоларнинг пайдо бўлишига Амир Темур шахсига ижобий ёки салбий муносабат билдирилган кўплаб манбалар сабабчидир. Хусусан, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби муаллифлар ўз асарларида Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқаргани, халқ, давлат манфаатлари йўлида кенг кўламли фаолият юритгани ва бошқа хислатларини ёзиб қолдиришган бўлса, Ибн Арабшоҳ «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номли асарида Амир Темур ва унинг фаолиятига салбий баҳо берган.

Совет даврида темуршуносликка³ салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири Фридрих Шлоссернинг (1776 – 1861) «Бутун дунё тарихи» асариdir. Шлоссер Амир Темурга: «... баҳтли

¹ Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. – Ташкент: Мир экономики и права, 1999. – 352 с.

² Грановский Т.Н. Сочинения. – М., 1866. Часть I; Ўша муаллиф. Тимур // Полное собрание сочинений. – СПб., 1905. Т.1. – С.341 – 359; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – СПб., 1898. Ч.1; Ўша муаллиф. Народное движение в Самарканде 1365 года // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – СПб., 1907. Т.XVII. – С.1 – 19; Ўша муаллиф. О погребении Тимура // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – Пгр., 1916. Т.XXVII. – С.1 – 32; Ўша муаллиф. Географический очерк Мавераннахра // Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. – М., 1963. Т.1; Ўша муаллиф. Улугбек и его время // Сочинения. – М., 1964. Т.II. Ч.2. – С.25 – 174; Абдураимов М.А. Обзор литературы, посвященной Тимуру и тимуридам, изданной в Узбекистане в 60-х годах // История СССР. – М., 1973. №5. – С.47 – 51; Ўша муаллиф. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000; Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и тимуридах. Очерк. – Л., 1933; Ўша муаллиф. Государство Тимура // История Узбекской ССР. – Ташкент, 1955. Т.1. Кн.1. – С.313 – 334; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М.-Л., 1950 ва бошқалар.

³ Лунин Б.В. История культуры и искусства времени тимуридов в советской литературе. Библиографический указатель // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1969. №8 – 9. – С.101 – 145.

жангчи, жаҳоннинг янги истилочиси... шу билан бирга, олисдаги Шарқнинг қонун чиқарувчиси эди. Осиёдаги камёб бўлган тактик ҳамда стратегик билимларни ўзлаштириб, у ердаги тӯдаларни ўзига жалб қилди», – дея тавсиф беради. Шунингдек, олим Соҳибқироннинг адолатли қонунларга асосланган давлат негизларини барпо этганигини етарли баҳолай олмайди, уни вахший ва золим ҳукмдор сифатида талкин қиласди. Ф.Шлоссер ушбу асарда «У юришлардан тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтар, ўзининг янги салтанатида тузуклар ҳамда қонунлар эълон қиласди. Мазкур қонунлар тўплами унинг амри билан амалга ошириладиган даҳшатлар, вайронагарчиликларга мутлақо қарама-қарши тарзда эди»¹ деган фикр-мулоҳазаларни ҳам билдиради. Маълумотларга кўра, коммунистик мафкура асосчиси К.Маркс Ф.Шлоссернинг Амир Темур ҳақидаги салбий фикр-мулоҳазаларини сўзма-сўз кўчириб олиш² вақтида «Темур ўзининг янги подшолигига мамлакатни қуриш тизимлари ва қонунларни берди, булар унинг буйруғи билан аскарлари томонидан амалга оширилган ваҳшийликлар ва ёвуз вайронагарчиликларга ўта зид эди»³ каби ижобий фикрларини эътибордан четда қолдирган.

Мустабид шўро даврида К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Лениннинг асарлари барча илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилас, улардан иқтибослар келтирилар, шунга монанд қарашлар ривожлантирилар эди. «Дохий»лар томонидан яратилган «синфийлик» назарияси ҳам Амир Темурни «эксплуататор», «эзувчи», «босқинчи», «каллакесар» сифатида талкин қилишни тақозо этар эди.

Ана шу тариқа манбалардаги зиддиятли баҳолар, совет даврининг «синфийлик» назарияси Амир Темур фаолиятини холис ёритишда мураккабликларни туғдирди. Боз устига, чекка ўлкаларнинг буюк давлатчилик тарихини ўрганиш мустабид кизил империя манфаатларига зид бўлган.

¹ Темур ва Улугбек даври тарихи. – Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1996. – Б.28 – 29.

² Маркс К. Хронологические выписки // Архив Маркса и Энгельса. – М.: Госиздат, 1939. Т.VI. – С.184 – 185.

³ Ўша жойда.

Юқорида келтирилган омиллар күплаб тадқиқотларда Амир Темур фаолиятига адолатсиз, нохолис баҳолар берилишига сабаб бўлди.¹

Хорижий мамлакатларда бу мавзуга оид объектив тадқиқотлар амалга оширилган.² Бу борада Фарб олимларининг Амир

¹ Заходер Б. Империя Тимура // Исторический журнал. – М., 1941. №6. – С.78 – 88; Леонов И.И. Улугбек – великий астроном XV века. Изд. 2-е. – М., 1950; Строева В.Л. Возникновение государства Тимура // Ученые записки ЛГУ. История и филология стран Востока. Серия востоковедческих наук. – ЛГУ, 1952. №128. Вып.3. – С.70; Гафуров Б.Г. История таджикского народа. – М., 1955. Т.1. – С.32; Ўша муаллиф. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн.II. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С.211.

² Aercke K. Au tirioir des peurs occidentals // Samarkande 1400 – 1500. – Paris, 1995. – P.55 – 72; Ahmad Hasan Dani. Timur leogacy // Pakistan Academy of letters. – Islamabad, 1996; Alexandrescu-Derca M.M. La campagne de Timur en Anatolie 1402. – Bucuresti, 1942; Aka Ismail. Mirza Sahruh zamaninda (1405 – 1447) timurlularda imar faaliyetleri // Belleten 1984. XLVIII. – S.189 – 190, 285 – 297; Ўша муаллиф. Timur'un Ankara savasi (1402). Fetihnamesi // Türk tarih Kurumu. Belgeler. Turk tarih belgeleri dergisi, 1986. – S.15, 1 – 22; Ўша муаллиф. Timur'un ölümünden sonra Guney Iran'da hakimiyet mucadeleleri atsiz armagani. – Istanbul, 1976. – S.3 – 15; Ўша муаллиф. Timur'un ölümünden sonraki hakimiyet mucadelelerini kisa bir bakis // DTC. Fakültesi, cumhuriyetin 50 yıldönü Münü Anma kitabı. – Ankara, 1974. – S.383 – 390; Ўша муаллиф. Timur devri Anadolusu // Osmanli. –Ankara, 1999. I cilt. – S.229 – 234; Amarger P., Laffont K. La fureur des tartares. – Paris, 1996. – 358 p.; Amoretti B.S. Religion in the timurid and safavid periods // The Cambridge history of Iran. – The Cambridge University Press. 1986. VI. Chapter 12. – P.610 – 656; Andrews P.A. The tents of Timur: an examiniation of report on the quriltay at Samarkand, 1404 // Art of the European steppe land. ed. P.Denwood – London, 1978. – P.143 – 181; Bonville G. de. La terrible vengeance de Tamerlan // Melanges de l'Universite Saint-Josseph. – Beirut, 1975 – 1976. XLIX. – P.803 – 817; Bozkurt M.E. Aksak Temur'un develof politikas. – Istanbul, 1943. – 48 p.; Bouvat L. Timur lang // EI. Encyclopaedia Islam. 1934. Vol.4. – P.777 – 779; Brent-Barbara. A carpet and related pictures. A legasy of Timur's Samarcand // Oriental Art. 1984. XXX. №2. – P.186; Bretschneider E. Notice of the medieval geography and history of Central end Western Asia. Drawn from Chinese end Mongol writings, end compared with observations of western authors in the middle ages. – London, 1877. – 234 p. 2 maps; Brion M. Tamerlan: Presentation de Tamerlan par M.Brion; texts de Tamerlan: Ibn Arabchah, Cheref ed-din, Ibn Khaldoun, l'archeveque de Sultanieh, l'ambassadeur Clavijo. Le merechal boucicant. – Paris, 1963. – 382 p.; Capus G. A Travers le Royaume de Tamerlan. – Paris, 1892. – 434 p.; Chaghtai A. Indian links with Central Asia in architecture // Indian Art and letters. – London, 1937. XII. – P.85 – 104; Dizer M. Ulugbeg. – Ankara, 1989. – 98 s.; Ferrier R. Trade from the 14th century to the end of the safavid period // The Cambridge history of Iran. – The Cambridge University Press. 1986. Vol. VI. – P.412 – 491; Fourniau V. Histoire de l'Asie Centrale. – Paris, 1994. – 128 p.; Frenet F. La ville de Cyrus a Tamerlan // Samarcande 1400 – 1500. – Paris, – P.74 – 82; Haider M. The sovereign in the Timurid state (XIV – XV centuries) // Turcica. 1976. VIII. 2. – P.57 – 79; Haidar M. Timurlar davlatinde hakimiet anlayisi (XIV – XV yuzyillar) // Cev.

Темур салтанати ҳақидаги анча холис тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Айниқса, Франция Европа темуршунослигининг йирик марказларидан бирига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу ерда «Темурийлар даври тарихи, санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси»¹ фаолият юритмоқда. Бу уюшма ва Францияда чоп этилаётган «La Timuride» журналига Люсен Керен раҳбарлик қилмоқда. Ушбу журналда Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қатор илмий мақолалар мунтазам равишда бериб борилади.²

Жумладан, Л.Керен³ кўплаб тадқиқотларида Амир Темурнинг тарихдаги буюк хизматлари, унинг давлатида адолат ва қонун устуворлик қилгани, «раҳбар бўлишдек туғма, аммо ақлга сифмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби»⁴ бўлганлигини тарихий фактлар орқали очиб берган. Унинг тадқиқотлари илмий-оммабоп характерга эга.

Француз темуршуносларидан Жан-Пол Рунинг Амир Темур ва унинг фаолиятига оид «Тамерлан»⁵ деб номланган улкан тадқиқоти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Жан-Пол ўз

Ehrem Memis. Turk kulturi, 1984. XII. – S.611 – 632; Halil Inalchik. Osmanli tarihine toplu bir bakis // Osmanli. – Istanbul, 1999. 12 ciltlik. I cilt. – S.69 – 70; Hookham H. Timurlaine the conqueror. – London, 1962; Kennedy E. The exact sciences in Timurid Iran // The Cambridge history of Iran. – The Cambridge University Press. 1986. Vol.VI. – P.568 – 581; Lentz T., Lowry G. Timur and the princely vision. Persian art and culture in the fifteenth century. – Washington, 1989. – 396 p; Leomu F. Tamerlan. – Paris, 1996. – 354 p. and others.

¹ Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.15.

² Beaupertius – Bressand F. L'art des jardins a son apogee ou splendeur des jardins de Samarkand // La Timuride. –Paris, 1990. №4. – P.7 – 8; Ўша муаллиф. Festivites timurides // La Timuride. – Paris, 1996. №16. – P.2 – 3; Jardins Timurides // La Timuride. – Paris, 1991. №5. – P.10; Szuppe M. Le Khorassan et l'Asia Centrale aux XIV – XVIe siecles: aspects de l'unite culturelle et politique // La Timuride. – Paris, 1995. №14. – P.8 – 15.

³ Kehren L. Tamerlan, le Seigneur de fer. – Neuchatel, 1978. – 260 p.; Ўша муаллиф. Tamerlan. – Paris: Payot, 1980; Ўша муаллиф. Tamerlan et Byzance // La Timuride. – Paris, 1994. №13. – P.3 – 6; Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изохлар муаллифи Б.Эрматов. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 224 б. ва бошқалар.

⁴ Керен Л. Амир Темур салтанати... – Б.169 – 170.

⁵ Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер с фр. Е.А.Соколова. Послесл. В.Л.Егорова. – М.: Молодая гвардия, 2004.

тадқиқотида Чингизхон ва унинг авлодлари, Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келиши, давлат тузиши, Эрон, Олтин Ўрда, мусулмон давлатлари билан муносабатлари ва бошқа тарихий жараёнларни очиб беришга интилади.¹ Унда дин, маданий ҳаёт, давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар каби масалалар умумий ҳолатда ёритилган.

Кембриж университети олимлари тадқиқотларининг Эрон тарихи билан боғлиқ қатор жилларида² ҳам Амир Темур даврига оид бир қанча таҳдиллар мавжуд, аммо уларда давлат бошқаруви масалаларига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Тадқиқотчилар орасида Беатрис Форбес Манцнинг Темурийлар давлати бошқарувини ўрганишга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш ўринли.³ У Амир Темур давлат тепасига келишидан аввал Чигатой улусида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этник ўзгаришлар, Амир Темур давлатининг маъмурий бошқаруви хусусида айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган.

Бу борада Ғарбда салмоқли изланишлар олиб борган олимлардан яна бири Ҳилда Ҳукхэмдир. У Амир Темурнинг шахси ва фаолиятини холисона тадқиқ этишга ҳаракат қилган.⁴ Ҳ. Ҳукхэм асосан Амир Темур фаолиятини умумий тарзда ёритиш билан чекланиб, унинг давлат бошқарувини тадқиқ этмаган.

Юртимизда ҳам Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини холис ўрганиш, тарғиб қилиш мустақилликдан сўнг кенг авж олди. Ўтган йиллар давомида Амир Темур даврига бағишлиланган қатор илмий тадқиқотлар дунёга келди. Жумладан, Ҳалим Бобоев томонидан Амир Темур ва темурийлар давридаги

¹ Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.20 – 279.

² The Cambridge history of Iran. – Cambridge, 1970. Vol.2. – P.586 – 587; The Cambridge history of Iran. – Cambridge, 1986. Vol.6. Chapter 7; The Cambridge history of Iran. The timurid and safavid period. – The Cambridge University Press. 1986. Vol.6. – P.12 – 14; Timur's invasion. The Cambridge history of India. – The Cambridge University Press. 1987. Vol.6. – P.195 – 201.

³ Manz Beatrice Forbes. Adminstration and the delegation of Authority in Temur's Dominions // Central Asiatic Journal. 1976. №XX. – P.191 – 207; Ўша муалиф. The Ulus Chagatay before and after Temur's rise to power // Central Asiatic Journal. 1983. №XXVII. – P.79 – 100; Ўша муалиф. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989.

⁴ Hookham H. Timurlaine the concueror. – London, 1962; Ҳукхэм Ҳ. Властитель семи созвездий / Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. – 320 с.

сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи тадқиқ этилди.¹ Унда давлатни идора қилиш тадбирлари, кенгашлар, вазирлар ва амирларни жой-жойига қўйиш, сипоҳ ва бошқалар хусусида тўхталиб ўтилган. Ҳ.Бобоев асосан мавзунинг хуқуқий асосларини ёритишга интилган.

А.А.Тўлаганов томонидан «Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавкеи» («Темур тузуклари» асосида)² мавзуида тадқиқот амалга оширилди. Олим «Тузуклар»нинг яратилиш тарихи, унинг Мовароуннаҳрдаги сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишдаги аҳамияти, Амир Темурнинг давлатни идора қилишга оид таймайлари, тадбирлари ва ташкил этилган давлат кенгашларининг давлатчилик тарихидаги ўрни масалаларига эътибор қаратган.

Зиёдулла Муқимовнинг илмий ишида эса Ўзбекистон тарихининг VIII – XIX асрларга оид тарихий-хуқуқий манбалари ва уларнинг юридик кимматига хуқуқшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилган.³

Тарихчи олим Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» асарида ҳам Амир Темур салтанатидаги давлат бошқаруви тизими борасида тўхталиб ўтилган.⁴ У Амир Темурнинг марказлашган давлат куриши билан боғлиқ тарихий жараёнларни қисман таҳлил этган.

Д.Абиджонова инглиз илмий адабиётида Амир Темур даврининг тарихшунослиги масаласи билан шуғулланди.⁵ Бу тадқиқот ҳам мавзуни инглиз тарихшунослиги кўламида кенгрок таҳлил этишда алоҳида аҳамиятга эга.

¹ Бобоев Ҳ.Б. Ўзбекистонда XIV – XVI асрларда сиёсий ва хуқуқий таълимотлар: Юрид. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 1993. – 48 б.

² Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавкеи («Темур тузуклари» асосида): Юрид. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: ИИВ академияси, 1996. – 24 б.

³ Муқимов З. Основные исторические источники права Узбекистана (VIII – XIX вв.): Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – Тошкент: ТГЮИ, 1998. – 50 с.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар – Тошкент: Шарқ, 2000. – 368 б.

⁵ Абиджонова Д.С. Маверауннаҳр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Тошкент, 2001. – 26 с.

Мустақиллик даврида амалга оширилган тадқиқотлар орасида Х.Маматовнинг ишини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Унда олим «Темур тузуклари»нинг яратилиши ва ўрганилишини тадқиқ этиш орқали Амир Темур давлатининг ташкил топиши, тараққиёти. унинг сиёсий қарашлари шаклланишига тасаввуф таълимотининг кўрсатган таъсири, давлат бошлиғи тўғрисидағи мулохазалари, бу даврдаги давлат бошқаруви, қонунчилик ҳамда ҳукукий тартибот масаласига кенг тўхталиб, мавзунинг юридик моҳиятини очиб берган.¹

Тадқиқотчи С.Хидиров эса Амир Темур давлатининг ташкил топиши, ривожланиши, бу давр foя ва мағқураси, уларнинг давлат бошқарувига таъсири, амалдаги давлат бошқарув шакли, халқаро муносабатлар ҳукуқи борасида изланишлар олиб борган.²

Б.А.Усмонов «Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолияти нинг Россия тарихшунослигида ёритилиши»³ номли илмий ишида мавзунинг рус тарихшунослиги масаласи кенг таҳлил этилган.

Бундан ташқари, Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, Д.Юсупова, А.Аҳмедов, У.Уватов, О.Бўриев, Б.Маннонов каби кўплаб олимлар Шарқшунослик институти фондида, чет эл кутубхона ва архивларида сақланаётган Амир Темур даврига оид бирламчи манбаларни ўзбек ва рус тилларига ўгириш билан биргалиқда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб бордилар ва ноёб маълумотларни илмий муомалага киритдилар.

Шунингдек, мустақиллик йилларида қатор олимлар томонидан Амир Темур ва унинг фаолиятига бағишлаб бир канча салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди, ҳамон яратилмоқда.⁴ Бу

¹ Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да давлат ва ҳукуқ масаласи: Юрид. фан. номз... дисс. – Тошкент: ИИВ академияси, 2002. – 156 б.

² Хидиров С. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: Юрид. фан. номз... дисс. – Тошкент: ИИВ академияси, 2002. – 178 б.

³ Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолияти нинг Россия тарихшунослигида ёритилиши: Тарих. фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзФА ШИ, 2004. – 166 б.

⁴ Амир Темур жаҳон тарихида / Иш раҳбари проф. С.С.Сайдкосимов. – Тошкент: Шарқ, 1996; Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Амир Темур ва унинг дунё тарихида туттган ўрни. – Тошкент: Фан, 1996; Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва унинг қарашлари. – Тошкент: Адолат, 1992; Бўриев О. Амир Темур даврида Моварооннахр ва Мўғулистан муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.37 – 44; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997 (адабиётлар рўйхатига қаранг).

ишлар орасида «Амир Темур жаҳон тарихида» деб номланган йирик фундаментал тадқиқотни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда Амир Темур даври ижтимоий-сиёсий, иктиносий ва маданий ҳаётига оид қимматли таҳлиллар, давлатчилик тарихига оид баъзи маълумотлар берилган.¹ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 августдаги фармойиши билан бу улкан тадқиқот тўлдирилди ва 2001 йили қайта нашр этилди.²

Ушбу тадқиқотда юкорида тилга олинган асарларда ўрганилмай қолган жиҳатлар алоҳида илмий иш сифатида тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг манбавий асоси кенг қамровли бўлиб, совет даврида ва мустақиллик йилларида ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган тарихий асарлар монографияда ёритилиши керак бўлган масалаларни очиб беришда асос вазифасини ўтади.

Улардан дастлабкиси Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздийнинг «Рӯзномай ғазовоти Ҳиндистон» (Ҳиндистонга юриш кундалиги)³ асари бўлиб, Амир Темурнинг 1398 – 1399 йилларда Ҳиндистонга олиб борган юришлари асосида 1399 – 1403 йилларда ёзилган. Гарчи китоб муболағаларга бой бўлса ҳам, маълумотларнинг кўплиги билан бу давр тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Амир Темур даврига оид манбалардан бири Низомиддин Шомий (1409 йили вафот этган) қаламига мансуб «Зафарнома»⁴ асариdir. У Амир Темурнинг топшириғига асосан 1402 – 1404 йилларда ёзилган. Низомиддин Шомий Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишидан то 1404 йил ёзига қадар кечган тарихий воқеаларни содда ва равон тилда ёзган. Бу китобга 1404 – 1405 йиллардаги воқеалар – Амир Темурнинг вафотига қадар бўлган давр тарихи Ҳофизи Абру томонидан қўшимча илова сифатида киритилган.

Амир Темур даври тарихини ўрганишда Испания элчиси Руи Gonçalves de Clavijo (Ruy González de Clavijo) «Самарқанд-

¹ Давлат бошқаруви // Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.64 – 69.

² Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 304 б.

³ Гияс ад-Дин Али. Дневник похода Тимура в Индию / Пер. с перс., предисл. и примеч. А.А.Семенова. – М.: Наука, 1958. – 206 с.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 528 б.

даги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги»¹ («Vida y *hazañas del Gran Tamorlán, con la descripción de las tierras de su imperio y señorío»») асари катта аҳамият касб этади. Клавихо ўз даврининг қудратли давлати саналган Испаниянинг элчиси сифатида 1403 – 1406 йилларда Мовароуннахрга келган. У элчилиги давомида Мовароуннахрда кўрган-билгандари, таассуротлари ҳақида маълумотлар қолдиран.*

«Кундалик» Амир Темур давлатининг куч-қудрати, ички ва ташки сиёсати, расмий маросимлар, оиласвий муносабатлари, илм-фар тараққиёти, урф-одатлар, меъморчилик ва бошқа миллий анъанаclar ҳақида бизга қўплаб қимматли маълумотларни беради.

Амир Темур даврига оид яна бир машхур манба Шарафиддин Али Яздий (1454 йили вафот этган) қаламига мансуб «Зафарнома»² ҳисобланади. Бу асар қаҳрамонлик, юксак оптимистик руҳда ёзилган. Шарафиддин Али Яздийнинг бу асарида Амир Темур таваллуд топган даврдан то Халил султон давригача юз берган тарихий воқеалар ёритилган. Унда аҳамиятга молик бაъзи тўлдириш ва қўшимчалар мавжуд. Бу асар Форс вилояти ҳокими темурийзода Иброҳим султон раҳбарлиги ва топшириғи асосида 1425 йили ёзилган. Иброҳим султон бу асарнинг ҳаққоний ва ишончли чиқишида унга жуда катта ёрдам берган. Шунинг учун Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си манбалар орасидаги энг ишонарли ва ҳаққонийси ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳ – Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳимнинг (1389 – 1450) «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари)³ асари Амир Темур даврига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади. 1401 йили Амир Темур Дамашқни забт этган вақтда Ибн Арабшоҳ 12 ёшда эди. У 1401 йили асир сифатида Самарқандга

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1406) / Пер. со староисп. И.С.Мироковой. – М.: Наука, 1990. – 192 с.

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари 1360 – 1370) / Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А.Ўринбоев. Таржи-мон О.Бўриев. – Тошкент: Камалак, 1994. – 288 б.; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсакчилар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.

³ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. 2 жилдли. – Тошкент: Мехнат, 1992.

келтирилган, бу ерда 1408 йилгача яшаган ва ўз ватанига қайтгач 1419 йили Амир Темур даври тарихини ёзib қолдирған. Бу асар Амир Темурга нисбатан салбий ва душманлик муносабатида, манба ва далилларга кам асосланиб, үзининг ички субъектив таассурот ва муносабатлари асносида ёзилған бўлса ҳам, ундаги баъзи маълумотлар салтанат тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихчи Амир Темурнинг иродаси мустаҳкам, қаттиққўл ва адолатли давлат раҳбари эканлиги, давлатни қонунларга асосланган ҳолда бошқаргани ҳамда ўзи шоҳид бўлган воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. Жумладан, у ўз китобида «Темур ўз гойиблигига мамлакати ва раиаси ишларида нелар юз берганини суриштириб, еру мулклари масалаларини дикқат билан ўргана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар кўрсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини кўриб, каттаю кичикнинг ғамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозасига кўра барча ашёларни ўз ўрнига кўйиб, жами мансабу мартабалар жиловини ўшангага сазовор кишилар қўлига тутқаза бошлади. У сайидларни эъзозлаб, кароматлар соҳиблари (бўлган) авлиёларни иззату икромли қилди, илму фанни ва унинг аҳллари ҳурматини ошириб, уларга мурувватини сочиб, мартабаларини улуғлади...»¹ каби фикр-мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтган.

Амир Темур даври давлатчилигига оид яна бир муҳим асар «Темур тузуклари»dir.² Асл нусхаси топилмагани учун унинг ёзилған санаси олимлар томонидан аниқланмаган, аммо унда тавсифланган тарихий жараёнлар, воқеаларнинг аксарияти Амир Темур даврида ёзилған бошқа маълумотлар билан мос келади, унда мавжуд баъзи қимматли далил ва воқеалар бошқа манбаларда учрамайди.

«Тузуклар» сиёсий-фалсафий, маънавий-ахлоқий мазмунининг бойлиги билан машҳур бўлган ва турли даврларда кўплаб тилларга таржима қилинган, давлат бошқарувида ундаги ғоялар-

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур ... I жилд. – Б.304.

² Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржи-маси. Сўзбоши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик С. Ахмедовинки. Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 382 б.



дан фойдаланилган. «Тузуклар» Амир Темур давлатчилиги тарихини ўрганишда мухим аҳамият касб этади ва унинг мазмун-мөхиятини алоҳида мавзуларда очиб бериш долзарб масаладир.

Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофий – Ҳофизи Абру (1431 йили вафот этган) ҳам Амир Темур даврининг забардаст тарихнависларидан бири ҳисобланади. У «Мажмуъи Ҳофизи Абру», «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» (Бойсунғур мирзонинг сараланган тарихи) каби бир неча асарлар муаллифидир. «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» асарида оламнинг яралишидан то 1426 йилгача бўлган тарихий воқеалар ёзилган. Ҳофизи Абру ўз даври тарихий воқеаларини шоҳид сифатида таҳлил этади. Унинг маълумотлари ҳам миллий давлатчилик тарихимизни ўрганишда мухим ўрин тутади.

Амир Темур даври тарихнависларидан бири Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Ҳавофийдир. Унинг «Мужмали Фасиҳий» (**Фасиҳий тўплами**)¹ номли асари 1441 – 1442 йилларда ёзилган. Бунда тарихий воқеалар қиска ва лўнда йилма-йил, даврий кетма-кетликда берилган, ортиқча муболага, мақтов ва субъектив ҳиссиётлардан холи асар ҳисобланади. У Амир Темур давридаги тарихий воқеаларга аниқликлар киритишда катта аҳамият касб этади.

Амир Темур даврида бўлиб ўтган воқеаларни ёзган тарихчилардан бири Камолиддин Абдураззоқ ибн Мавлон Жалолиддин Исҳоқ ас-Самарқандий (1413 – 1483) бўлиб, «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» (Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи)² асари 1470 йили ёзилган. Унда Амир Темур, Шоҳруҳ мирзо, Улуғбек ва бошқа темурий хукмдорларнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид қимматли маълумотлар учрайди.

«Равзат ус-сафо» (Мусаффолик боғи) номли асар муаллифи машҳур тарихчи Мирхонд (1433 – 1498) ва унинг набираси Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Ҳондамирнинг (1475 – 1535) «Ҳабиб

¹ Фасиҳ Аҳмад ибн Джалаладдин Муҳаммад ал-Ҳавафи. Муджмали Фасиҳи (Фасиҳов свод) / Пер. с перс. комментарии и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – 346 с.

² Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тоҷик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва лугатлар А.Ўринбоевники. – Тошкент: Фан, 1969. II том. 1-қисм. – 464 б.

ус-сияр фи ахбор ва афroz ул-башар» (Инсон хабарлари ва фарзларида дўстнинг таржимаи ҳоли)¹ ва бошқа асарлари² ҳам Амир Темур даври манбашунослигига алоҳида ўрин тутади. Бу асар 1524 йили ёзилган бўлса ҳам, кўшимчалар киритилиб 1529 йили якунига етказилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида Давлатшоҳ Самаркандий (1435 – 1495)³, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530)⁴ каби кўплаб давлат арбоблари, сайёҳ тарихнависларнинг асарлари яратилган, уларнинг барчасига батағсил тұхталиш имконияти бўлмаса-да, тадқиқот жараёнида улардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Таҳлиллар натижасида Амир Темур тарихига тегишли манбаларда ўхшаш маълумотлар учрагани билан, улар бир-биридан даври, сифати, ёзилиш услуби, далил-маълумотларнинг бойлиги ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Уларнинг барчаси ҳам ўзига хос ва қимматли.

Муаллиф томонидан аникланган асосий ҳолатлар:

- Амир Темур шахсига хос маънавий ва ахлоқий фазилатлар унинг сиёсий мавқеи кўтарилишига асос бўлган;
- Амир Темур ўша даврда мавжуд бўлган мўгулча, туркий, форсий, арабча бошқарув усулларининг муҳим жиҳатларини бир-бири билан уйғунлаштирган ҳолда янгича бошқарув асосларини яратса олган;
- Амир Темур томонидан олиб борилган сиёsat, айниқса, мутахассислар кучидан максимал даражада фойдаланиши ва кучли ижтимоий ҳимояни ташкил этиши салтанат тараққиётiga катта таъсир кўрсатган;
- Амир Темур салтанатининг марказлашувида ва мустаҳкамланишида қурултой, марказий ҳамда маҳаллий бошқарув органлари муҳим роль ўйнаган;

¹Хондамир. Хабиб ас-сияр. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг тошбосмалар жамгармаси. Инв. №8979.

²Хондамир. Даастур ул-вузаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондси. Инв. №55/1; Ўша муаллиф. Номай номий. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондси. Инв. №801 ва бошқалар.

³Давлатшоҳ Самаркандий. Шоирлар бўстони / Форс тилидан Б.Ахмедов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 86 б.

⁴Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.

- давлатда маъмурий тизимнинг самарали ташкил этилишида мансаб (лавозим), унвон ва уларга ҳукмдор томонидан салоҳиятига қараб тайинланган шахсларнинг таъсири катта бўлган;
 - ташкил этилган мудофаа тизими ҳамда юзага келиши мумкин бўлган ички ва ташки хавфларни бартараф этиш учун юритилган изчил сиёсат салтанат баркаорлигига асос бўлиб хизмат қилган;
 - олиб борилган ҳарбий сиёсат ва ўрнатилган ҳарбий тизим, жумладан, қўшин тузилиши, сипоҳнинг ҳаракат усуллари, шахсларнинг ҳарбий мансабларга тайинланиши билан боғлиқ тадбирлар ва бошқа муҳим сифат ўзгаришлари давлатда баркаорликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этган;
 - салтанатда жорий этилган суд-хукуқ тизими давлатнинг мажбурлов аппарати бўлиб, у қонун устуворлигини таъминлаб турган;
 - Амир Темур ташки сиёсатда вазият талабидан келиб чиқиб ушбу соҳанинг муҳим йўналишларини белгилаб олган. У асосан дўстлик ва ҳамкорлик йўлида ҳалқаро муносабатлар ўрнатган ҳамда бу борада адолат тантанаси учун курашган;
 - Амир Темур дипломатиянинг аввалдан огохлантириш, вақтни чўзиш, овоза тарқатиш каби кўплаб усулларига таянган. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқаро зиддиятли муносабатларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга интилган. Унинг ғоялари, дипломатияга оид тадбирлари давлатнинг ички ҳамда ташки мавқеини мустаҳкамлашга жуда катта таъсир кўрсатган.
- Ушбу монографияда Амир Темур шахси, унинг ахлоқий фазилатларига оид масалалар янада тўлдирилиб, илк бор Соҳибқироннинг ҳукмдор сифатида давлатчиликда тутган сиёсий мавқеи таҳлил этилди. Амир Темур давлатининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, давлатни бошқаришда форсий-арабий, туркий-чингизий анъаналардан ижодий фойдаланилгани, ўзбек давлатчилиги тараққиётiga кўрсатган таъсири илк бор таҳлил этилди.
- Шунингдек, тадқиқотда илм-фан, маданият тараққиётiga туртки берган омиллар, Амир Темурнинг ушбу соҳаларга давлат сиёсати даражасида ёндашгани, натижада уйғониш, илм-фан интеграцияси юзага келгани ҳакидаги дастлабки таҳлиллар

амалга оширилди. Амир Темур салтанатида мавжуд бўлган ижтимоий табақалар ва уларнинг мавқеига оид илмий хulosалар қилинди, ижтимоий соҳа тизимлаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда очиб берилди.

Монографияда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви идоралари фаолияти алоҳида тадқиқ этилиб, уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, бу механизмининг давлатчилик ривожига таъсири таҳлил этилди. Курултойлар ҳақидаги мавжуд илмий хulosалар янада кенгайтирилди, унинг давлатчилик асосларини такомиллаштиришга кўрсатган таъсири очиб берилди.

Амир Темур давридаги мансаб (лавозим) ва унвонларга оид масалаларга ойдинлик киритилди. Илк марта мансаб ва унвонлар марказий, маҳаллий, суд-хуқуқ ва диний бошқарув тизимиға ажратиб таҳлил этилди, уларнинг давлатчиликдаги ўрни, мөҳияти кўрсатиб ўтилди.

Амир Темур даврида кечган суд-хуқуқ тизимининг ихтисослашиш жараёни, мудофаа, ҳарбий сиёсат ва уларнинг барқарор давлат қуришга кўрсатган таъсири тадқиқ этилди.

Амир Темур дипломатияси ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, дипломатик ёзишмаларнинг аҳамияти илк бор яхлит ҳолда таҳлилга тортилди.

I БОБ

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИ

1.1. Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги сиёсий мавқеи

Соҳибқироннинг давлат бошлиги сифатида салтанат тараққиётida тутган ўрни ҳали фанда алоҳида тадқиқ этилмаган, аммо Ҳ.Бобоев¹, Б.Аҳмедов², А.Саидов, Л.Керен³, О.Бўриев⁴, А.Зиё⁵ ва бошқа олимлар бу муаммога ўз изланишларида қисман тұхталиб ўтганлар.

А.Саидов: «Амир Темур ўз давлатини ҳар қандай кутилмagan вөкөалардан сақлашни, ҳимоя қилишни билган. Давлатини кучли ва мустаҳкам, халкини баҳтли ва унинг ҳаётини фаровон қилишни уddyalай олган. У ўз олдига қўйган мақсадларига қатъиilik билан эришган. Шунинг учун ҳам у ўша даврда дунёдаги энг кучли салтанатга эга бўлган»⁶, – дея таъкидлаб ўтган.

Беатрис Манц (Beatrice Forbes Manz) ўз тадқиқотининг «Амир Темур шахси»⁷ деб аталган бўлимида уни кучли характер соҳиби, моҳир сиёсатчи ва лашкарбоши, илмли инсон сифатида таърифлайди.⁸ Тадқиқотчи Амир Темур ўз даврида араб-форс дунёсининг энг пешқадам кишиларидан бири бўлганлигини ай-

¹Бобоев Ҳ. Амир Темур ва унинг қарашлари. – Тошкент: Адолат, 1992. – Б.3 – 20.

²Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати // Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.10 – 11.

³Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.16 – 72.

⁴Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

⁵Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига кадар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.151 – 233.

⁶Керен Л., Саидов А. Амир Темур француз олими наздида // Амир Темур ва Франция ... – Б.48.

⁷ Temur's personality // Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989. – P.16 – 18.

⁸Ўша жойда.

тиб, унинг турк ва форс тилида ҳам бирдек мулокот қила олиши, олимлар билан мунозарага киришадиган даражада илми борлиги, ўзи юриш қилган ерларни аввалдан тўлиқ ўргангани, ўз даврининг машҳур олими Ибн Халдун билан бўлган мунозараси ҳақида тўхталиб, кўпинча баҳс-мунозараларда унинг қўли баланд келганлигини айтиб ўтган.

Амир Темур мамлакат тинчлиги, фаровонлиги ва таракқиёт тида ҳукмдор катта роль йўнашини чуқур англаб етган давлат арбоби эди. Чунки унинг даврида тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик кўпинча подшоҳларнинг сиёсий илми, ақл-заковати, адолати, хушёрлиги ва бошқа сифатларига боғлиқ бўлган, акс ҳолда, давлат ва ҳалқ таназзулга юз тутиши мумкин эди.

Фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган давлатни барло этиш учун, аввало, ҳар томонлама юксак аҳлоқий сифатлар эгаси, нозиктаъб, сезгир, тезкор ҳаракатлана оладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мақсадини амалга оширадиган, низо ва камчиликларни бартараф эта биладиган, инсоннинг рухиятини англай оладиган, иродали ва бошқарув илми эгаси бўлган кучли шахс давлатни бошқариши талаб этиларди. Амир Темур давлат бошлиғини давлат ва ҳалқнинг ўз олдига кўйган мақсадларини амалга оширишдаги асосий воситачи деб билган. Унинг ёзишича, яхши ҳукмдор давлат тепасига келса, «атроф-теваракдаги фасодчилик тама қилишни тарқ этиб, итоату бўйсуниш йўлига кирадилар».¹

Соҳибқирон «Тузуклар»да ҳукмронлик давомида ўн икки қоидага амал қилганлигини таъкидлаб ўтган: «Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат таҳтига ўтиредим. Ўз тажрибамдан синааб билдимки, агар қайси бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлmas экан, салтанатдан бебаҳра қолур».²

У давлат бошлиғи ўзининг қатъий сўзига ва мустақил фикрига эга бўлмоқлиги, масалалар ечимини топишдан аввал ён-атрофдаги кишиларнинг фикрини инобатга олса-да, сўнгги сўзни ёлғиз ўзи ҳал қилиши, турли гап-сўзларга учмаслиги, барча билан яхши муносабат ўrnата билиши керак деб ҳисоблаган. Амир Темур ҳукмдорлик ишини нозик ва мураккаб масала деб билган,

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.81.

² Темур тузуклари ... – Б.68.

унга шерик бўлишни истовчилар ёхуд ундан устун бўлишга интилувчилар кўпайиши мумкин, давлатни лақмалик билан бошқа мансабпаст, молпаст, пасткаш кимсаларнинг қўлига топшириб қўймаслик лозим деб ҳисоблаган.¹

Кучли давлат барпо этмоқлик учун бевосита раҳбар шахснинггина адолатли ва комил инсон бўлиши етарли эмас, мақсадга эришиш учун унинг атрофидаги раҳбарлар ҳам ўз касбнинг устаси, фидойи ва ҳалол бўлишлари шарт. Амир Темур давлатининг шон-шуҳратини таъминлаган муҳим куч унинг вазирлари, амалдорлари ва сипоҳийлари эди. Ходимларни тўғри танлагани ва уларнинг куч-қувватидан давлатни бошқаришда фойдалангани Амир Темурнинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлган.

Амир Темур, айниқса, вазирлар масаласида адашмасликка интилган. У ҳушёр подшоҳ қошида адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп ўтмай салтанат уйи қулади деб уқтирган.²

Амир Темур қонунлар ва уларнинг ижросини таъминлаш халқнинг давлатга бўлган ҳурматини белгилайди деб билган. Бу йўл орқали Соҳибқирон ўзи қурган давлатнинг обрў-эътиборини кучайтириш, жамият ва давлат ўртасидаги мувофиқликни таъминлашга интилганини англаш мумкин.

Амир Темур хукмдорни давлат қудратининг рамзи деб тушунган, унинг озгина салбий хатти-ҳаракати ҳам оммага таъсир кўрсатишини яхши англаган. Шу боис давлат раҳбари ҳар қандай шароитда ҳам ўзи чиқарган қонунларнинг амалда ижросини таъминлаш шарт.³ Қонунларнинг ижросини таъминлашда, аввали, унинг ўзи ва оиласи халқقا ўрнак бўлган.

Соҳибқирон фикрича, хукмдор хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, ҳар ишдан огоҳ бўлиши лозим, бу тинчлик ва фаровонлик кафолатидир. Лоқайдлик, совуққонлик, давлатни бошқаларга ишониб топшириб қўйиш халқнинг, давлатнинг, қолаверса, давлат раҳбарининг ҳалокатига олиб келиши мумкин.

¹ Темур тузуклари ... – Б.87.

² Қўрсатилган манба. – Б.86.

³ Ўша жойда.

Амир Темур бошиданоқ ҳокимият жиловини қўлида мустаҳкам тутган бўлса ҳам, ҳокимиятни ўз ходимларига бўлиб бериш, аммо уларнинг устидан назорат ўрнатиш йўлидан борган. Бундан Амир Темурнинг мамлакат ичкарисидаги мухолиф кучларга нисбатан қўллаган тактикасини англаб етиш мумкин. Унинг фикрига қўра: «... салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат таҳтига кўз олайтира олмайди».¹

Соҳибқирон мансабпаст ва молпаст амалдорларнинг ўз мақсадларига етишиш учун ҳар қандай йўлга кириши, бунинг оқибатида коррупция урчиши мумкинлигини яхши тушунган ва шунга яраша чора-тадбирлар қўллаган.

Амир Темур давлат раҳбари мамлакат бошқарувига боғлиқ масалаларни олимлар, сиёсий арбобларнинг маслаҳатига таяниб ва кенгашларда кўриб чиқиб, сўнгги нуқтада бировнинг фикрига эргашмай ўзи ҳал қилиши, шошмай, мулоҳаза билан иш тутиши лозимлигини таъкидлаган.²

Соҳибқирон давлат арбобларининг душманлари, ҳасадгўй ва тұхматчи кишилар кўп бўлишини, баъзан амалдорлар ўз вазифасини суиистеъмол қилиши мумкинлигини ҳам яхши билган. У ҳукмдор ўз кўл остидагилар хақидаги гапларни эшлиши, гумон қилинаётган кишининг айби исботланганидагина жазолашни уқтиради, бу масалада эҳтиёткорона иш тутишга чақиради.

Жаҳонгир фикрича, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида қаттиқ ўрнашган бўлиши, унинг амр-фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмаслиги керак.

Амир Темур турли йўллар билан ўз ҳокимиятининг қудрати, илохийлигини оммага етказишга интилган ва халқ орасида ўзини шунга муносиб тутган. Тарихга назар солсак, уларнинг ҳам ҳайбатли кўринишга интилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Миср фиръавнлари ўзларини худо даражасига кўтариб, нариги дунёда роҳат-фарогатда яшашлари учун осмонўпар эхромлар курдирганлар. Қадимги Хитойда ҳам ҳукмдор Осмон худосининг ўғли деб тушунилиб илохийлаштирилган. Давлат раҳбари хақидаги бундай тушунчалар кўплаб мамлакатлар тарихига хосдир. Соҳиб-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

қироннинг давлат раҳбари ҳайбати ҳақидаги фикрига кўра, агар оддий бўлиб юрса ва ўзини ҳайбатли тутолмаса, амалдорлар ва халқ ундан чўчимаслиги мумкин. Маълумки, Соҳибқирон халқни қўрқинч ва умид орасида сақлаганлигини кўп бора таъкидлаган. Унингча, фуқаролар, аввало, давлатнинг кучини ва давлат раҳбарининг бемисл қудратини сезиши, амалдаги қонунларни бузишдан сақланиши, содир этилган жиноятга жазо мукаррарлигини, жамиият олдидағи бурчини англаши керак.

Подшоҳликнинг муҳим шарти шундаки, «подшо мажлис аҳлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб гапни ташқарига ташийдилар, подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар».¹

Амир Темур хукмдорни огоҳликка даъват этар экан, бир воқеани мисол келтириб: «Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча сұхбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари бўлиб чиқди»², – дейди.

Жаҳонгир таҳт учун кўз тикканлар, ҳасадгўйлар, тухматчи-лар кўпроқ мансабга интилишини яхши билгани боис уларга нисбатан лоқайд бўлиш давлатни хавфу хатарга ташлаш билан teng эканлигини меросхўрларига таъкидлаб, давлатни сақлаш учун доимо эҳтиёткор ва сергак бўлишга чақиради.

Соҳибқирон фикрича, хукмдорда шаклланган феъл-атвор ҳам муҳим масаладир. Ҳар кимга бир хилда одил кўз билан қарай билиш, аввало, раҳбарларга зарур бўлган энг муҳим сифатдир. У шундай деган: «Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддият ва одил қарапдим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун кўймасдим».³

Жаҳонгир фикрича, давлат раҳбари бўлиб ўтган дилхираликларни бутунлай унутиши, ўз фуқароларига нисбатан кек сақла-маслиги керак.

Соҳибқирон ўз авлодларини огоҳлантирас экан, ҳаққоний-лик ва адолат хукмдорга бош мезон бўлиши лозимлиги, акс ҳол-

¹ Темур тузуклари... – Б.87.

² Курсатилган маңба. – Б.87 – 88.

³ Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли / А.Ахмедов таржимаси. – Тошкент: Нур, 1992. – Б.9.

да, унинг давлати таназзулга юз тутишини таъкидлайди. Доимо ҳакгўйликка амал қилгани, ҳакиқатни ёлғондан ажратса билгани¹ унинг бош ютуқларидандир.

Амир Темур хамиша ваъдасига вафо қилгани, бу имон белгиси эканлигини кўп бора айтиб ўтган: «Мен ҳар кимгаки ваъда берсам унга вафо қилдим, ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсан, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим»², «халойик қайси маликнинг бузилмас аҳду паймонига ва вазифасига суюнса, унинг мулки доимо обод, лашкари кўп бўлади».³

Амир Темур бойлик ортириш мақсадидагина таҳтга ўтирган подшоҳ албатта таназзулга юз тутади деб тушунган.⁴ Ўз қайноғаси ва яқин дўсти Амир Ҳусайн билан дўстона муносабатлари бузилишига Амир Ҳусайннинг молпарастлиги ва ҳасадчилиги сабаб бўлгани, шу орқали ундан халқнинг кўнгли қолганлигини мисол келтириб, бундай иллатлар давлат раҳбарининг эл-юрт орасидаги ҳурмат-эътибори тушишига олиб келишини таъкидлаган.

Амир Темур ўз халқининг моддий аҳволини яхшилаш хукмдорнинг муқаддас бурчларидан бири деб билган. У шундай деган: «Қайси бир подшоҳ ўз раияти ва аркони давлати молига тама қилса, у девор устида туриб, ўзи турган деворнинг остини ковлаб бўшатган кишига ўхшайди. Агар девор қуласа, у кишининг ҳалок бўлиш ҳавфи бордир».⁵

Амир Темур фикрига кўра, подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Агар барча қилмишларида ҳакконият ва адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати ортади, акс ҳолда, албатта ҳалокатга юз тутади. «Ана шуларга кўра, – дейди жаҳонгир, – мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимда беғаразлик шамини тутиб, икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим».⁶

¹ Кўрсатилган манба. – Б.10.

² Ўша жойда.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.73.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Кўрсатилган манба. – Б.79.

⁶ Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли ... – Б.18.

Соҳибқирон айтадики, подшоҳ қудрати Мовароуннахр узра ёзилган улкан бир чодирга ўхшайди. Бу чодирни кўтариб турувчи устунлари адолатдир; чодирни тортиб турган арқонлар инсофдир; чодирни мустаҳкам тутиб турган қозиқлар эса ҳақиқатдир. Худди қозиқлар ва арқонлар чодирни тутиб турганидек, ҳукмдор шу уч сифати билан қудратини тиклаб турмоғи керак.¹

Амир Темурнинг давлатчилик таълимотида адолат, инсоф, ҳақиқат бир-бирини тўлдирувчи ва давлат бошқарувининг асосини ташкил этувчи таянчлар хисобланган.

Соҳибқирон ўз давлатчилик таълимотида мамлакат раҳбарига панд берувчи икки иллат ҳақида гапириб, «қайси бир ҳукмдорда ушбу икки нарса жам бўлса, унда ҳеч эзгулик бўлмайди: биринчиси жисмоний лаззатлар билан нафсини қондиришга фоятда берилиш; иккинчиси қулай имконият туғилганида фурсатни бой бериш»² эканлигини алоҳида таъкидлаган. Тарих сабоклари шуни кўрсатдики, ҳукмдор ўз шаҳвоний нафсини қондиришга берилса, унинг давлати пароканда бўлади, ўзи халқ нафратига учрайди.

Амир Темур ҳеч қачон қилиниши керак бўлган ишини вактидан кечиктирмаган. У «ишни кечиктиришда оғат кўпдур»³, «акъли киши бугунги қунни эртага қўймайди, чунки эрта ўз ишини ўзи билан олиб келади» деган тушунчага амал қилган ва унинг ижобий натижасига эътибор қаратган. «Бир ишни бажаришга киришар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб қўярдим»⁴, – дея алоҳида таъкидлаган жаҳонгир.

Амир Темур турли чора-тадбирлар құллаб душманларининг күнглига йўл топган, уларнинг билими, ақл-фаросати ва кучидан давлатни бошқаришда фойдаланган. Бу эса Соҳибқироннинг бағрикенглигини, кечирувчанлигини, оқкүнгиллигини кўрсатади. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да маҳсус дўсту душманга муомала қилиш тузуги бор: «Турон мамлакатини фатх этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтиргандан сўнг дўсту душман билан муомалада бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб жанг майдонида

¹ Уша жойда.

² Низомиддий Шомий, Зафарнома ... – Б.73.

³ Күрсатылған манба. – Б.150 – 151.

⁴ Темур тузуклари ... – Б.26.

менга карши қилич ялангочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик қилмишларидан қўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшилик қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб улар шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликларни чикардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим».¹

Салтанатда шаклланган мутахассисларнинг салоҳиятига назар солсак, уларнинг энг машҳурлари Амир Темурнинг собик душманлари эди. Унинг фикрича, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқдир.

Амир Темур ҳукмдорнинг атрофида ҳалол ва вафоли дўстлари бўлиши, улар ўз бошлиғига ҳар томонлама холисона ёрдам бериши лозимлиги, якин дўстсиз ҳукмдорнинг таназзули тезлашиши мумкинлигини тушуниб етган.

Амир Темур ҳар бир ишда, ҳарбий юришларда, давлат юмушлиарида ўзи ҳалқка ўrnак бўлгани ҳақида манбалар шоҳидлик беради. У давлат бошлиғи сифатида ҳалқнинг хурматини қозонган, доимо хайр-эҳсонлар берган, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилган, бу ҳаракатлари орқали кўплаб фуқароларнинг раҳматига сазовор бўлган, инчунин, унинг давлатига ҳам ҳалқда катта ҳурмат уйғонган. Бу эса давлат бошлиғи сиёсий мавқеининг мустаҳкамланишига катта ижобий таъсир кўrsатган.

Амир Темур ўзи томонидан бажарилган яхши-ёмон ишлар омманинг давлатга ҳурмати ёки нафратини белгилашини билиб доимо ўз обрўсини сақлашга интилган. Унинг набираси Умарга айтган панду ўғитларида ҳам давлат бошлиғининг нималарга эътибор бериши лозимлиги уқтирилган: «Ходимлар ва лашкарларга маош, инъом, укалко ва суюрғол бермоқ хайрли ишларга кенг йўл очиш учун қилиниб, исрофгарчилик ва ҳаддан оширмок ҳолатидан ўртамиёналик томон оғмок лозим, токи ишларнинг бориши тўғрилик қонунидан четга чиқмасин, тўсқинлик қилувчи сабаблар бир-бирига уланиб кетмасин, дил дардини келтириб чиқармасин ва пушаймон бўлишга тўғри келмасин».²

¹ Кўрсатилган манба. – Б.112 – 113.

² Ҳофизи Абру. (Низомиддин) Шомийнинг «Зафарномаи шоҳий» асарига илова // Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.382.

Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, подшоҳ ҳар ишда, айниқса, иқтисодий масалаларда ўртамиёна иш тутмоғи кепрак. Хазина маблағини меъёридан ортиқ ёки кам сарфлаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Амир Темур давлатда ўрнатилган қонунларга амал қилмаслик ҳам ҳалокатга сабаб бўлади деб билган. Унинг фикрича, давлат раҳбарининг ишларига тўсқинлик қилувчи сабаблар бўлмаслиги зарур, «ана шундагина зулм қилмоқ, хасисликдан узоқ бўлади, ортиқча харажат ва исрофгарчиликка йўл қўймайди. Аллоҳ таоло айтмиш (бахиллик билан) кўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг, исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг, (яъни) чиқим ва киримни бир меъёрда тутсин, шундагина юртни (бошқаришдаги) барча зарур ишлар унга осон бўлгай ва зулм қилмоққа ҳеч бир зарурат қолмагай».¹

Бугунги тадқиқотлар Амир Темур давлатининг тараққий тошида аниқ режали кирим-чиқимлар, яъни молия масалаларининг тўгри ташкил этилиши муҳим ўрин тутганлигини кўрсатмоқда. Жаҳонгир фикрича, ана шундагина мамлакатда адолат ўрнатилиши мумкин, чунки хазинанинг собит ушлаб турилиши ҳалқдан ортиқча солиқ йигилишига сабаб бўлмайди, ҳалқ ортиқча толиқтирилмайди, демакки, оммага зулм қилинмайди.

Соҳибқирон набираси Умар номига битилган нишонда яна шуни таъкидлайди: «Чегараларга ҳаёт синоатлари билан таниш, замона ҳодисалари билан эгизак туғилган хушёр, сергак, марданалиқда танилган далер ва тажрибали кишиларни қўйисин».²

Амир Темур чегара вилоятларга ҳалол, хушёр, замон икирчикирларини яхши тушунадиган, жасур кишиларни қўйган ва уларга ватан хавфсизлиги, шаънини ҳимоя қилишни топширган. «Ул жойларни, – дейди Соҳибқирон, – фаҳм-фаросат ва шижаоат бобида етук кишилардан ҳеч қачон холи қолдирмасин. Чунки тўсатдан бирор кор-ҳол бўлиб қолса ёки қандайдир зарурат туғилса, зудликда ғафлат оқибатларидан ҳимояланган бўлади ҳамда надомат, шарманда енги ва маломат тамгаси унга битилмайди».³

¹ Кўрсатилган манба. – Б.383.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Амир Темур барча темурий шаҳзодаларга давлатни бошқариш, хукмдорлик сирларини ўргатди ва уларни хукмдор сифатида тарбиялади. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, уларнинг ҳар бирига нишон битилиб, унда раҳбар қилиши лозим бўлган ишлар кўрсатилган.

Жаҳонгир ҳаммада ҳам давлат раҳбари бўлишга арзигулик лаёқат ва иқтидор бўлавермаслигини яхши англаған. Бу фикрлар коида сифатида олимлар томонидан ҳам ишлаб чиқилган. Амир Темур ҳам мамлакат раҳбарлигини тасодифий шахснинг қўлига топшириб қўйишдан сақланишни энг муҳим масала деб билган. Ўта қаттиққўл, ўта пессимист ва манипулятор (ўртача иш олиб борувчи ва ходимларни тез-тез алмаштириб туришга ҳаракат қилувчи) раҳбар ҳам бошқаришга ярамайди.

Шунингдек, давлат раҳбари ўз давлати ва фуқаросига садоқатли бўлиб, бирорларнинг олдида ўз ходимларининг обрўсини тўқмаслиги ва уларни ҳимоя қила олиши керак. Давлат раҳбарининг оптимист бўлмоғи ва бошқаларнинг фикрини инобатга олиши унинг ютукларини янада оширади. Амир Темур бошқаларнинг фикрини биз бугунги кунда таърифлаётган дельфи усули (бир-бирини танимайдиган ва бехабар бўлган турли кишиларнинг муаммога тегишли фикрини ўрганиш ва уларнинг позициясини яқинлаштириш) орқали ўргангандан ва ижтимоий фикр орқали ўз бошқарувини мувофиқлаштиришга интилган.

Амир Темур раҳбар киши хушмуомала, ходимларига эътиборли бўлиши керак деб билган. У раҳбар ҳеч қачон мақтовга учмайди, мақтовсиз ҳам ўз имкониятларини яхши билади деб тушунган. Соҳибқирон ортиқча қаттиққўллик ёхуд юмшоқлик ҳам бошқариш ишига тўғри келмайди деб билган. Чунки қаттиққўл раҳбардан ҳамма қўркади, юмшоқлик эса унинг хурмати йўқолишига, кишилар хоҳлаган ишини қилишига, бошбошдоқликка олиб келади деб билган.

Амир Темур мулозимларининг характеристи, психологиясидан келиб чиқсан ҳолда улар билан турлича мулокот қилган. «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай дейилади: «Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи устида бош қотирдим. Кечалари бўлса тўшагимда ёнбошлаб олиб мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги

ҳақида ўйладим ва уларни бажариш воситаларини ўзимча тасаввур қилиб күрдим. Сипохийларим билан қандай муомала қилишим тұғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам хато қилмаган бұламан деб ҳар ишнинг олди-кетини ўйлар эдим».¹

Бу сатрлар унинг иқтидорли сиёсатчи ва психологияның бұлганин күрсатади. Унинг тушунчасига күра, давлат раҳбари ҳаммага ҳам бир хил муомала усулини құллайвермаслиги керак. Раҳбар киши ўз ходимларининг характеристикадан келиб чиқып үларнинг құнглиға йўл топади, давлат учун иш берадиганларини қайтадан тарбиялайди.

Халқ ва амалдорлар олдида саройда ўзини қандай тутгани, ҳайбати ҳақидаги маълумотлар унинг кучли характер соҳиби бўлгани, мустаҳкам иродаси, кучли психологиясидан далолат беради.

Амир Темур ҳақида нафрат ва алам тұла сатрлар ёзган Ибн Арабшоҳ ҳам унинг тұғма хукмдорлик салоҳиятига куйидагича юксак баҳо берган: «Икки күзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ұлимдан қўрқмас, ёши саксонга (етмишга – Ш.Ў.) етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тұла ва пишиқ, худди зич қалин тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирумас, ўйин-кулгию қўнгилхушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди. У (бўлиб) ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди. Унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нахбуғорат қилиш ва ҳарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижаатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрак ва мардларни ёқтирап эди. У бетакрор (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганида ҳам ҳақгўй киши эди. У (бировдан) бир гап эшитганида далил талаб қиладиган, зимдан қарааш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, юз берадиган барча ишни қўриб-билиб

¹ Темур тузуклари ... – Б.117.

туар эди. Унинг назарида, алдовчининг алдови яшириниб колмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан сохта (насиҳатгўйни) идрок этар; ўз афкори билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати ва мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра ўкини ўз орқасидан эргаштираси эди».¹

Люсен Керен ҳам жаҳонгирнинг характеристири ҳакида тўхталиб шундай ёзган: «Соҳибқирон билан мулоқотда бўлган ҳар кимса унинг на хасталик, на кексалик сўндира олган завқ-шавқидан, ўзини тутишидан, одамлар ва рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардор эканлигидан ҳамда дунёда ҳеч нарса рахна сололмайдиган кучли иродасидан ҳайратга тушарди».²

Ўзининг сўнмас иродаси ва характеристири туфайли Амир Темур жангу жадал ва сиёсатда енгилиш нималигини билмаган. Чунки унга ишнинг боришидан кўра натижаси мухимроқ бўлган ва дикқат-эътиборни муваффақиятли натижага эришишга қаратган. Ўзининг феъл-автори ён-атрофдагиларга, аскарларга қаттиқ таъсир қилишини яхши англаган ва энг таҳликали, оғир дамларда ҳам доимо бардам бўлишга интилган.

Л.Керен: «Амир Темур ўзи билмаган бирор шаҳарга ташриф буоришдан олдин шу шаҳарнинг майдон-кўчалари ва кўзга кўринган аъёнларининг ҳаёти, юриш-туришлари тўғрисида ипидан-игнасигача хуфёна билиб оларди. Шаҳарга киргач эса у кўчаларда бемалол сайд қилар ва маҳаллий аъёнлардан бирини чақириб, барчанинг кўз ўнгига ундан фақат шу кимсагагина маълум бўлган воқеа ва муносабатлар тўғрисида худди эски танишлардек суриштира бошларди»³, – деб ёзади. «Ана шунда суҳбатдоши ҳайратдан ёқа ушлар, Амир Темур рўй берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган экан деган хаёлга борарди».⁴

Манба ва тадқиқотлардаги бу маълумотлар бизнинг «давлат раҳбари ўз салтанати ва қўшни мамлакатлардаги асосий во-

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи ... – Б.65 – 66.

²Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.162.

³Кўрсатилган манба. – Б.168.

⁴Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Тошкент: Мехнат, 1992. П китоб. – Б.72

қеалар, ўз худудларининг таъсир кучига эга бўлган щахслари, шаҳар ва қишлоқлари ҳаёти, жуғрофиясини яхши билиши ва шунга монанд сиёsat олиб бориши лозим» деган хulosага келишимизга асос яратади.

Амир Темурнинг барча ҳатти-ҳаракатлари давлат, жамият ва ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганди. У ҳамиша эл ғами билан яшаган, ўз ватанинг садоқатли, иймони бутун фарзанди бўлган.

Жан-Пол Ру ҳам ўз ватани, дўстларига садоқати, адолати, камбағал ва заифларга меҳр-муруввати, босиклиги, жасурлиги, сахийлиги, интеллектуал ва ахлоқий қадриятларга ҳурмати, художўйлиги, маданиятлилиги, қизиқувчанлиги ва бошқа сифатлари Амир Темурнинг муваффакиятларига сабаб бўлганини айтиб ўтган эди.¹ Олим: «Амир Темур оддий ҳалқнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб турган, фуқароларнинг манфаатлари йўлида ҳатто нарх-наво, олинадиган солиқлар, давлат хизматчиларининг ҳатти-ҳаракатларини қаттиқ назорат қилган. Мен Амир Темурда гўзал инсоний фазилатлар мужассам бўлганига ишонаман, агар у адолатсиз, лоқайд ва хасис бўлганида бу каби ишларни бажармаган бўларди»², – дейди.

Амир Темур инсоний фазилатлар эгаси бўлиш билан бирга ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ҳам кўрган. Жумладан, инсон психологиясини ўрганиш мобайнида ҳалқقا таъсир кўрсатиш йўлларини қўллаган. Соҳибқирон ўзининг туштаъбирию ҳаётида содир бўлган ғайритабиий ҳодисалар ҳақида ҳам атрофдагилариға хабар бериб турган ва улар албатта ҳалқ орасига яшиндай етиб борган. Бу нозик информацион тактикалар ҳам унинг устомон ҳукмдор бўлганлигини кўрсатади.

Психологик ҳужумларида, мактубларида ҳам ўзининг бу дунёга Аллоҳ томонидан юборилгани ва омад унга албатта ёр бўлажагини қайта-қайта айтиб рақибини даҳшат ва хавотирга солган.

У қаттиқўл, сергак ва салобатли инсон бўлиш билан бирга табиатан содда ва камтар ҳукмдор эди. Зафар чоғида ёғдирилган мақтов ва табрикларга: «Ёлғиз худонинг иродаси билангина биз бу зафарга эришдик», – деб камтарона жавоб берган.

¹ Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.153.

² Кўрсатилган манба. – С.230 – 231.

Херман Вамбери унинг бу сифатларига қуйидаги баҳо берган: «Осиёning ярмини титратиб турган, тахти остида қанча шоҳлик хонадонларини яксон қилган бу садам ўзининг сиёсий аҳдларини қуйидаги жуда содда иборалар билан бошлар эди: «Мен, Тангрининг қули Темур, шуни айтаманки...»¹

Низомиддин Шомий Амир Темурнинг мамлакат ва давлат қонун-қоидаларини мардоналик кучи билан, саодатли толеи баракоти, тақдирга мувоғик тадбири ва яхши кечмишлар билан мустаҳкамлагани ҳақида ёзиб қолдирган.²

Амир Темурдек буюк давлат арбоби инсоният тарихида камдан-кам учрайди. Даврнинг мураккаб жараёнларида унинг ҳарактери, психологияси, илми, салоҳияти, тафаккури шаклланган.

Жаҳонгирнинг давлат раҳбари ҳақидаги таълимотини темурпийлардан Шоҳруҳ мирзо (1377 – 1447), Улуғбек мирзо (1409 – 1449), Ҳусайн Бойқаро (1438 – 1506) ва бошқалар давом эттиридилар ҳамда давлатни анча муваффакиятли бошқаришга муваффак бўлдилар. Жумладан, Шоҳруҳ мирзо Амир Темурнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришга интилди. Унинг давлат раҳбари тўғрисидаги қуйидаги мулоҳазалари фикримизга далилдир: «Яроғ-аслаҳамизнинг ожизлиги ва ҳолатимизнинг нуқсонлилигига қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари узра жорий қилди... Энди давлат ва подшоҳлик қадрини билиб илоҳий неъмат шукрини бажо келтириш ҳамда инсоф ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очиқ тутгин, олам ободончилигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш дехқонларни адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан ўзингча яқин қилгин. Давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг кўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очиқюзлик, хушмуомалалик билан ўзингга муте ва итоаткор қилиб уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларни белгиланган вақтда тўла етказиб тургин, жонсипорлик шартларини бажаришда жидду жаҳд кўрсатганларга инъомни оширгин ва баъзи ташлаб қочувчилар йўлинни тутганларга саза бериб жазолагин; хулласи, барча ҳол-

¹ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароунаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б.56.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.81.

ларда «ишининг яхшиси миёнаси» деган ҳадисга амал қилиб ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлгин, чегараларга иш кўрган ва тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотган кишиларни тайин қилиб, у ерлар қальаларнинг мустаҳкамлиги борасида зарурий чораларни кўргин».¹

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шундай хulosса қилиш мумкинки, Амир Темур раҳбар сифатида салтанат тараққиётида муҳим роль ўйнаган. У қатъият билан ўз олдига кўйган мақсадларига эришган, ўз даврининг энг зукко кишиларини пирлари деб тан олган, олимларининг ёрдамига таянган. У сиёсий илмли, ақл-заковатли, адолатли, хушёр, сергак, юксак ахлоқий сифатлар эгаси, нозиктаъб, сезгир, тезкор ҳаракатлана оладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мақсадини амалга оширадиган, ниزو-камчиликларни бартараф эта оладиган, инсоннинг руҳиятини англай билган иродали инсон бўлиш билан бирга бошқарув илмини пухта эгаллаган эди. У адолатли, меҳр-мурувватли, фуқароларни ўйлайдиган жонқуяр подшо бўлиб, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барчага бирдай муомала қилган.

У ўзига мухолифатда бўлган кучлар билан келишиб, собиқ душманларининг куч ва имкониятларидан давлат тараққиёти йўлида фойдаланган. Амир Темур ўз мақсадларига эришиш, қудратли салтанатни барпо этишда етук мутахассисларга, айниқса, ишбилармон, билимли, адолатли ва доно вазирларга таянган. Соҳибқирон салтанатда ўрнатилган тартиб-қоидаларга, аввало, ўзи амал қилган, оиласи ва ён-атрофдаги амалдорлардан ҳам шунга риоя этишни талаб қилган. Содир этилган жиноятларга муқаррар равишда жазолар тайинланган.

Амир Темур ўз салтанати ва ён-атроф мамлакатларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни сергаклик билан кузатган ва эҳтимолий хавф-хатарларнинг олдини олган.

Молиявий сиёсатни тўгри юритгани ҳам унинг муваффақиятларига замин ҳозирлаган. Кишим-чиқимларни, сарф-харажатларни меъёрида олиб борган, йўқсилларга доимий равишида хайр-эҳсонлар қилиб турган, илм-фанга ҳомийлик қилган.

¹ Абдулрассоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар, лугатлар А. Ўринбоевники. – Тошкент: Фан, 1969. 2-том. I кисм. – Б.135.

Хуллас, ўзи тузган салтанат тарақкиётида Амир Темур давлат раҳбари сифатида бемисл ўринга эга. Юқоридаги маълумотлар олиб борилган барча ислоҳотлар бевосита Амир Темурнинг раҳбарлик салоҳияти самараси эди деган хуносага келишимизга турткни беради.

1.2. Амир Темур салтаиатида бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари

Амир Темур салтанати бошқарувининг ўзига хос хусусиятларига баҳо беришдан аввал XIV аср ўрталарида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳакида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур даврда минтақа мураккаб вазиятда қолган бўлиб, бунинг бир неча сабаблари бор эди. Биринчидан, мамлакатда бир ярим аср аввал бостириб келган мўғуллар зулми давом этаётган бўлса, иккинчидан, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ва бошбошдоқликлари ҳалқнинг аҳволини оғирлаштираётган эди. Боз устига, ҳалқ ҳам ажнабий, ҳам маҳаллий ҳукмдорларга керагидан ортиқ соликлар тўлаши оқибатида кундан-кунга иқтисодий танглик кучайиб борар эди.

Бу даврда Мовароуннахрда мураккаб вазият ҳукмрон бўлишига қарамай, ягона давлат тузишга ҳам имконият мавжуд эди. Сабаби, мўғуллар ички низо ва урушлар оқибатида заифлашиб қолганди.

Қолаверса, майда ҳокимлар ҳам ўзаро бир-бирлари билан курашар, ҳалқ, унинг юқори ва пастки қатламлари эса мамлакатнинг ягона давлатга бирлашишидан манфаатдор эди.

Юқорида келтирилган омиллар мустақилликни давр талабига айлантириб қўйганди.

Сарбадорлар бу эҳтиёжни амалга оширишга – мамлакатни мўғуллар ва ўзбошича маҳаллий маъмурлардан тозалашга интилиб XIV асрнинг 60-йилларида озодлик ҳаракатини бошлигандилар. Улар Самарқанддан мўғул босқинчилари ва маҳаллий маъмурларни ҳайдаб, бу шаҳарни ўзларига қароргоҳ қилиб олганлар.

Ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларини яхши билган Амир Темур XIV асрнинг 60-йилларида сиёсий майдонга чиқди, вазият-

дан фойдаланиб Мовароуннахрни ягона давлатга айлантириш чора-тадбирларини күра бошлади. Бу борада Амир Темур сарбадорлар билан ҳам биргалашиб ҳаракат қилишга интилган бўлса-да, уларнинг давлат бошқарувида катта куч бўла олмаслиги, тажрибаси камлиги, ҳарбий жиҳатдан заиф эканлигини билиб, ўзи давлатни қўлга олишга ва мақсадларини амалга оширишга интилди.

Амир Темур даставвал мўғулларни Мовароуннахрдан ҳайдаш, таркоқ ва майда ҳокимликларга зарба беришга ҳаракат қилди. Ўз вақтида қўлланган чора-тадбирлар ижобий натижасини берди ва 1370 йили Амир Темур Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлди.

Энди унинг олдида халқ, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш ҳамда ободончилик ишларини йўлга қўйиш вазифалари тураг эди. Амир Темур юртининг фарзанди ва давлатчилик анъаналарининг давомчиси сифатида турли минтақаларда шаклланган туркий, мўғул ва форсий бошқарув анъаналаридан фойдаланишга интилди. Давлатчиликда турли ижобий анъаналарни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш йўлидан борса-да, барибир, туркий анъаналар асос вазифасини ўтади. Соҳибкiron ўз даврида чиқарилган қонунларни амалга татбик этиш, улар орқали адолатни таъминлашга эришган, шу билан бирга, давр талаб-эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ҳарбий кучга ҳам таяниб давлат тинчлиги ва жамият барқарорлигини сақлаб турган.

Хорижлик муаллифлар Т.Ленц ва Г.Лоури Амир Темур салтанати нафақат ҳарбий куч билан барқарор турганлиги, балки сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётдаги турк-мўғул анъаналарининг энг мақбул ва афзал жиҳатлари сақланиб қолганлиги ҳам давлатни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлганини айтадилар.¹

Ҳинд олимаси М.Ҳайдар ҳам давлат бошқарув институтларида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли маданияти акс этгани, ҳар икки тоифа аҳоли маданий анъаналарининг давлатчиликка сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаб, бу тадбирлар салтанатни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатганлигини кўрсатиб ўтади.

¹ Lentz T., Lowry G. Timur and the princely vision // Persian art and culture in the fifteenth century. – Washington, 1989. – P.27.

Муаллиф хар икки маданият анъаналари бошқарувга сингдирилса-да, аммо барча жабхаларда туркий давлатчилик анъаналари устунлик килганлигини қайд этади.¹

Демак, бошқарувда ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг диний, миллий, минтақавий, этник қадриятлари ифодаланган. Уларнинг манфаатлари ўртасидаги мувофиқлик топилганлигини Жан-Пол Ру қайд этиб ўтган эди.² Бу омиллар давлат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган.

Америкалик олима Beатрис Манц Амир Темур ҳокимиятга келиш араfasида Чигатой улусининг мавқеи катта бўлгани, минтақада мўғул бошқаруви ўрнатилгани сабабли чигатоий зодагонлар сиёсий ҳаётда катта роль ўйнагани, бу анъаналарнинг Амир Темур даврида ҳам сақланиб қолганлигини таъкидлайди.³ Унинг фикрича, фуқаролик бошқаруvida форс тили ва маданияти анъаналари устунлик килган, аммо давлатни бошқаришда форсийзабон кишилардан кўра турк-мўғул уруғларидан бўлган амирларнинг таъсири кучли эди.⁴

Бу даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уруғ-қабилачилик анъаналари сақланиб қолган бўлиб, *барлос*, *арлот*, *жалойир*, *сулдуз*, *ясури*, *апарди қабилалари*, *Хутталон амирлари*, *қорунаслар* сиёсий жиҳатдан катта мавқега эга бўлган.⁵ Улар орасида барлос қабиласининг мавқеи бошқа қабилаларнидан устун турган.⁶

Амир Темур давлатни бошқаришда икки тоифа кишилар – форсий ва чигатоийларнинг мавқе, билим ва тажрибаларидан фойдаланган, айни дамда, уларнинг куч ва имкониятларини чеклашга интилган, бу эса барча соҳалар устидан назорат ўрнатишга имкон берган.⁷

Турли бошқарув анъаналаридан яхлит бошқарув тизимини яратгани, ҳокимиятни марказлаштиришга интилгани Амир Тे-

¹ Haider M. The sovereign in the Timurid state (XIV – XV centuries) ... – P.62.

² Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.233.

³ Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane ... – P.20 – 23.

⁴ Manz B.F. Structure and function in Temur's administration // The rise and rule of Tamerlane ... – P.107 – 109.

⁵ Кўрсатилган манба. – Р.119 – 121.

⁶ Ўла жойда.

⁷ Кўрсатилган манба. – Р.113.

мур бошқарувининг ўзига хос хусусиятларидандир. Шунингдек, Соҳибқирон ўз давлатининг мафкуравий, маънавий ва ахлоқий асосини кучайтиришда шариат қоидаларига таянган. Х.Маматов Амир Темур ислом мафкурасидан давлат бошқарувини та-комиллаштиришда ҳалқ билан давлатни бирлаштирувчи куч сифатида фойдаланганини¹ алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мўғуллар даврида заифлашиб қолган исломнинг таъсирини тиклаш ва кучайтириш, ўз қўл остидаги ҳалқларнинг тинчлиги, иқтисодий барқарорлиги, конунийлик ва адолатни таъминлаш унинг асосий гояларидан эди.

Низомиддин Шомий Амир Темурга шундай баҳо беради: «... у бир комил зот бўлиб, унинг лутфу қаҳри ҳар бир замон тала-бига қўра олам аҳлига намоён бўлиб туради. Унинг хайрли ишлари, расм-русумлари, феъл-автори ва сўзларининг таъсири фа-қат йиллар эмас, кўп асрлар давомида замона саҳифасида боқий қолади, набира-чабиралари, дўстлари ва яқинлари ўша йўлдан юрадилар, унинг феъли ҳаракати ва нуфузли ҳукмларига эриша-дилар. Бу даъвонинг шоҳиди ва бу маънонинг нишони адолатли, энг ҳимматли улуғ амир Соҳибқирон Амир Темур Гўрагоннинг вужуди шарифларидир. Унинг адолатли сиёсати жазога яқин, қаҳри эса лутфга аралашдир... Юқори даражадаги фозиллар ва улардан қўйироқ кишиларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўра барқарор тутади. Ҳар бир кишини фазли ва донишмандлиги да-ражасига лойик мақомга қўяди. Машойихлар ва солиҳ бандаларни улуғлайди, улар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммажлис бўлишга рағбат кўрсатади. Ожиз кишилару раиятни, савдогару деҳқон-ларни муҳофаза этишда қонунларга риоя килиб, адолат расмини бажо келтиради».²

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Амир Темур ўз давлати сарҳадларини юришлар эвазига кенгайтирган бўлса ҳам, адолатли қонунлар, тўғри қўлланган бошқарув орқали минтақалардаги тинчлик, барқарорлик ва адолатни таъминлашга интилган.

Баъзи адабиётларда Амир Темурнинг бу саъӣ-ҳаракатлари тўғри баҳоланмай, Чингизхон каби салбий шахс сифатида тал-кин этилади. Бизнингча, Амир Темур бошқарувининг Чингиз-

¹ Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да давлат ва ҳуқук масаласи ... – Б.105.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.20 – 21.

хон давлатчилиги анъаналаридан фарқ қилувчи қатор жиҳатла-ри мавжуд.

Биринчидан, девон тизими қадимги давлатчилик анъанала-римизга мувофик тузилган бўлиб, бу аппарат – маъмурӣ ти-зимни Соҳибқирон бошқарувга асос қилиб олиб кирган эди.

Иккинчидан, агар Чингизхон 1206 йили Онон дарёси бўйи-да чақирилган курултойда уруғ-қабилачилик тузумида яшаёт-ган, геосиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлмаган саҳрова осонлик билан илк мӯғул давлатининг раҳбари этиб сайланган бўлса, Амир Темур ўзига хос давлатчилик анъаналарига эга, IX – XII асрларда дунё цивилизациясини бемисл даражада бо-йитган ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли юртида ягона давлат тузишга эришган.

Фарб ва Шарқни бօгловчи кўприк хисобланган Ўрта Осиё ер ости ва ер усти бойликларига кон, табиати мўътадил, энг муҳими, барча фотиҳларнинг назари тушадиган, Буюк ипак йўлининг йи-рик тармоғи ўтган, геосиёсий муҳим ҳудуд эди. Шунингдек, XIII – XIV асрларда Ўрта Осиё ҳалқлари бир ярим асрлик мӯғул зулми ва адолатсизликлардан эзилган, тарқоқлик кучайган, иқтисодий қийинчиликлар авжида эди. Амир Темур ана шундай мураккаб даврда марказлашган давлат тузиш вазифасини уddyалади.

Учинчидан, ислоҳотларда ислом мафкураси биринчи ўринга қўйилган.

Тўртингидан, Амир Темур, Чингизхондан фарқли ўлароқ, ислом ва адолат байроби остида юришлар уюштирган. Унинг ҳарбий юришлари Чингизхон уюштирган кирғинлардан тубдан фарқ қиласи. Агар Чингизхон ўз юришларида бемаъни қирғин-лар уюштириб, кўплаб шаҳарларнинг аҳолисини тамомила қи-риб ташлаган бўлса, Амир Темур ҳарбий ҳаракатларида у ёки бу ҳудудда адолат ўрнатиш, золимларнинг қўлини қирқиши мақсад қилиб қўйилган. Шунда ҳам аввал масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уринган. Фақат бу уринишлар зое кетганидагина қилич ишлатган.

Бешинчидан, Чингизхон ўз бошқарувида кўчманчи аҳоли-нинг манфаатларини ҳимоя қиласи. Амир Темур эса ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда давлатни бошқарган.

Олтинчидан, Чингизхон асосан бойлик орттириш мақсадида юришлар уюштирган. Амир Темур эса минтақаларда божу хирожлар олиш билан бирга тинчлик, хотиржамлик, адолат, қонунийлик, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан борган.

Еттинчидан, Чингизхон юриш қилган ерларида ўз ортидан вайроналар қолдирган. Бу йўқотишлар кўплаб халқлар ва давлатларнинг қарийб бир юз эллик йил орқага қайтишига, таракқиётнинг кескин даражада пасайиб кетишига сабаб бўлган. Амир Темурнинг минтақалардаги юришлари шунчаки бойлик орттириш миссияси эмасди, унинг замирида жиддий асослар мавжуд эди. Амир Темур рақибларининг айби билан вайрон этган ерларни вақти келиб қайта тиклаган ва ўзига бўйсунган ерларда кенг бунёдкорлик ишлари олиб борган. Чингизхондан Амир Темур томонидан бунёд этилган Самарқанд, Кеш, Байлақон каби муҳташам шаҳарлар, шифохоналар, масжиду мадрасалар, кўприклар, работлару бозорлар мерос қолган эмас. Бу масалада ҳам уларни бир-бири билан таққослаб бўлмайди.

Баъзи адабиётларда Чингизхон ва Амир Темур бешафқатлика тенг айбланади. Аммо Амир Темур кўрган чоралар рақиблири томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан жазо бўлганини унутмаслик керак. Баъзи манбаларда унинг Исфаҳон, Сабзавор каби шаҳарларда қирғинлар уюштиргани, одамлар калласидан миноралар қурдиргани ҳақида бўрттирилган маълумотлар бўлишига қарамай, ҳали археолог олимлар томонидан бу фактларнинг бирортаси исботланмаган.¹ Биз бу билан Амир Темур томонидан уюштирилган қирғинларни окламоқчи эмасмиз. Бироқ ўша пайтда заифлар кучлilarга бўйсунгани, халқаро сиёсий нуфуз ҳарбий куч орқали мустаҳкамлангани, ҳар бир подшо ўз мамлакати яхлитлиги, хавфсизлигини жангу жадаллар билан муҳофаза этганини унутмаслик керак. Бундай урушлар ўрта асрлар учун табиий ҳол эди. Унга ўхшаш, ҳатто ундан ҳам даҳшатли қирғинлар XVIII, XIX, XX асрларда ҳам уюштирилганлигини инобатга олиш лозим.

¹ Воробьев А. Тимур Великолепный // <http://www.peoples.ru/state/statesmen/tamerlan/>

Саккизинчидан, Амир Темур ҳарбий соҳани мӯғул услубига кўра юритган бўлса ҳам, унга катта ўзгартиришлар киритди ва маъмурий бошқарувда турк-форс-араб анъаналаридан унумли фойдаланди.

Тўккизинчидан, Чингизхон ўз ватанини озод қилиб, мустакил ва марказлашган давлат тузиш режасини тузган эмас. Амир Темур эса Мовароуннаҳдагина эмас, бутун Осиё минтақасининг катта кисмида қудратли салтанат тузиб, бу ерда истиқомат қиласидан ҳалқларнинг тинчлик-фаровонлигига катта имкониятлар яратди. Унинг даврида давлат, жамият ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга, барча соҳалардаги ижобий ўзгаришларга айнан давлат томонидан олиб борилган сиёsat бош омил бўлиб хизмат қилди.

Маъмурий тизимда ҳам ихчамликка ва самарадорликка, хазина маблағини иқтисод қилишга катта эътибор қаратилди. Амир Темур салтанатининг хазинаси, аввало, давлат ерларидан келган даромадлар, мамлакат аҳолиси тўлаган соликлар, Буюк ипак йўлидан тушган божлар, қарам мамлакатлардан келган *хирож*, *моли омон*, юришлардан тушган ўлжалар, бадавлат заминдор, тадбиркорларнинг хайриялари ва бошқа манбалар эвазига тўлдирилган, уларнинг кирим-чиқимлари иқтисодий тежамкорлик асосида олиб борилган.

Шунингдек, Амир Темур даврида давлат мулкини авайлаш ва эҳтиёт қилиш, молиявий манбалардан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу масалада Амир Темур нафақат ўзи, балки ўғиллари, кўл остидаги амалдорларнинг ҳам тўғри сиёsat юритишини талаб қилган ва уларни қаттиқ назорат остига олган.¹

Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан бир маълумот келтириб ўтмоқчимиз. Маълумки, Табризда Амир Темурнинг ўғилларидан бири Мироншоҳ мирзо отаси томонидан *суюргол* қилиб берилган ҳудудларни бошқарар эди. У ўз хукмронлиги даврида ҳалқнинг муаммолари билан кам шуғулланиб, кўп вақти ва бойликларини айш-ишратга сарфлар, ўз бекларига керагидан ортиқ ҳадя-инъомлар қилар эди. Шунинг-

¹ Уша жойда.

дек, халқдан Амир Темур томонидан тақиқланган ортиқча солиқлар йиғиб, хазина молини ҳам кераксиз жойларга сарфлар эди. Бу воқеалар Амир Темурнинг суюкли келини Мироншоҳнинг завжаси, Халил сultonнинг онаси Хонзода бегим номи билан машхур бўлган Севинбекани ҳам ташвишга солган. Хонзода бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Амир Темур ҳузурига келади ва унга аҳволни тушунтириб беради. Агар Соҳибқирон бу муаммоларни бартараф этмаса, анча мушкулликлар юзага келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Бу воқеалардан ташвишланган Амир Темур муаммони бартараф этиш устида бош қотира бошлайди ва етти йиллик юришга чиқишга мажбур бўлади. Рай шахри ва Шаҳриёр қалъасидан ўтганидан кейин ҳузурига амирзода Мироншоҳ келади. Амир Темур ҳатто уни қўргиси ҳам келмайди ва ўз ўғлининг илтифотларига қарамайди. Мироншоҳ мирзо отасининг ҳаммага бирдек талаб қўйиши, қаҳри қаттиқлигини яхши билгани учун кўплаб ҳадя-совғалар ва тавба-тазарру билан унинг кўнглини овламоқчи бўлади, аммо Амир Темур Мироншоҳнинг гуноҳларини кечиришни истамайди. Соҳибқирон ўзининг ишонган мулозимларидан Темур Xожай Оқ Буға бошчилигига аҳволни ўрганиш ва тафтиш ўтказиши буоради. Тафтиш натижасида халқ ва хазина молига талафот келтирилгани аниқланади. Шарафиддин Али Яздий: «(Алар тезда) Табризға бориб ноибларини ва омилларини тутиб банд қилдилар ва девоний дафтарларни тилаб, (неча йиллик) «ду данга» молким, девони аълои хоссага тааллуқ эрди, шаҳзода ани олиб харж қилиб эрди, барчани ҳавола қилдилар. Ҳазрат эшиттиким, шаҳзодаға айшу ишратига боис бир жамоат созандалар бўлғон эрмишлар, алар жихатидин шаҳзода ишратқа машғул эрмиш. Бу жиҳатдин вилоятқа ташвишлар пайдо бўлғон турур. Ҳукм бўлиб эрдиким, аларни тутиб йасоққа еткургайлар»¹, – деб ушбу ишнинг адолатли ҳал қилинганлигини ёзиб қолдирган.

Бу каби далиллардан англаш мумкинки, Амир Темур адолатни, аввало, ўз фарзандларидан, оиласидан талаб қилган, жангларда ҳам ўғил ва набираларини қўшиннинг энг хавфли қисмларига бошлиқ этиб тайинлаган. Бу эса адолат ва қонун

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.224.

устуворлигини таъминлашга, халқнинг ишончини қозонишга сезиларли таъсир кўрсатган.

Соҳибқироннинг ижтимоий сиёсати ҳам унинг инсонпарвар давлат раҳбар бўлганлигини кўрсатади. Салтанатда барча табакаларниң ижтимоий ҳимояси масаласига эътибор қаратилган. Турли табака вакилларининг салоҳияти, кучи, инсоний фазилатлари га алоҳида эътибор берилиб, давлат ва жамият учун катта хизмат қилган ходимлар давлат томонидан алоҳида рағбатлантирилган, ҳатто уларга *сулоргол* тариқасида ер-мулклар инъом этилган.

Шунингдек, давлатдаги кам таъминланган ижтимоий табакалар кучли муҳофаза этилиб, кийим-кечак ва пул билан таъминланган. Ҳатто етим-есирлар учун алоҳида *лангархоналар*¹ солинган ва у ерларда бепул таомлар тарқатилган.

Демак, Амир Темур салтанатининг иктисадий, ижтимоий, ғоявий вазифалари ўртасида мувофиқлик мавжуд бўлиб, бу омиллар давлатнинг келгусидаги тараккиёти учун замин яратган.

Амир Темур давлатининг мудофаа тизими мукаммал даражада ташкиллаштирилган, мамлакат бутунлиги, тинчлиги ва баркарорлигига рахна солувчи ички ва ташқи хавфлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ўрганилди ва шунга монанд мудофаа тизимининг вазифалари белгиланди.

Бу даврда қўшин тузилиши, мутахассисларни тўғри танлаш ва уларнинг ишини самарали ташкиллаштириш, жанг, мудофаа усуслари ўз даври имкониятларидан ўзиб кетди, ҳарбий соҳа юқори даражага кўтарилди.

Шунингдек, бу даврда суд-хукуқ тизими жамият ва давлатнинг ўз олдига кўйган мақсадларини оғишмай амалга оширишда таянч вазифасини ўтади.

Амир Темур даврида тинчлик ва баркарорликни таъминлашга барча масъул ҳисобланган. Соҳибқирон лоқайд ва бефарқ кишиларнинг мавжудлигини ўз давлатига хавф деб билган, шу туфайли огоҳ, сергак бўлишга чакирган.

Бу даврда фуқароларда давлат мулки ва уни эҳтиёт килиш тушунчалари шакллантирилган. Тадбиркорликка катта йўл очилган ҳамда уларнинг тинчлиги кафолатланган. Мамлакатда

¹ Лангархона – камбагаллар яшайдиган жой.

шаклланган йирик заминдорлар, савдогарлар ва бошқа мулк соҳиблари ободончилик, илм-фан, дин равнаки йўлида катта хайр-эҳсонлар бериб туришган, кам таъминланган кишилар ҳам моддий рағбатлантирилган. Шунингдек, фуқаролар ҳашар йўли билан ташкилий ишларни бажаришга кўмаклашган.

Амир Темур халқ кўнглида ҳокимиятга нисбатан ишонч, масъулият уйғота билди. У давлатнинг мажбурлов кучига таяниб ҳукуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга ҳракат қилди. Конун устуворлигига эришишга айнан жамиятда шаклланган сиёсий тушунчалар катта таъсир кўрсатди. Бу даврда давлат раҳбари, конунлар, бошқарув аппарати тўғрисида муқаддас тушунчалар шаклланган бўлиб, «Султон – Аллоҳнинг ердаги сояси» деган ғоя устуворлик қилган.

Тарихий далиллар Амир Темурнинг конун устуворлиги ва ахлоқка асосланган жамият қурганлигини кўрсатади. Соҳибқирион сиёсатда ахлоқ устун бўлсагина давлат ва жамият тараққий эта олиши мумкинлигини англаб етган эди. Унинг ўзи маънавияти юксак инсон бўлиб, оила аъзолари ва қўл остидаги ходимларни ҳам ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга интилган.

Амир Темур давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг кенгаш, маслаҳатга таянганидадир. «Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарини синдириш, душманни тузоққа тушириш, мухолифларнинг кўнглини топиб дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросаю мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим. Пирим Зайнуддин Абу Бакр Тайбодий менга ёзмишларким: «Абулмансур (Зафарманд) Темур салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни 1-кенгаш; 2-машварату маслаҳат; 3-хўшёрги муроҳазакорлик; 4-эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жоҳил одамга қиёслаш мумкин: унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан»¹, – деб маслаҳат ва кенгашга катта эътибор берганлигини айтиб ўғтан эди.

¹ Темур тузуклари ... – Б.24.

Амир Темур ўз даврининг донишмандлари, олимлари, фозил ва хос кишилари ҳамда амирлари билан турли масалалар юза-сидан маслаҳату машваратлар ўтказарди. Бу маслаҳат ва муно-зараларда аниқ ва тўғри хulosалар чиқаришга имкон туғиларди.

Амир Темурнинг ўзи илмли, маърифатли бўлиб, фаннинг турли соҳаларини ўрганишга интилган. Ҳатто ўз даврининг энг кучли олимларидан саналган Ибн Халдун (1332 – 1406) билан бир неча марта мунозарага киришиб, олимни ўзининг ақл-зако-вати билан ҳайратга солган.

Амир Темур ўша даврнинг тарихий-фалсафий тушунчала-рини ўзи қурдирган пурвикор ва салобатли иморатларда ҳам ифодалашга уринган. Бу масалада гўзаллик ва салобат инсон психологияси, онги-шуурига кучли таъсир кўрсатишини ҳисоб-га олган.

Ўз даврида баландлиги етмиш метрдан зиёд Оқсаной бино-сига узоклардан ҳам ўкиш мумкин бўлган «Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир», «Подшоларнинг сўзи сўзлар орасида под-шодир», «Адолат давлат асоси ва хукмдорларнинг шиоридир», «Агар бизнинг куч-кудратимизга шубҳа қилсанг биз қурдирган иморатларга бок» каби жумлаларнинг ёзилиши фикримизга да-лиллар.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишлари давлат сиёсати билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Чунки улут амир нафақат адолат, қонунлар устуворлигини таъминлаш, балки бунёдкорликдаги эстетик уйғунлик ҳам давлат ва халқ обрў-эътиборини оширишга хизмат қилиши, сиёсий, иқтисодий, маънавий кудратнинг асоси бўлиб хизмат қилишини тўғри тушунган.

Амир Темур, айниқса, пойтахт Самарқанд шаҳрини ўзининг кўрки ва салобати билан барча талабларга жавоб берадиган сиё-сий марказга айлантиришга ҳаракат қилган. Ана шу мақсадлар йўлида мўғуллар босқинидан 150 йил ўтиб Самарқанд қадимий Афросиёбдан жануброқда бутунлай янгича асосда қурилди.

Даставвал Амир Темур шаҳар теварагини мустаҳкам қалъа девори билан ўраттиради. Унда Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Ко-ризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи ол-тига дарвоза ўрнатилади. Шаҳар аркida Темурнинг қароргоҳ-лари – Кўксарой ва Бўстонсарой бино қилинади. Кўксарой тўрт

қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ҳамда гулдор парчинлар билан қоплангани учун шундай аталган. Унда хонларни подшолик таҳтига ўтқазиш ма-росими ўтказиладиган таҳтқурси – кўктош қўйилган эди. Бундан ташқари, аркда давлат девонхонаси, қурол-яроғлар устахонаси ва аслаҳаона, тангалар сўқиладиган зарбхона, қамоқхона каби иморатлар жойлашган.¹

Амир Темур пойтаҳтда кўплаб боғлар, турли иншоотлар қуриб, унинг нуфузи ва салобатини оширди. Соҳибқирон нафақат муҳтащам иморатлар, ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган кўчма шаҳар ҳам қурдиради. Испания қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу чодирлардан иборат шаҳарга катта ҳайрат билан қараган. Улар бунёдкорлик фаолиятининг ноёб намуналари эди. Руи Гонсалес де Клавихо улардан бирининг сирти олмахон мўйнаси, ичкариси оқ мўйна билан безатилгани, бошқасининг сувсар мўйнаси билан қоплангани ва ичкаридагилар ойнадан ташқарини кўра олишлари, ташқаридагилар эса ичкаридагиларни кўролмаслиги, маҳсус мослама билан курилган эшиклар хоналар ичига ёқимли елвизак бериб туриши, улардан ташқарига чиқмай маҳсус матолардан курилган йўлаклардан бошқа чодирларга ўтиш мумкинлигини ҳайрат билан ҳикоя қилган.²

«Шулар жумласидан бир чодир бор эди, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, – унинг юқориyo қуйисига олтин билан зарҳал берилиб, ичию сирти нафис патлар билан безатилган эди. Чодирлардан яна бири батамом ҳарирдан тикилиб, турли-туман нақшлар, хилма-хил алвон бўёқлар билан безалиб тўқилган, яна бошқа бирига бошидан охиригача йирик марваридлар қадалганки, уларнинг ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билим-донидан (тангридан) бошқа ҳеч ким билмайди; яна бири тилло бўлаклари устида турли-туман жавоҳирлар билан шундай безатилганки, у одамзод қўзини ўйнатиб, ақлини даҳшатга солади. Уларнинг ораларида нақшли равоқлар, зарҳал берилган чодирлар даҳлизлари ва йўлаклари, кишини ҳайратга соладиган ин-

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.48.

² Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар) // Санъат. – Тошкент, 1990. №8. – Б.22 – 23.

шоотлар бор эди. Улар орасида ором олиш учун соя берадиган (канопдан ясалган) елпифичлар, фойдали (нарсалар) ва заруратлар, очилиб қулфланадиган нарсалар бор эди».¹

Амир Темур Самарқанд атрофига бир-биридан гўзал Шероз, Султония, Дамашқ, Миср, Бағдод каби қишлоқлар барпо эттириди. Унинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак атрофининг обод этилгани жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устуноқ турмоги лозим эди.²

Соҳибқирон даврида ҳаммаси бўлиб Самарқанд атрофида 12 та гўзал ва бетакрор боғлар барпо этилган. Булар боғи Нақши Жаҳон, боғи Беҳишт, боғи Шамол, боғи Давлатобод, боғи Булду, боғи Майдон, боғи Баланд, боғи Чинор, боғи Жаҳон Намо, боғи Нав ва бошқалар эди. Улар учун майдон танлашда жойнинг баҳаволигига, баланд-пастлигига, сув манбаининг оз-кўплигига ва табиатнинг бошқа хусусиятларига алоҳида эътибор берилган.³

Амир Темур нафақат Кеш ва Самарқандда, балки салтанатнинг барча қишлоғу шаҳарларида шифохона, лангархона, кўприк, йўл, ариқ ва бошқа кўплаб иншоотлар бунёд этганки, бизнингча, уларнинг барчасида сиёsat, эстетика, бадий хусусиятлар билан бирга юксак маънавият, фалсафий қарашлар, Амир Темур давлатчилигининг янгича руҳи ўз ифодасини топган. Демак, бунёдкорлик давлатчилиқдаги муҳим хусусият бўлиб, курилишлар ва давлат қудрати бир-бирини тўлдирган, давлатчилик ва сиёsat уйғунлаштирилган.

Салтанатда фуқароларнинг ички имкониятларини рӯёбга чиқариш, барча соҳаларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида бу даврда Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият ва меъморчилик тараққиётida катта ўзгаришлар юз берди. Миллий тараққиёт янги поғонага кўтарилди ва фанда иккинчи уйғониш даври номини олди.

Амир Темур даврида нисбатан қисқа вакт ичida бу қадар кучли тараққиётга сабаб бўлган омиллар олимлар томонидан

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи ... I китоб. – Б.306 – 307.

² Мухаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати. ... – Б.52.

³ Олимов У. Амир Темур даврида боғчилик санъати // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.12 – 13.

ҳали тұла-тұқис шархлаб берилмаган. Тадқиқотларга күра, бу даврда фан ва маданиятнинг тараққий этишига қуйидаги омиллар кучли таъсир күрсатган:

1. Үрта Осиё азалдан илм-фан маркази ҳисобланған. Илк ёзма манба «Авесто»дан тортиб IX – XII асрлардаги қомусий олимлар фаолиятигача юртимизда илмий тафаккур юксак чўққига кўтарилиганини күрсатади. Бу даврда Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783 – 850), Аҳмад ал-Фарғоний (797 – 865), Форобий (873 – 950), Беруний (973 – 1048), Абу Али ибн Сино (980 – 1037) каби олимлар дунё цивилизацияси тарихида катта из қолдирдилар. Уларнинг асарлари бугунги кунда умумбашариятнинг ноёб мулкига айланган.

Үйғониш даврида илм-фан ва тараққиёт икки йўналишда тараққий этган: 1. Аниқ фанлар. 2. Ижтимоий фанлар. Ҳар иккала йўналишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Абу Мансур ал-Мотуридий (вафоти 944), Бурхониддин ал-Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий (1074 – 1144), И мом ал-Бухорий (810 – 870) ва бошқа олимлар диний қарашларнинг мукаммаллашиши, муҳаддислик, ақоид, фикҳ сөҳалари тараққий этишига катта ҳисса қўшдилар. Мўғуллар босқини ва уларнинг бир юз эллик йиллик бошқаруви даврида юзага келган чуқур инқизозга, тарқоқликка қарамай, Үрта Осиё ҳалқларининг илмий пойдевори йўқолиб кетмаган. Бу беназир мерос Амир Темур даври фани тараққиётiga асос вазифасини ўтаган.

2. Амир Темур даврида илму фан тараққиётiga туртки берган мұхим омиллардан яна бири Буюк ипак йўлининг мұхим тармоғи шу худуддан ўтганлигидадир. Буюк ипак йўли азалдан нафақат савдо-сотик, ҳалқаро алоқаларнинг ривожланишига катта таъсир күрсатган, балки илму фан тараққиётida ҳам мұхим ўрин тутган. Олимлар, сайёҳлар, ҳатто савдогарлар ҳам бир вақтнинг ўзида илм-фан даражалари бўлиб хизмат қилгандар. Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарларнинг маданий жиҳатдан бошқа шаҳарларга нисбатан юксак мақомда турганлиги сабабларидан бири ҳам шундадир.

Амир Темур Осиё минтақасида кенг қамровли геосиёсат юритишига замин ҳозирлаш билан бирга илмий тафаккурнинг тараққий этишига ҳам имкон яратди. У томонидан олиб борил-

ган бундай тадбирлар мінтақада ілму фан интеграциясини күчтіришга хизмат қылди.

3. Бу даврда юонон, рим ва бошқа халқларнинг асарлари араб, форс тилларига ўғирилгани ҳам фан тараккиётіга катта таъсир күрсатди. Улардаги мұхим қашфиётлар ва хulosалар янгича қарашлар билан бойитилди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатининг пойтахти бұлган Самарқандда ўз даврининг забардаст олимлари тұпланды ва шаҳар илм-фан марказында айланды.

4. Шунингдек, Балх, Ҳирот ва бошқа сиёсий марказлар ҳам илм-фан марказларында айлантирилди. Шохрух мирзо, Улуғбек мирзо, Бойсунғур мирзо ҳұзурида шакллантирилган илмий мұхит ҳам Амир Темур давридаги илм-фан таъсирида юзага келган.

Сұнгы темурийлар даврида Ҳироттің гуллаб-яшнашида Ҳусайн Бойқаро ва Мир Алишер Навоий (1441 – 1501) каби буюк давлат арбобларининг саъй-харакатлари катта үрин тутса-да, бу мұхиттің илк пойдеворлари айнан Амир Темур томонидан яратылған зди. Демек, биз бу даврда уйғониш палласига ўтилишида Амир Темурнің катта хизматлари сингтани, Үрта Осиёдеги иккінчи ренессанснинг бевосита Амир Темур билан боғлиқлиги, бу иккі воқеа бир-бири билан boglik түшүнчалар эканлығы, ўзаро бир-бірін тұлдеришини еътироф этишимиз лозим деб ўйлаймыз.

5. Бу даврда илму фан тараққиётидеги мұхим омиллардан бири Амир Темур давлатининг йирик салтанат бўлиб шаклланғаннадир. Бунда турли давлатлар орасида мавжуд бұлган түсиқлар олиб ташланған ва барча соҳалар илдам ривожланған. Йигирма етти давлатни бирлаштирган Амир Темур салтанатида катта интеграцион жараёнлар учун замин яратылған ҳамда илму фан тараққиёті юксак чўққига кўтарилған.

6. Аввало, Амир Темур давлат бошқарувининг юқори дарражага кўтарилгани, салтанатда тинчлик-хотиржамлик, адолат ўрнатылғани бу даврдаги илмий-ижодий мұхиттеге катта ижобий таъсир күрсатған. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур даври давлат бошқарувында сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий тизим, маънавий-ахлоқий омиллар тараққиёттің таянч вазифасини ўтаган ва узвий алоқадорликда боғланған бу соҳалар бошқарувининг мувофиқлаштирилиши миллий давлатчилик тараққиётіга турткы берган омиллардандир.

Амир Темур салтанатида давлат, халқ ва жамият манфаатлари тенглаштирилган. Гарчи давлат мутлак монархия типига мансуб бўлса-да, давлат ва жамиятда сиёсий зўрлик эмас, аксинча, тенг манфаатлар устуворлиги сезилади.

Соҳибкорон халкаро муносабатларда иқтисод, савдо алоқаларига оид муаммоларни дипломатик йўл билан ҳал этишга интилган. Амир Темур диний, ирқий тафовут ҳамда зиддиятларнинг мавжудлигига қарамай, Ғарб давлатлари билан дўстона алоқаларни илк маротаба бошлаб берган давлат раҳбарларидан саналади. Амир Темур турли минтақалар аҳолисининг бир-бирини яқиндан билиши, иқтисодий тараққиёти учун шароитлар яратилиши натижасида ягона макон, интеграция ҳақидаги ғояларни илк бор шакллантириди.

Ҳар икки минтақанинг диний низолари халқларнинг ўзаро манфаатли алоқаларига тўсиқ бўлаётган бир пайтда Амир Темур Шарқ ва Ғарб халқлари муносабатларини ривожлантириш, дини, тили, маданияти ва урф-одатлари турли бўлган халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласини биринчи марта расмий йўл – дипломатик алоқалар орқали мустаҳкамлашга ва бу алоқаларга ҳуқуқий мақом бериб, шартномалар орқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

Бу далиллар бизга Амир Темур давлати исломга таянилган умуминсоний қадриятлар асосида шаклланган бўлиб, Шарқ ва Ғарб минтақаларида яшаётган халқларнинг ҳамкорлигига, манфаатларига хизмат қилган, адолат ва қонунийликни кучайтиришга асос бўлган деган хulosага келишимизга олиб келади.

1.3. Амир Темур салтанатининг ижтимоий тизими

Амир Темур салтанатининг ижтимоий тизимини ўрганиш миллий давлатчилигимиз тарихини кенгроқ англаб етишимизда муҳим аҳамият касб этади. Темуршуносликда ижтимоий тизим масаласига қисман тўхталиб ўтилган¹, аммо маҳсус ўрганилмаган.

¹ Manz B. The rise and rule of Tamerlane ... – Р.21 – 40; Мукминова Р.Г. Социальный состав населения // Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Ташкент: Университет, 1999. – С.117 – 126; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.190 – 208 ва бошжалар.

«Темур тузуклари»даги маълумотларга кўра, жамиятнинг ижтимоий табақалари ўн иккига ажратилган. Улар куйидаги лардир: 1) сайдиллар, уламо, шайхлар ва фозиллар; 2) ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари; 3) дуогўй кишилар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) ишончли, тӯғри эътиқодли кишилар; 7) вазирлар, девон котиблари ва муншийлар; 8) хакимлар, табиблар, мунахжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар, пайғамбарлар ва авлиёлар тарихини ўрганувчи тарихчилар; 10) машойихлар, суфийлар, орифлар; 11) касбу хунар эгалари; 12) саёҳатчилар, мусоифирлар.¹

Амир Темур мазкур табақаларни мамлакатнинг ўн икки устуни деб ҳисоблаган ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилган. Бу ижтимоий тизимлар ўртасидаги алоқадорлик ва уларнинг муҳофазаси қонун йўли билан тартибга солинган. Соҳибқирон давлат ҳокимиятини амалга оширишда ижтимоий тизимлар, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган.

Амир Темур даври ижтимоий тизимида уруг-қабилачилик анъаналари ҳам жамият ва давлат бошқарувида катта аҳамият касб этган. Ҳилда Ҳуқҳэм Амир Темур ҳарбий лашкарининг энг катта кучларидан бири чигатоийларнинг кенг имкониятларга эга бўлганлиги, улар ҳар кандай солиқлардан озод этилгани, дашт-саҳроларнинг исталган ерида чорваларини бокиш имтиёзига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтган.² Р.Г.Муқминова Амир Темур даври ижтимоий таркибини ёритишида давлат хизматидаги олий тоифа кишиларни «қилич» ва «қалам» соҳиби каби икки тоифага ажратиб кўрсатган.³

Фикримизча, бу даврда феодал заминдорларнинг ҳам турли табақалари мавжуд бўлган. Улар орасида давлатга кўрсатган хизматлари эвазига «тархон» ёрлигига эга кишилар катта нуфузга эга бўлган. «Тархон»лар ер солиғидан озод этилган, подшоҳ мажлисларида бемалол ўтирган, тўққиз мартагача гуноҳлари кечирилган. Ҳилда Ҳуқҳэм ҳатто «тархон»ларнинг юришларда, овларда кўлга киритилган ўлжаларини подшоҳ билан бўлиш маслиқ хуқуқига эга бўлганлигини айтиб ўтган.⁴

¹ Темур тузуклари ... – Б.81 – 84.

² Ҳуқҳэм Ҳ. Властитель семи созвездий ... – С.72.

³ Муқминова Р.Г. Социальный состав населения ... – С.117 – 118

⁴ Ҳуқҳэм Ҳ. Властитель семи созвездий ... – С.72.

Баъзи йирик заминдор – феодаллар нафақат қишлоқда яшаганлар, улар шаҳарларда катта фойда келтирадиган дўконлар, устахона, хаммомлар, уйларга эга бўлиб, уларни ижарага бериш эвазига катта даромад қилганлар. Уларнинг баъзиларига қатор савдо расталари, карvonсаройлар қарашли бўлган. Бу омил эса Амир Темур салтанати даврида феодал жамиятнинг ривожланганидан, унинг шаҳар ҳаёти билан чамбарчас боғланиб борганидан дарак беради.

Йирик феодаллар Амир Темурнинг марказлашган давлат тузишидан манфаатдор тоифалардан бири эди. Бундан катта феодаллар билан бирга ўрта ва кичик ер эгалари ҳам манфаатдор бўлганлар.¹ Бу даврда ўрта ва кичик феодалларнинг ўзи ҳам эгаллаган ерлари, мулк ва бойликлари жиҳатидан юқори, ўртача ва пастроқ табақаларга бўлинган эди.

Ижтимоий табақалар ичида руҳонийлар катта мавқега эга бўлганлар. *Шайхулислом, қози, имом-хатиб, воиз* (ваъз айтувчи – Ш.Ў.), *мударрис, садр, шайх* каби мансаб ва унвон эгалари мамлакат маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатганлар. Уларнинг ижтимоий таъминоти уч тарафлама – давлат, вақф мулкларидан келадиган даромадлар, бадавлат кишилар ҳамда фуқаролар томонидан ҳадя этиладиган ер-мулклар, пул-буюмлар ҳисобига амалга оширилган.

Амир Темур даврида савдогарлар ҳам алоҳида нуфузли табақа ҳисобланган. Савдо аҳлига катта имтиёзлар берилган, уларнинг орасида ҳам ўзига хос табақаланиш юзага келган. Энг нуфузлиси тужжорлар бўлиб, улар асосан халқаро савдо ишлари билан шуғулланганлар. Бозорда савдо қилувчилар «аҳли бозор» деб юритилган, улар сотувчи савдогарлар, олибсотарлар, чайқовчилар ва бошқа гуруҳларга бўлинган.² Амир Темур савдо-иктисодий алоқаларни жонлантириш учун бозорлар, савдо расталари, тим ва равоқлар қурдирган. Халқаро савдони ривожлантириш мақсадида Буюк ипак йўли қайта таъмирланган ва келиб-кетувчиларнинг хавфсизлиги таъминланган. Бу тадбирлар Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришга туртки берган.

¹ Мукминова Р.Г. Социальный состав населения ... – С.117 – 118.

² Курсатилган манба. – С.119.

Амир Темур салтанатида ёшу қари, эркаклар билан бир қатарда аёллар тадбиркорлик билан шуғулланиш хуқуқига эга эди. Фикримизга бир мисол келтирмоқчимиз: «Унинг (Амир Темурнинг – Ш.Ү.) сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтган чегара-сидан Дехли ва Канбайит атрофларигача, Боб ул-Авбобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипак матоли, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирхамга ҳам зиён етказмайди».¹

Амир Темурнинг элчи орқали Миср ҳукмдорига етказган хатида ҳам ишбилармон савдогарлар алоҳида тилга олинади: «Эндилиқда вазифа шулки, ҳамсоялик ҳақига риоя қилиб, дўстлик эшигини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин».²

Бу даврда хунармандлар табақаси ҳам жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаган. Хунармандларнинг тўкувчи, тикувчи, кандакор, новвой, темирчи каби ўнлаб турлари бўлиб, ишлаб чиқаришнинг асосий салмоғи улар ҳиссасига тўғри келар эди. Хунармандларнинг кичик бирлашмалари мавжуд бўлиб, бу бирлашмаларга оқсоқол усталар раҳбарлик қилган. Уларда ўзига хос устоз-шогирд муносабатлари йўлга қўйилган эди. Шогирдлар устоз қўлида йиллар давомида ўз касбининг сир-асрорларини, касбий қўнималарни эгаллаганлар. Биз бу даврдаги устахоналар фаолиятини кузатиб уларнинг ўзига хос касб-хунар, маориф ва ахлоқий-маърифий маскан бўлганлигини англаб етамиз. Устахоналарда ёшлар йиллар давомида нафакат хунармандчилик сирларини ўрганишган, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳаётга пухта тайёрланган. Миллий қадриятларимизга асосан устозларни, ёши улуғ кишиларни хурмат қилиш, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маствулият каби қўнималар ҳосил қилинган.

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.20.

² Кўрсатилган манба. – Б.288 – 289.

Амир Темур даврида мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи табақа қишлоқ аҳолиси эди. Бу даврда оддий қишлоқ аҳолисининг ҳам ўзига хос табақаланиши юзага келганди. Майда хусусий ер эгалари, ижарачилар, эркин дехқонлар, қуллар оддий халқнинг ўзига хос табақаларини ташкил этар эди. Қуллар меҳнатидан асосан уй ишларида, катта қурилишларда фойдаланилган.¹

Бу даврда ер эгалиги тўрт хил: 1) давлат мулки (мамлака); 2) хусусий ерлар; 3) вақф ерлари; 4) жамоа ерларига бўлинган.

Амир Темур даврида зиёлилар табақаси мавжуд бўлиб, уларнинг куч ва илмидан давлат бошқарувида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Улар кўпинча амир ва маҳаллий ҳукмдорларга маслаҳатчилик қилганлар.

Ҳарбийларнинг оддий сипоҳдан тортиб ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбоши (10000 аскар бошлиғи), ўн икки даражали амирлик тизимлари, бекларбеги, амир ул-умарогача бўлган поғоналари мавжуд эди, улар мамлакат яхлитлиги ва мудофаасини сақлашда катта роль ўйнаганлар. Уларнинг билим, кўнижма ва тажрибасини оширишга катта эътибор қаратилган.

Давлат бошқарув ишларига тортилган зиёли аҳоли ва ҳарбийлар муносиб маош, суюргол, мукофот, кийим-кечак, озиқовқат билан таъминланган, бошқа рағбатлантириш усуллари ҳам бўлган. Амир Темур мулозимларни сифатли, ўртacha, камроқ иш берадиган тоифаларга ажратган ва уларнинг ижтимоий таъминотида ҳам ана шу омилларни инобатга олган.

Соҳибқирон вазирларни, амирларни, девонбегини, вилоятлардаги девон ходимлари ва бекларни танлаш, уларни жой-жоийга қўйишида номзодларнинг насл-насабига, акл-фаросатига, халқпарварлигига, сабр-тоқатлилик, тинчликсеварлик, адолат-парварлик каби фазилатларига, кўтаринки руҳиятига, зийраклигига, малакаси ва одамлар билан муроса қилиш қобилиятига эътибор берган.²

Амир Темур ўтмишда ҳукмронлик қилган сultonлар, йирик давлатларнинг қонун-қоидалари, подшоҳликнинг сир-синоат-

¹ Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии XIV – XV вв. – Душанбе, 1966. – С.111 – 112.

² Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да ... – Б.94.

лари, ҳатто пайғамбарлар ҳаётини ўрганиб уларнинг ғалабаси ёки мағлубияти сабабларини чуқур мушоҳада этди ва ўзига зарур хulosалар чиқарди, уларнинг ижобий жиҳатларидан давлат бошқарувида фойдаланди. У, аввало, бўлажак ҳукмдорларга алоҳида эътибор берди. Кейинги темурийлар: Шоҳруҳ мирзо, Улуғбек мирзо, Абу Саид мирзо ва бошқаларга ғоявий жиҳатдан устозлик килди.

Бу даврда шаҳзодаларни давлат ишига тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Улар бошқариш ишига ёшлигидан тайёрлаб борилган. Шаҳзодалар туғилиши билан ота-онасидан олиб энага (шаҳзодани эмизувчи аёл) ва унинг эри – оталиққа берилган. Уни ўз онаси эмас, бошқа малика тарбиясига олган.¹ *Оталиқ* ва энага ҳукмдор хонадони фарзандларининг сиёсий, ахлоқий, маънавий ва жисмоний тарбиясига масъул ҳисобланган.

Шаҳзодаларга давлатни бошқариш илми билан биргаликда жисмоний тарбиядан алоҳида сабоқ берилган. Шаҳзодалар сувда сузиш, от чопиш, камондан ўқ отиш, чим устида чавгон ўйнаш, кураш каби кўп соҳаларни мукаммал эгаллашган.

Амир Темур вазирлар танлаш масаласини ҳам муҳим ишлардан бири деб тушунган. У давлат устуни ҳисобланган вазирларни танлашда қуйидаги сифатларни инобатга олган: 1) насл-насад; 2) ақл-фаросат, юксак маънавий ахлоқ; 3) сергаклик, огоҳлик ва хушмуомалалик; 4) сабр-бардош, тинчликсеварлик. Соҳибқирон шундай фазилат соҳибларигагина давлат ишларини ишониб топшириш мумкин деб ҳисоблаган. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр, кудрат берилган.²

Амир Темур фикрича, камолга етган вазир давлат ишларини тартибга келтира олади, мулкий ва молиявий ишларни адолат билан ҳал қиласди. Рухсат берувчи ёки тақиқловчи буйруқларда у ўзининг тоза насллиги, фикри ва кўзи тўқлигини кўрсатади. Бундай вазир фуқароларга душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ зиёли, хоҳ амалдор, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, ҳаммасининг ҳурматини ўз жойига қўяди. Бирордан ёмонлик ахтармайди, ғийбатларни тингламайди. Кимдан ёмонлик кўрган бўлса ҳам

¹Хукхэм X. Властитель семи созвездий ... – С.78.

²Темур тузуклари ... – Б.94.

шундай иш тутадики, ёмонлик қилган кишини тарбиялаб ёмонлигидан қайтаради.

Амир Темур ўз авлодларини огоҳликка чақириб: «... асли тоза, насли пок, улуғ зотлардан бўлган, яхши равишлик кишиларни топиб вазир қилинглар. Чунки асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадасл эса вафо қилмайди»¹, – дейди.

Амир Темур давлатида софлик, тўғрилик билан иш олиб борган вазир энг олий мартабага кўтарилиган. Давлатнинг молия ва мулк ишларини диёнат билан бошқарган, савоб ишларини кўпайтирган, омонатга хиёнат қилмаган, нафсидан устун келган вазир энг яхши вазир ҳисобланган.

Соҳибқироннинг фикрича, доно вазир вазиятга қараб гоҳо қаттиққўллик, гоҳо юмшоқлик қиласди. Давлат ишида ортиқча қаттиққўллик ёки ортиқча юмшоқлик ҳам ярамайди. Агар кўп мулоҳимлик қилса, дунёталаб тамагир одамлар уни ютиб юборадилар. Мабодо ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир салтанат корхонасининг ишларини тўғри чора-тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради. Агар салтанат ишларида чигил-жумбоқ учраса, яхши вазир ақлу фаросати бармоғи билан уни ечиб юборади.²

Жаҳонгир айтадики, агар подшоҳ золим бўлиб, вазир одил бўлса, у подшоҳ жабр-зулмини тўхтатишига интилади. Бордию вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда инқирозга учрайди.³

Амир Темур ҳарбийларни танлаш ва мансабга қўйиш масаласини ҳам давлат бошқарувидаги энг муҳим омиллардан ҳисоблаган. Бу даврда марказий ва маҳаллий ҳокимиятга кўпроқ ҳарбийлар қўйилган. Ўша вақтда ҳарбий пешқадамлик халқаро сиёсий нуфузни белгилагани, давлат бошқарувида ҳарбийлар катта роль ўйнагани, ҳатто Соҳибқироннинг ўзи ҳам йирик лашкарбоши, қўшинлар бош қўмондони эканини назарда тутишимиз керак. Ўша даврнинг ҳарбийча руҳи ҳарбийларни тўғри

¹ Кўрсатилган манба ... – Б.95.

² Темур тузуклари ... – Б.98.

³ Ўша жойда.

танлай билишга эхтиёж түғдирганини кўрсатади. Ҳарбий кудрати паст давлатлар йирик ҳарбийлашган давлатлар асоратига тушган. Ўрта асрлар юришлар, босқинлар, химояга ва ҳарбийларга муҳтожлик даври эди. Амир Темур ана шундай мураккаб ҳарбий феодализм даврида давлатни бошқарди. Замон ундан илмий, ахлоқий ва малакавий жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган ҳарбийларни танлашни талаб этди.

Жаҳонгир ҳарбийликка олинадиган кишидаги ташкилотчилик, фаоллик, сергаклик, хушёрлик ва тадбиркорликни биринчи ўринга қўйган. «Темур тузуклари»да ҳам: «Ишбилармон, мардлик ва шижаот соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минг тадбирсиз лоқайд кишидан афзал»¹, – дея алоҳида таъкидланган.

Амир Темур салтанатида сипохийлар турли синовлардан ўтказилган. Талаб даражасида бўлмаган сипохийларга ишдан бўшатишдан аввал икки марта имконият берилган. Мабодо аскар ялқовлик қилиб иш вактида сусткашликка йўл қўйса, ёзув-чизув ишларига ўтказилган. Иккинчи маротаба ҳам яхши ишламай, хатоликлар қилса, ишдан бўшатилган. Бу хақда «Тузуклар»да шундай маълумот бор: «Агар сипохийлик ишларида ялқовлик қилган бўлсалар, уларга ёзиш-чизиш билан шуғулланувчилар орасидан иш берилсин. Агар шундан кейин ҳам хатога йўл қўйиб, калтабинлик қилсалар, иккинчи бор хизматга олмасинлар».² Соҳибқирон тадбирсиз, лоқайд кишилар жамият учун ҳалокатли деб тушунган.

Амир Темур навкарликка олинаётганларнинг куйидаги сифатларига эътибор берган: «Черик тузиб навкар олмоқда учқоидага амал қилдим: биринчидан, йигитнинг куч-кувватига, иккинчидан, қилични ўйната олишига, учинчидан, ақл-заковатио камолотига эътибор бердим. Шу уч сифат жамулжам бўлганидагина навкарлик хизматига олдим».³

Жаҳонгирнинг фикрича, жисмонан бақувват йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азоб-укубатларга чидамли бўлади, қилич

¹ Амир Темур ўйтлари / Б.Ахмедов таҳрири остида. – Ташкент: Наврӯз, 1992. – Б.11.

² Темур тузуклари ... – Б.92.

³ Амир Темур ўйтлари ... – Б.57.

ўйнатишни яхши билган навкар рақибини ҳар қандай шароитда ҳам мағлуб эта олади. Акли ва тадбиркор бўлса хавф-хатарни ақл-фаросати ва тўғри тадбири билан бартараф этиши мумкин. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур лашкар танлашда номзоднинг садоқатига, ватанпарварлигига катта эътибор берди. У душман томондан сотқинлик билан унинг хизматига кирган сипоҳийларни ўзига энг ёмон душман, хоин деб билди. Бу ҳақда «Тузуклар»дан бир мисол келтирамиз: «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унугтиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундан одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоятлар ёзиб, ўз хукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унугтилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чекка-га йиғишириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча «булар ўз соҳибига вафо қилмагач менга қиласмиди» деб ўйладим».¹

Демак, хоин киши бир кун келиб янги хўжасига ҳам бевафолик қилиши мумкин. Унинг ходим танлаш борасидаги қуидаги фикр-мулоҳазалари ҳам аҳамиятлидир: «Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унугтиб иш вақтида (мехнатдан) юз ўгирар экан, ундан навкардан юз ўгирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жанг жадал пайтида ижозат сўраб қочишни мўлжалласа, бугунги ишини эртага қолдирса (Тўхтамиш ва Темур ўғлон бошимга иш тушганида ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби), бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар».²

Соҳибқироннинг бу мумтоз фикрлари барчамиз учун сабоқдир. Дангаса, лоқайд, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган мутахассисдан жамият ва давлатга наф етмайди.

Амир Темур наздида, бальзи навкар ёки мулозимлар ўз касбining устаси бўлса-да, хиёнатчи бўлиши мумкин. Шунинг учун огоҳ ва хушёр туриб, ходимларни синаш керак. Шунингдек, Соҳибқирон олифта, кийим-кечакка берилган ва нафси ёмон ходимни саройга яқинлаштирумасликка интилган. «Қайси нав-

¹ Темур тузуклари ... – Б.72.

² Ўша китоб. – Б.110.

карнинг ҳиммати емак-ичмак, яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта, иш вактида сусткашлик қиласди»¹, – деб ҳисобланган.

Соҳибқирон айтадики, аввалда хурмат қозонган ходимларни оз фурсатда ишдан бўшатиш ҳақиқий подшоҳларга лозим бўлмаган ҳолатдир. У бу ҳақда шундай дейди: «Ҳақиқий подшоларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуғлаб (мартабасини) кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар».²

Маълумки, Амир Темур қўшинида ўнбошилик, юзбошилик, мингбошилик, туманбошилик, шунингдек, ўн икки погонали амирлик даражаси берилган. Улар 313 кишидан иборат бўлган. Жаҳонгир 313 кишидан тўрт нафарини бекларбеги этиб тайнингланган. Бекларбегилар чаққонлиги, эпчиллиги, катта тажрибага эгалиги, уста ва моҳирлиги, жасорати билан ажралиб туришган.

Темурийлар даврида қўшин сардори амир ул-умаро дейилган. Амир ул-умаронинг ҳукми амирлар ва бутун сипоҳ томонидан сўзсиз ижро этилган. Унинг олдига қатор шартлар қўйилган. Жанг бошланишидан олдин у уруш майдонини тўғри танлай билиши зарур эди. Биринчидан, сардор жанг майдонига сувнинг яқин-йироқлигини, иккинчидан, аскар сақлаш мумкин бўлган ерни, учинчидан, ғаним лашкари турган ердан тепароқда туриш ва офтобга рўбарў бўлмаслигини таъминлаши талаб қилинган. Акс ҳолда, қуёш шуъласи сипоҳийлар кўзини қамаштириб қўйиши, жанг бой берилиши мумкин.

Қўшин сардори сергак бўлиши, ғаним сипоҳи саркардаларининг сони ва сифати ҳақида аниқ маълумот ола билиши, ўз қўшинига ҳам уларга teng келадиган лашкар бошлиқларини қўя олиши керак. Сардор ғаним лашкарининг қайси қисми жангда кўпроқ урушаётгани, масалан, ўқчи, қилич чопувчи ёки найзадор кўпроқ жанг қилаётганини назарда тутиши лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам қўшин сардори ақл ва тадбиркорлик билан иш кўриши зарур. Лашкарбоши тадбир қўллашда шошмаслиги, чораси йўқ ишга эса умуман қўл урмаслиги даркор.³

¹ Темур тузуклари ... – Б.110.

² Ўша жойда.

³ Кўрсатилган манба. – Б.128.

Теранроқ қаралса, унинг бу соҳадаги қарашларида чуқур фалсафий маъно борки, улар давлатчиликнинг пойдевори эди. У ходимлари, вазиру арконларидан ҳушёрлик, софлик, ҳалоллик, огоҳлик, сергаклик, билим, тажриба ва тадбиркорликни, аввало, инсонийликни талаб қилган эди. Амир Темурнинг ижтимоий концепциясида ахлоқий асослар унинг горизонтал қисмини ташкил этса, мутахассислар унинг вертикал қисми ҳисобланган, мазмун ва шакл бир-бирини тўлдирган.

Амир Темур давридаги ижтимоий тизимни янада кенгроқ тушунмоқ учун, бизнингча, ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор қаратмоқ керак. Бу пайтда кам таъминланган, камбағал фуқаролар давлатнинг кучли муҳофазасида бўлган. «Темур тузуклари»да айтилишича, «фақиру мискинларга ҳар қишлоқ ва шаҳарларда лангархоналар солиниб, у ерда мискин ва етим-есирларга таом берилган».¹ Уларнинг таъминот масалалари, ҳол-аҳволи ҳақида маълумотлар кунма-кун пойтахтга етказиб турилган, агарда муаммолар пайдо бўлса, тезда бартараф этилган.

Бу даврда камбагал ва ногирон кишиларга нафақалар берилган. Амир Темурнинг: «Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар»², – деб қўрсатма берганлиги юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, моддий жиҳатдан кам таъминланган кишиларга ёз ва қиш мавсумларида кийим-бош улашилган, ҳатто баъзан йиллик озуқалари аввалдан берилган.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздий Соҳибқироннинг бир фармойиши ҳақида шундай маълумот беради: «.... ҳар вилоятдаким, фақиру мискин ва дарвишу мустаҳиқ бўлса йиғиштуруб, йиллик озуқа ва тўн ва кунгалак танабон ва кафш ва этук ва фута ва дастор берсунлар ва қишлиқ ва ёзлиқ тўнлар берсунлар».³ Амир Темурнинг бу буйруғи мамлакатнинг ҳамма ерида бажарилади ва маълумотларга қўра, «барча вилоятларнинг акобириу ашрофлари ва раъйо ва фақиру мискинлари анинг давлатидин хуррам ва хушҳол бўлуб дуо била айтур эдилар».⁴

¹ Кўрсатилган манба. – Б.121.

² Ўша жойда.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.187.

⁴ Ўша жойда.

Манбалардаги ушбу маълумотлар ўша пайтда ижтимоий ҳимоя нечоғлик кучли бўлганлигини кўрсатади, бироқ Амир Темур ва темурийларнинг бу инсонпарвар сиёсати бекорчи, ишёқмас кишиларга қаратилмаган эди. Амир Темур мамлакатидаги бекорчи, гадоларга қарши курашди. «Тузуклар»даги маълумотларга кўра, тўрт мучаси соғлом гадоларга кундалик озиқ-овқатлари берилган, улар иш билан таъминланган ва тамғаланган. Иккинчи маротаба гадолик қилиш тақиқланган. Агарда улар бу ишни яна тақрорласалар, бошқа давлатларга сотиб ёки ҳайдаб юборилган.¹ Амир Темур: «Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик йўқотилсан», – деган.²

Соҳибқирон Амир Темур зиёли, илм-маърифатли олиму уламолар, давлат амалдорларини ҳам ижтимоий рағбатлантирган. Уларга бемалол тирикчилик ўtkазишлари учун суюргол тарзida ерлар инъом этилган, бу эса уларнинг зиммасидаги вазифаларни кучайтиришга хизмат қилган. Уларга кундалик ва ойлик маошлар ҳам берилган.³

Шунингдек, бу даврда сипоҳийлар ҳам ижтимоий химояга олинган. Улар мамлакат куч-қудрати тимсоли деб тушунилган. Навкар ва амирларнинг бирор хизмати тақдирланмасдан қолмаган. Соҳибқирон фикрича, «сипоҳий давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямaganлиklарининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради».⁴

Амир Темур салтанатида кекса-қариялар ҳам ижтимоий муҳофазада бўлганлар. «Қайси бир сипоҳий (ёки бирор касб ва амал эгаси – Ш.Ў.) хизматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни ойлик ҳақдан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик керак»⁵, – дея уларга эҳтиром билдиради жаҳонгир. Жамиятда улар қадрланган ва эл ардоғида бўлган. Шунингдек, давлат ва ҳарбий ишларни такомиллаштиришда кекса ҳарбий ва олимларнинг мас-

¹ Темур тузуклари ... – Б.119.

² Кўрсатилган манба. – Б.122.

³ Кўрсагилган манба. – Б.121.

⁴ Кўрсатилган манба. – Б.100.

⁵ Ўша жойда.

лаҳатларига таянилган. Амир Темур катта тажрибага эга бўлган кекса сипоҳийларни ўз салтанатининг устунлари деб билган.¹

Бу даврда юқори мартабали кишилардан тортиб камбағал кишиларгача кучли ижтимоий ҳимоя остида яшаганлар. Ҳалқнинг тўклиги давлат фаровонлигига ва унинг куч-қудратли бўлишига катта таъсир кўрсатган. Ҳатто фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилувчи тизим ҳам мавжуд эди. «Сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайта тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин»,² – дейилади «Тузуклар»да.

Бундай рағбат ва ижтимоий ҳимоя нафақат савдогарларга, балки миллати, элатидан қатъи назар, дехқон, ҳунарманд ва бошқа касб эгаларига, барча фуқароларга ҳам тегишли эди. Агарда зироаткорнинг экин экишга маблағи бўлмаса, унга керакли нарсалар берилган. Бу ҳакда «Тузуклар»да шундай маълумотлар бор: «Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга курби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб берилсин».³

Давлат ҳатто фуқароларнинг уй-жой куришига кўмаклашган, мабодо фуқародан бирининг иморати бузилиб, тузатишга курби етмаса, керакли ускуналар ва ёрдам кўрсатилган.⁴

Амир Темур бу сиёсатни салтанатнинг барча ерларида жорий қилди. «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табақалардан саййидлар ва уламони иззат-хурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса, дарҳол муҳайё этиб, муқаррар равишда уларнинг ахволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипоҳийлар тоифасидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор факир-мискинлар эса ўз ахволи, касби-корига қараб иш тутсинглар».⁵

Шубҳасиз, Соҳибқироннинг ижтимоий сиёсати адолат ва тараққиёт омиллари дандир. Бу сиёсат соликлар масаласида ҳам яққол кўринади. «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишида

¹ Ўша жойда.

² Темур тузуклари ... – Б.85.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Темур тузуклари ... – Б.122.

уларни оғир ақволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак».¹ Амир Темур фикрича, раиятни (халқни – Ш.Ў.) хонавайрон қилиш давлат хазинаси нинг камбағалланишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг таркалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоклиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.² Шундай экан, фуқаронинг моддий таъминоти муҳим ҳисобланган ва улардан солиқлар йигишида кўп жиҳатлар инобатга олинган.

«Агар ерлик фукаро азалдан бериб келган хирож микдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинглар, акс ҳолда, (хирожни) тузукка мувофиқ йигсинлар, яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йигсинлар. Чунончи, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан сугориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилнинг [учдан] икки ҳиссасини раиятга, [учдан] бир ҳиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар»³, – дейилади «Тузуклар»да.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, хирож накд пул билан ҳам тўланиши мумкин эди. Агарда халқ учдан бир кисмга рози бўлмаса, улар ихтиёридаги ер учта жасарига (1 жарип – 3600 кв газ – Ш.Ў.) бўлинган ва биринчи жарибдан уч ҳарвори (1 ҳарвори – 103 – 150 кг), иккинчи жасаридан икки ҳарвори, учинчи жасаридан бир ҳарвори солиқ йигиб олинган.⁴ Бордию омма бунга ҳам рози бўлмаса, яна бошқа енгиллик яратувчи муқобил тўлов турлари таклиф этилган. Белгиланган тартибдан ташқари ҳеч қандай солиқ олишга йўл қўйилмаган.⁵

Бундан ташқари, кузги, баҳорги, қишки ва ёзги дехқончиликдан олинган ҳосилнинг барчаси халқнинг ўзига қолдирилган. Ҳосил пишиб этилмай солиқ олиш ман этилган.

Амир Темур даврида ижтимоий тизим, ходимлар танлаш сиёсати ва ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор берил-

¹ Курсатилган манба. – Б.123.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

ган. Турли тоифа вакилларининг келгуси тараққиёти учун катта имкониятлар яратилган, айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, бу тоифага катта йўл очилиши билан давлат ва халқ иқтисодий жиҳатдан юксалган.

Кам таъминланган оиласлар давлат томонидан иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланган ва ўз даври учун илфор ижтимоий ҳимоя усуллари белгиланган.

Биринчидан, малака ва билимли мутахассисларнинг маоши кўтариб борилган, иккинчидан, тадбиркорларнинг божу хирожлари давлат томонидан адолатли белгиланган ва уларнинг хавфсизлиги таъминланган, учинчидан, кам таъминланган оиласларга пул ва натура шаклида хазинадан ёрдам кўрсатилган, биринчи марта тадбиркорлик ишини бошлаганлар уч йилгача соликдан озод этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур салтанат бошқарувида ижтимоий соҳага катта эътибор қаратган. Мамлакатда ижтимоий гурухларнинг ўн икки тоифага ажратилган ҳолда давлат бошқаруви ташкиллаштирилгани давлатчиликнинг ўзига хос хусусиятлари дандир. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда ижтимоий тизимлар, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинган.

Амир Темур салтанати ижтимоий тизимида уруғ-қабилачилик анъаналари ҳам жамият ва давлат бошқарувида катта аҳамият касб этган.

Давлат томонидан ижтимоий тизимни ривожлантиришга эътибор қаратилиши салтанатда ижтимоий қатламларнинг кўпайиши, улар ўртасида тоифалашув жараёнларининг тезлашишига кўмаклашган. Масалан, қишлоқда, савдогарлар орасида бир соҳа вакилларининг турли тоифалари юзага келишига замин яратилган.

Савдогарлар орасида табақаланиш жараёнлари тезлашган.

Йирик хусусий ер эгаларининг шаҳар ҳаёти ва унга боғлик тадбиркорлик ишлари билан араласиши жараёнлари кечган. Амир Темур салтанатида ишлаб чиқариш ва савдонинг тараққий этиши қишлоқ бойларининг шаҳар ҳаёти, тадбиркорлик фаолияти билан боғланиб кетишига олиб келган.

Мазкур даврда турли ер эгалиги мавжуд бўлиб, оддий халқнинг баъзилари у ёки бу қисмида ишлар эдилар.

Салтанатда хунармандчилик ривожланган, бу эса ишлаб чиқариш ва ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсири кўр-

сатган. Амир Темур даврида зиёлилар табақаси мавжуд бўлиб, уларнинг куч ва илмидан давлат бошқарувида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Улар қўпинча амир ва маҳаллий хукмдорларга маслаҳатчилик қилганлар.

Салтанатда ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилган, кам таъминланган, ногирон, етим-есирлар давлат ҳимоясида бўлган. Камбағал кишиларнинг тадбиркорлик, дәжқончилик билан шутгулланишлари, уй-жой куришлари учун давлат хазинасидан молиявий ва моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Умуман олганда, Амир Темур давлатида шаклланган бу тизими башкарувнинг муҳим ижтимоий концепцияси деб баҳолаш мумкин.

I боб бўйича хуносаси

Мазкур бобда Амир Темурнинг салтанат тараққиётида тутгани сиёсий мавқеи, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тизим таҳлил этилган.

Бизнинг фикримизча, Амир Темур салтанат тараққиётида катта сиёсий мавкега эга бўлган. У қатъият билан ўз олдига қўйган мақсадларига эришган, даврининг энг зукко кишиларини пир деб тан олган, олимларнинг ёрдамига таянган. Унинг салтнати юксак умуминсоний ғоялар ва ахлоққа асосланган.

Соҳибқироннинг молиявий сиёсатни тўғри юриттани ҳам унинг муваффақиятларига замин бўлиб хизмат қилган. У кирим-чиқимларни, сарф-харажатларни меъёрида олиб борган, йўқсилларга доимий равишда хайр-эҳсонлар инъом этиб турган, илм-фанга ҳомийлик қилган.

Шунингдек, Амир Темур ўз давридаги турк-мўғул, форсий-исломий бошқарув анъаналаридан давлат ва жамият равнаки йўлида ижодий фойдаланган.

Бизнинг фикримизча, давлат бошқарувида ўтрок ва кўчманчи аҳолининг диний, миллий, минтақавий, этник қадриятлари ифодаланган. Уларнинг манфаатлари ўргасидаги мувофиқлик топилган, бу омиллар давлат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, Амир Темур ўз давлати сарҳадларини дипломатик усуллар, баъзан юришлар эвазига кен-

гайтирган бўлса ҳам, салтанатни қонунлар, тўгри қўлланган бошқарув, уларнинг ижросини таъминлаш орқали миңтақалардаги тинчлик, барқарорлик ва адолатни таъминлашга интилган.

Салтанатда давлат, жамият ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга, барча соҳалардаги ижобий ўзгаришларга айнан давлат томонидан олиб борилган сиёсат бошомил бўлиб хизмат қилган.

Маъмурий тизимда ҳам ихчамликка ва самарадорликка, ҳазина маблагини иқтисод қилишга катта эътибор берилган.

Шунингдек, Амир Темурнинг маслаҳат ва кенгашларга таяниб салтанатни бошқаришни йўлга қўйиши унинг қудрати ва барқарорлигига пойdevор бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур салтанати давлат бошқарувида сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий тизим, маънавий-ахлоқий омиллар бир-бирини тўлдирган ва узвий боғланган, соҳалар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши миллий давлатчилик тараққиётiga туртки берган.

Соҳибқирон давлатнинг иқтисодий функциясини тұлақонли амалга оширишда тадбиркорлик ва халқаро савдо-сотиқ ишларига алоҳида эътибор қаратган. Бунда, биринчидан, фуқароларнинг моддий таъминоти амалга оширилган бўлса, иккинчидан, божу хирожлар орқали салтанат иқтисодий қудрати ўсиб борган. Амир Темур бу соҳада яхши натижаларга эришиш учун Буюк ипак йўлининг хавфсизлиги ва бир маромда ишлашига эришган.

Мамлакат ички иқтисодий ҳамда ижтимоий потенциалини кучайтириш мақсадида ижтимоий қатламлардан ҳисобланган дехқонлар, ҳунармандлар, камбағал аҳоли давлат томонидан қўллаб-қувватланган.

Тадқиқотлар Амир Темур ҳар бир ижтимоий табақага эътибор қаратгани, уларнинг ички ўсишига катта имкониятлар яратилганини кўрсатади.

Умуман олганда, Амир Темур ўз салтанатида катта сиёсий мавқега эга бўлиб, бошқарувда ўз даврида мавжуд бўлган турли анъана ва удумлардан ижодий фойдаланиб янгича, инсон, давлат ва жамият манфаатларига асосланган давлат қуришга эришган.

И БОБ АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИНИНГ МАЪМУРИЙ ТИЗИМИ

2.1. Амир Темур салтанатининг марказий ва маҳаллий бошқарув тизими

Амир Темур салтанатининг марказий ва маҳаллий бошқарув тизими ҳали фанда алоҳида мавзу сифатида таҳлил этилмаган бўлса-да, олимлар бу муаммога ўз тадқиқотларида қисқача тўхталиб ўтганлар.¹

«Амир Темур жаҳон тарихида» номли фундаментал тадқиқотда, Б.Аҳмедовнинг «Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати», А.Р.Муҳаммаджоновнинг «Темур ва Темурийлар салтанати»² ва бошқа асарларда бу борада айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган. «Ўзбек давлатчилиги тарихи» асарининг «Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат»³ деб номланган бўлимида Амир Темур даврида бошқарув икки идора – *даргоҳ ва девонларга* (вазирликларга) бўлингани, уларнинг вазифалари, «сохта хон»лар Суюргатмиш ва Маҳмудхон ҳақида қисқача тўхталиб ўтилади.

Тажрибалардан маълумки, давлатнинг муваффақиятли ривожланиши бошқарув машинаси – марказий ва маҳаллий ҳо-

¹ Manz Beatrice Forbes. Adminstration and the delegation of authority in Temur's dominions ... ; Manz B.F. The Ulus Chagatay before and after Temur's rise to power ...; Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane ...; Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.229 – 254; Аҳмедов Б.А. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.5 – 22; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.171 – 189; Фрагнер Б. Амир Темурнинг маъмурӣ ислоҳотлари ва уларнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон давлат идораларига таъсири // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида туттган ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.13 – 15; Прицак Омелиан. Амир Темур салтанатининг тузилиши // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида туттган ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.15 – 16 ва бошқалар.

² Давлат бошқаруви. Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.64 – 69; Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.5 – 22 ва бошқалар.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.171 – 189.

кимиятнинг тўғри ташкил этилиши, улар ўртасидаги мутаносиблиқ, ўзаро алоқадорлик ва бир-бирига боғлиқликни тўғри тартибга солишга боғлиқ.

Биз монографиямизнинг ушбу бўлимида, аввалги олимларнинг тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, марказий ва маҳаллий бошқарув органлари тизимини янада кенгроқ ёритиб, унинг миллий давлатчиликдаги ўрни, ютуқ ва камчиликларини таҳлил этишни мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, Амир Темур давлат қурилишида бу соҳаларни тўғри ташкиллаштириш орқали сиёсий тизимни мукаммаллаштиришга интилган. Ўз мақсад ва режаларини амалга ошириш учун Соҳибқирон давлат бошқарувининг барча соҳаларига алоҳида сиёсий институт сифатида қараб, уларнинг ишчанлигини ошириш, бу тизимни давлат, жамият ва халқ манфаатларини рӯёбга чиқарувчи механизмга айлантиришга ҳаракат қилган. Хусусан, марказий ва маҳаллий бошқарув тизимиға ҳам катта ўзгаришлар киритган. Унда араб-форс, туркий, мўғул удумлари ўз аксини топди, уларнинг керакли томонлари давлат бошқарувида уйғунлаштирилди ва муовификлаштирилди.

Амир Темур бу идораларни ҳар томонлама қулай, тезкор, енгил, содда ва иқтисодий жиҳатдан тежамкор қилиб тузишга интилди. У кучли маъмурий тизим яратиш билан бирга бу аппаратни салоҳиятли, илмли ва маънавий жиҳатдан кучли мутахассислар билан кучайтирди.

Салтанатда марказий аппарат ва маҳаллий бошқарув идораларининг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига бўйсуниш қоидали тартибга солинди, шакл ва мазмун ўртасидаги мутаносиблиқ таъминланди. Мазкур соҳани такомиллаштириш орқали юксак коммуникация тизими яратилди. Бу жиҳат Соҳибқироннинг изчил ва мукаммал маъмурий ислоҳотлар олиб борганлигини кўрсатади. Мазкур қонунларда шариат, тўра ва тузук, ясоқ қоидаларининг энг афзал жиҳатлари жамланган, улар ижодий ривожлантирилган, натижада янгича бошқарув тизими яратилган. Урф-одатлар, миллий қадриятлар тараққиётига йўл очиш, инсоният фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Амир Темурнинг маъмурий тизими турли анъаналарни ўзида мужассам этса-да, давлатининг барча соҳаларида туркий давлатчилик анъаналари устунлик қилди.¹

Соҳибқирон расман салтанатни Суюргатмиш, кейинчалик Маҳмудхон каби соҳта расмий хонлар билан биргаликда бошқарган, ўзи ва уларнинг номидан тангалар зарб килдирган бўлса ҳам, амалда барча ҳокимият унинг қўлида тўплланган эди. У чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, амр-фармонлари сўзсиз ижро этилган.

Манбалар ва тадқиқотчи муаллифларнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур йигирма етти давлатни ўз ичига олган салтанатни етти вазир ёрдамида бошқарган.² Улардан тўрт вазир олий даргоҳ ишларини юритса, учта вазир вилоятлар ишлари билан машғул бўлган. Вазирлар девонбегига бўйсунганлар. Девонбеги бош ижроия ташкилоти – Олий девонга бошчилик қилган.

Беатрис Манц Амир Темур Девони Девони аъло ва Девони бузургдан ташкил топгани, бу икки Девон паралел равишда мавжуд бўлгани, Девони аъло фуқаролик ишлари бўйича форсий анъаналар билан бошқарилгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган.³ У Девони бузург олий табақа зодагонлар ҳисобланмиш чигатоий амирлар ва шоҳ хонадони аъзолари масалалари билан шуғулланадиган олий трибунал суд эканлигини айтиб ўтган.⁴

Азамат Зиёнинг ёзишича, «Даргоҳ тизимида девонга девонбеги бошчилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилган. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳисобот бериб турганлар».⁵

Ушбу олий идораларга *девонбеги* тегишли кўрсатмалар бе-риб турган, уларнинг фаолияти назорат остига олинган.

¹ Haider M. The sovereign in the Timurid state (XIV – XV centuries) ... – P.62.

² Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.64 – 65.

³ Manz B.F. Structure and function ... – P.107 – 109.

⁴ Appendix C. The formal administrative structure // Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane ... – P.167 – 175.

⁵ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.177.

Биз алоҳида бўлимда қурултой ва унинг давлатчиликдаги ўрнини кўрсатиб ўтган бўлсак-да, унинг марказий бошқарувни та-комиллаштиришдаги боғловчи ролига яна бир бор тўхталишни лозим деб топдик. Бу сиёсий институтни на марказий, на маҳаллий бошқарувдаги расмий идоралар қаторига кирита олмаймиз, аммо унинг салтанат бошқарувида катта ўрин тутганлиги, марказ ва маҳаллий ҳокимият талаб-эҳтиёжлари оз бўлса ҳам қурултой орқали қондирилгани, адолат ва қонунийликни таъминлашда катта аҳамият касб этганлигини яна бир бор таъкидлаш лозим. Амир Темур бу сиёсий институтни демократлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш орқали давлат ва фуқаролар-нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга интилди.

Салтанатда қурултой миллат мажлиси вазифасини ўтади. Бу олий кенгашда катта аҳамиятга молик уруш ва сулҳ, маъмурий бошқарувга оид ва бошқа масалалар муҳокама этилган. Марказий ва маҳаллий давлат органлари ўртасидаги алоқадорликни кучайтиришда бу сиёсий институт катта роль ўйнаган.

Соҳибқирон салтанатида қурултойдан кейинги ўринда маҳсус орган – давлат мажлиси турган. Улар катта ва кичик кенгаш деб аталган. Катта кенгаш тинчлик пайтида, Самарқандда амир саройида юқоридаги кўринишда чақирилган. Ҳарбий юришлар пайтида, катта жанглар олдидан чақириладиган кичик кенгашда Амир Темурнинг энг яқин кишилари иштирок этган.¹

Салтанатдаги кенгашлар ўз вазифаси ва аҳамиятига кўра бир-биридан бирмунча фарқланиб турган. Баъзи кенгашлар ўта маҳфий тарзда ўтказилган ва унда хос кишиларгина қатнашган.

Азамат Зиё «Амир Темур даргоҳ қошида маҳсус кенгаш тузган. Бу кенгаш ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалири, ҳокимиётнинг юқори амалларига мансабдор шахслар тайинлаш ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилган»² деган фикрни илгари суради. Биз ҳам саройда чақирилган бундай кенгашлар давлат тинчлиги, хотиржамлиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган эди деб ўйлаймиз.

¹ Тожиҳонов У., Саидов А. Ҳукуқий маданият назарияси. – Тошкент, 1998. 1-том. – Б.176 – 179.

² Азамат Зиё. Амир Темур даврида давлат бошқаруви ... – Б.12 – 13.

Салтанатда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, муаммоларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар қўллаш вазифаси Амир Темурдан маҳфий кенгашларда берилган маслаҳатларга таянишни талаб этган. Кенгашда ҳар куни ва ойма-ой олинган хабарлар муҳока-мадан ўтиб, камчиликлар дарҳол тўлдирилганди.

Улар билан бирга марказий ҳокимиятда вазирликлар муҳим ўрин тутган. «Темур тузуклари»даги маълумотларга кўра, вазирларнинг бири мамлакат ва раият вазири бўлиб, у давлатнинг муҳим ва кундалик ишлари, вилоятларда йиғилган ҳосил, солик-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кишим-чиқимлар, мамлакат ободонлиги, аҳолининг фаровонлиги масалалари билан шуғулланиб, бу ҳақда Амир Темурга хабар бериб турган.¹

Иккинчиси сипоҳ вазири бўлиб, ҳарбийларнинг ойлик ва бошқа ҳақларини ўрганган, бу ҳақда амирга хабар бериб турган. Улар сипоҳ тарқоқ ҳолга тушиб қолмаслиги учун ҳарбийлар ахвонидан хабардор бўлиб туришган.²

Учинчиси мулкчилик ва солик ишлари вазири бўлиб, у ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётгандарнинг (сайёхлар ва савдогарларнинг) мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлов-яйловларини бошқариб, буларнинг барисидан йиғилган даромадни омонат тарзида сақлаш ишларини назорат қилган. Фойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулкини меросхўрларига топширган.³

Тўртингчиси салтанат ишларини юритувчи вазир эди. У бутун давлат идораларининг кишим-чиқимлари, хазинадан сарфланган барча харажатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлиши лозим бўлган.⁴ Бу вазирликнинг фаолиятини таҳлил этиб Амир Темур даврида молиявий сиёsat яхши йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қиласиз, давлатда кишим-чиқимлар ва сарф-харажатлар қатъий назорат остида турганини англаймиз.

¹ Темур тузуклари ... – Б.107.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Салтанатда чегара ерлар ва тобе давлатларга оид уч вазирдан иборат давлат ҳайъати тузилган, у холиса дейилган. Улар қарамерлардаги молиявий муаммоларни ва келадиган даромадларни бошқаришган.¹ Биринчи вазир халқдан олинадиган соликлар ундирилишини кузатган, ўз фаолияти тўғрисида марказга ҳисобот бериб турган. У соликлар микдори, солик тўловчининг номини ёзиб борган. Тарихдан маълумки, соликлар давлатнинг иқтисодий кудрати асосидир. Соликларнинг ҳаддан ошиб кетиши халқнинг моддий аҳволи ёмонлашувига сабаб бўлган. Амир Темурнинг солик сиёсатини ўрганиш асносида унинг давлат ва халқ манфаатларига мослаштирилгани, бу борада халқа анча енгилликлар яратилганлигини тушуниб етамиз. Солик ишлари вазири ҳам бу қоидага амал қилган ҳолда иш юритган деб хулоса ясашимиз мумкин. Иккинчи вазир ҳарбий соҳага оид ишларни бошқарган. У сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисоб-китобини назорат қилган. Учинчи вазир дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар, саёҳатчилар ва савдогарлар, ҳар хил йўллар билан йигилиб қолган ҳосил, руҳий касаллар, вориссизларнинг мол-мулки, қозилар ва шайхулисломнинг хукми билан олинган жарималарни тартибга келтирган.

«Тузуклар»да ушбу вазирлик ҳақида маълумотлар мавжудлигига қарамай, олимларнинг бу тўғридаги қарашларида ихтилофлар бор. Б.Аҳмедов мулоҳазаларини келтирамиз: «Амир Темур тузган марказий давлат тизимини бор-йўги етти вазир: 1) мамлакат ва раият вазири; 2) сипоҳ вазири; 3) молия ишлари вазири; 4) салтанат ишларини юритувчи вазир, бешинчи, олтинчи, етгинчи вазирлар – сарҳад вазирлари орқали бошқарган.

Лекин уларнинг ким ва нималиги, яъни зиммасига қандай вазифалар юклангани аниқ эмас. «Тузуклар»да айтилишича, бу уч вазир сарҳадлар вазири деб аталган ва тобе мамлакатларга тегишли ишлар билан машғул бўлганлар. Хусусан, «Улар мазкур ерлардаги молиявий муаммоларни ва келадиган даромадларни бошқаришсин», – дейилган. Балким, вазири аъзам қарамоғида шу ишлар билан щуғулланадиган уч вазирдан иборат ҳайъат бўлгандир. «Зафарнома»да Девони адл, Девони куззот, Девони

¹Ўша жойда.

mansab degan atamalap учрайди. Devonini adl va Devonini kuzzot, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, адлия ишлари билан шуғулланган. Демак, бешинчи вазир адлия ишлари билан машғул бўлган. Devonini mansabga келсак, у подшоҳ саройида ва бошқа ерларда юз берадиган ҳар қандай воқеа-ходисалардан хабардор бўлиб туриши, мансабдорларнинг фаолиятини кузатиш ишлари зиммасига юклатилган маҳсус девон бўлса керак. Шундай муассаса Фазнавийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар давлатида ҳам бўлган ва у девони мушриф деб аталган».¹

Devonini mushrif ҳақида Б.Аҳмедов «шубҳасиз, бундай девон Темур ва Темурийлар давлатида ҳам бўлган» деган фикрни айтади. Демак, олтинчи вазир девони мансаб тепасида турган. Яна шу ҳам маълумки, ўрта аср феодал давлатчилик фаолиятида (Амир Темур давлати бундан мустасно эмас, албатт) мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Мазкур юмушларга масъул бўлган муассаса Devonini расоил деб аталган. Демак, вазирлардан бири, еттинчиси, шу муассасага раҳбарлик қилган.² Б.Аҳмедов Амир Темур давридаги мавжуд вазирликларни қўйидагиларга ажратган: 1) вазiri аъзам (Бош вазир), у салтанатнинг муҳим ишлари билан шуғулланган; 2) сипоҳ вазiri; 3) вазир давлат ер-мулклари, бож, закот ишлари билан шуғулланган; 4) вазир салтанат кишим-чиқимлари, хазина харажатлари билан шуғулланган; 5) адлия вазiri, у Devonini кузотга (қозилар девони) раҳбарлик қилган; 6) Devonini mushrif; 7) ташқи ишлар вазiri.³ Бу вазирлар девонбегига бўйсунишган.

Азамат Зиё «Темур тузуклари»га асосланиб етти вазирни мисол келтирса-да, манбага суюниб «саккизинчи вазирлик бу адлия вазирлигидир» деган фикрни илгари суради.⁴ Ташки ишлар масаласида эса Азамат Зиё «ташқи алоқалар, элчилар, халқаро ёзишмалар билан шуғулланувчи хизмат бўлган. Афтидан,

¹ Аҳмедов Б. Амир Темурийлар давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.12 – 13.

² Ўша жойда.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги ... – Б.180.

⁴ Аҳмедов Б. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра в первой половине XV века // Из истории эпохи Улугбека. Сб. статьей. – Ташкент: Фан, 1965. – С.5 – 56; Ўша муаллиф. Амир Темурийлар давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.17 – 18; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.183 – 184; Мұхаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б.27 ва бошқалар.

бу хизмат ижроия тизимида эмас, даргоҳ таркибида фаолият кўрсатган» деган фикрга келади. Амир Темур даврида нечта вазирлик мавжуд бўлгани ҳакида ҳозирча олимлар томонидан бир якунга келинмаган бўлса-да, юкорида кўрсатилган идоралар давлат бошқарувида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлаб ўтамиз.

Соҳибқирон давлатни мўғуллар каби улус, вилоят ва туманларга бўлиб бошқарган. У салтанатини тўрт улусга тақсимлаб, уларга ўз ўғил ва набираларини ҳукмдор этиб тайинлаган. Шунингдек, вилоят ва туманларга ҳам асосан темурий шаҳзодалар ва ҳарбий лашкарбошилар раҳбарлик қилган.

Амир Темур вилоят, туманларга кўпинча жангларда синалган, баҳодирлик кўрсатган ҳарбийларни сийлаш учун суюргол тариқасида мулклар инъом этар, улар ўзларига тегишли ҳудудларни бошқарар эди. Шунинг учун баъзи олимлар бу даврни ҳарбий феодализм даври деб атайдилар.

Ҳозирги даврда ҳалқаро демократик тизим ва юқори ҳарбий техниканинг қўлланилиши мамлакатни ҳарбийлаштиришга катта эҳтиёж туғдирмайди. Бироқ тарихда мамлакат мудофаасини ташкиллаштириш масаласи ҳар доим долзарб масала бўлиб келган.

Ғарб ва Шарқда инқизоллар, урушлар кучайган даврда Соҳибқироннинг ҳарбийлар орқали давлатни бошқариши, мамлакатни мудофаага доимий шай туриши бошқарувнинг муҳим ютуқлариданdir.

Амир Темур ҳаётлигига куч билан ушлаб турилган маҳаллий ҳокимликлар унинг вафоти билан мустақилликка интилди. Бу жараёнда суюргол тизими тарқоқликнинг кучайишига таъсир кўрсатган бош омиллардан бири бўлиб қолади. Бошқа давлатларнинг суюргол тизими билан солиштирадиган бўлсак (Қадимги Рус, Франклар империяси ва бошқалар), вақтинча ёки умрбод бўлиб берилган ҳудудларнинг аксариятида кейинчалик феодал тарқоқлик келиб чиқсан. Амир Темур даврида суюргол ўзининг яхши натижаларини берса-да, аммо у орқали алоҳида давлатларнинг ажralиб чиқиб кетишига имкон яратилганди. Чунки ҳарбий пешқадамлик ҳалқаро сиёсий нуфузни белгилаган ўрта асрларда ҳарбийларнинг нуфузи баланд бўлган ва улар шу йўл билан рағбатлантирилган.

Маълумотларга кўра, Соҳибқирон ўз ўғил ва набираларига ишончли, синалган, тажрибали, тадбиркор кишиларни маслаҳатчи этиб тайинлаган. Шарафиддин Али Яздий ёзди: «Хулагуҳонга тааллук улусни амирзода Умарға берди ва нишон бериб, ол тамға бости. «Озарбайжон вилояти, Рум ва Истанбулғача ва Шому Мисрғача анинг ҳукми фармонида бўлғай. Ва шахзодаларким, Ироқ ва Форсда туурулар, анинг сўзидин чиқмасунлар ва анинг қурултойида ҳозир бўлсунлар!» Ва амирзода Мироншоҳким, анинг атоси эрди, бекларидин ва навкарларини, бир жамоат кишини анга берди. Ва ул маҳалда амирзода Умарни ижозат берди. Ва амирзода Мироншоҳни неча бек билан, мисли Рустам, Амир Муса ва Тўкал Ёдгор Барлос ва Жунайд Бурулдай ва файруху ўн минг йаҳши кишини йароги била анга берди. Ва ҳукм қилдиким, «Анинг сўзидин чиқмасунлар!» Ва шахзода уларга дедиким, «Жаҳоншоҳбек сўзидин чиқмасун ва ҳар неқим, ул маслаҳат қўрса, анинг бирла амал қилғайсен! Шаҳзодага тожу камар мурасса ва отким, эгар-югани олтун эрди, берди. Ва шаҳзодага кучуб, юзига ўпуб, ижозат берди. Ва анинг била қолғон бекларға нималар инъом қилиб, йаҳши сўзлар деб, кўнгул бериб ижозат берди. Жаҳоншоҳбек Соҳибқироннинг ҳажрида кўп йиғлаб зори қилди. Андин сўнг Соҳибқирон амир Шайх Иброҳим ва Мардиннинг Султони Иса Малик Иззуддин ва Кўстандил Гуржи ва Тизак ва Жолиқ ва Бистом барчани хилъатлар бериб ва олтун камарлар инъом қилиб, барчани шаҳзода Умарға мулоzим қилди».¹

Шарафиддин Али Яздийнинг фикрларидан холоса қилиш мумкинки, Соҳибқирон жанғларда, давлат ишларида тобланган, садоқатли, тадбиркор, олим кишиларни ўз ўғилларида маслаҳатчи қилиб тайинлаган ва улар орқали худудларда бошқарувнинг холислигини таъминлашга интилган. Маҳаллий ҳокимликларни ўзига итоат этувчи давлат маслаҳатчилари орқали ҳам назорат қилган.

Амир Темур даврида ташкил этилган давлат *ноҳия* – округларга, ўн мингликлар – *туманлар*, мингликлар – *ҳазоралар*, юзликлар – *садалар*, ўнликлар – *даҳаларга* бўлинган. Бундан кў-

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.283.

ринадики, маҳаллий бошқаришнинг ўнликлар тизими мавжуд бўлиб, унинг асосига белгиланган тартибда Амир Темур қўшини учун аскар етказиб бериш вазифаси қўйилган.¹

Соҳибқирон даврида маҳаллий бошқариш ишлари яхши ташкиллаштирилган бўлиб, ҳар бир вилоят, шаҳар, туманинг ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутавалиси ва муҳтасиби бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол, яъни командант тайинланган. Бизнингча, улар, бир томондан, маҳаллий маъмурларга, иккинчи томондан, *Олий девонга бўйсунган*.

Минг чопар – хабаргирлар орқали пойтахтга ахборот берилган. Улар давлат сарҳадларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида муттасил хабар юбориб турганлар. Бу усул камчиликларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этган. Ёлғон хабар ёзганларнинг бармоқлари, тухмат хабар ёзганларнинг боши кесилган. Соҳибқироннинг йигирма етти давлатни бирлаштирган йирик салтанатидаги муттасил кузатув ва хабарлар алмашинуви жойларда ҳақиқат ва адолат ўрнатилишига хизмат қилган. Шунингдек, Амир Темурнинг амр-фармонлари ҳам хабаргирлар, жарчилар орқали маҳаллий ҳокимларга етказилган.

Давлат бошқарувида маҳаллий эркин жамоалар ва маҳалла оқсоқоллари катта роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Амир Темур бошқарувдаги миллий урф-одатлар и инобатга олиб солиқлар йиғиш, маҳалла тинчлик-фаровонлигини сақлаш, моддий таъминот ва бошқа масалаларда жамоа ҳамда уни бошқарган маҳалла оқсоқолларининг мустақил фикрарини инобатга олган. Ҳатто ўзи забт этган ҳудудлар маъмурларини ҳам кўпинча халқ фикрини инобатга олган ҳолда маҳаллий аҳоли орасидан тайинлаган.

Амир Темур давлат органлари тизимини ташкиллаштиришда асрий миллий анъаналарга таянган ва бошқарувда конунлар барча ҳудудлар учун тенг кучга эга бўлса-да, миллий ҳудудларга анча кенг имкониятлар яратилган, яъни давлат томонидан қайсиdir миллий маданият, жумладан, тил зўрлик билан бошқа ҳудудларга олиб кирилмаган. Ўрта Осиёда эса туркий тил анъаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Турк тили

¹ Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да ... – Б.105.

анъаналари, айниқса, Ҳусайн Бойқаро даврида кучайди. Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий томонидан «Хамса» асарининг битилишини ҳам Амир Темур томонидан туркий тил ривожи учун яратилган шароитлар натижаси деб айтиши мумкин.

Амир Темур даврида ҳар бир вилоят ва катта шаҳарларда адолат уйи ташкил этилган. У асосан давлатга, бошқариш тартибиға қарши ва мансабдорлик жиноятларини таҳлил қилиб тегишли чора-тадбирларни кўрган. Фуқароларнинг арз-додлари ва бошқа талабларини тӯғри ҳал этиш давлатнинг асосий ишларидан бўлгани туфайли бошқарувда бу масалаларга муҳим ўрин ажратилган.

Арз-шикоятлар ва уларнинг натижалари миззолар томонидан рўйхатга олинган, тез-тез марказий ва маҳаллий ҳокимиёт томонидан ўтказилган тафтиш, сўроқлар, шунингдек, чопарларнинг маълумотлари орқали марказда жойлардаги аҳвол назорат қилиб борилган.

Амир Темур даврида бир-бирига бўйсунадиган, бир-бирига бўйсунмайдиган бошқарув органлари, фуқаролар, марказий ва маҳаллий идоралар ўртасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилган.

Темурийлар давлатида идора этиш ташкилотларининг ихчам, оддий, арzon ва тезкорлиги, яъни давлат бошқарувининг иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги тамойилига амал қилинган.¹

Амир Темур тузган маъмурият оддий, ихчам, тезкор ҳаракатланишга мосланган, барча хабарлар тез вакт ичида салтанатнинг барча ерига етиб борган. Жумладан, саройда чиқарилган қарор ва фармонлар муншийлар томонидан дарҳол кўчирилиб, тезда вилоят ва туманларга жўнатилган. Тезкор ахборот алмашинувини таъминлашга эришилган. Бу эса йирик салтанатнинг энг чет жойларида ҳам қонун устуворлигига эришиш имкониятини яратган.

1402 йили Рум забт этилгач, бу ҳақда Амир Темур: «Муншийлар фатҳномалар Эрону Туронға нома битиб йибарсунлар», – деб фармон берган. Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Муншийлар мисли Мавлоно Шамсуддин Мунший ва ўзга муншийлар ўлтуруб фатҳномалар битиб, Эрону Туронға йибардилар. Ва бир

¹ Кўрсатилган манба. – Б.126.

фатхнома Султонийага – ҳарамларға йибардилар ва йана бир фатхнома Самарқандқа йибардилар ва йана фатхнома Кобул ва Зобул ва Синдға йибардилар. Яна бирини Форс вилоятига амирзода Рустамға йибардилар. Туркистон ва Қошғар ва Хұтан ва Бадахшон ва Хурасон ва Хоразм ва Мозандарон ва Табаристон ва Гилон ва Озарбайжон ва Ироқи Араб ва Ироқи Ажам ва Кач, Мекрон ва Сейистон – барча вилоятларға фатхномалар йибардилар».¹

Амир Темур давлати байроғи ҳақида Л.Керен шундай ёзади: «Амир Темур форсча «rosti – rusti» – «kуч – адолатда» деган шиор битилган уч ҳалқадан иборат байроқни үзининг туғи этиб белгилади. Ривоятларга қараганда, туғдаги уч доира курраи заминнинг Амир Темур хукмронлик қилишни истаган уч қисмни билди-рар, мӯғул урф-одатлари бўйича эса ўз хўжасига омад қелтирувчи сеҳрли белгилардан бири ҳисобланарди».² Бизнинг назаримизда, бу уч ҳалқа – само, ер ва сувликни англатган бўлиши ҳам мумкин.

Амир Темур давлати расмий анъаналарига яна шу нарса хоски, ислом бошқарувига асосан унинг номи қўл остидаги давлатларда жума ва ҳайит намозларида хутбага қўшиб ўқитилган. Одатга кўра, у ёки бу подшоҳнинг сиёсий хукмронлиги тан олингани унинг номи хутбага киритилиши ё киритилмаслиги билан ҳам белгиланган.³ Мансабдорларни юқори лавозимга қўйишида ҳам ўзига хос урф-одатларга амал қилинган. Бу давр анъаналарига кўра, мансабга тайинланган кишига фармон, нишон, ол тамға берилган ва подшоҳона тўнлар кийдирилган.

Соҳибқирон давлатида фармонлар ёрлиқ деб аталган. Ушбу ёрлиқ, мактуб ва рухсатномаларда «Темурбек» деб имзо чеккан. Расмий қоғоз ва тангаларда «Темур Гўрагон» сўзлари битилган.⁴

Маълумотларга кўра, «Туғро подшоҳнинг ёрлиғи, фармони, герб, давлат нишонаси бўлиб, унда ҳарфлар бир-бирига чирмаштириб ёзилган. Бундай усулда подшоҳнинг номи ва лақабларини унинг фармони тепасига битганлар».⁵

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.262.

² Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.242

³ Абдурраззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.461.

⁴ Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.42.

⁵ Абдурраззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.460.

Салтанатда давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг барча бўғинлари ягона марказга бирлашган, бошқарув ахлоқига катта эътибор қаратилган. Бу даврдаги қонунларда шахснинг мансабига қараб ҳақ тўлаш, мансабдорнинг шахсий жавобгарлиги, совғалар олиши масаласи ва интизомий жавобгарлигига алоҳида эътибор берилган.

Курултой, кенгаш, шоҳона қабуллар ва дабдабали сарой маросимларида ўрта аср давлатчилигининг ўзига хос расмий анъ-аналари мужассам эди. Тантанали маросим тартибию коидаларидан тортиб аъёнларнинг лиbosларигача эътиборда турган. Амир Темур шоҳона қабул тартибларининг бир қисмини кўшни давлатлардан қабул қилиб, ўз саройида тараққий эттирган.

Шунингдек, этик ва эстетик коидаларнинг расмий маросимлар билан уйғунлашиши тантаналарга улуғворлик ва салобат баҳш этган. Масалан, расмий маросимларда ва саройда хонимлар бошига шоқилали бўрқ, эгнига олтин уқа билан безатилган узун қизил қабо кияр эдилар. Қабонинг ёқаси сиқиб турадиган, енгиз бўлиб, орка этаги жуда узунлиги учун уни маҳсус жориялар кўтариб юришган. Жорияларнинг сони баъзан ўн беш нафаргача етарди. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли жавоҳирию Исфаҳон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис зеб-зийнатлари билан ўzlарига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарлар тақиб юрганлар.

Испания элчиси Клавихони Конигил мавзеида бўлиб ўтган шоҳона маросим, айниқса, ҳайратда қолдирган. Конигилда 10 – 15 минг чодир ўрнатилган бўлиб, тўй маросимида сарой аҳли, вазир-вузаролардан ташқари аҳолининг турли табака ва киллари қатнашган. Клавихо мансабдор шахсларнинг лавозими бўйича чодирларнинг жойлаштирилиш тартиби, жиҳози, ҳатто уларнинг безакларигача катта эътибор берилган эди.¹ Бундан кўринадики, Амир Темур салтанатида расмий маросим ва тантаналар учун маҳсус меъморий-бадиий ечим ишлаб чиқилган. Умуман олганда, давлат бошқаруви маҳсус дастур орқали ташкиллаштирилган.

¹ Мұхаммаджонов. Р. Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б.34.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Соҳибқирон ҳатто ўзига қарам ҳокимларга бошқарувни қандай ташкиллаштириш тұғрисида мактублар юборган.¹

Немис олими Берт Фрагнернинг ёзишича, маъмурий бошқарувда Амир Темур даврида янгича дипломатик принциплар ишлаб чиқилған. Масалан, Соҳибқирон фармон чиқаришда ўзига хос услугуб яратди. «Амир Темур томонидан фармоналар чиқариш тартибига қўйилған талаблар унинг авлодлари томонидан ҳам қабул қилинган. Бунга бир қатор темурий ҳукмдорлар, масалан, Шоҳрух мирзо, Абу Сайд мирзо томонидан чиқарилған ва асл нускада сақланиб қолган кўплаб ҳужжатлар асос бўла олади. Фарбий Эрон ва Шарқий Анатолиядаги қорақўюнли ҳамда оққўюнли туркман ҳукмдорлари Амир Темур ва унинг авлодларига душманлик руҳида бўлсалар ҳам, фармоналар чиқаришда Амир Темур услубини тўлиқ қўллаганликлари алоҳида диккатга сазовордир. Бу туркман ҳукмдорларининг Хуросон ва Трансоксаниядаги темурийларга душман сифатида қарамай, балки Темур шахсида шаклланган ҳукмдор намунасини тан олганликларидан далолат беради».²

Тадқиқотчи Эрон сафавийларидан тортиб шайбонийлар, аштархонийлар, Ўрта Осиё хонликларигача Амир Темур давлатчилиги анъаналарини намуна сифатида ўзларига қабул қилганликларини айтиб фикрини шундай давом эттиради: «Бу масаланинг ниҳоятда қизиқ томони шундаки, на XV аср турк ҳукмдорлари, на XVI аср шиа сафавийлар тарафдорлари ва на шайбонийлар ўзларини Амир Темур бошқаруви анъаналарининг издошлиари ва тарафдорлари деб ўйламаган. Шунга қарамай, улар Фарбда усмонли турк салтанатидан то Ҳиндистонгача бўлган бепоён чегарада Амир Темурни улуғ ҳукмдор сифатида тан олишган ва унинг ғояларини қабул қилишган».³

Бу даврда расмий тил форс тили бўлса-да, қолган тилларнинг эркин ривожланиши учун имконият яратилған, жойлардаги миллий урф-одатларга халал берилмаган, уларга ички мустақиллик

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.353.

² Фрагнер Б. Амир Темурнинг маъмурий ислоҳотлари ва уларнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон давлат идораларига таъсири ... – Б.13 – 14.

³ Кўрсатилган манба. – Б.14.

тақдим этилган. Амир Темур давлат бошқаруви шакли ҳақида Х.Маматов шундай муроҳаза билдиради: «Маълумки, давлат ва ҳукуқ фанларида ўрта аср давлатларини бошқариш шакли бўйича «илк феодал якка ҳокимлигига (якка ҳокимлик): а) табақали вакиллик монархияси; б) мутлақ монархия даврларига бўлиб ўрганилади. Ўзбекистон давлати ва ҳукуқи тарихида эфталитлар давридан бошлаб ундан кейинги барча давлатлар: турк ҳоконлари, салжуқийлар, хоразмшоҳлар мутлақ ҳокимиятга эга эди деб ҳисоблаш мумкин.

Амир Темур давлати мағкурасининг негизини исломий ғоялар ташкил этади. Давлат мағкурасига айланган бу ғоя умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, у доимо тинчлик ва инсонпарварликни илгари суради.

Соҳибқироннинг миллий таркиби жуда қурама йирик салтанатида диний, ирқий ва бошқа низоларнинг келиб чикмагани ҳам салтанат мағкурасининг пойдевори умуминсоний қадрият эканлиги, шаркона демократия, бағрикенглик ғоялари мавжудлигидан далолат беради.

Бизнингча, Амир Темур давлат аппаратини ташкил этувчи маъмурий тизим, тизимлараро ва жамият ўртасидаги муносабатлар мутаносиб ривожланган, ҳар бирининг аниқ вазифаси белгиланган, қонунлар ижроси ана шу тизим орқали таъминланган. Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ҳам қонун устуворлиги ўрнатилган.

Бундан ташқари, расмий маросимлар, меъморий-бадиий ечим, этик ва эстетик қоидаларга алоҳида эътибор берилиши давлат курдатини оширишда муҳим омиллардан саналган.

Давлатчилик тизимидағи ушбу қоидалар миллий бошқарувимиз юқори даражага кўтарилиганини, давлат органлари тизимини яратишда у билан боғлиқ ҳар бир соҳа эътиборга олингани, ўзаро муносабатлар тартибга солингани ва муровфикаштирилгани, бу борада яхлит концепция яратилганини кўрсатади.

2.2. Давлат бошқарувини тақомиллаштиришда қурултойларнинг ўрни

Маълумки, қурултойлар қадимдан давлат бошқарувининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган. Улар ўз даврида жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилган. Қурултойда энг муҳим масалалар, жумладан, ўзга давлатларга уруш қилиш, тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувига оид бошқа муҳим ишлар ҳал этилган. Бундан кўринадики, қадимий бошқарув анъаналаримизга мувофиқ, давлат раҳбари бирор муҳим ишни ва ўзгаришларни бошлашдан аввал ҳалқ вакиллари билан кенгашиш, масаланинг ечимида бирор хато ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун олий даражадаги кенгашда муаммоларни ҳал этган. Биз қадимги қурултойлар тарихини мушоҳада этарканмиз, улар бугунги парламент тизимининг дастлабки тажрибалари эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Тўғри, қурултойлар мӯғуллар ва бошқа ҳалқлар давлат бошқарувида ҳам мавжуд бўлган, аммо бу сиёсий институт бизнинг тарихда муҳим ўрин тутган. Оқсоқоллар йиғини, ҳарбий демократия, уларнинг ривожланган босқичи – қурултой каби сиёсий институтларнинг ўтмишдаги фаолияти фикримизга далилдир. Мазкур тарихий жараёнлар таҳлили бугунги парламентимиз тарихи минг йилликларга бориб тақалиши, у бугунги кунда тақомиллашиб, ҳалқаро тажрибалар билан бойитилгани ҳақида холоса чиқаришимизга имкон беради.

Ўрта асрларнинг муҳим сиёсий институтларидан ҳисобланган қурултойларнинг Амир Темур даврида қандай мақомга эга бўлгани, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсадида ушбу мавзуга алоҳида бўлим ажратдик.

Қадимий удумларимизга кўра, давлат раҳбарлари қурултойда сайланган ва улар оқ кигиз устига ўтқазилиб юқорига кўтарилиган. Оқ кигизнинг тўрт учини энг нуфузли амалдорлар ва диний раҳнамоларгина кўтариш ҳукуқига эга бўлган. Ушбу удумлар бажарилган тақдирдагина шахснинг ҳокимияти қонуний ҳисобланган. Соҳибқирон ҳам ўзининг давлат ҳокимиятини қурултой орқали мустаҳкамлаган. У 1370 йил 8 апрелда қурултойда амир этиб сайланган ва ўша даврдаги одатга мувофиқ оқ кигиз усти-

га ўтқазилиб юқори күтарилиган. Унга диний рахнамоси Сайид Барака оқ фотиха берган, хукмдорлик нишони – түғ, ногора ва байроқ топширган. Ўша кундан эътиборан Амир Темур бутун Мовароуннаҳрнинг конуний ҳукмдори – амири ҳисобланган.

Амир Темур салтанатидаги қурултой олий табақа вакилларининг кенгаши эди. Мантиқан олиб қараганда, шундай бўлиши ҳам керак. Негаки йирик салтанатда оммани йифишни ташкиллаштириш, шунингдек, масалани тартиб билан ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шу туфайли ҳудудларнинг вакиллари – маъмурлар, ҳарбий бошлиқлар ва олимлар қурултойда қатнашиб, мамлакат ҳаётидан боҳабар бўлишган.

Курултойда қабул қилинган қарорлар асосида фармонлар чиқарилган, улар зудлик билан муншийлар томонидан кўпайтирилиб, мамлакатнинг энг чекка жойларигача жарчилар, чопарлар орқали етказилган. Ўша даврдаги муҳим қарор ва фармойишлар, бир томондан, маъмурлар, иккинчи томондан, хабаргирлар орқали кенг оммага етказилган. Бўлаётган ўзгаришлардан ҳалқ оммаси хабарсиз қолмаган. Оммавий ахборот воситалари бўлмаган ва транспорт чекланган ўрта асрларда ахборот коммуникациясининг яхши йўлга қўйилгани мамлакат тараққиётида муҳим омил эди.

Амир Темурнинг салтанатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш ҳамда тадбири чоралар белгилаб олиш мақсадида қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта аҳамият бергани ҳақида тарих саҳифаларида кўплаб маълумотлар мавжуд. Уларга кўра, Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қатор қурултой ҳамда кенгашларда шаҳзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулқдор зодагонлар вакиллари қатнашганлар. Олий даражадаги бундай йиғинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий ахволига оид энг муҳим масалалар муҳокама этилар, зарур ишларни бажариш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгиланар эди. Давлат аҳамиятига эга ҳар бир масалани ҳал этишда Темур шу соҳанинг билимдонлари ва олимлар билан маслаҳатлашар эди.¹

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б. 125; 128; Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б. 33.

Бундан күринаиди, Амир Темур қурултой қарорига таянишни давлат бошқарувидаги энг адолатли йўл деб тушунган.

У қурултойни фаоллаштириш орқали туркий давлатчилик асосларини такомиллаштирган. Манбалардаги маълумотлар ри-вожланган ўрта асрларда қурултойнинг миллий давлатчилиги-миздаги энг гуркираган даври Амир Темур даврига тўғри кела-ди деб холоса чиқаришимизга имкон беради.

Ўша даврда бўлиб ўтган бир қурултой ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай маълумот келтиради: «Ҳазрат Соҳибқирон давлатидин турк элининг азимат ва шавкатлари аъло мартабага етиб эрди, алалхусус, Чигатой улусиким, аларнинг давлати мағ-риб оламдин машриққа тўлуб эрди ва аларнинг мол жиҳатлари-ни ҳеч ким санолмас эрди. Ва йосоқлариға анча мол ва азимат бўлуб эрдиким, ўзга ернинг бекларидин эрдилар. Ҳазратнинг муборак хотириға кечтиким, черикни керак бурунғидин кўбрак қилгай. Бас, қурултой қилмоқ фармон қилди (1390 й. баҳор – Ш.Ў.) ва ҳар вилоятдин ва тумонот ва хазорижотнинг беклари ва вилоятларининг даруғалари ҳозир бўлсун деб ҳукм қилди. Ви-лоят даруғалари ва тумонот ва хазорижот беклари андоқ азимат ва шавкат била ва асос била келдиларким, Фаридун ва Афросиёб андоқ асос кўрмагандурлар».¹

Демак, маҳаллий ва марказий давлат ҳокимиияти вакиллари қу-рултойда иштирок этган. Қурултойда юриш қилиш масаласи ҳал этилган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий: «Ишорати олий бўлди: «Ҳар бекка не миқдор киши тааллук турур ва черик куни неча киши отландурур, барчани эҳтиёт қилиб, муфассал қилинглар!» Бахшийлар ва тавачилар юруб беклардин муфассаллар олиб, та-вачиларга топшурдиларким, тонглasi черик ҳар кимки қабул қилғон кишисини отландурмагай, гуноҳкор бўлғай. Мундоқ муқар-пар қилиб забт қилдилар»², – деб маълумот келтириб ўтган.

Амир Темур давридан кейин қурултойнинг жамият ҳаётида-ги мавқеи пасайиши (айниқса, хонликлар даврида) пароканда-ликка, инсон ҳукуқларининг топталишига олиб келди.

Соҳибқирон баъзан қурултой қарорисиз иш бошлишни ло-зим топмаган. Унинг Тўхтамишхон масаласини ҳал этишда бу

¹Шарафиддин Али Яздий ... – Б.128.

²Ўша жойда.

сиёсий институтта таянгани күринади. Бу икки ҳукмдор муносабатлари кўпчиликка маълум. Тўхтамишхон Амир Темур кўмагида Олтин Ўрда таҳтига эга чиқса-да, бунинг қадрига етмай унинг йўқлигидан фойдаланиб Мовароуннахрга юриш уюштирап, оз фурсат ўтиб элчилар орқали узр сўраб эди.

Хатто бир гал Соҳибқирон Тўхтамишнинг узр сўраб келган элчиларига аниқ бир жавоб бермай, жавобни кенгашганидан сўнг айтишини билдиради ва бу масалани қурултой мухокамасига ташлайди. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий шундай маълумот беради: «Тўхтамишхон элчи йиборганини ҳазрат эшилти, фармон килдиким, «Келган элчиларни келтурунг!» Беклар элчиларни келтурдилар ва Тўхтамишхон йибаргон тўққуз от ва бир шунқорни тортилар.

Ҳазрат ул шунқорни эликига олиб бирорға берди ва элчилар юкунуб, Тўхтамишхоннинг сўзини узр тиллари била арзадошт килдилар ва дедиларким, «Тўхтамишхон айтадурким, «Ул ҳазрат менинг била ато-ӯғулдек эрди ва валинеъмат турур. Ва бу шафқатларким, менинг ҳақимда алар қилиб турурлар, ҳеч ато ӯғулға қилмас. Агар йиллар шукур десам ҳануз айтмамиш бўлғаймен, мендин хабарсиз бир неча йамон бадбаҳтлар беадаблик килғон турур ва ул воқиъалардин хабарим йўқ турур. Эмди умид ул турурким, ул ҳазрат лутфу карам била бу ёзуклардин кечиб, афв қилғайлар».¹

Элчиларнинг бу гапларидан кейин Соҳибқирон уларга Тўхтамишхон Ўрусхондан қочиб, қийналиб юрганида ўз фарзанди каторида кўриб қурол-аслаҳа, сипоҳ ва тўғри маслаҳатлари билан унга ёрдам бергани, Олтин Ўрда таҳтига ўтқазгани, унинг барча муваффакиятларига Амир Темурнинг ўзи сабабчи бўлгани, энди эса бу яхшиликлар Тўхтамишхоннинг эсидан чиққани, Эрон юриши даврида Мовароуннахрга босқинлар уюштиргани, мусулмонларни ташвишга қўйгани ҳақида гапириб унга қарши курашишга асосли сабаблар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Амир Темур Тўхтамишхоннинг бу қилиғини ўзумга келтурмадим ва дедим: «Бу иш нодонлиқдин қилмиш бўлғай, ёниб тавба қилгай». Аммо ул давлатқа андоқ мағрур бўлғон эрмишким,

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.130.

бу ишдин анга ҳеч парво қилмай, вилоятимизға касд қилғон эрмиш. Ва киши йибариб эрдиким, биз Эрондин вилоятимизға келдук, келгон кишиси бизнинг хабаримизни топғач қочтилар. Эмдиким билиб турурким, биз аниг сори борур биз, ажзу ниёз йўлидин кириб, узроҳлик қиладур. Бас, андин неча қатли йамон ишлар воқиъ бўлди. Эмди аниг сўзига инонса бўлмас ва бу юрушдин қайтмасбиз ва аниг сори борур биз кўргайбизким: Тангри таборак ва таоло кимга нусрат берур. Ва агар сўзи чиндур¹ ва ярашғали кўнгли бор бўлса, Алибекни бизга йибарсун, то ул келиб, беклар билан кенгашиб ҳар на маслаҳат кўрсалар, андоқ қилғайбиз», – деб ўзининг қатъий жавобини беради.

Соҳибқирон бу масалани курултойга қўяди. «Чаҳоршанба кунида, рабиъ ал-аввал ойининг ўн олтисида (21.02.1391) курултойда шаҳзодалар ва беклар – барча йигилиб, кенгашиб, Тўхтамишондин келган элчилари билан ва тамоми черик билан отланиб йўлға кириб, Тўхтамиш сори юридилар».²

Юқоридагилардан англашиладики, энг нозик масалаларда Амир Темур зодагон маъмурларнинг фикрини зшитган. У курултойсиз ҳам давлатни бошқариши мумкин эди, аммо адолатли қарорлар чиқариш учун маҳаллий маъмурлар фикрини инобатга олган.

Курултойнинг ўтказилиш муддати аниқ белгиланмаган бўлиб, бир йилда бир неча марта чақирилиши, ҳатто йилда бир марта ҳам чақирилмаслиги мумкин эди. Бу вазиятга ва масаланинг нечоғлик аҳамиятли эканлигига боғлиқ бўлган.

Масалан, Соҳибқирон 1390 йил баҳори ва кузида курултой чақирган. Маълумотларга кўра, «1390 йил кузида Амир Темур Кеш яқинида катта курултой ўтказди. Умаршайхнинг никоҳ тантаналари курултойга уланиб кетди. Амир Темур салтанатининг барча кўшинини бир жойга йигди, ўнлаб лашкар фавжларини тузди, уларнинг қўмондонларини белгилади, ўзи йўқлигига шаҳар ва туманларни бошқарадиган ҳокимлар, бошқа юқори мансабдорларни тайинлади ва, ниҳоят, асосий қўшинга йўл тайёрлаш ҳамда душман лашкарлари ҳолатидан ўзини огоҳ қи-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

лишлари учун тезкор гурухларни шимолга йўллади».¹ Ҳофизи Абру ҳам 792 (1389 – 1390) йили Оқёр мавзеида қурултой чакирилгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирган.² Амир Темур сарой тадбирларини амалга ошириш орқали узоқ-яқиндан келган амалдор ва бошқа вакиллар, сипоҳининг тўпланишидан фойдаланиб қурултой мажлисини ташкиллаштирган, унда муҳим масалалар кўрилган.

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темур даврида қурултойнинг жамият ҳаётида нечоғлик катта роль ўйнаганлигини англаб етиш мумкин. Соҳибқирон давлат бошқарувида машварат, кенгаш, тадбиркорлик, мулоҳазакорлик ва маслаҳатни бошқарувнинг бош аркони деб билгани бежиз эмас. Шарафиддин Али Яздий: «Ва йана Соҳибқироннинг иши бу эрдиким, агарчи қурултой қилиб беклари била ва шаҳзодалар била мамлакат иши учун кенгаш қилур эрди»³, – деб унинг бошқарувда қурултойга суюниб келганлигини таъкидлайди.

Биз Амир Темур томонидан чиқарилган ҳамма муҳим фармон ва қарорлар қурултойда муҳокама этилган деган фикрдан йироқмиз. Мутлақ монархия тизимида бундай бўлиши мумкин эмас, аммо энг муҳим масалалар ва давлат аҳамиятига молик асосий бошқарув ўналишлари қурултойларда кўриб чиқилгани диккатга сазовордир. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, қурултой ўз даврининг олий маслаҳат кенгаши ва вакиллик ташкилоти ҳисобланган.

Мамлакатда қонунлар устуворлигини таъминлашга эришган Соҳибқирон қурултойсиз ҳам давлатни бошқариши мумкин эди, аммо у халқ манфаати ва фаровонлигини таъминлаш учун вакиллар мажлисининг фикри ва хоҳишини инобатга олган. Чунки унинг давлат бошқарувидаги асосий мақсади зўрлик билан халқни ўз ҳукми остида ушлаб туриш эмас, балки давлат ва халқ бирлиги, уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган эди. Албатта, бу жиҳатлар ўша даврдаги давлатчилик анъаналирини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этган.

¹ Фасих Ахмад Хавафи. Муджмали Фасихи. ... – С.113; Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.63 – 64.

² Ҳофизи Абру. Зайл-и жоме ат-таворих ... – Б.203.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.309.

Қурултойда халқ вакиллари маҳаллий амалдорни сайлаши, олий ҳукмдордан уни ўзгартиришни талаб қилиши ёхуд со-ликларни камайтириш каби масалаларни сўраши мумкин эди. Унда нафақат маҳаллий маъмурлар, балки хабаргирлар, Амир Темургагина бўйсунадиган, аммо маҳаллий амалдорларга маслаҳатчилик қиласидиган тажрибали, илмли ва давлатга садоқатли кишилар ҳам қатнашган. Бу эса жойлардан олинган турли маълумотлардан ҳаққонийисини аниқлаш имконини яратган.

Қурултойларнинг жамият ва давлатдаги ўрнини ўрганган венгер олими Ҳ.Вамбери унга «миллат мажлиси» деб баҳо бергани бежиз эмас.¹

Проф. З.Муқимов: «Амир Темур давлатни бошқаришда албатта Куръон, ҳадислар, тўра ва тузукка таянган. Шу билан бирга, кенгаш ва машваратга ҳамда унинг қарорларига таянган. Шу нуқтаи назардан қурултойлар Темур салтанатига демократик тус берувчи зодагонлар кенгашидан иборат эди»², – деб фикр билдириган.

Ҳ.Бобоев Шарқ деспотик давлатларидан Амир Темур давлати қурултойи билан фарқланишини, шарқона мутлақ монархиянинг демократия билан уйғунлашганлигини айтган.³

Қиролларнинг вакиллар билан кескин курашлари кечган Европа парламентаризмидан фарқли ўлароқ, Амир Темур салтанати қурултойларида ҳукмдорнинг ҳукуқини чеклаш ёки у билан курашиш эмас, балки зодагонларнинг олий кенгашида ҳаммага тенг ҳукуқ берилгани, унда ҳар ким ўз фикрини айта олгани, давлат бошқарувидаги долзарб масалалар, юришлар бошлиш, сулҳ масалаларини адолатли ҳал қилишга интилиш кучли бўлганлигини кўрамиз.

Амир Темур даври қурултойи ўша даврда Ғарб давлатларида мавжуд бўлган парламентларнинг ҳукуқий мақомидан ва давлатчиликдаги ўрни жиҳатидан устунлик қиласидиган. Масалан, Англиядаги каби лордлар палатаси ва умум палатадаги каби депутатларнинг берган овозида фарқ бўлмас, даражасидан қатъи назар, ҳар бир зодагоннинг овози тенг эди.

¹ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи ... – Б.35.

² Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳукуқи тарихи ... – Б.167.

³ Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б.62 – 63.

Франциядаги Генерал штатларнинг жамият хаётидаги роли қурултой каби кучли эмасди, қирол уни чақирмасликдан манфаатдор эди. У күпроқ қирол ва вакиллар ўртасидаги даҳана-ки жангни эслатарди. Аксинча, Амир Темур даври қурултойи вазиятга қараб чақирилар, энг муҳим масалалар муҳокамадан ўтар, шахс тақдири давлат тақдири деб тушунилар, аввало, ҳукмдорнинг ўзи қурултойни чақиришдан манфаатдор эди. Си-расини айтганда, жамият ва давлат қурултойга эхтиёж сезган. Биз давлатчиликдаги мазкур жиҳатларни эътироф этиб бу даврда қурултой парламент шакли сифатида ўз давридаги шунга ўх-шаш тизимлардан илгарилаб кетганлигини англаймиз. Уларни чақиришдан мақсад халқ ва давлат хоҳиш-истагини рӯёбга чи-қаришга эришиш эди.

Биз тадқиқотлар давомида «Амир Темур даври юришларининг мақсадли ва асосли равишида амалга оширилган» деган хулосага кела бошладик. Масалан, унинг 1398 – 1399 йилларда Ҳиндистонга уюштирилган юриши ва қурултой қарорига эътибор қаратайлик. Л.Керен Ҳиндистоннинг Амир Темур юришидан аввалги ҳолатини тавсифлаб, юришнинг бош сабабларини шундай таҳлил қиласи. Унинг фикрига кўра, X асрда Фазна (ҳозирги Афғонистон) шаҳридан чиқиб, Андара вилоятини илк бора босиб олган Сабуктегин, Ҳиндистоннинг шимолига ўн етти марта юриш қилган унинг ўғли машхур Маҳмуд Фазнавийдан бошлаб ҳар бир турк ва мұғул хоқони учун бу табиий бир ҳол эди.

Фазнавийлар инқирозга юз туттгач, мусулмон саркардаларидан яна бири Муҳаммад Ғўрий (Афғонистондаги Ғўр шаҳридан) ҳам бу соҳада ўз маҳоратини кўрсатди.

XII асрда ғўрийлар ўрнини бошқа бир туркий элат – ҳиндистонлик сultonлар эгаллашди. Улардан бири Элтутмиш Жаҳонгир Дехлинини ўз салтанатининг пойтахти деб эълон қилди, мұғул кўшинларининг хужумини қайтарди.

Шундан сўнг XIII аср бошида туркий-афғон сулоласидан бўлмиш хилжийлар Ҳиндистон аҳолисининг катта қисмини исломлаштиридилар: бу ишда, айниқса, Деканнинг забт этилиши катта аҳамият касб этди, зеро, шу давргача туркий мусулмонлар фақатгина Ҳиндистоннинг шимолида ҳукмронлик қилиш-

ган эди, холос. Мазкур сулоладан чиққан энг машхур султон Алоуддин Бешафкат мохир саркарда, буюк ташкилотчи ҳамда фоят тақводор инсон бўлиб, Чигатой улусидан келган мўғул босқинчилари устидан катта зафар кучган эди. У ҳукмронлик қилган пайтда мусулмон бўлмаган ҳиндлар ғайридинлар ва ма-жусийлар сифатида шафқатсиз қувғин қилиндилар. Алоуддин 1316 йили оламдан ўтгач, мамлакатда тўрт йил давомида паро-кандалик ҳукм сурди. Бу тартибсизликларга юқори мартабали мусулмонлар кенгаши чек қўйди ва Дехли тахтини Фиёсиддин Туғлуқ исмли ҳарбий қўмондон эгаллади.

Орадан йиллар ўтиб Фиёсиддин Туғлуқ асос солган сулола вакиллари Амир Темур лашкарларига қарши жанг қиласидилар. Мовароуннахрда оддийгина туркий оиласда дунёга келган Ғиё-сиддин Туғлуқ қобилиятли ҳоқон бўлиб чиқди: у давлат бош-қарувини қайта ташкил этди, юксак тартиб-интизомли қўшин тузиб, ҳинд рожаларига тегишли бир қатор вилоятларни босиб олди. У Мұхаммад Туғлуқ номи билан тахтга ўтирган ўғли то-монидан ўлдирилган ва бундай хунрезликлар Ҳиндистонда узок вақт давом этган.¹

Худди шундай фикрлар Бертолд Спuler томонидан ҳам бил-дирилган.² У ўз тадқиқотида Ҳиндистонда мураккаб вазият рўй берганини, ушбу қалтис ҳолатда Амир Темур Ҳиндистонга юриш қилганлигини айтиб ўтади.³

Амир Темур Дехлида анчадан бери рўй бераётган воқеалар-дан яхши хабардор эди. Бу воқеаларга аралашиши учун унинг талайгина асоси ҳам бўлган. Ўзаро нифоқлар ва биродаркушлик оқибатида Шимолий Ҳиндистон бошсиз ва жиловсиз ўлкага ай-ланган эди.

Улуғ амир қурултой чақириб, ўз қарорини амирларга маълум қилди: «Дехли тахт ворисларининг ўзаро курашларидан фойда-ланиб биз Ҳиндистонга юриш бошлашга аҳд қилдик, токи бу ўлка биз Амир Темур Гўрагондан ўзга ҳоқонни тан олмагай».⁴

¹Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.83.

²Spuler Bertold. India before Timur. The mongol period // History of the Muslim world. – P.60 – 65.

³Ўша жойда.

⁴Ўша жойда.

Демак, Соҳибқирон нафақат ўз юртидаги, балки Мағриб ва Машриқдаги парокандалик ва адолатсизликларга ҳам қарши куршган. Манбаларда қурултойлар ҳақида қолган маълумотлар фикримизга далилдир. Бизнингча, тадқиқотчилар унинг юришларидан кўзлаган максади, ўз олдига қўйган вазифалари, уларнинг сабаб ва оқибатларини янгича нуқтаи назардан ўрганиб, унинг фаолиятига адолатли ва атрофлича баҳо бериши, ҳар бир юришини алоҳида мавзу сифатида ўрганиши, унинг халқаро майдондаги ўрнини аниқ кўрсатиб беришлари керак.

Курултойнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини чукур ва атрофлича ўрганиш, бизнингча, бу давр давлатчилик анъаналярини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Унда нафақат лашкарбошилар, амирлар, давлат амалдорлари қатнашган, балки олиму уламолар ўз фикрини билдирган, улуғ ва кекса тажрибали кишилар, лашкарбошилар марказий ва маҳаллий давлат амалдорларига маслаҳатчи этиб тайинланган.

Амир Темурнинг қурултойни янада фаоллаштиришга, олиму уламоларни давлат ишига тортишга интилганини Низомиддин Шомий келтирган бир воқеадан билиб олишимиз мумкин. «Курултойда Амир Темур уламоларга қараб: «Ўтган асрлардаги уламолар сultonларга яхшилик ва адолат бобида йўл кўрсатгандар, сизлар нега менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар?»¹ – деди. Уларнинг ҳар бири такаллуф билан бир сўз айтиб, у ҳазратнинг ризосига мувофиқ йўл ахтардилар ва «Худога шукрки, Соҳибқирон ҳазрат ўзлари ҳаммага яхши йўлни ўргатадилар, бизларга ўхшаганларнинг насиҳатларига эҳтиёжлари йўқдир», – дедилар. Амир ҳазратлари бу сўзларга эътиroz билдириб: «Менга таҳсин айтиш ва менинг мижозимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тоифа, ҳар бир томондан қелгансизлар, у томоннинг яхши ҳам ёмон аҳволу авзоини менга айтинглар ва ҳеч нимани мендан яширманглар. Мен бу сўзларни сизлар менга ишонч билдиринглар ёки ундан менинг мулкимга бирор фойда етсин деб айтиётганим йўқ, Ҳазрати парвардигор (унинг шаъни ортсин) бизга берган бу шавкат

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.369 – 370.

ва улуғлик бунга ўхшаш такаллупларга эҳтиёжманд эмас, назаримиз ҳазрат зулжалол (Аллоҳ) ризосини ҳосил қилишдирки, унинг бизга кўрсатган карамлари эвазига неъматлари шукрини бироз бўлса-да адо этган бўлайлик».¹

Амир Темур уламоларга мурожаат этиб уларнинг мақтовори эмас, тўғри маслаҳати кераклиги, бундан максади давлатда адолат ва фаровонликка эришиш, халқнинг оғирини енгил қилиш эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Қурултойлардан ҳам маълумки, Соҳибқирон олимларни давлат ишларига тортди ва уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. Бу ҳақда Низомиддин Шомийда шундай маълумот бор: «Амир Соҳибқирон бир гурӯҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини Девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жұнаб мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у зулм қоидаларини улардан йироқлаштирасинлар».²

Қурултойда кўриб чиқилган ушбу масалаларни Шарафиддин Али Яздий қуидагича таърифлайди: «Ул муддатким Байлақон ери маркази Ислом бўлғонда тамоми Эрону Туроннинг атрофи акнофидин акобири аможид йиғилиб, боргоҳи олампаноҳда жам бўлдилар. Ҳазрат Ҳумоюн хотиридин кечдиким, боргоҳда мажлиси олийда номдор уламолар ва фузалои тақвошиъорларнинг улкан йиғинида масойили динийнинг муazzимоти ва фарзларнинг муҳиммоти ва исломий шуруъдин билгай. Мубоҳиси шариф бўлуб, ҳар масала хусусида фойдали ва латиф сўзлар бўлди.

Жумладин фазл ва камол ҳамда адл ва эҳсон фазилатлари хусусида муҳосибда Ҳазрат Соҳибқирон ҳимматидин уламо ва фузалога хитоб қилиб дедиким: «Уламо ҳар замонда подшоҳларға буюк насиҳатлар қилғонлар ва хайрли ишларға тарғиб қилғон-

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.370.

² Ўша жойда.

лар ва номуносиб ҳаракатни манъ этконлар. Бу асрда сизлар ҳеч ярмоқ қилмайдурсизлар. Ва не қилмоқ ва не қилмамоқ хусусида менга ҳеч нимарса демайсизлар». Алар узр тили бирла дедилар-ким: «Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсунким, ҳазратқа бандалиғимиз бизни йўл қўрсатиш ва насиҳатлар амсолидин халос қилур. Балки сизнинг барча қилғон ишларингиз ва дегон сўзларингиз шадид ва рашод йўлидадур». Соҳибқирон дарёнавол бу сўзларга эътиroz билдириб дедиким: «Сиз менга хушомад дерсизлар. Ва бу хушомад сўзларингиз менга хуш келмас. Ва бу сўзни сизларға анинг учун демадим, аҳл менга мұнтақид бўлғай ё менга андин фойда бўлғай... Менинг мақсадим бу туурким, сизлар ҳар бирингиз бир вилоятдин келгонсиз. Албатта, ул вилоятнинг яхши-ёмонидин хабардорсиз. Даруға ва девондин не нимаким воқиъ бўлуб туур, менга шаръ қилинглар. Агар шаръ била адл қилмайдурлар, баён қилинглар, то фикрини қилғаймен. Мутакаллиблар ва ситамкорларнинг иликларини ожизу фақир ва мискинлардин қисқа қилдурғаймен».¹

«...Соҳибқирон ўшул мажлисда бир жамоат кишиким, илму тақво ва зухду фатво била машҳур эрдилар, ихтиёр қилиб, ҳар бирини бир вилоят сори девон била қўшуб, вилоятлар сори йибарди, то андағи раъйо ва фуқаро ва масокинларнинг аҳволидин хабардор бўлгайлар. Андин сўнг Соҳибқирон деди: «Бу чоққача бизнинг ҳамиятимиз ул эрдиким, оламни очқайбиз. Шукур худойғаким, наким хотиришим тилади, мұяссар бўлди. Эмдид сўнг ҳимматимиз улдуурким, ҳалойиқ рафоҳият ва фарогатда бўлгайлар. Ва олам ободон ва маъмур бўлғай. Гараз бу сўздин мақсад бу туурким, эл мундин нори ҳар неким воқиъ бўлса арз қилғай. Лобудда, то анинг дафъини қилиб, неким беҳуд туур, қилғайбиз».²

Манбалардан келтирилган маълумотлар Амир Темур салтанати фақатгина монархистик давлат бўлмай, бу давлат тузумида адолат ғоялари мавжудлиги, ёлғиз ҳукмдор эмас, балки эл-улус истаги ҳам қондирилгани, давлат ва ҳалқ манфаати уйғунлашганлигини қўрсатади. Демак, Амир Темур салтанатидаги сиёсий тузум фуқароларнинг фаровонлигига хизмат қилган. Амир

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.278 – 279.

² Кўрсатилган манба. – Б.279.

Темур даврида демократия маълум даражада ривожлангани ва парламент кўриниши, миллат мажлиси – қурултойнинг фаоллиги ва тенглик бу давлатчиликнинг халқ иродасини ифодалаганлиги, давлат халқ ҳокимияти манбаи бўлганлигини кўрсатади.

Олимлар томонидан Амир Темур давлатининг монархия ти-пига мансублиги айтилмоқда, бироқ унинг бошқа деспотик монархия давлатларидан нимаси билан фарқ қилиши, ўрта асрлар монархия тизимида бу давлат ўзгача бир юқори ва прогрессив поғонани эгаллаганлиги тўғрисида кенгрок тушунчалар берилгани йўқ. Ўйлаймизки, бу масала алоҳида тадқиқотларда ўрганилади.

Қурултой Амир Темур давлатининг мақсад ва вазифалари-ни амалга оширишдаги муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Соҳибқирон давридаги қурултойнинг мақоми, унинг ваколатла-ри, давлатдаги таъсирини тўлақонли тушуниш учун, бизнингча, унинг давлатчилик, жамиятда тутган ўрни ва ролини, таъсирини атрофлича ўрганиш муҳим деб ўйлаймиз.

Қурултой институти салтанатда тенглик, адолат тамойилла-рини шакллантиришга катта таъсир кўрсатган. Ушбу асослар Амир Темур давлатчилиги манбаи халқ эканлигини кўрсатади. Қурултой орқали жамият ва давлат ўртасидаги тафовутлар кама-йиб, ўзаро муносабатлар мувофиқлаштирилган. Қурултойнинг фаоллашуви бу даврда мутлақ ҳокимият (абсолют монархия) ти-зимининг янги поғонага кўтарилганлигини кўрсатади.

2.3. Амир Темур давлатидаги асосий мансаб (лавозим) ва унвонлар

Амир Темур давридаги асосий мансаб ва унвонлар мавзуси юртимиз¹ ҳамда хориж олимлари² томонидан қисман ўрганил-ган. Б.Манц, М.Ҳайдар каби чет эл мутахассислари ўша давр

¹ Аҳмедов Б.А. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.5 – 22; Му-ҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б.25 – 33; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.171 – 189 ва бошталар.

² Appendix C. The formal administrative structure ... – P.167 – 175; Manz Beatrice Forbes. Adminstration and the delegation of authority in Temur's dominions ... – P.191 – 207; Manz B.F. Structure and function in Temur's administration. The rise and rule of Tamerlane ... – P.107 – 127.

удумларига мувофиқ уруғ-қабилаларнинг мансаб ва унвонлар олишдаги ўрни, уларни тақсимлашда Амир Темурнинг катта ваколати ҳакидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтганлар. Улар Амир Темур давлатида мансабларга уруғ зодагонлари кенг жалб этилган деган хуносага келганлар.

Б.Манц Амир Темур давлатида *барлос, ясурий, жалойир*, сұлдуз, улус, *апарди, арлот қабилалари, Хутталон амирлари* ҳам мұхим сиёсий мавқега эга бўлганлиги, амирлик даражасига асосан ана шу қабилалардан чиққан лашкарбошилар *кўтарилигани ҳакида* фикр билдириб ўтган.¹

«Темур тузуклари»да ҳам Амир Темур карамоғидаги қирқ аймоқдан ўн иккитаси: *барлос, тархон, аргин, жалойир, тулкичи, дўлдай, мўгул, сұлдуз, тўғой, қипчоқ, арлот, тоторга* тамға берилгани² ҳақида маълумотлар бор.

Б.Манц ҳам Амир Темур давлатида ҳарбий тамға идора усулни мавжудлигини айтиб ўтган.³

Олимларнинг таъкидлашича, тамғага эга бўлган уруғларнинг зодагонлари орасидан ҳарбий ва маъмурий бошлиқлар тайинланган. Масалан, Балх ва Бухорони барлос амирлари бошқарганлар⁴, қавчин уругига қўпинча *даруга* мансаби берилган. Язд, Табриз, Рай, Абаркух, Хоразм, Ҳирот, Исфизор, Авникини доимий равишда қавчин амирлари бошқарганлар.⁵

Давлат бошқарувида мұжассил ҳам катта мавқега эга бўлиб, бу мансабга кўпроқ чиғатоий зодагонлар қўйилган.⁶ Улар забт этилган үлкалардан солиқларни йиғиши ва хазинага жўнатиш ишлари билан машғул бўлганлар. *Даруга, тавачи* каби нуфузли мансабларга ҳам тамға уруғлари зодагонлари орасидан тайинланган.

Б.Манц «Амир Темурнинг мансабларга тайинлаши аниқ қоидаларга асосланмаган. У монарх ҳокимиятининг заифлашишидан, алоҳида мансабдорларнинг ваколати кенгайиб, марказлашишга тўсқинлик қилишидан чўчиган ва ҳар бир мансаб,

¹ Manz B.F. Structure and function in Temur's administration ... – P.119.

² Темур тузуклари ... – Б.109.

³ Manz B.F. Structure and function in Temur's administration ... – P.111.

⁴ Manz B.F. Structure and function ... – P.124 – 125.

⁵ Кўрсатилган манба. – Р.122.

⁶ Кўрсатилган манба. – Р.115.

идорани ҳадя сифатида тақдим этиб, уларнинг бошқаруви ҳамда назоратини ўз қўлида ушлаб турган»¹ деган фикрни илгари сурди. Биз Б.Манцнинг фикрига қўшилган ҳолда Соҳибқироннинг мансаб ва унвонларни беришда маънавий ва касбий омилларга, тажрибасига эътибор каратгани, аммо давлат ерлари билан биргаликда суюргол тариқасида инъом этилган ерлар, хусусий ер соҳиблари, вақф мулклари, савдо-сотиқ ишларини назорат қилишни ўз зиммасига олганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу сиёсат замирида марказлашган давлатнинг куч-кудратини сақлаб қолиш мақсадлари яширинган эди. Бундай бошқарув усули монарх ҳокимииятига хос хусусиятдир.

Ҳилда Ҳукҳэм ҳам давлат бошқарувида чигатоийлар катта роль ўйнагани, улар Амир Темур ҳарбий кучининг асосини ташкил этганлигини² алоҳида таъкидлаб ўтган.

Б.Манц қарам вилоят ва ўлкалардан солиқлар ёки забт этилган ерлардан моли омон йигишда ҳар икки девон вакиллари қатнашгани, бу жараёнларга чигатоий амирлар бошчилик қилганини, улар қатъий тарзда рўйхатдан ўtkазилиб, маҳаллий девон томонидан ҳам текширилгани ҳақида маълумотлар келтиради.³ У Амир Темур даври марказий ва маҳаллий бошқарувини тўрт қисмга бўлиб ўрганган: 1) марказий бошқарув идоралари; 2) маҳаллий идоралар; 3) суд идоралари; 4) ҳарбий идоралар.⁴

Биз ҳам Амир Темур салтанатида мавжуд бўлган мансаб ва унвонларни марказий, маҳаллий, суд-хукуқ ва диний соҳаларга ажратган ҳолда тавсифлашга интилдик.

Марказий ҳокимииятга оид мансаб ва унвонлар. Чингизхон хонадонига мансуб бўлмагани учун Амир Темур ўзини хон эмас, амир деб атаган. Амир Темур амалда ҳокими мутлақ саналсада, анъаналарга биноан чингизийлардан бўлган Суюрғатмиш ва Махмудхонни расмий хон қилиб кўтарган. Чунки кўплаб минтақаларда қарийб бир ярим аср мобайнида мўғулча бошқарув асослари шаклланган бўлиб, улар қонуний ҳокимият эгаси хи-

¹ Кўрсатилган манба. – Р.119.

² Ҳукҳэм X. Властитель семи созвездий ... – С.72.

³ Manz B.F. Structure and function ... – Р.109 – 110.

⁴ Appendix C. The formal administrative structure // Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989. – Р.167 – 175.

собланган. Амир Темур ҳам мұғул хонининг қизи Сароймұлхонимга уйланиб фахрли Гүрагон унвонига эга бўлган ва шу оркали ўзининг нуфузини, обрусини мустаҳкамлаган.

Соҳибқирон чекланмаган ваколатга эга бўлиб, ўзи лозим топган пайтда давлат мансабдорлари томонидан қабул қилинган қарорларни ўзгартириши ва янги қарорлар қабул қилиши мумкин эди.

Амир Темурдан кейинги йирик мансаб ҳукumat бошлиғи *девонбеги*¹ хисобланган. У баъзан *вазири аъзам*² деб аталган. Вазири аъзам Вазирлар Махкамасининг бошлиғи бўлиб, давлат ишларида муҳим роль ўйнаган.

Б.Манц Амир Темур саройида Девони аъло ва Девони бузург деб аталган вазирликлар борлиги ҳақида маълумотларни келтиради.³ Унга кўра, *вазири бузург* олий тоифа зодагонларнинг иш фаолияти билан шуғулланган.

Девони аъло бошлиғи соҳиби *девон* деб аталган.⁴ Бу олий мансабга чигатоий зодагонлар орасидан қўйилган. Девонбеги вазирлар орқали салтанатда юз бераётган воқеалардан боҳабар бўлиб турган ва ҳар куни улар ҳақида шахсан Амир Темурга хабар берган.

Хўжа Масъуд Симоний Амир Темурнинг энг ишончли соҳиби девонларидан бири эди.⁵ Соҳибқирон катта ваколатлар бериш билан бирга девонбенинг устидан назорат олиб борган ҳамда у томонидан қабул қилинган қарорларни истаган вактида бекор қила олган.⁶

Б.Манц яргучи мансаби шоҳ хонадони ва чигатоий зодагонларни суд қилишга мўлжалланган олий трибунал суди – Девони бузургнинг олий мансабдори бўлган деган фикрни илгари суради.⁷

Энг муҳим мансабдорлардан саналган *вазирлар* салтанатнинг муҳим соҳаларини бошқаришган. Биз юқорида Амир Темур давлатида етти вазир фаолият юритгани, улар девонбегига бўйсунгандиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик.

¹ Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.14.

² Кўрсатилган маңба. – Б.15.

³ Appendix C. The formal administrative structure ... – P.114.

⁴ Кўрсатилган маңба. – Р.168.

⁵ Кўрсатилган маңба. – Р.114.

⁶ Manz B.F. Structure and function ... – P.114.

⁷ Appendix C. The formal administrative structure ... – P.171 – 172.

Беатрис Манц Амир Темурнинг вазирларнинг ваколатлари-ни чеклашга интилгани, ҳатто уларни узоқ бир мансабда ушлаб турмасдан, тез-тез алмаштирганлиги, бунда форс маъмурларининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик мақсади яширингани ҳақида айтиб ўтган.¹

Бизнинг фикримизча, вазир ва бошқа амалдорларнинг фитналарига тез-тез дуч келган Амир Темур марказий бошқарувни кучайтириш, ўз қўлида ҳокимиятни мустаҳкам ушлаб туриш учун ҳам вазирларнинг имкониятларини чеклашга интилган ва уларнинг фаолиятини қаттиқ назорат қилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу фикрни мутлак ҳақиқат деб бўлмайди. Чунки Амир Темур барча амалдорларни ҳам алмаштиравермаган.

Подшоҳ ва давлат хазинасини (ҳазораи амира аталган) тасаруф этиб турувчи мансабдор *хазинадор* (хозин)² дейилган. Бизнингча, улар давлат хазинасига жавобгар бўлиб, ишлари қаттиқ текширилган.

Марказий ҳокимиятда *муҳрдор* лавозими катта аҳамиятга эга бўлиб, давлат ҳужжатларига муҳр қўйиш ишига масъул эди. *Муҳрдор* ҳукмдорнинг энг яқин кишиси бўлган.³ «Му’изз ал-ансаб»да Амир Темурнинг Ийгу Темур, Шайх Муҳаммад, Абдуллоҳ парвоначи каби ҳукмдорлари бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган.⁴

Подшоҳ ҳузурига арз-дод билан келувчилар ҳақида, шунингдек, эл-юртнинг умумий аҳволи, жойларда олий ҳукмдорнинг фармон ва буйруқлари қандай бажарилаётганини вақти-вақти билан олий ҳукмдорга етказиш ҳуқуки ва ваколатига эга бўлган олий мансабдор *арзбеги* деб аталган.⁵ Унинг зиммасига мамлакатда кечеётган воқеа-ходисаларни рўй-рост етказиш масъулияти юкланган.

Амир Темур саройида *шиқовуллар*⁶ ҳам катта нуфузга эга бўлишган. Улар турли давлатлардан келадиган элчилар ва ўз давлатидан бошқа давлатга кетадиган элчиларнинг ташкилий масалалари билан шуғуланишган.

¹ Manz B.F. Structure and function ... – Р.114.

² Ўринбоев А. Таржимасиз қолдирилган сўзлар ва тарихий истилоҳ-терминларга изоҳли лугат // Абдулрассоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.460.

³ Manz B.F. Structure and function in Temur’s administration ... – Р.112 – 113.

⁴ Му’изз ал-ансаб ... – С.119.

⁵ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.14.

⁶ Шомий. Зафарнома ... – Б.519; Абдулрассоқ Самарқандий ... – Б.315; 461.

Биз Амир Темур салтанатида дипломатик алоқалар кучайгани ва шунга асосланган расмий маросимларни кузатсак, бу мансаб эгаларидан катта илм, меҳнат, тажриба ва масъулият талаб этилганлигини ҳис қиласиз. Саройда элчиларни танлаш, тайёрлаш ва малака ошириш маркази мавжуд эди.

Олий мартабалардан бири *тавачи* (*адъютант*) бўлган. Улар қурултойга давлатнинг турли ўлкаларидан шаҳзода ва бошқа маҳаллий бошлиқларни йиғиш, юришлар олдидан лашкар тўплаш, жанглар вақтида вафот этган ҳарбийларнинг ҳисобини олиш ишлари билан ҳам машғул бўлишган.¹ Улар лашкарнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш, шароитини яхшилаш, қурол-аслаҳа билан таъминланиш даражасини аниқлаш, амирларга керакли вазифаларни топшириш, уларнинг тартиб рақамларини белгилаш ишларига масъул бўлганлар. *Тавачилар* тинчлик пайтида лашкарни қурилиш ишларига тортиш ишлари билан ҳам шуғулланишган. Озарбайжонда канал қурилишига ҳам *тавачилар* раҳбарлик қилишган. Улар юришлардан тушган ўлжаларни адолатли тақсимлаш, қўшиннинг бир жойга қўнишини ташкиллаштириш ва бошқа ишларга ҳам масъул бўлганлар.

«Му’изз ал-ансаб»да Амир Темур салтанатида Жаку Барлос, Бурундуқ Барлос, Али Султон Найман, Ардашер Қавчин, Муборакшоҳ Барлос, Шамсиддин Аббос, Алим-Шайх, Иноқ Хумори Қавчин, Жаҳон-шоҳ Барлос, Искандар Дурбат, Улайфа Қавчин, Бустари, Бўри Сулдуз, Худойдод Ҳусайнний, Луқмон Ҳоразмий, Муҳаммад ал-Букра, Юсуф Жалил каби *тавачилар* бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтилган.²

Подшоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф этиб турган хизматкорлар (қушчилар) тепасида турган олий мансабдор қушбеги³ деб аталган. Бу мансабдагилар подшоҳнинг ов билан шуғулланишида кўмак бериш билан бирга ўргатилган қушлар орқали алоқалар олиб боришга ҳам масъул бўлганлар. Кейинчалик уларнинг нуфузи ортиб борган, ҳатто Бухоро амирлигига бош вазир «қушбеги» деб юритилган.

¹Хукхэм Х. Властитель семи созвездий ... – С.67 – 68.

²Му’изз ал-ансаб ... – С.118.

³Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.16.

Амир Темур давридаги энг нуфузли унвонлардан бири *гўрагон* (хон күёви) бўлган. Бу Чингизхон авлодига мансуб хон қизига уйланган аслзодага берилган фахрли унвон¹ бўлиб, ўша давр сиёсий анъаналарига мувофиқ мўғул хонлари қизига уйланган хукмдорлар ўз қонуний ҳокимиятини шу унвон орқали мустаҳкамлашган. Амир Темур, Жаҳонгир мирзо, Мироншоҳ мирзо, Улуғбек мирзо шундай фахрли ном олганлар.

Бу даврда саройдаги энг нуфузли ёрликлардан бири *тархон* ҳисобланган. Салтанат олдида кўрсатган катта хизматлари учун *тархон* унвонига эга бўлган амир ер-мулклари соликлардан озод қилинган ва яна бир қанча имтиёзларни қўлга киритган (хон ҳузурига бемалол кира олган, тўққиз мартагача гуноҳи ке-чирилган, тегишли ўлжаси тақсимланмаган, гоҳида авлодлари ҳам соликдан озод қилинган).²

Амир Темур саройидаги нуфузли унвонлардан бири *нўён* эди. Улар *тамғага* эга чигатоий зодагонлардан чиққан бўлиб, улуғ амир, ноиб, *туман* (ўн минг кишилик лашкар) бошлиғи маъноларида қўлланилган. Бу унвон эгаси ҳам саройда катта ну-фузга эга бўлган.

Амир Темур даврида *иқтадорлар*³ ҳам катта обрўга эга бўлганлар. *Иқта* юқори ҳарбий лавозимдаги кишиларга олий хукмдор лашкарлари ва бошқа давлат ишларида кўрсатган жасорати эвазига берилган ер улусидир. Улар баъзан вақтинчалик, баъзан умрбодга берилган. Бу усул, албатта, марказлашув жараёнлари-га тўсқинлик қилган. *Суюргол* дастлаб вақтинчаликка берилган бўлса, кейинчалик умрбодга расмийлаштирила бошланди. Бу марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди.

Шаҳзода ва хонзодаларнинг тарбиячилари *оталиқ* деб аталган. Бу мансабга ҳам Амир Темур хонадонига энг яқин кишилар орасидан танланган. Улар *атка*, *отабек* деб ҳам аталган. *Оталиқлар* ҳукмдор олдига бемалол кириш хуқуқига эга бўлишган ва шаҳзодаларни ҳар томонлама мукаммал тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришган. Маълумки, қадимдан давлат бошлиқ-

¹ Кўрсатилган манба. – Б.14.

² Кароматов X. Айрим атамалар ва тарихий истилоҳларнинг изоҳли лугати // Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.516.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.172.

лари янги туғилган фарзандларини бирор энагага бериб эмиздирғанлар. Атқалар ана шу энаганинг эри бұлиб, у шахзодага ота мақомида турған. Ҳар қандай киши энага ёки атқа бұлавермаган, насли тоза, ҳар томонлама соғлом, зийрак, ақлли, доно кишилар бу ишга лойиқ күрілған. Улар шаҳзодалар тарбияси билан махсус шуғулланишган. Оталиқ болага турлы соҳаларда мураббий-устозлар ёллаган ва уларни ҳар тарафлама давлат ишларига тайёрлаб борған.

Тарихдан бир мисол. 1394 йил 14 августда Шоҳрух мирзо ўғил күради. Үнга Иброҳим Султон деб исм қўядилар. Шаҳзода-га Туман оғо (Амир Темурнинг доно завжаси – Ш.Ў.) мураббия этиб тайинланади. «Ва амир Усмон Аббосни отабек (оталиқ – Ш.Ў.) қилдилар ва хотуни Сотқин оғоким, Соҳибқиронға уруғ бўлур эрди, энагалиқка муқаррар бўлди».¹

Шаҳзодалар ёш вақтида салтанатга ўтиrsa ёки янги иш бошлиса, отабеклари уларга маслаҳатчилик қилған. Шаҳзодалар ўн икки ёшга тўлганида уларга вилоят берилған. Обрули амир ёхуд беклардан бири үнга мураббий, яъни оталиқ ёки отабек² этиб тайинланган. У шаҳзода ўн олти ёшга етгунча бола номидан вилюятни бошқарған.³

Подшоҳ амр-фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор *парвоначи*⁴ деб аталған. У Амир Темур саройидаги нуфузли мансаблардан саналған.

Кўкалтош ёки *кўкалдош* – шаҳзода энагасининг ўғли, сут эмишганлик жиҳатидан шаҳзодага биродар бўлған киши. Биз юқорида гўдак шаҳзодаларни янги фарзанд кўрган оналар эмизиб ўстиргани, энаганинг завжи *атка* деб аталишини айтган эдик. Худди шу энаганинг ўғли *кўкалтош* дейилған ва бир онадан сут эмгани ҳурматидан улар саройда катта нуфузга эга бўлганлар.

Баковул шахсий номга қўшилиб келған унвон бўлиб, бу мартабадаги амалдор подшоҳга бериладиган овқатни олдиндан та-

¹ Абдулрассоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.93.

² Ахмедов Б. Миллий тарбия сарчашмалари // Амир Темурни ёд этиб ... – Б.125 – 126.

⁴ Абдулрассоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.458.

тиб күрган.¹ Унинг зиммасига ҳукмдор ва сарой аҳлига мазали таомлар тайёрлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, баковул тўй ва меҳмондорчилик ишларини ҳам бошқарган.

Сарой ошпазлари бошлиғи баковулбоши деб аталган. *Баковулбоши* нуфузли мансаблардан бўлиб, сарой ошхонасида таомлар тайёрланиши, умуман, овқатланиши билан боғлиқ барча ишларга масъул эди. Нозик дид-фаросатли, олий мансабли, билимдон кишилар бу мансабга қўйилган.

Шунингдек, *бавурчи* унвони ҳам шахсий номга қўшиб айтилган² ва бу унвон сарой бош ошпазига берилган.

Подшоҳ таомларини оддиндан тотиб берувчи *хонсолар*³ сарой дастурхонини безатган.

Подшоҳнинг шахсий котиби *мунший*⁴ деб аталган. У муншийи хос ҳам дейилган. *Мунший* маҳфий кенгаш ва мажлислардаги бўлган гапларни холислик билан дафтарга қайд этиб борган. *Муншийлар* томонидан фатхномалар ва бошқа эътиборга молик хатлар ҳам ёзилган. Улар ҳусниҳатда моҳир бўлганлар.

Амир Темур давлатида ёзув ишлари билан шуғулланувчи девон ходимлари *бахшийлар*⁵ бўлиб, улар сарой ҳужжатларини юритганлар. Шунингдек, давлат ишларини тўғри ва ўз вақтида юритиш ишига масъул бўлганлар. Саройда *бахшийларнинг* ҳам нуфузи катта эди.

«Му’изз ал-ансаб»да Амир Темур салтанатида икки тоифа – турк ва тожик *бахшийлар* фаолият кўрсатганлиги ҳақида маълумот берилган.⁶ Жумладан, Маликшоҳ Бахший, Давлатшоҳ Бахший, Шоҳ Бахший кабилар тилга олинади. Турк бахшийларидан Эл-Арта Бахший, Сай Нарта Бахший, Темур Чокар Бахший туркий, Мавлоно Сайид Зайн ал-Обидин, Муҳаммад Шараф парвоначи Симонний, Йўл Қутлуғ киши, Исмоил Хоний, Мавлоно Муҳаммад Соғаржий, Хўжам Хивақий, Юсуф Шоҳ Коҳи, Арғун

¹ Шарафиддин Али Яздий – Б.128; Абдураззок Самаркандий. Матлаъи сайдайн... – Б.196.

² Абдураззок Самаркандий. Матлаъи сайдайн ... – Б.454.

³ Аҳмедов Б. Амир Темури ёд этиб ... – Б.16.

⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.262.

⁵ Абдураззок Самаркандий. Матлаъи сайдайн ... – Б.454.

⁶ Му’изз ал-ансаб ... – С.118.

Муғ каби кўплаб бахшийлар форсий битикларни ёзганлиги ҳа-
кида билиб олишимиз мумкин.¹

Битикчи, котиб, девон хизматчиси деб аталган ходимлар салтанатнинг ёзув-чизув ишларини олиб боришган. Подшо девони иш фаолиятини тўғри юритиш муҳимлигини инобатга олсақ, бу хизматга ҳам Амир Темурга якин, билимдон, зийрак кишилардан қўйилгани англашилади.

Хаттот – қўлёзма китоблардан нусха қўчирувчи, котиб, ҳусниҳат соҳиби. Хаттотлар давлат аҳамиятига молик мактублар ёзиш ишларини ҳам бажаришган.

Подшоҳ ва шаҳзодаларнинг отларига эгар урувчи хизматчи – зинбардор² хукмдорга от-араваларни тайёрлаш ишларига жавобгар бўлган.

Хукмдорнинг хос ишончли навкарлари ичкилар³ деб аталган.

Олий хукмдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мајклисда қўрилган, ечилган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини маҳсус дафтарга ёзиб олиб сакловчи ходимлар маъжиснавис дейилган. Бундан ташқари, уларнинг зиммасига подшоҳга тушган арзлар, қабул қилинган карор (хукм), мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб то шахсий гапларгача қайд этиб бориш вазифаси юклатилган. Бу эса Амир Темур даврида бажарилган давлат аҳамиятига молик ишлар баённомалар тарзида сақланганлигини билдиради.

Подшоҳ отхонаси хизматчилари тепасида турган мансабдор мирохур⁴ деб номланган. Мирохурлар подшоҳга отларнинг зотдорини танлаш, озуқа билан таъминлаш, уларни маҳсус тайёрлаш ишларига масъул бўлганлар.

Подшоҳ саройида мироббоши мансаби ҳам мавжуд бўлган. Улар сув хўжалиги бошқарувчилари – мироблар⁵ фаолиятига раҳбарлик қилишган. Сунъий суғоришга асосланган Ўрта Осиё иқлимида мироббоши мансабининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини англаш қийин эмас.

¹ Ўша жойда.

² Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.14.

³ Абдулрассоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.351.

⁴ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.15.

⁵ Ўша жойда.

*Мұхандис*¹ – геометрия илмини яхши билган олим, биноларнинг тарҳини чизиб берувчи мутахассис; қурувчи-инженер. Ўша даврдан қолган бетакрор ва залворли иморатлар уларнинг савияси ва илмидан дарак беради. Бу мутахассислар ҳам Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятида фаол иштирок этишган.

Шахсий номга қўшилиб келган *муҳаффағачи*² амали подшоҳ таҳтиравони (*муҳаффаси*) билан боғлик вазифани бажарган. Агар Амир Темурнинг саройдан кўра юришларда кўпроқ бўлганлигини инобатга олсан, унинг *таҳтиравонга* солиб юриш муҳим иш бўлганлигини англаш мумкин.

Хукмдор хоналарини супуриб-сидириувчи, гилам, тўшак ва бошқа керакли нарсаларни тўшовчи хизматкорлар *фаррошлар* дейилган. Улар саройдаги озодаликка, саришталикка жавоб беришган.

Подшоҳ саройида (ҳарамда) хизмат қилувчи бичилган (ахта) қуллар *хөжса саролар*³ деб аталган. Улар ҳарам аёларининг хавфсизлиги, кириш-чиқиш ва бошқа хизматларини қилишган.

Сарой хизматчилари орасида чуҳралар ҳам фаолият юритган. Улар олий тоифадан чиққан ва сарой хизматида бўлган ёш йигитлар эди.⁴ Бизнингча, улар шахзодаларнинг шахсий қўриқчилари бўлиб, бошликлари чуҳрабоши деб аталган.⁵

Подшоҳлар чодирини олиб юрувчи, соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор *шукурчи*⁶ деб аталган. Амир Темур кўпроқ вақтини юришлarda ўтказган ва шукурчининг иши шунга яраша мураккаб бўлган.

Подшоҳ саройини назорат қилиб турувчи қуролбардор, яробардор, салоҳдор киши қурчи деб аталган. Бизнингча, сарой хавфсизлигини таъминлашда уларнинг хизмати катта бўлган.⁷

Маҳаллий бошқарувга оид мансаб ва унвонлар. Амир Темур даврида Шероз, Исфаҳон, Язд, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларда маҳаллий девонлар мавжуд бўлиб, девон бошликлари со-

¹ Мұхаммаджонов А.Р. Амир Темур ва Темурийлар ... – Б.121.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.512 – 513.

³ Кўрсатилган манба. – Б.518; Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.233.

⁴ Абдурраззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн. ... – Б.461; Шомий. Зафарнома ... – Б.519.

⁵ Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.16.

⁶ Шомий. Зафарнома ... – Б.520; Абдурраззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.461.

⁷ Appendix C. The formal administrative structure ... – Р.173 – 174.

ҳаби девон деб аталган.¹ Бизнингча, бундай маҳаллий девонлар катта аҳамиятга эга шаҳарларда ташкил этилган. Б.Манцнинг ёзишича, маҳаллий девон форс маъмурларидан тузилган, аммо соликларни йигиш тўлиғича уларнинг ваколатига кирмаган. *Девонларнинг* ваколат муддати ҳақида маълумотлар кам бўлиб, соҳиби девонлар бир жойдан бошқа жойга ҳам ўтказилган.²

Маҳаллий бошқарувда *даругалар*³ катта роль ўйнаганлар. Улар туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими, соқчилар бошлиғи каби кўплаб ваколатли ишларни бажарган. *Даругалар* кўпинча чегара вилоятларга ҳам тайинланган. Раиятни рўйхатга олиш, аскар тўплаш, соликларни йигиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий хукмдорларни назорат қилиш ишлари ҳам улар зиммасида бўлган.⁴ *Даругалар* юришлар вақтида қўшин кузатувчиси вазифасини ҳам бажаришган.⁵ Шунингдек, туманларни бошқариш, почта станциялари фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, соликлар йигиш ва уларни саройга юбориш ишлари билан ҳам шуғулланишган.⁶ *Даругалар* қишлоқ хўжалигини тиклаш, шаҳарлар курилиши ёки қайта тиклаш ишларига ҳам масъул бўлишган.⁷

Демак, маҳаллий ижроия ҳокимиятини бошқарувчи *даругалар* ўз худудларидағи барча масалаларга жавобгар шахслар бўлиб, темурийлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутганлар. Уларга ҳам давлат томонидан катта талаб ва мажбуриятлар кўйилган. «Темур тузуклари»да келтирилишича, агар уларга карашли худудда бирор фуқаронинг мол-мулки талон-торож қилинса, ўша маъмурлар ўз ҳисобидан зарарни тұлғанлар. Бу мансабларга ҳам *тамға* ёрлигига эга бўлган зодагонлар орасидан кўйилган.

Муҳассил Амир Темур салтанатидаги энг нуфузли мансаблардан ҳисобланган.⁸ Бу мансабга ҳам *тамға* зодагонлари ора-

¹ Кўрсатилган манба. – Р.168.

² Кўрсатилган манба. – Р.170.

³ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.64, 120, 136, 141, 167, 168.

⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.148, 264; Абдурраззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.70, 90.

⁵ Appendix C. The formal administrative structure ... – Р.170.

⁶ Ҳукхэм X. Властитель семи созвездий ... – С.67.

⁷ Manz B.F. Structure and function ... – Р.116; Appendix C. The formal administrative structure ... – Р.170.

⁸ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.6, 107, 129, 133, 153, 207.

сидан қўйилган.¹ Улар даругалар билан бир қаторда кўп шаҳарларда фаолият юритишган. Муҳосиллар эса кўпинча моли омон, қарам ерлардан хирож солиfinи йиғишга масъул бўлганлар.

Тамгачилар савдо-сотиқдан ва божхона хизмати орқали келадиган тушумларни йиғиш ишларига масъул бўлишган.²

Ҳар бир вилоят ва шаҳарда адолат амири мавжуд бўлиб, у шу ҳудуднинг адлия ишларини назорат қилиб борган. Амир Темур даврида ҳокимият идоралари, солик бошқаруви, божхона хизмати ва бошқа маҳаллий идораларнинг фаолиятини муовфикаштириш даражасини ана шу турли мансабу унвонларни таҳлил этиш орқали билиб олишимиз мумкин.

Жойлардаги молиявий кирим-чиқим ишларини муҳосиб (хисобчи), ҳисоб-китобларни сақловчилар муставфийлар³ бажарган.

Қалъа бошлиғи кутвол⁴ дейилган. Бизнингча, улар мудофаа ишларида муҳим роль ўйнашган. Қадимдан шаҳарларда мустаҳкам қалъалар мавжуд бўлиб, уларни забт этиш мушкул эди. Бу қалъалар, аввало, стратегик ва мудофаа максадларида курилган. Ёв бостириб келган тақдирда ҳам қалъа дарвозасини очиш ёки очмаслик масаласини кўпинча кутвол ҳал қилган. Қалъа дарвозалари калити унда турган. Шунинг учун, бизнингча, бу мансабга ватанпарвар, тадбиркор, ақлли кишилар қўйилган.

Маҳаллий бошқарувда муҳтасиблар⁵ ҳам муҳим роль ўйнаган. Улар мўмин-мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу тарозиларнинг тўғри ёки нотўғрилигини назорат қилиб турувчи мансабдор ҳисобланган. Муҳтасиблар маънавий ишларни ҳам назорат қилишган.

Молия ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ишлари билан шугулланган маҳаллий кичик маъмурлар аминлар (лугавий маъноси ишончли кишилар) деб аталган. Улар маҳаллий ҳудудларда экин ерлари, солик йиғиш, ўша ерларни назорат этиш хукуқи ва ваколатига эга бўлишган.⁶

¹ Кўрсатилган манба. – Р.115.

² Appendix C. The formal administrative structure ... – Р.170.

³ Абдурраззок Самаркандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.457.

⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.148; Абдурраззок Самаркандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.63.

⁵ Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар ... – Б.121.

⁶ Низомиддин Шомий. ... – Б.370; Абдурраззок Самаркандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.453.

Олий хукмдорларнинг фармонлари ва подшоҳлиқда (хусусан, саройда) юз бериб турадиган муҳим воқеаларни ҳалқка эълон қилиб турувчи кичик мансабдор *жарчи*¹ дейилган. Улар маҳалла ва қишлоқларда, бозорларда ва ҳалқ оммаси йиғилган ерларда баланд овоз билан жар чақиргандар. Бу ҳам ўрта аср давлатчилигига хос ахборот алмашиш усулларидан бири эди.

Сув таксимловчи мироб *жуйбон* деб аталган. Улар ўз ваколатлари доирасида ўзларига тегишли ҳудудларда сув таксимоти билан шуғулланишган.

Маҳалла раиси, хунармандлар растасининг бошлиғи кулу деб аталган. Аввалги ҳудудий жойлашувга кўра маҳалла ва қишлоқларда маълум касб-ҳунар эгалари истиқомат қилишган. Касбу хунари, оиласиёй аҳволи билан ибрат бўла оладиган кишилар маҳалла раиси этиб сайланган.

Бизнингча, қишлоқ ҳокимлари *калонтарлар* дейилган ва улар маҳаллий ҳокимият идораси вакили ҳисобланган. Улар ҳам ўз ҳудудининг ижтимоий-иктисодий ҳаётига, тинчлик-фаровонлигига жавобгар бўлганлар.

Суд-хуқуқ ҳокимиятига оид мансаб ва унвонлар. Амир Темур даврида суд-хуқуқ тизимиға оид вазифалар ихтисослашган бўлиб, уларнинг ичида *қозилик*² мансаби энг нуфузли ва масъулиятли вазифалардан бири эди. Қозилар давлатнинг суд, хуқуктартибот ишларини мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнаганлар. Улар ижтимоий адолат тамойилларини амалга ошириш, давлат ва хуқуқ, давлат ва фуқаро, фуқаро билан жамият, фуқаролар ўртасида муносабатларни мувофиқлаштириб турган. Улар наинки хуқуқ-тартибот, балки давлатнинг хуқукий маданиятини оширишда ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Қозилар давлатнинг мажбурлов кучини, шунингдек, қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин тутган. Бу даврда қарор топган хуқукий мувозанат ўз замонасида жуда катта маънавият, илм ва салоҳиятга эга қозилар етишиб чиққанини кўрсатади.

Чиғатоий амирлар ва шаҳзодаларнинг қонунга хилоф ишларини кўрувчи амалдор яргучи деб аталган. У олий трибунал судида фаолият юритган.

¹ Абдулурраззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ... – Б.455.

² Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.37, 44, 56, 83, 90, 154, 160, 163, 197.

Қозилар қонунийлик, қонун олдидә барчанинг тенглиги, адолат, қонунларга сұзсиз амал қилиш каби тамойилларга асосланған. Улардан адолатли ва қонуний ҳукм-қарорлар чикариш талаб этилған. Агар томонлардан бири қозининг чиқарған қарори ёки ҳукмидан норози бўлса, унинг устида турган қозиларга, қозикалонга¹, ҳатто давлат бошлиғига шикоят қилишга ҳақли эди. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш қозикалонга юклатилған.

Амир Темур давлатида судлов ишлари қозилар томонидан амалга оширилған, улар шариат, фуқаролик, ҳарбий судларга бўлинган. Азамат Зиё «Адлия, яъни суд-хуқуқ тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар ё, манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган»² деган фикрни илгари суради.

Б.Аҳмедов фикрига кўра, дунёвий масалалар билан шуғулланувчи қозилар *аҳдос қозиси* деб номланган. Шариат ишлари билан шуғулланувчи қозилар *шариат қозиси*, сипохийлар ўртасидағи келишмовчиликларни ҳал этувчи қози қозиаскар деб аталган.³

Амир Темур салтанати ҳуқук-тартиботини ўрганар эканмиз, бу соҳада кўплаб мансабдорлар фаолият юритгани, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг аниқ вазифаларига эга бўлганини англаймиз. Шулардан бири *асаслар* эди.⁴ Улар тунда фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлашга масъул бўлганлар.

Фуқаролардан тушган арз-додларни қабул қиласидиган ва маъмуриятга етказадиган мансабдор *додхоҳ*⁵ деб аталган.

Солик йиғувчи, ясони амалга оширувчи мансабдор *ясоқий* бўлиб, у *сарбоз*⁶ деб ҳам аталган. Солик йиғиши ишлари ундан тадбиркорлик ва адолат билан иш тутиш, халқ ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришини талаб этган.

¹ Тожихонов У., Сайдов А. Ҳуқукий маданият назарияси ... – Б.178.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи ... – Б.180 – 181.

³ Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати ... – Б.16.

⁴ Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн. ... – Б.453; Кароматов Х. Келтирилган асар ... – Б.506.

⁵ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.172.

⁶ Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.455.

Полиция маҳкамаси *ясағылқ*¹ деб аталган. Улар давлат ичидағи тартиб-интизомни сақлашға масъул, жамоат тартибини бузған кишиларни текшириш, сүроқ қилиш ва жазолаш ваколатларига эга бўлганлар.

Тунги соқчилар *пос* (*ёки посбон*)² деб аталган. Улар тунда фуқароларнинг тинчини сақлашга масъул бўлишган. Биз юкорида асаслар, *ясағылқ* ва бошқа мансаблар хақида маълумот бергандик. Бу маълумотлар хуқукни муҳофаза қилувчи органлар турли-туман бўлганини ва уларнинг маълум вазифаси мавжудлигини кўрсатади.

Диний бошқарувга оид мансаб ва унвонлар. Амир Темур даврида ислом динининг мавқеи баландлигини инобатга олсан, диний мансаб ва унвонлар ҳам катта аҳамият касб этганини англаб етамиз. Амир Темур ислом мағкурасидан давлат ва ҳалқни бирлаштирувчи куч сифатида фойдаланган. Шу туфайли салтанатда диний бошқарув ишларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Салтанатда мусулмонлар пешвоси *шайхулислом* деб аталган. Алишер Навоий: «*Шайхулислом* мусулмонлар пешвосидан иборатдур ва ислом муқтадосига ишорат. Мундоқ киши олими керак исломпаноҳ ва орифе керак. Мұхарраби даргоҳ, ҳирадманди шариат шиор ва факрға хурсанд ва тариқат осор, яхши-ямонға шафқати фазли ом ва улуғ-кичикка иршоди нафви молокалом. Комил бўлғай шарҳ қонунига росих ва барча мубтадеълар бидъатиға носих»³, – дея унинг маънавий, илмий, малакавий қиёфаси хақида тўхталиб ўтган эди.

Шайхулислом, аввало, илмли, ислом динининг паноҳи, ориф, яъни комил инсон, ҳар томонлама мукаммал, шариатни маҳкам туттган, уни химоя қиласидиган, мискинларга, яхши-ёмонға шафқатли бўлмоғи, улуғ-кичикка нафи етадиган, мутасаввуф бўлмоғи, бидъатни заифлаштирумоги ва исломни кучайтирумоги, турли ғояларга қарши курашишга бошчилик қила оловчи қобилиятга эга бўлиши лозим эди. Шунингдек, бу мартабага салоҳиятли, ҳалол, пок, илмли, омма орасида катта обрўга эга бўлган, ўз ор-

¹ Хусайн Бойқаро. Рисола ... – Б.21 – 22.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. Асарлар. XV томлик. – Тошкент, 1966. XIII том. – Б.17.

³ Уша жойда.

тидан кишиларни эргаштира оладиган киши қўйилган. Унинг сиёсий нуфузи баланд бўлиб, салтанатнинг маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.¹

Саройдаги энг катта диний лавозимлардан бири *аълам* дейилган. Бу лавозимга фикҳ ва шариат қонунларини пухта билган олимлар орасидан танлаб қўйилган. Улар шариат қонунларига оид масалаларда бош ҳукмдорга маслаҳатчилик ҳам қилишган.²

Мўмин-мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу тарозиларнинг тўғри ёки эгрилигини назорат қилиб турувчи олий мансабдор *муҳтасиб*³ деб аталган. Улар асосан маънавият ишларига масъул бўлганлар.

Амир Темур даврида Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодлари ҳисобланган *сайиидларнинг* обрўси кучли бўлган. Улар мамлакат ҳаётида катта ўрин тутган. Амир Темур уларга катта ер-мулклар, ҳадялар инъом этган.

Муҳтасибга бўйсунувчи мансабдорлар *иҳтисоб аҳли* (*иҳти-сбчи*) деб аталиб, уларга шариат асосида ижтимоий тартибни сақлаш ва бузуқчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган. Улар ичкилик, майшатбозлик, тарозидан уриш каби турли салбий иллатларга қарши курашганлар ва жамият тартиб-интизомини сақлашда катта роль ўйнаганлар.

Вақф ерларини бошқарган мансабдор *садр*²⁹⁴¹ деб аталган. *Садрлар* масжид, мадраса, хонақоҳ каби диний масканлар, давлат томонидан, хусусий мулкдорлар томонидан ҳадя этилган диний идораларга тегишли ерларнинг олиқ-солиқ, сарф-харажат ишлари билан машғул бўлган. Улар *садри аъзамга*⁵ бўйсунгандар. *Садри аъзам* сайиидлар ва диний арбобларга суюргол тарикасида берилган ерлар, шунингдек, вақфларни тафтиш қилиб, вақти-вақти билан олий ҳукмдорнинг арзига етказиб туришга масъул олий мансабдор эди. Бу лавозимга фикҳ ва шариат илми ни яхши билган, ҳалол, тақводор олимлардан қўйилган.

¹ Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.65.

² Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора килиш сиёсати ... – Б.14.

³ Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати ... – Б.121.

⁴ Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.65; Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб ... – Б.15.

⁵ Ўша жойда.

Амир Темур даврида мусулмон хуқукини шарҳлаш ва тас-ниф этиш ишлари билан *фақиҳлар* шуғулланган. Улар баъзи ечилимаган муаммоларни ечишга интилиб, аввало, Қуръони карим, ҳадислар ва ўзларидан аввал ёзилган мусулмон хуқуқига оид асарларга таяниб тадқиқотлар олиб боргандар.

*Имом-хатиблар*¹ масжид ишларини юритиш, намоз ўқиши ва бошқа ишларга бошчилик қилганлар. Улар аҳолини турли даъватлари билан яхшиликка чақирганлар. Бу даъватлар, айниқса, жума намози куни яхши ташкиллаштирилган.

Амир Темур салтанатида *воизлар* (ваъз айтувчи – Ш.Ү.) ўз нутқининг равонлиги ва таъсирчанлиги билан омма онгига катта таъсир кўрсатишган.

Мадрасаларда диний ва дунёвий илмлардан дарс берувчи муаллимлар *мударрислар*² дейилган. Улар аҳолининг саводхонлигини ошириш, маънавий дунёсини бойитишида катта роль ўйнаганлар. Халқ орасида *мударрисларнинг обруси* баланд бўлган.

Бу даврда *шайхлар* ва уларнинг авлодлари ҳам энг обручи кишилардан ҳисобланган.

Хуллас, Амир Темур давлатни бошқаришга уруғ зодагонларини кенг жалб этишга ҳаракат қилган. Жумладан, *барлос*, *ясурӣ*, *жалойир*, сулдуз, улус, *апардий*, *арлот қабилалари*, *Хуттатлон амирлари* сиёсий ҳаётда катта мавқега эга бўлган.

Амир Темур саройида *муҳассил*, *даруга*, *тавачи*, *оталиқ*, *парвоначи*, *кўкалтош*, *баковул*, *адолат амири*, *муҳтасиб*, *мунший*, *бахший*, *мироб*, *муҳандис* каби қўплаб мансаб (лавозим) ва унвонлар мавжуд бўлиб, улар давлат аппаратининг тўлақонли ишлашида мухим ўрин тутганлар.

Қози, *доддоҳ*, *асаслар*, *ясоқий*, *ясаглиқ*, пособон каби судхукуқ тизимига тегишли мансабу унвон эгалари мамлакатда қонунлар ва уларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилганлар.

Шайхуслислом, *аълам*, *муҳтасиб*, *садр*, *фақиҳ*, *имом-хатиб*, *воиз*, *мударрис*, *шайхлар* каби диний соҳага тегишли мансаб ва унвонлар мамлакатда илоҳий тушунчаларнинг шаклланишида мухим роль ўйнаган.

¹ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.13, 62, 79, 209, 210, 226.

² Кўрсатилган манба. – С.51, 202, 210, 245.

Умуман олганда, салтанатда мавжуд бўлган мансаб (лавозим) ва унвон эгалари давлат аппаратини мустаҳкамлашда, унинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда ҳал қилувчи омиллардан бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида марказий ва маҳаллий бошқарув органлари тизими билан мансаб ва унвонлар ўртасидаги мувофиқлик, пропорция яхши сақлаб турдилган.

Юқорида келтирилган мансаб ва унвонлар бу даврда мукаммал маъмурий тизим яратилгани, мазкур тизим давлат равнақи ва фуқароларни ҳимоялашга, уларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилганини кўрсатади. Бу даврда ҳар бир мансабдор, ўз мансабининг даражасидан қатъи назар, дастур, қонун ва қоида орқали фаолият юритган, қонун устуворлиги таъмйилига амал қилган, уларнинг бурч ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган эди деган хулосага келамиз.

Амир Темур даврида фаолият юритган мансабдорлар ва нуфузли унвон эгалари давлат бошқарувини юритишда, унинг белгилаб олган ички ва ташқи вазифаларини амалга оширишда восита ролини бажарган.

II боб бўйича хулоса

Мазкур бобда Амир Темур салтанатида марказий ва маҳаллий бошқарув тизими, қурултой, унинг давлатчиликни мустаҳкамлашдаги ўрни, мансаб (лавозим) ва унвонлар таҳлил этилди.

Тадқиқотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, салтанатда ташкил этилган марказий ва маҳаллий бошқарув тизими давлатнинг яхлитлиги, ҳукмдор ҳокимиятининг куч-кудратини сақлаш, қонунларнинг ижросини таъминлаш, давлатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этган.

Саройда *девонбеги*, *вазир* ва бошқа мансабу унвонлар мавжуд бўлиб, улар ижро этувчи ҳокимиятни ўзида мужассам этган.

Амир Темур салтанатини тўрт улусга бўлиб, уларга ўз ўғил ва набираларини ҳукмдор этиб тайинлаган.

Соҳибқирон мамлакатни мӯғуллар каби улус, вилоят ва туманларга бўлган. Вилоят ва туманларга ҳам асосан темурий шаҳзодалар, шунингдек, ҳарбий лашкарбошилар раҳбарлик қилишган.

Амир Темур вилоят, туманларга кўпинча мамлакат ҳаётида катта ўрин тутган олимлар, жангларда синалган, баҳодирлик кўрсатган ҳарбийларни тайинлаган. Ҳарбий зодагонларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши ўрта асрларда ҳарбий феодализм босқичи ривожланганини кўрсатади. Бунда ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиюти уйғунлиги таъминлаган эди.

Соҳибқирон жангларда, давлат ишларида тобланган, садоқатли, тадбиркор, олим кишиларни ўз ўғилларига маслаҳатчи қилиб тайинлаган ва улар орқали худудларда бошқарувнинг холислигини таъминлашга интилган.

Амир Темур даврида маҳаллий бошқариш ишлари яхши ташкиллаштирилган бўлиб, ҳар бир вилоят, шаҳар, туманнинг ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутавалийси ва муҳтасиби бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол, яъни коменданнт тайинланган.

Салтанат бошқарувида маҳаллий эркин жамоалар ва маҳалла оқсоқолликлари катта роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У бошқарувда миллий урф-одатларни инобатга олиб, солиқлар йиғиш, тинчлик-фаровонликни саклаш, моддий таъминот ва бошқа масалаларда жамоа ҳамда уни бошқарган маҳалла оқсоқолларининг фикрларини инобатга олган.

Юқоридагилардан кўринадики, Амир Темур салтанатида марказий ва маҳаллий ҳокимиёт органларининг барча бўғинлари ягона марказга бирлашган. Тантанали маросим тартиб-қоидаларидан тортиб аъёнларнинг либосларигача катта эътибор берилган.

Мамлакат бошқарув тизимида қурултой сиёсий институти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унда мамлакат ҳаётига доир энг муҳим масалалар, жумладан, ўзга давлатларга уруш қилиш, сулх тузиш, давлат бошқарувига оид бошқа муҳим ишлар ҳал этилган.

Қурултойларда баъзан маҳаллий аҳоли вакилларига ўзлари хоҳлаган кишини сайлаш ҳуқуқи ҳам тақдим қилинган эди. Демак, барча талабларга жавоб берадиган кишилар юқори мансабга қўйилган, нолойиқлар эса ишдан туширилган.

Хатто бу олий йиғинларда халқ сўровига кўра баъзан солиқлар камайтирилган. Қурултойда давлат амалдорлари, лашкарбосилар, олиму уламолар, улуғ ва кекса, тажрибали кишилар қатнашишган, улар амалдорларга маслаҳатчи этиб тайинланган. Бу анъаналар давлат бошқарувида адолат ўрнатиш, конунлар ижросини таъминлаш, унинг марказий ҳокимият билан алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилган. Ўша даврда бу сиёсий институт зодагонлар кенгашидан иборат вакиллик органи бўлган бўлса ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар орқали ҳудуд ва халқ манфаатларини ҳимоя этишга интилишлар юз берганлиги англашилади.

Салтанатда ўзига хос мансаб ва унвонлар бор эди. Амир Темур Чингизхон хонадонига мансуб бўлмагани учун ўзини *амир* деб атаган ва расман Чингиз авлодидан бирини хонликка кўтарган. Аммо амалда чекланмаган ваколатга эга бўлиб, ўзи лозим топган пайтда давлат мансабдорлари томонидан қабул қилинган қарорларни ўзгартириши ва янги қарорлар қабул қилиши мумкин эди.

Амир Темурдан кейинги йирик мансаб ҳукумат девонларининг бошлиғи девонбеги ҳисобланган. У баъзан *вазири аъзам*¹ деб аталган. *Вазири аъзам* Вазирлар Маҳкамасининг бошлиғи бўлиб, давлат ишларида муҳим роль ўйнаган.

Марказий ҳокимиятда яргучи, хазинадор (хозин), муҳрдор, шиқовул, тавачи, арзбеги, қушбеги, тархон, нўён, оталиқ, парвоначи, баҳший, битикчи, муниший, котиб каби кўплаб мансаб ва унвонлар мавжуд бўлиб, улар ижро ҳокимиятини амалга оширишда катта ўрин тутган.

Ҳар бир вилоят ва шаҳарда адлия бошқармаси бошлиғи *адолат амири*, қози, маънавият ва шариат қонунларининг ижросини текширувчи *муставфий*², кутвол (қалья коменданти), жарчи, жуййон, калонтар, даруга, муҳассил, тамғачи, асас, доддоҳ, имом-хатиб, фақиҳ, воиз, мударрис каби кўплаб мансаб ва унвонлар мавжуд бўлган.

Хуллас, Амир Темур салтанатининг марказий ва маҳаллий бошқарув тизими пухта ташкиллаштирилган, бу тизим давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлган.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.15.

² Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.457.

ІІІ БОБ АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ СУД-ХУҚУҚ, МУДОФАА ВА ҲАРБИЙ ТИЗИМИ

3.1. Амир Темур давлатининг суд-хуқуқ тизими

Амир Темур давлатида ташкил этилган суд-хуқуқ тизимини ўрганиш давлатчилик тарихимизни чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Суд-хуқуқ соҳаси Амир Темур салтанатининг мажбурлов аппарати бўлиб, у давлатнинг куч-кудрати, қонун устуворлигини сақлашда катта ўрин тутган.

Маълумотларга кўра, ҳар бир шаҳарда шаҳар ҳокимининг саройи – *дорулиморт*, суд идораси – *қозихона*, адлия бошқармаси – *доруладолат* қурилган. Бу идоралар мамлакат ҳуқуқ-тартиботини сақлашга масъул ҳисобланган.

Минтақаларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишлари, аввало, шаҳар ҳокими – *даругалар* зиммасига юклатилган. Шунингдек, ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутволлар тайинланган бўлиб, улар халқнинг тинч-осойишталигини қўриқлашган. Бордию ҳудудда бирор нарса йўқолса ёки ўғирланса, кутволлар жавобгар бўлиб, уларга даругалар каби йўқолган молни тўлаш мажбурияти юкланган. Қолаверса, йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга бехатар етказиб қўйиш учун зобитлар тайинланган. Агарда йўлда ўғирлик ёки қотиллик содир этилса, жавобгарлик уларнинг зиммасига юкланган.¹

Асаслар эса тунги қоровуллар, қидиув ишлари бошлиқлари бўлиб, ўз ходимлари – посбонлар билан маълум ҳудудларга биритирилиб, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутганлар.

Шариат асосида ижтимоий тартибни назорат қилиш ва маънавий хатоларнинг олдини олишга масъул шахслар мухтасиб деб аталган. Улар бозорлардаги тошу тарозилардан уриш ҳамда

¹ Темур тузуклари ... – Б.119.

бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олганлар ва ўз ваколатидан келиб чиқиб жазо тайинлаганлар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари ясағын деб аталган, улар давлат ва жамиятнинг тинчлигини сақлашга масъул бўлиб, жиноятларни очища мухим роль ўйнаганлар.

Хукуқни муҳофаза қилувчи амалдорлардан бири шихналар деб аталган, улар ҳарбий маъмурлар бўлиб, шаҳарлардаги тинчликни сақлашга масъул саналган.

Амир Темур даврида қўрчи деб аталган мансабдорлар давлатнинг қурол-яроғларини авайлаб-асраганлар, уларнинг қаерга ва нима учун ишлатилаётганлигини назорат қилганлар ва подшоҳ саройини қўриқлаганлар.

Юкоридаги далилларга таяниб Амир Темур даврида хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ихтисослашган деган холосага келиш мумкин. Улар кундузги, тунги ҳамда фуқаролик ва ҳарбий бўлинмаларга ажратилган. Шунингдек, ҳар бир орган ўз маълумотларини тезлик билан салтанат марказига етказган, давлатсири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, иккинчи даражали масалалар саройнинг очиқ кенгашларида муҳокама қилинган, хукуқбузарликларга нисбатан чора-тадбирлар кўрилган.

Амир Темур даврида хукукий тартибот ишларига икки томонлама масъуллар тайинланган. Юкорида айтганимиздек, ҳар бир ҳудуднинг маъмурлари бу ишга жавобгар бўлган. Улар ўзлари бошқараётган ҳудудларнинг хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини таъминлашга масъул эди. Маъмурий тартибдаги кичик хукуқбузарликларни жазолаш уларнинг ваколатига кирган. Агарда давлатга, шахсга қарши жиддий жиноятлар содир этилса, улар тегишли қозиликларда кўрилган ҳамда қилмишларга яраша жазо тайинланган.

Салтанатда мажбурлов функциясини ташкил қилишдан асосий мақсад оммани қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларга жазо муқаррарлигини одамлар онгига сингдириш, бу орқали давлат ва жамиятнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлаш эди. Бу даврда хукуқбузарлик ва жиноятларни очища ҳақиқатни аниқлаш мухим аҳамият касб этган. Амир Темур «Тузуклар»да бу ҳақда алоҳида тўхталиб шундай деган: «Буюрдимки, ҳар ернинг ға-

разгўй, тухматчи ва нафси бузуқ кишиларининг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимни жазола-масинлар. Факат бирорнинг гунохи тўрт кишининг гувохлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазолансин». Демак, жиноятга жазо беришда тухмат, фийбатларга ишониб қолмаслик учун у обдан ўрганилган ва тўғрисўз, ҳалол тўрт кишининг гувохлигига таянилган.

«Тузуклар»да маъмурий тизимга оид жуда кўп қоидалар учрайди. Жумладан, Соҳибқирон ҳокимларга кимнингдир тухмат гапларига кириб аҳолига жарима солишни тақиқлайди.

Амир Темур давлатининг мажбурлов кучини сақлаб туришда судлар катта аҳамият касб этган. Улар давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда, шунингдек, низоларнинг адолатли ечимини топишда катта роль ўйнаган. Жиноятларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилишига қараб жазолар белгиланган.

Салтанатда судлар ихтисослашган бўлиб, уларнинг уч хил тури мавжуд эди. Биринчиси – *лашкар қозиси*. Бу қозилик ҳарбий масалаларга оид жиноят ва низоли масалаларни кўрган. Иккинчиси – *шариат қозиси*. У шариат билан боғлиқ жиноят ва низоларни қўриб чиқкан. Учинчи қозилик дунёвий-фуқаролик ва давлатга тегишли масалаларни, масалан, ўғирлик, молиявий ва маъмурий соҳаларга оид ишларни кўрган. Бу қозиликларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Судларнинг фаолияти ҳақидаги барча маълумотлар тўғрисида девонга, шахсан Соҳибқиронга узлуксиз ҳисобот берib турилган.

Амир Темур даври суд-хукук тизими қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган. Соҳибқироннинг ўз набираси амирзода Умар (1383 йили туғилган) номига битилган фармонида ҳам унга инъом этилган мамлакатларда адолат ва қонунга сўзсиз амал қилиши шартлиги алоҳида таъкидланган. Унда, жумладан, шундай дейилган: «Тики мазкур мамлакатнинг подшоҳлари, ҳокимлари, волийлари, амирлари, аъён, ашроф ва таникли кишилари номи юқорида эслатилган энг азиз фарзандни ул жойлар салтанат тахти ва вилоятларининг эгаси, нуфузли ҳокими ҳамда арзигулик ҳукмдор деб билиб, муҳим ишларда ва юртнинг барча заруратларида тўла-тўқис унга ва унинг ноибларига мурожаат

қылсынлар; унинг мамлакат ободончилигининг асл низоми ва улар осойишталигининг мазмун-моҳиятидан иборат бўлмиш фармон ва буйруғидан бош тортмоқни лозим топмасинлар».¹

Шунингдек, фармонда қонунга қатъий амал қилиш шартлиги кўрсатиб ўтилган: «Фарзанд ушбу улуғ ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳакиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўлолсин ҳамда унинг қоидала-рига шундай бир тарзда амал қылсынки, токи у оламнинг обод-лиги ва инсоннинг тинч-тотувлиги билан якун топсин; солих кишилар аҳли тақво ва иршод асҳоби сидқ ва ҳакпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъ-мирлашда ва хайрли даргоҳларни қўпайтиришда, тиришқоқ-лик намойиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қа-роқчиларни ҳамда шариатга хилоф ишларнинг қўпайишини ва нодонлик қонун-қоидаларини таг-туғи билан йўқотиши зарур ва лозим деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради, салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади».² Шунингдек, фармонда масалага жиддий ва сергаклик билан ён-дашиш кераклиги алоҳида таъкидланади: «Бундан мурод шуки, ҳар ким нимаки билса, бехавотир бизнинг арз иззатгоҳимизга етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алокадор ва маз-лумлар бошидан зарарни даф этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишга бепарволик қилмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ қўрсатсин».³

Бундан кўринадики, Амир Темур ҳуқуқ-тартибот соҳасида адолат ва қонун устуворлиги, содир этилган жиноятга жазоннинг муқаррарлиги тамойилига амал қилган.

Мазкур қоидалар нафақат мамлакатда, балки халқаро му-носабатларда ҳам бош мезон бўлганидан манбалар шоҳидлик беради. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий шундай мълумот келтирган: «Соҳибқирондин аввал ҳолдаким, оламдаги вилоят-ларнинг ҳар бирида бир подшоҳ бор эрди ва аларнинг мухоли-фат ва мунозиъатлари жиҳатидин мусулмонлар ичida қўб таш-виш бор эрди. Ва ҳеч ерда амин ва амонлик қолмайдур эрди.

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.385.

² Қўрсатилган манба. – Б.385.

³ Қўрсатилган манба. – Б.371.

Ва ўўллар ўғри ва қарокчи жиҳатидин боғланиб эрди. Ва ҳеч мусулмон ҳеч сори боролмас эрди. Вилоятларни золимларнинг эликларидин кутқариб, адлу эҳсон била ораста қилди. Ва анинг адлидидин андоқ бўлдиким, агар бирор бир табак олтун ё кумуш бошига қўйуб йалғуз сахрода Бохтардин Ховарғача боргай, ҳеч киши анга тик боқа олмас эрди. Аммо ул ҳолда кўб ерларни талаб асиру торож қилди зарурат жиҳатидинким, агар андоқ килмаса эрди, олам низом топмас эрди».¹

Шарафиддин Али Яздий салтанатда бирор кимсага зўравонлик қилинмагани, ҳатто ёлғиз ўтаётган ёш болаларнинг молига ҳам бирор кўз олайтиrolмайдиган даражада адолат ва қонун устуворлигига эришганлигини алоҳида таъкидлаб, унинг набхуғоратларининг бош сабаби жиноятта жазо бермоқлик бўлганлигини айтиб ўтган.

Унингча, агар Соҳибқирон каттиққўл сиёsat юритмаса ва бебошларни жазоламаса, мамлакатда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Демак, зўравоиликка қарши давлатнинг қуч ишлатмоғи шартдир. Ана шундагина адолат ва қонун устуворлигига эришиш мумкин.

Шу ўринда Яздийнинг яна бир маълумотига мурожаат этмоқчимиз: «Мұхаммад Музаффарнинг авлоди муддати эрдиким, бу вилоятларда подшоҳлик қилур эрдилар ва ҳар бири бир шаҳарда ҳоким эрдилар. Ва хутбани ўз отлариға ўкур эрдилар. Ва ҳар бирига даъво ул эрдиким, «Вилоятлар барча менга тааллук бўлғай». Ва бовужуд улким, бир-бирига қариндош эрдилар, доим бир-бирига қасд этиб, душман эрдилар. Ва агар бириким, бирорнинг эликига тушса эрди, ани ё ўлдуруб, ё кўр қилур эрдилар; ато ўғул ва ўғул ато билан ўшал тариқ эдилар ва аларнинг жиҳатидин раъоят заҳматда эрди. Бу маҳалдаким, вилоят Соҳибқирон тасарруфида бўлди, барча вилоятларнинг содот ва казот ва арбоблари келиб, бу воқеаларни арз қилди ва дедиларким: «Умидимиз сиздан ултуурким, бу вилоятларда йана Оли Музаффарни қўймағайсиз. Ва агар йана буларға бу вилоятларда дахл берсангиз, вилоят бузулур ва фақиру мискин хароб бўлур». Бу жиҳатдин Соҳибқирон динпарвардин душанба куни, жумад

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.292.

ал-охир ойининг йигирма учида (6.03.1393) хукм бўлдиким, «Оли Музаффарни тутуб беркитсунлар!»¹

Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар»да: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч кимсанинг қурби етмасди»², – деб адолат ва қонун устуворлигини алоҳида таъкидлайди. У қонун устуворлиги ва адолатни тарозининг икки палласидай мувозанатда тутишга интилди, ўз амирлари, амалдорларидан халқни камситмасликни талаб қилди.

Амир Темур давлатида ўғрилик, зўравонлик, шароб ичиш, зино ва бошқа жиноятлар учун энг оғир жазолар тайинланган. Академик И.Муминов ҳам бу ҳақда шундай таъкидлаб ўтган: «Соҳибқирон ёзишмаларидан англанишича, салтанатда вақти-вақти билан сўроқ ва тафтишлар ўtkазиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, пораҳўрлик, ичқиликбозлик, майший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб, бунга йўл қўйган кишилар қаттиқ жазоланган».³

«Тузуклар»дан англашиладики, шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятларга «Ясоқ» қонунлари бўйича жазо берилган.⁴ Унга мувофиқ ва ўрта аср анъаналарига хос бўлган бармоқ, қўл, бурун, қулоқ кесиш, кўзга мил тортиб кўр қилиш, дарра ва қамчи билан уриш, сазойи қилиш каби жазо турлари қўлланилган.

Хилда Хукҳэм «Ясоқ» қонунларига биноан жиноятларга қаттиқ жазолар қўллангани, масалан, от ўғирлаган кимса жазодан кутилиш учун яна тўққизта от бериши шарт бўлгани, акс ҳолда, у қатл этилгани ҳақида маълумотларни келтирган.⁵

Жиноятларга адолатли жазолар қўлланилаётгани ҳақида хабаргирлар салтанатнинг энг чекка ерларидан ҳам муттасил ёзма равишда хабар бериб туришлари шарт эди. Агар хабаргир бирор сипохий ёки амалдорнинг хизматини яширса ёхуд ёлғон хабар ёзса, қилмиши исботлангач, унинг қўллари кесилган. Воқеаларни атайлаб ёзмаса, унинг бармоқлари кесилган. Агарда хабарчи

¹Кўрсатилган манба. – Б.154.

² Муминов И.М. Асарлар. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1969. I жилд. – Б.434 – 435.

³ Ўша жойда.

⁴ Темур тузуклари ... – Б.80.

⁵ Хукҳэм X. Властитель семи созвездий ... – С.165.

ёлғон хабарни тұхмат ёки ғараз билан ёзған бұлса, у қатл этилған. Хабарлар кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой Амир Темурга етказиб турилган.

Сохибқирон карвон йүлларидаги хавғизлиken таъминлаш мақсадида турли қонунларни жорий этди. Карвон йүлларидан кимгадир ҳужум қилиниб, унинг моли тортиб олинса, үша ернинг ҳокими мол эгасига йүқотилған молнинг икки баробари миқдорида жарима тұлаган, шу ҳолатни назорат қила олмагани туфайли Амир Темур хазинасига беш баробар миқдорда жарима тұлаган.¹

Үрта аср удумларига асосан салтанатда турли жазо усуллари мавжуд бўлған. Кўзни кўр қилиш жазоси «кўзга мил тортиш» деб аталған ва бу жазо жуволдизга ўхшаш металдан ишланган асбоб (мил) орқали амалга оширилган. У қаттиқ қиздирилған ва кўзга суртилған.² Оғир жиноят содир этган кишилар дорга осилған ёки боши кесилған.

Тошу тарозилар, маънавий гунохлар учун жазони ижро этувчи кишилар иҳтисоб аҳли деб юритилған, уларга муҳтасиб бошчилик қилған. Муҳтасиб берадиган жазо қуйидагича бўлған. Муҳтасибнинг бир паҳлавон навкари мужримни (айбдор) опичган, иккинчиси унинг этагини кўтариб иштонини туширган, учинчиси орқасига раис айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин мужрим ўзини йиғишириб олиб муҳтасибга таъзим билан тавба қилиб, кўзини очиб қўйгани учун унга миннатдорчилик билдирган. Тавба ва миннатдорчилик мухим шартлардан бўлиб, адo қилинмаган тақдирда жазони давом эттириш мумкин эди.³

Амир Темур давлатида мард, жасур, ишбилармон ва тадбиркор кишилар юқори даражада ҳурмат-эътиборда бўлған, жазо борасида ҳам уларга енгилликлар яратилған. Сохибқирон айтадики: «Ботир кимсанинг гунохи исботланганидан кейин ундан жарима олсалар, сўнг яна дарра билан урмасинлар».⁴

«Тузуклар»да бирор кишининг айби исботланганида унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, агар жарима со-

¹Хукхэм X. Властитель семи созвездий ... – С.165.

²Абдулларрассек Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... – Б.457.

³Хусайн Бойкаро. Рисола ... – Б.35.

⁴Темур тузукларй ... – Б.94.

линса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик, яъни «бир жиноятга фақат бир жазо» принципи мустаҳкамлаб қўйилган.¹

Мансабдорлар томонидан содир этилган маъмурий хукуқбузарликлар ва жиноятларга жазо тайинлаш алоҳида назорат қилинган. Мансабдорлар томонидан содир этилган қилмиш турига – эҳтиётсизлик ёки қасддан қилинганига аҳамият берилган ва шунга яраша жазо тайинланган.

Агарда қишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикрок дараҷадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг шароитига кўра жарима солинган, яъни фуқароларнинг ижтимоий турмуш тарзи эътибордан четда қолмаган.

Мабодо *даруга* ва шаҳар ҳокими халққа жабр-зулм қилса, уларни хонавайрон этса, қилмишига яраша аёвсиз жазоланган. Бу оддий жаримадан тортиб ўлим жазосигача бориб етган.

Давлат амалдорларининг қўпорувчилиги, порахўрлиги ва бошқа жиноятлари ҳам энг хавфли жиноятлардан ҳисобланган. Улар бугунгги кундаги коррупция ва қўпорувчилик жиноятига тўғри келади. Бундай жиноятлар давлатга қарши қаратилган жиноятлар деб ҳисобланган ва уларга қаттиқ жазолар тайинланган. Давлатнинг мажбурлов функцияси уларни таг-томири билан йўкотиш, давлатдаги баркарорликни мувофиқлаштиришга қаратилган эди.

Амир Темур ва темурийлар давридаги мажбурлов аппаратининг тарбиявий кучи шундаки, жазолар халқдан яширинча эмас, очиқласига бозор ва халқ гавжум бўлган майдонларда ижро этилган.

Шарафиддин Али Яздийда ҳам бундай маълумотлар кўплаб келтирилган. Жумладан, у шундай ёзади: «Соҳибқирони комкор шаҳзода Шоҳруҳ мирзони Самарқандда йибардиким, анда бориб забтиға маниғул бўлғай ва дод адли била машғул бўлиб, раъйо, фуқаро ва масокин аҳволларидин ғофил бўлмағай деб шаҳзодаға кўп панд сўзлар ва насиҳатлар қилди. Ва аввал насиҳат сўзи бу эрдиким, «Анда борсанг, ўзингдин ғофил бўлмағил ва раъийат аҳволидин хабардор бўлғил. Иккинчи улким, тоат ва

¹ Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да давлат ва хукуқ масаласи ... – Б. 18.

ибодатда комиллик қылғайсен. Ҳар вилоятдаким, девон ва зобит ва даруға қўйсанг, мўмин ва мусулмон кишини қўйғил ва андоқ кишини қўймағилким, мусулмонларга зулм қилғай».¹

Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш ва қўрқитиш йўли билан ундириш кераклиги уқтирилган. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундей ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиз деб билингган.²

Амир Темур: «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипохийларга инъомлар улашдим. Золимга қарши мазлум додига етдим», – деган эди.

Соҳибқироннинг ўғли Шоҳруҳ мирзога: «Агар билсанг, зулм қилиб туур, ул золимни тирик қўйма», – деб айтган насиҳатида ҳам қатъият ваadolat сезилади. Ҳатто у вафоти олдидан куйидаги сўзларни айтган: «... бугун Эрону Туронда кишига мажол йўқ туурким, муҳолифат қилғай. Ва ҳазрат Ҳақдин умидим борким, ... золимларнинг эликларини мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавийдин заиф куч егай. Агарчи дунёга вутуъи ва саботи йўқ туур, нечукким менга вафо қилмади, сизларга ҳам қилмағусидир. Бале, дунё ишини муҳмал қўймангизким (хушёр бўлинг – Ш.Ў.), саботи ошуб ва мусулмонлар ташвишда бўлғайлар».³

Амир Темур фуқароларни қўрқинч ва умид орасида сақлаган, буни зарурият деб билган эди. Бу эса, бизнингча, фуқароларнинг жамият ва қонун олдидаги хуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари, имкониятлари чегаралари, уларни ҳимоя қиласидиган, жазолайдиган кучли давлат турганлигини ҳар лаҳза эслатиб турган, масъулият, жавобгарлик ҳиссиётларини уйғотган. Бундан англашиладики, Амир Темур қонунлар ва унинг амалдаги ижроси таъминланишини давлатнинг қудратли бўлишига хизмат қиласидеб ҳисоблаган.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.172.

² Темур тузуклари ... – Б.91.

³ Курсатилган манба. – Б.296.

Ўрнатилган қонунларга, аввало, Амир Темурнинг ўзи амал қилар, оила аъзоларидан ҳам шуни талаб этар эди. Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон ботир, жасур, масъулиятли ва тадбиркор амирзода бўлиб, келажакда улуғ давлат ҳукмдорига айланиси мумкин эди. Аммо унинг бир ноқонуний ҳаракати барча режаларини чиплакка чиқарди. Халил Султон амир Сайфиддиннинг канизаги бўлмиш Шодмулк оғога ношаръий уйланиб олиши туфайли оғир жазога буюрилади. Кейинчалик у афв этилди, бироқ унинг адолатли иш юритишига ишонч қолмаган эди. Шу туфайли ҳокимиятни бошқаришдан маҳрум этилди. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Л.Керен маълумотларига кўра, «Соҳибқирон Амир Темур юришдан қайтганидан сўнг эртаси кундан бошлаб Амир Темур салтанат юмушларига шўнғиб кетди: унинг қаҳри каттиқлиги ни билган амалдорлар ва сипоҳийлар қалтираб туришарди. Ўзи узоқ вақт бу ерда бўлиб ўтган воқеалар баёнини диққат билан тинглагач нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйган савдогарлар ва айбдорларни дорга остирди. Бева-бечораларга кийим-кечак ва озиқ-овқат улашилди, фукаролар эса учйил давомида барча соликлардан озод қилиндилар».¹

Л.Керен унинг жиноятларга жазо бериши ҳақидаги маълумотларни Руи Гонсалес де Клавихо асарига таяниб Конигилда рўй берган воқеани шундай шарҳлайди: «Жарчилар Амир Темур адолат ўрнатажагини маълум қилганларида оломоннинг кувончига қувонч қўшилди. Ниҳоят, кулгилар тўхтади. Чодирлар оралиғидаги бўшлиқларга жаллодлар бир неча дор тиккан эдилар. Амир Темур ўқиган ҳукмлар шафқатсиз бўлиб, шу заҳотиёқ ижро этиларди. У, энг аввало, бош вазирни жазолашдан бошлади. Амир Темур сафардалигида Самарқандни узоқ вақт бошқарган салтанатнинг энг йирик амалдорларидан бири бўлган бу киши ўз вазифасини совуқёнлик билан адо этгани учун шу заҳотиёқ дорга осилди. Давлат маблагини ва отларини талон-торож қилган қатор юксак мартабали амалдорларнинг ҳам қисмати шундай бўлди; ўғирланган маблағлар қаерга яширилганини айтмаганликлари учун уларнинг айримлари олдин қийнов-

¹ Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.80.

га олиниб, кейин осилдилар. Шундан сўнг дўконларда моллари нинг нархларини ҳаддан ташқари кўтариб юборган савдогарлар ва тижоратчиларга навбат келди, баъзиларининг бошлари таналаридан жудо этилди, баъзиларининг мол-мулклари мусодара этилди».¹ Демак, бундай темир қонунлар, жазо усуллари давлат аппарати ва жамият ўртасидаги мутаносибликни таъминлаган.

Молия ишлари бўйича содир этилган жиноятлар шундай жазоланган:

Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар, аввало, текшириб кўриш талаб этилган.

Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа миқдорига teng бўлса, мазкур маблағ унга совға-салом ўрнида берилган.

Агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинган.²

Жанглардан қочиш ва қўрқоқлик ўлимдан ҳам ёмон жиноят ҳисобланган. Шунинг учун Амир Темур сипоҳи шижаот ва жасурлик билан жанг қилган. Соҳибқирон салтанатида маънавий жазо усуллари ҳам яхши самара берган.

Соҳибқирон салтанатида сотқинлик энг олий жиноят ҳисобланган. Бирон навкар душман билан келишиб, ўз эгасига мунофикалик қилса, бундай навкар душман қўлига топширилган.

Агар сипоҳий қисмлардан ёки амирлардан қайси бири ёв билан келишиб, ғаним сафига бирлашса, улар юртдан чиқариб юборилган, мамлакатда уларга ўрин берилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур адолатсизлик, ҳуқуқбузарлик содир қилганлар учун жазо тайинлашда қонунчилик, адолат ва инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда сиёsat юритганки, бу эса жамиятдаги бошқа шахсларни бундай салбий хатти-ҳаракатларини содир этишдан тўхтатишга имкон берган.³

¹ Кўрсатилган манба. – Б.151 – 152.

² Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да ... – Б.117; Темур тузуклари ... – Б.94 – 98.

³ Ўша жойда.

Амир Темур ўғилларидан қайси бири салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош қўтарар экан, уни ўлдириш, тан жароҳати етказиши, киshanлашга рухсат берилмаган.

Соҳибқирон давлатида сипоҳийларнинг жиноят ва жазо ма-салалари қаттиқ бўлган. Қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказса, у мазлум қўлига топширилган ва жабрланувчи унинг жазосини берган.

Эркакларнинг соқолини қириб, юзига упа суриб шаҳар кездирилиши ўлим билан баробар жазолардан саналган.

Юқоридаги фикрлар, далиллар асосида шундай хulosага келиш мумкинки, Амир Темур давридаги жазо усусларида адолат бош мезон бўлган. Ўша пайтда содир этилган жиноятлар ва уларга берилган жазо усусларини обдан ўрганган олим Ҳерман Вамбери бу ҳақда шундай хulosага келганди: «Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир. У, аввало, Осиё саркардаси эди. Ўзининг голиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари томонидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранрок қаралса, жиноятга жазо тарзида кўлланилган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган».¹

Бугунги кундан тубдан фарқ қиласидиган, урушлар хавфи кучли бўлган ўрга асрларда тинч-фаровон ҳётни таъминлаш учун ана шундай жазо усусларини қўллаш, бизнингча, тўғри эди. Чунки бундай жазо усуслари ўша дамда кўплаб давлатларда кўлланиларди. Соҳибқирон ҳам ўз даврининг анъаналарига биноан давлатни бошқарган.

Салтанатнинг суд-хуқуқ тизими қонунийлик ва адолат тамоилига асосланган бўлиб, давлатнинг мажбурлов кучини сақлаб туришда улар муҳим аҳамият касб этган. Хуллас, суд-хуқуқ тизими мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда асосий вазифалардан бирини бажарган.

Биз юқоридаги фактлар асосида Амир Темур давлати таракқиётiga суд-хуқуқ тизими ва қонуний асослар катта туртки берган деган фикрга келдик.

¹ Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи ... – Б.18.

3.2. Амир Темур давлатининг мудофаа ва ҳарбий тизими

Амир Темур салтанатида давлат мудофаасини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири бўлган. Биз аввалги мулоҳазаларимизда Амир Темур даври ҳарбий феодализм, босқинлар даври бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Шу боис ҳар лаҳзада ҳалқаро низолар, урушлар келиб чикиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, давр мудофаани кучайтиришни заруратга айлантирган эди. Бундай мураккаб шароит Амир Темурдан мамлакатнинг кучли мудофаасини ташкиллаштиришни талаб этарди.

Ўша даврда ҳам давлат тинчлиги ва осойишталигига айрим кучлар мамлакатга ичкаридан ва ташқаридан таҳдид солиб турар эди.

Амир Темур, аввало, юзага келиши мумкин бўлган ички хавфни бартараф этишга интилган. Бундай хавфни шоҳ хонадони вакиллари, қавм-қариндошлар, ҳокимиятга интилган амалдорлар, бадавлат зодагонлар келтириб чиқариши мумкин эди.

«Темур тузуклари»да мамлакатда барқарорликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар ҳақида шундай маълумотлар берилган: «Амр қилдимки, агар ўғилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга, боғлашга ёки мучасидан бир жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қиласин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча асириклида сақласинлар, токи худонинг мулкида уруш чиқмасин».¹

Бу масалада Амир Темур кескин чоралар қўллашдан масалани тинчлик йўли билан ҳал этишини афзал билган ва исёнчининг ўйлаб кўришига имкон берган. Агарда набиралар ва қавм-қариндошлардан бири давлатга қарши кўтарилса, у дарвешлик ҳолатига солинган, мол-мулки тортиб олинган. Ўрта аср талаб ва эҳтиёжларини инобатга олсак, бу тадбирлар мамлакат барқарорлигини сақлашга хизмат қиласини англаш мумкин.

Шунингдек, сарой амирлари ва вазирлар давлатга қарши фитна уюштиrsa мансабидан туширилган. Содир этилган бун-

¹ Темур тузуклари ... – Б.91.

дай хатти-ҳаракатларга бирор чора қўлланишидан аввал вазият синчилаб ўрганилган. Гумон қилинувчи ёки айбдорнинг айби исботланганидагина жазога лойиқ топилган.

Амир Темур хавфсизлик ва барқарорликни саклашда хукмдорнинг сергаклиги, зийраклиги ва тадбиркорлиги катта роль ўйнашини яхши билган, агарда у бўш, содда ва лақма бўлган тақдирда мамлакат ичкарисидаги хавф-хатарларнинг ўзиёқ давлатни пароканда этиши мумкин деб билган.

Шунингдек, у мамлакатда қонунларнинг бузилиши, уларга амал қилмаслик ҳам охир-оқибатда давлатни адолатсизлик ва парокандаликка олиб келади деб ҳисоблаган.

Халқаро вазиятни мушоҳада килсак, Амир Темур даври ҳам зўравонликлар, информацион курашлар даври бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз мамлакатининг хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлаш учун қўшни давлатларда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни синчилаб кузатиш талаб этилган. Бу хақда «Темур тузуклари»да шундай маълумотлар бор: «Ҳар ерда, виляйту шаҳарда ва ўрдуда кундалик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўзининг ва ёт лашкарларнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор килсин. Атрофдан кирган-чикқан ёт мол-мулқ, четдан кирган ёки четдан чикқан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва хукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узоқ ўлкалардан келиб, менинг даргоҳимга келган уламолар, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар... Амр килдимки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларни, қўшни хукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, хузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қиласилик».¹

Амир Темур хавфни бартараф этишдан бурун унинг олдини олиш муҳимлигини яхши тушунган, шу боис қўшни давлатларда юз бераётган воқеаларни ҳам ўз давлати хавфсизлигига дахлдор деб ҳисоблаган. У ўзга юртлардаги аҳволдан хабардор бўлиш учун диёrlарга шайх, савдогар, тиланчи ва бошқа никоблар остида ўз айғоқчиларини юборган, шунга монанд ташқи сиёsat

¹Темур тузуклари ... – Б.120.

йұналишларини белгилаган. Сайёх, савдогар, мунажжим каби киёфаларда юрган жосуслардан олинган маълумот – далиллар күпинча ёпік йиғилишларда күриб чиқылған ва мамлакат яхлит-лигига солинган хавфлар ўз вактида бартараф этилган.

Хавфсизликни сақлашга нафақат ҳукуқни муҳофаза қилувчилар ёки давлат лавозимидағилар, балки ҳамма фуқаролар масъул бўлган. Ҳатто расмий ёхуд бошқа маросимлар сарой, ўрду ва бошқа ерларда барчанинг сергак, огоҳ юришини талаб этган.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида сипоҳийлар, амирлар, мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар девонхонага, базму мажлисларга кулоҳ, этик, ковуш, бўрк ёқалик чакмон, ҳанжар, қилич билан кириши лозим бўлган.¹

Мингтақада урушлар хавфини бартараф этиш мақсадида Амир Темур, биринчи навбатда, сарой ва девонни кўриқлаш масаласини мухим деб ҳисоблаган.

Салтанат саройи ва девонини кўриқлашга ўн икки минг қилич осган аскар урушу тинчлик вақтида бутун яроғ-аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан куршаб турган. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлган. Ҳар юз аскар устига бир юзбоши кўйилган.²

Ўн икки минг аскар уруш ва тинчлик пайтида ҳам сарой, девонхонани муттасил кўриқлаган. Бир кечада минг киши сарой ҳамда девонхонанинг олди ва орти, ўнг ва сўлини кўриқлаган. Ҳар бир аскарнинг аниқ белгиланган кўриқлаш худуди бўлган ва улар ҳар кеча навбати билан кўриқчилик қилишган. Ўнта қиличлига ўнбоши, юзта қиличлига юзбоши, мингтасига мингбоши раҳбарлик қилган. Бундай кўриқчилар нафақат сарой ва девонхонани, балки ён-атрофни синчиклаб текширишган.

Ҳатто бу кўриқчилар бир-бирлари билан маҳфий тилда (парол билан) сўзлашишган. Бу фактлар салтанатда хавфсизлик хизмати яхши йўлга кўйилғанлигини кўрсатади.

Амир Темур салтанатида нафақат тинчлик пайтида, балки уруш вақтида ҳам хавфсизлик хизмати учун алоҳида қўшин қисми ташкил этилган.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.106.

² Ўша жойда.

Үруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг қуролланган отлиқ сипохий билан биргаликда бир кеча-кундуз давомида ўз хукмдорини қўриқлаш учун ҳозир бўлган. Бу ўн икки минг отлиқ лашкар тўрт қисмга бўлинган ва бир қисми *баронгорга* (ўнг қанот), бир қисми *жавонгорга* (сўл қанот), бир қисми ўрдунинг олдига, тўртингчиси ўрдунинг орқасига жойлаштирилган. Ушбу тўрт қисм навбатма-навбат ўрдудан ярим фарсанг узоқлашиб соқчилик қилган. Тўрт сипохий фавж ўзлари учун ҳировул белгилаган. Ҳировулдан коровуллар тайинланган. Улар эҳтиёткорлик ва хушёрик билан ўрдуга хабар етказиб туришган.¹

Бу омиллар салтанатда хавфсизлик хизмати ихтисослашган деган хulosага келишимизга асос бўлади. Соҳибқирон лашкарлар ва ўрдуга алоҳида кутвол тайинлаган. Ўрдуни қўриқлаш, соқчилик ишлари унинг зиммасига юкланган. Бундан ташқари, кутволлар ҳарбий юришлар вақтида ўрду атрофида савдо-сотик ишлари билан машғул бўлган кишилардан солиқ олиш ишлари билан ҳам шуғулланишган. Агар ўрду ахлидан биронтасининг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортилган. Амир Темур қўшин ва ўрдунинг ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида қўшин орқасидан тўрт фавж (қисм) чопқунчилар тайёрлашни буюрган. Улар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, уларни қўриқлаб борган. Бордию чопқунчи лашкардан бирон киши ўлдирилганини ёки яраланганини кўрса, унинг ишини ўз зиммасига олган.²

Хавфсизлик хизмати учун белгиланган тўрт фавж чопқунчи лашкарнинг учдан бир қисми чегараларни қўриқлаш ишига тайинланган. Қўшиннинг учдан икки қисми эса доимо салтанат ишига шай турган.³

Демак, салтанатда маҳсус тайёргарликдан ўтган минглаб кишилар давлат бош маъмурий биноси, ўрду, чегаралар, умуман, салтанатни қўриқлаган. Шунингдек, мамлакат учун катта хавф туғилганида армияни сафарбар этиш қоидалари ҳам ишлаб чиқилган. Хавф-хатарларга бой ўрта асрларда мамлакат му-

¹ Темур тузуклари ... – Б.106.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

дофаасини такомиллаштириш орқали Амир Темур давлатдаги тинчлик ва барқарорликни сақлашга эришганлигини англаш мумкин.

Амир Темур давлатининг мудофаа ишлари иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар билан амалга оширилган. У ўз даврида мустаҳкам ҳарбий қудратга эга бўлган. Бундай қудратнинг мавжудлиги унга Осиё минтақасидаги тартибсизликлар ва агрессияларнинг олдини олиш имконини берган. Шу мақсадда мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, қуролли кучларни доимий такомиллаштириб бориш, давлат чегараларини мудофаа этиш, қуролли кучларнинг ҳарбий илми ва малакасини ошириш, фуқароларнинг мудофаасини амалга оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бу вазифа давлат бошқаруви билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалаларнинг бундай ечими давлатчилик асосларининг мукаммаллашувига ижобий таъсир кўрсатган.

Темурийлар даврида, айниқса, Шоҳруҳ мирзо, Мирзо Улуғбек, амирзода Умар, Ҳусайн Бойкаро даврида ҳам давлат ҳимояси яхши йўлга қўйилган, бироқ темурийлар ўртасидаги тожу таҳт учун курашлар мазкур ҳимоянинг, демакки, давлат ва салтанатнинг заифлашувига олиб келган. Бу эса шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга юришларига замин яратган.

Амир Темур тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун барча масъул бўлмоғи лозим деб тушунган. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да маҳсус «Мулку мамлакат, сипоҳу раият аҳволидан хабардор ва огоҳ бўлиб туриш тузуги» мавжуд. Унда айтилишича, ҳар ерда, вилояту шаҳарда, ўрдуда кундалик воқеаларни ёзиб бориш йўлга қўйилгани ва шу орқали кенг аҳборот алмашуви, коммуникация тизими яратилган. Воқеанавислар ҳокимлар, раият, сипоҳнинг ва ёт лашкарларнинг хатти-харакатларини рўй-рост ёзганлар ҳамда зудлик билан салтанат марказига етказганлар. Ёлғон ва тухмат хабарлар учун котиблар қатъий жиноий жа-вобгарликка тортилган. Қолаверса, четдан келган карвон, савдогар, сайёҳ ва бошқа ёт кишиларнинг мақсадлари аниқланган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, четдан савдогар, шайх, сайёҳ ва бошқа ном остида келган меҳмонларнинг баъзилари бошқа ниятда юртимизга ташриф буюрган. Шунга монанд, Мовароуннаҳрдан ҳам бошқа давлатларга жосуслар жўнатилган ва улар

ўзга юртларда юз бераётган воқеалардан хабар бериб турган. Амир Темур мингта чопқунчи, мингта түя ва мингта от минган хабаргирлар, йўлларга ва работларга тайинланган масъул кишилар орқали ҳам четдан кирган кишиларнинг мақсадлари аниқланган. Бу тадбирлар эса миңтақавий тинчлик гарови бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, Соҳибқирон мукаммал ҳарбий-сиёсий тизимни яратди ва бу тизим кейинчалик йирик давлатлар бошлиқлари, саркардаларга муҳим дастур вазифасини ўтади. У лашкарий қисмларни Чингизхон давридагидан ҳам мукаммалроқ қайтадан ташкил этиб, кураги ерга тегмаган ҳарбий саркарда, бугунги кунгача ўтган қўмондонларнинг энг буюкларидан бири сифатида довруқ қозонди. Айнан мана шу ҳарбий санъати орқали мамлакатда кучли мудофаа тизими яратилди. Амир Темур ҳарбий илму салоҳияти орқали давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бирга дунё геосиёсий майдонида етакчи мавқени эгаллади.

Совет даврида Амир Темурни «босқинчи», «зўравон» деб аташларига қарамай, баъзи тадқиқотчилар унинг ҳарбий фаолиятига анча ҳақконий баҳо беришган. Жумладан, А.Ю.Якубовский: «Ҳарбий тарих Темурни ўрта аср Осиёсидаги энг буюк лашкарбошилардан деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда: аскарий қисмларни қайта ташкил этишда, лашкарбошилик, қўмондонлиқда намоён бўлди»¹, – деб ёзганди.

Ҳакиқатан ҳам, Соҳибқирон ҳарбий соҳада қўшинни ташкиллаштириш, моддий таъминот, жанг усуллари каби жиҳатларга эътибор бериб, яхлит ва мукаммал ҳарбий тизимни яратди. Бу тизим орқали у ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириди.

Даврлар оша дунёнинг энг ривожланган давлатлари сиёсатчилари ва ҳарбийлари Амир Темур салтанатининг ҳарбий тизимини чуқур ўрганишга интилдилар.² Бу эҳтиёж ва зарурият бўлиб, улар ҳам ҳудудларда, хазинада барқарорликни сақлаш ва

¹ История Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1967. Т.1. – С.453.

² Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Хазина, 1994; Росляков А.А. Военное искусство Средней Азии и Казахстана в VI – XV вв. // Ученые записки. – Ашхабад: ТуркМГУ, 1962. Вып.21; Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 96 б. ва бошқалар.

лашкарни ташкил этиш каби қўплаб муаммоларни ҳал қилиш ишида унинг тажрибасидан фойдаланди. Шу давргача дунёнинг энг тараққий этган Европа мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ўкув юртларида Амир Темурнинг ҳарбий санъати чукур ўрганиб келинмоқда. Соҳибқирон ҳарбий кучга таяниб мамлакатни ички ва ташки хавфлардан ҳимоялаш, минтақалардаги тартибсизликларнинг олдини олиш, адолат, тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, мазлумларни золимлардан ҳимоя этиш, умуминсоний ғояларни кенг ёйиш, қонун устуворлигига эришиш, исломий қадриятларни тиклаш, сокинликни таъминлаш, интеграцион жараёнларни тезлаштириш, геосиёсий майдондаги вазиятни назорат қилиш каби ишларни амалга ошириди. «Тузулар»да: «Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатиш, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлиши лозим»¹, – дейилиши ҳам бежиз эмас.

Маълумки, Амир Темур қўшинни Чингизхон каби ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликларга (*туманларга*) бўлиб бошқарган. Бошқарувни осонлаштириш, тезкор ҳаракатни таъминлаш, тартиб-интизомни кучайтириш, зарур пайтда дарҳол қўшин сафи ни тузиш ишларини ташкиллаштириш ундан катта кучни талаб этган. Маълумотларга кўра, Соҳибқироннинг тартибсиз сочилигган минглаб қўшинлари бир зумда қатъий тартибда сафланиши мумкин эди. Кўпинча «бу тартибсиз қўшиннинг сафланишига катта вақт керак» деган ишонч душманларни доғда қолдирган.

Амир Темур қўшинига асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергақ, эҳтиёткор, олди-ортини ўйлаб иш тутадиган, жанг сир-асрорини биладиган *313 амир* раҳбарлик қилиб, уларнинг кичиги каттарогига бўйсунган.²

313 амирдан юзтаси ўнбоши, юзтаси мингбоши бўлган. Шунингдек, *туманбоши ўн минглик қўшинига раҳбарлик қилган.* Жанг пайтида *амир* ул-умаро амирларга, амирлар мингбошиларга, мингбошилар *юзбошиларга, юзбошилар ўнбошиларга* бошлиқ бўлган ва юқоридан келган буйруқлар сўзсиз бажарилган.

¹ Темур тузулари ... – Б.115.

² Кўрсатилган манба. – Б.98 – 99.

«Му’изз ал-ансаб»да Амир Темур салтанатида Ёдгор Барлос, Мурод Барлос, Лаъл Барлос, Худойдод Ҳусайнин, Мирка Барлос, Шайх Али, Арғун Барлос, Таваккул Барлос, Чин Барлос, Музроб Барлос, Қозон Темур, Тағай Буға Барлос, Мухаммад Дарвеш Барлос, Рустам Тағай Буға Барлос, Шайх Мухаммад Байон Сулдуз, Ғиёсiddин Тархон, Сулаймон Дуғлат¹ каби кўплаб амирлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Амирларнинг ҳар бирига алоҳида ўринbosарлар тайинланган ва улар амирликка номзод деб аталган. Агар лашкабошилардан бироргаси вафот этса, жангда раҳбарнинг йўқлиги қўшинда парокандаликни келтириб чикармаслиги учун бу номзодлар амир ўрнини эгаллашган. Амирлик даражасига эришиш шарафли ва мушкул иш ҳисобланган. Улар жангнинг сир-асрорини, ғанимни синдириш йўлини билса ва қўшинни жангга бошлай олса, қўшинда саросима пайдо бўлган ҳолларда ҳам вазиятдан тез ва тадбиркорлик билан чиқиб кетиш йўлларини билса, жангда шахсан ўзи катта жасоратлар кўрсатган такдирда амирликка лойик кўрилган.²

Қўшинда қирқ аймоқдан ўн иккитасига маҳсус *тамға* берилган ва бу ўн икки уруғдан хос навкарликка олинган. Улар *барлос*, *тархон*, *аргин*, *жалойир*, *тулкичи*, *дўлдай*, *мўғул*, *сулдуз*, *тугой*, *қипчоқ*, *арлот*, *татар* уруғлари эди.³ Тамғага етмаган йигирма саккиз аймоқ бошликларига кичикроқ даражадаги улус амирликлари берилган. Ҳар бир аймоқ ўзининг мақоми ва хукукларига эга бўлган. Россиянинг йирик давлат ва империяга айланишига катта ҳисса қўшган Пётр I нинг (1672 – 1725) ҳарбий ўн икки поғонали мансабга кўтариш усули Амир Темурнинг амирларни ўн икки даражали мансабга кўтариш услубини эслатади.

Жангларда катта жасорат кўрсатган оддий аскарга *баҳодирлик* унвони берилган. Амир Темур қўшинида Шоҳ Малик Барлос, Бахлул Барлос, Дарвиш Буға, Исмоил Барлос, Ҳусайн Малик Қавчин, Ҳамза, Рамазон хожа, Шерзод, Шер-Али Барлос⁴

¹Му’изз ал-ансаб ... – С.117.

²Темур тузуклари ... – Б.98.

³Кўрсатилган манба. – Б.109.

⁴Му’изз ал-ансаб ... – С.119.

каби баҳодирлар бўлган. Жангларда катта матонат кўрсатган аскарларга ўнбошилик даражаси берилган. Агар шу аскар жангнинг муваффақиятли тугашига иккинчи марта катта ҳисса қўша, юзбоши килиб кўтарилиган. Агар учинчи марта жасорат кўрсатса, унга мингбошилик мартабаси берилган.¹ Мингбошиликка кўтарилигач ғанимнинг йирик қисм лашкарларини минглик кисми билан синдирса, биринчи амир этиб тайинланган. Биринчи амирлик даражаси олий ҳарбий лавозимлардан ҳисобланган. Шу тариқа иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, етминчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккичи амирлик даражасига кўтарилиган.

Биринчи амир минг кишига, иккинчи амир икки минг кишига, учинчи амир уч минг, тўртинчи амир тўрт минг кишига, ўн иккинчи даражали амир ўн икки минг кишига сардорлик қилган. Амирлар даражасига қараб бир-бирига ноиб этиб тайинланган. Масалан, биринчи амир иккинчи даражали амирнинг ноиби, иккинчиси учинчисининг, ўн биринчи даражали амир ўн иккинчи даражали амирнинг ноиби ҳисобланган.²

Шунингдек, тўртта бекларбеги ҳам тайинланиб, бу даражада ҳарбий даражаларнинг энг олийларидан эди. Ўн иккинчи даражали амир эса амир ул-умаронинг ноиби саналган.³ Амир-ул умаро кўшинлар бош кўмондони бўлиб, Амир Темурнинг ноиби ҳисобланган.⁴ Унга жангда бирор талафот етса, ўринбосари ўрнини эгаллаган. Амир ул-умаро душман томонидан майдонга ўн икки мингдан кам отлиқ жангга кирганида қўшинга бош кўмондонлик қилган. Жангларда қаҳрамонлик кўрсатган ҳарбийлар кучли ижтимоий муҳофаза остига олинган.

Ҳар бир ҳарбий мансабдорнинг аниқ вазифаси белгиланган. Қайси бир оддий аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида чўмок, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоза, камар, турна беллик қилич, бир от берилган ҳамда ўнбошилик мартабасига кўтарилиган.⁵

¹ Жан-Поль Ру ... – С.241.

² Темур тузуклари ... – Б.99.

³ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.41, 79, 98, 134, 177.

⁴ Кўрсатилган манба. – С.125.

⁵ Темур тузуклари ... – Б.102.

Агарда амирлардан бири қайсиdir мамлакатни фатқ этса ёғаним лашкарини енгса, у уч нарса билан тақдирланган: 1. *Фахрли хитоб*. 2. *Туг.* 3. *Ногора*.

Фахрли хитоб фахрли ёрлик бўлиб, унинг номи бутун кўшинга овоза қилинган, кимматбаҳо туғи унинг алохида белгиси хисобланган. Бу эса, бир томондан, сипоҳийнинг обру-эътиборига сабаб бўлса, иккинчи тарафдан, қўшинда жасорат, ватан-парвалик туйғулари кучайишига таъсир кўрсатган.

Ўзининг махсус *ногора*, *тугига* эга сипоҳий баҳодир мажлисларда хурмат-иззатда бўлиб, хос кишилардан саналган. Жасорати учун ўнбошига шаҳар ҳокимлиги, юзбошига бирор йирик худуд ҳукмдорлиги берилган.

Шунингдек, қайси амир жангда ёним подшоси ёки унинг ўғлини енгса, у ҳақда овоза тарқатилган, кўшиннинг фахрли хитоби айтилган, кимматбаҳо совғалар билан мукофотланган, унинг карамоғига улус ва чегара вилоятлар топширилган.

Мукофот турличи бўлиши мумкин эди. Бу бажарилган ишнинг қанчалик аҳамиятли эканлигига боғлиқ бўлиб, баъзан амирларга бирор худуд уч йилга ёки бошқа муҳлатга инъом этилган.¹

Биз Соҳибқирон Амир Темур даври ҳарбий тизимини тадқиқ этиш асносида унинг давлатчиликдаги муҳим аҳамиятини ва ҳарбий лавозимлар бир вақтнинг ўзида давлат ҳокимиятини ҳам ифодалаганини англаб етамиз.

Тарихда ўтган жуда кўп давлатлар: аҳамонийлар, юонон-македонлар ва бошқаларнинг муҳим мансаб-лавозимларини ҳарбийлар эгаллаган. Амир Темур даврида бу усул мукаммалластирилган. 313 асл эрлардан саналмиш амирларни ўз атрофига бирлаштира олгани унинг келгусида муваффақиятлар қозонишига сабаб бўлган.

Урушлар хавфи қучли бўлган ўрта асрларда Амир Темурнинг кўшинини поракандалиқдан сақлай билиши, уларнинг ҳаракатларини бир мақсадга йўналтира олгани, доимо жангларда ғолиб келиши унинг мукаммал ҳарбий сиёsat олиб борганлигига далиллайдир.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.104.

«Унинг қўшини бекиёс қўшин эди, унда мўғул эроний билан, собиқ шаҳарлик кўчманчи турк билан, мусулмон оташпарат ва насроний бутпарат билан, бегона тилларда сўзлашадиган ва улуғ амир иродасининг сехри билан елкама-елка жанг қиладиган аскарлардан иборат қўшин эди»¹, – деб ёзади Л.Керен.

Хар бир ҳарбий мансабдорга бир-биридан фарқланиб турувчи ҳарбий анжомлар берилган. «Катта ноғора ва байроқ адо этиш тузуги»да сипоҳийларга даражасига қараб қандай белгили мукофотлар берилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Л.Керен: «Амир Темур қўшини ҳар бир фавжининг алоҳида рангли ўз туғи бўлиб, бу фавж аскарларию отлари ҳам айнан шу рангдаги совут, зирх, қалқон, эгар, ёпинчиқ, белбоғ, ўқдон, халта ва найзалар билан таъминланган эди. Шу алфозда оқ, яшил, бинафша ёхуд қизил рангли фавжлар мавжуд эди»², – деб ёзади.

Ҳ.Дадабоев фикрлари ҳам бунга ҳамоҳангидир: «Соҳибқирон армиясида мунтазам қўшинга хос бўлган қўпгина белгилар мавжуд эди. Қўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил этилган, унинг жанговар тартиби – ясол такомил даражасига кўтарилган, қўшин ўз замонининг илғор курол-яроғи, техникаси билан куролланган, ҳар бир қисм, бўлинма айнан бир турдаги курол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъмин этилган, бўлинмалар, қисмлар бир-биридан кийим-боши, кўтарган байроғи, ҳатто минган отининг тузи орқали ҳам фарқланган».³

Бизнингча, Амир Темур қўшин қисмларининг байроғи, курол-яроғи ва рангларининг турли-туманлигига сабаб, қўшиналар *тиёда, найзабоз, қиличбоз, отлиқ* каби бир неча турларга бўлинган. Амир Темур жанг майдонида уларни бошқариш учун ҳам ранг, байроғи ва бошқа курол-аслаҳаларига алоҳида белги қўйган бўлиши мумкин. Демак, Амир Темур ҳарбий бўлинмалар ва уларнинг бир-биридан фарқини сақловчи ҳарбий қоидаларни ишлаб чиқкан.

Ҳарбий саркарда М.Иванин: «Ҳали биронта ҳам ҳалқ қўшинини тўғри сафлашни билмай, тартибсиз ва тактик ҳаракат-

¹ Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.116 – 117.

² Ўша жойда.

³ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.28 – 29.

ларсиз, факат ўзидаги жасорат даражаси билан узук-юлуқ жанг қилаётган бир пайтда Темурнинг тұғри сафланган, бир неча йўналишдан иборат мунтазам тартиб билан жангга киравчى, кучли захирага эга бўлган кучли армияси бор эди¹, – деб унинг ҳарбий қўшинига катта баҳо берган эди.

Хилда Ҳукҳэм Амир Темур қўшинларининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ҳам қатъий коидалар асосида амалга оширилганлигини тавсифлаб ўтган. Унга қўра, қўшин бошида илгор қисм, унинг ортида отлик ва пиёда аскарлар гурухи, улар ортидан подшоҳ хўжалигига тегишли буюмлар ортилган аравалар юрган. Бу ареваларда хазина, бриллиантлар, кийимлар захираси, қуроллар ва бошқа нарсаларга тұла бўлиб, улар жанг ва тинчлик даврларида чигатой қўшини туманлари томонидан муҳофаза этилган. Уларда катта бойликлар ташилгани туфайли ҳужум қилиш хавфи катта бўлган, аммо Амир Темур юришларининг бирортасида бу бойликлар душман қўлига тушмаган.

Подшоҳ ареваларидан кейин жангчи қўчманчилар оиласи ўз чорвалари билан юрган. Тинчлик пайтларида улар одатдагидек оилавий ҳаётини давом эттиришган. Ҳаво иссиқ пайтларда улар кундузи дам олиб, кечаси даштларда юрган турли чорваларни овлаш билан машғул бўлишган.

Қўчманчилар ортидан савдогарлар ва ҳунармандлар ҳаракатланганлар. Улар ҳам тинчлик пайтида темирчилик, қуролсозлик, новвойлик ва бошқа касблар билан шуғулланишган. Қўшин тўхтаган ер ҳақиқий ҳаёт қайнаган жойга айланган.² Бу ерда бозорлар, ҳунармандлар, ареваларнинг овозлари, кўчма ҳаммоллар, кўчма масжид ва бошқалар ҳарбийлар эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилган.

Бу даврда қўшинларга маош тақсимлаш ҳам маълум тартиб-коидаларга асосланган эди. Соҳибқирон Амир Темур қўшиннинг моддий таъминотига катта эътибор берди ва унинг тұла таъминланишига эришди. Бунинг сабаби шуки, мазкур касбда сипохий тирикчилигини бемалол ўtkаза олиши керак эди. Акс ҳолда, у тирикчилик ҳаракатида бошқа ишларга овора бўлиши, бу ҳол қўшиннинг заифлашувига, демакки, салтанатнинг парокандалигига олиб келувчи омиллардан бири бўлиши мумкин эди.

¹ Иванин М. Икки буюк саркарда ... – Б.240.

² Ҳукҳэм X. Властитель семи созвездий ... – Б.61 – 63.

«Темур тузуклари»даги маълумотларга кўра, оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан ўзи минган отининг баҳосида маош берилган. *Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача микдорда тайин қилинган*. Ўнбошиларнинг маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларнидан ўн барабар ортиқ этиб белгиланган. Демак, унга ўнта от баҳосида маош берилган. *Юзбошиларнинг маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, яъни йигирма от баҳосида, мингбошиларники эса юзбошиларнидан уч барабар зиёда бўлган*. *Мингбошиларнинг зиммасига оғир вазифалар юклатилган бўлиб, улар энг олий ҳарбий лавозимлардан ҳисобланган ва сипоҳийлар тизимида камчиликни ташкил этган*. Улар мартабаси кўтарилиши учун жангда қўшин фавжларини синдиришлари, жангнинг муваффақиятли якунланишига катта ҳисса қўшишлари керак эди. Шунга яраша мингбошининг маоши олтмиш от баҳосида белгиланган.

Давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотлари дастлаб Амир Темурга билдирилган ва тасдиқланган ҳамда сипоҳийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлиги топширилган. Уларга берилган маблағ микдори шу ёрлиқнинг орқасига ёзиб қўйилган.¹

Сипоҳнинг яроқ-жабдуқлари ва асбоб-анжомлари тузугига мувофиқ юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир олиб юрган. Ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ – ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуволдиз, болта, ўнта игна, орқага осиладиган чарм халта. Оддий пиёдаларнинг ҳар бири ўзи билан бирга бир қилич, бир камон ва кўтарганича ўқ-ёй олиши керак бўлган.²

Баҳодирлардан ҳар беш киши бир чодир олган. Уларнинг ҳар бири биттадан оддий темир совут, дубулға, бир қилич, садоқ, ўқ-ёй ва бешта от олиши буюрилган.³

Ўнбошилардан ҳар бири бир чодир, ўнта от, қурол-аслаҳадан қилич, садоқ, ёй, гурзи, чўқмор, коскан (сим рўмол), зирҳ ва багтар (темир симдан тўқилган ҳарбий камзул) олиши керак бўлган.

¹Кўрсатилган манба. – Б.89.

²Кўрсатилган манба. – Б.106.

³Кўрсатилган манба. – Б.105 – 106.

Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга битта чодир, бир соябон, курол-аслахадан жавшан, дубулға, найза, қилич, садок ва күттарганича ўк-ёй олиб юрган.¹

Шунингдек, «Тузуклар»да қандай ва қай ҳолатда жанг қилиш қоидалари түғрисида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. «Жангу жадал, уруш майдонига кириш қўшинини сафлаш ва ғаним лашкарини синдириш тузуги»да сони 12000 дан кам ғаним лашкари қатнашган тақдирда жанг услублари ва қўшин қандай тузилиши лозимлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Ғаним томондан ўн икки минг отликдан кам киши жангга киришса, бу муҳорабага *амир ул-умаро* бош қўмондонлик қилган. Аймок ва туманлардан ўн икки минг отлик *амир ул-умарога* ҳамроҳ бўлган. Шунингдек, *мингбошилар*, *юзбошилар* ва ўнбошилар ҳам бу жангга ҳамроҳлик қилишган.²

Бундай жангда қўшин қуидагича тўққиз қисмга бўлинган: қўлда бир қисм, баронғорда уч қисм, коровулда бир қисм, баронғорнинг ўзи хировул, чоповул ва шиқовулдан ташкил топган.

Колаверса, жанг майдонини тўғри танлай билишига ҳам катта эътибор қаратилган. Уруш бошланишидан бир кун аввал лашкар сафга тизилган ва қисмларга ажратилган. Лашкар отларининг боши қўзланган йўналишига қаратилган ва юарар йўлдан чап ёки ўнгга бурилиши тақиқланган.³

Жангда бош қўмондон, яъни *сардор* сергаклик билан қўшинини аниқ ва пухта ҳаракатлантириши лозим бўлган. Жангнинг муваффақиятли якунланиши сардорнинг қўшни *фавжларини* жангга тўғри йўналтиришига боғлиқ бўлган. Соҳибқирон Амир Темур қўшин, сардорнинг хатти-ҳаракатини кузатувчи лашкар назоратчисини ҳам тайинлаган ва унга шахсан ўзи билдириган ишонч белгиси – зафарнишон ёрлигини берган. Бордию жангда *сардор* янгишса, лашкар назоратчisi амирларга ва сипоҳийларга зафарнишон ёрлигини кўрсатган ва унинг ўрнига бошқа *сардор* тайинлаган.⁴ Амир Темур қўшини жангдан аввал баланд овозда такбир ва саловатлар айтган, ногора ва *нафирнинг* ваҳи-

¹ Ўша жойда.

² Кўрсатилган манба. – Б.125.

³ Кўрсатилган манба. – Б.126.

⁴ Ўша жойда.

мали товуши бу суронни тұлдирған, ана шу тариқа жанг бошланган.

Шарафиддин Али Яздий «Беклар ва баходирлар ҳукм била уруш асбобин мұхәйе қилиб, ҳисорни үртада олиб, такбир ва саловат деб ҳисорға ёпушти ва нағора ва нағир чалиб, сурон солиб қалқонлар ва тұралар бошларига олиб» жанг бошлаган-ликлари ҳақида хабар беради.¹

Жангнинг қандай якунланиши қүшин құмандони – *саудорга боғлиқ бўлган*. *Саудор* шошма-шошарлик қилмаслиги, иложи борича имкониятдан тўғри фойдалана билиши, бордию унинг ўзи жангга киришга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақлашга интилиши, чораси йўқ ишга қўл урмаслиги шарт эди.

Ғаним лашкари ўн икки минг отлиқдан ортиқ ва қирқ минг отлиқдан кам бўлганида лашкарга Соҳибқироннинг ўғиллари ёки набираларидан бири бош құмандонлик қилган. Бундай жангда икки бекларбеги, қўшунот, туманот ва улусот амирлари ҳамда қирқ минг отлиқдан кам бўлмаган сипоҳ унинг хизматида ҳозир турган. Сипоҳ қисмлари Амир Темурни жангда ҳозир деб билган. Соҳибқирон ўзининг жанг майдонида борлигини эслатиб, қўшинга руҳий мададкор бўлишини яхши тушунган.

Бундай жангда Амир Темур чодири лашкар турган ер тепалигига тикилгач сипоҳ ўн иккита сипоҳ бўлинмасига ажратилган ва ҳар бирига улусот амирларидан бири раҳбар этиб тайинланган.

Ўша давр ҳарбий техникасига кўра *наизадорлар*, *ўқчилар*, *қилич чопувчилар*, *нафтандозлар* – нефть отувчилар ва бошқа ҳарбий гурухлар жанг усулига қараб ҳаракатланишган, душман томоннинг қайси гуруҳи жангга кириши ҳам эътиборга олинган.

Қирқ минг отлиқ сипоҳдан ўн тўртта сипохий қисм тузилган ва бош құмандонга тегишли алоҳида қўшин сафи тузилиб қўл (*гул*) деб аталган баронғор учга бўлинган ва улардан бири ҳировул фавжси дейилган, шунингдек, учта жанговар ҳировули деб аталган. Шу тарзда баронғор қисмларининг олдига яна уч сипохий бўлинма тузилиб, улар чоповул деб аталган. Шу уч қисм чоповулидан бири чоповул ҳировули деб аталган. Шу тарзда яна уч сипохий бўлинма тузилиб, жавонғор олдига қўйилган ва ши-

¹ З Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.108.

қовул деб номланган. Бу уч кисмдан бири шиқовулнинг ҳировули дейилган. Шундан сўнг қўл қаршисида синалган тажрибали ўқчилар, қиличбозлар, найзадорлар ва баҳодирлардан иборат катта ҳировул тузилган.

Сардор ғанимининг ўзи уруш бошламагунча жангга киришга ошиқмаган. У ёвнинг жанг қилиш усулини ўрганиш билан бирга улар жанг майдонига қандай тартибда кирадилар ва чиқадилар, биринчи марта жангга кириб охирига етказилиши ёки чекиниб фурсат пойлаб қайта жангга киришини кузатиб турган. Соҳиб-кирон қўшини қаттиқ зарба емай жанг майдонидан қочган ғаним лашкари ортидан кувиб бормаган, чунки ёвнинг катта ёрдамчи қўшини пайт пойлаб туриши ҳам мумкин эди. Жангда дастлаб катта ҳировул, сўнгра чоповул ҳировули жанг бошлаган. Уларнинг ортидан чоповулнинг иккинчи қисми жангга ташланган. Шунда ҳам ғалаба қўлга киритилмаса, баронгор ва жавонгорнинг ҳировули жангга ташланган. Шундан кейин баронгорнинг биринчи қисми, жавонгорнинг иккинчи қисми жанг бошлаган.¹

Ундан кейин баронгорнинг иккинчи қисми ва жавонгорнинг биринчи бўлаги жангга ташланган. Шунда ҳам душман енгилмаса, бош қўмондоннинг ўзи қўл сипоҳий фавжларини урушга шайлаб жангга кирган ва душман қўзига ўзини тоғдай кўрсатиб, аста-секин туташган ҳолда ҳаракат қилган. Уруш баҳодирлари қиличларини яланғочлаб жанг қилишган, ўқчилар визиллатиб қалин ўқ ёғдириб турган. Агар шунда ҳам ғалабага эришилмаса, сардорнинг ўзи жангни кучайтирган, Амир Темурнинг мадад кучлари ва бўйрукларини кутиб турган.²

Агарда душман томондан қирқ минг отлиқдан ортиб қўшин жангга киргудек бўлса, жангга бевосита Соҳибқироннинг ўзи бош қўмондонлик қилган. *Бекларбегилар, амирлар, мингбошлилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодирлар ва бошқа сипоҳийлар* зафарли байроқ остида бирлашган ҳамда жаҳонгирнинг амру фармонини кутиб турган. «Темур тузуклари»да бу ҳақда батағсил маълумот келтирилади.³ Шунинг учун биз бу мавзуга тўхтамаймиз, аммо аёнки, Амир Темур ўз давридаги давлат-

¹ Кўрсатилган манба. – Б.129 – 130.

² Ўша жойда.

³ Кўрсатилган манба. – Б.131 – 133.

нинг ҳарбий тизимини санъат даражасига олиб чиқди ва айнан ана шу фаолияти туфайли унинг давлати ер юзида катта обрў-эътиборга эга бўлди. Чунки ҳамма даврларда ҳам ҳарбий куч-кудрат халқаро сиёсий нуфузни белгилаган. Амир Темур давлатида амалга оширилган ислоҳотлар ва жорий этилган қоидалар айнан унинг ҳарбий тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали муваффақиятли бажарилган.

Колаверса, Амир Темурнинг туғма ҳарбий салоҳияти бу тизимнинг янада кучли ҳаракатланишига сабаб бўлган. АҚШ олими Ричард Нелсон: «Темурда жанг пайтида энг зарур пайтда керакли жойда бўла олишдек ажойиб ҳусусият мавжуд эди. Бу унга душманлари унинг мақсадини уқиб олишга улгурмасдан ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Боз устига, жанг майдонида унинг шахсан иштироки энг оғир дамларда жангчиларини аниқ бўлиб қолган мағлубиятдан кўпинча кутқариб қолган», – деб баҳо берган эди.

Соҳибқирон, баъзи лашкарбошилардан фарқли ўлароқ, ўз сипоҳига шахсий намуна қўрсатган. У энг оғир вазиятда дастлаб жангга кирган ва бу қўшинни руҳлантирган. Амир Темур сипоҳга яқин дўст бўла олар, керак пайтда раҳбарга айланарди. Тезкорлик, кенгаш, маҳфийлик, вазиятни қўлдан бермаслик ва тўғри тадбир кўллаш унинг кучли томонларидан эди.

Соҳибқирон бир вақтда бир неча ерга юриш бошлар ва юришлари ҳақида овоза тарқатар, аслида, унинг қўшинлари бошқа шаҳар остонасида пайдо бўларди. Бу нозик ҳаракатларини ақлига сиғдира олмаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ уни «бало ва оғат», қўшинларини «чиғиртка» деб атаган эди. У Амир Темурнинг Лур юришини шундай таърифлаган: «Темурнинг ишлари ниҳоясига, қасрлар қурилиб камолига етгач, у ўз қўшинига Самарқандга жам бўлишини буюрди. Кейин улар учун ўзи ўйлаб топиб ихтиро қилган таркиб ва тадбирда маҳсус қалпоқлар тайёрлашларини амр этди. Темур уларнинг қайси томонга боришлиарини маълум қилмади. Бу қалпоқлар улар учун шартли бир белги эди. Темур ўз ерларининг барча томонларида олдиндан посбонлар тайинлаб қўйганди. Сўнгра Темур Самарқанддан чиқиб, ўзини Хўжанд, Турк ерлари ва Жандга боряпман

деб овоза тарқатди. У шаҳар кетидан шаҳар босиб ўтиб, кечакундуз йўл юрди, у юлдузлардек учар ва чавандозлардек тез чопарди ҳамда қўнган ҳар бир жойида чарчаган зотдор туяларни ташлаб кетарди. Ниҳоят, у ҳеч ким ўйламаганда Лур ерларида пайдо бўлди».¹

Хилда Ҳукҳэм Амир Темурнинг ҳарбий даҳо, уста дипломат бўлгани, рақибларининг душманлари ва дўстлари билан турли иттифоқлар тузгани, турли ҳийла ва кутилмаган воқеалар билан уларни лол қолдиргани, ғалаба муваффақияти уруғлари унинг томонидан юборилган жосуслар орқали экилгани, ҳосили эса жангларда йигилгани, ана шундай тарзда душманлари мағлубиятга учраганини айтиб ўтган эди.²

Р.Нелсон: «Ютқизиқсиз мақсад Темур даҳосининг асосини ташкил этади. У ҳатто доналари икки баробар кўпайтирилган маҳсус шахмат таҳтасини ўйлаб чиқарган. Бундан мақсади ўйин муддатини чўзиш бўлган. Бу шундан далолат берадики, Темур мақсади ва уларга эришиш йўлларини геостратегия маъносида, бир-биридан айри ҳолда тушуниб бўлмайди ва у буларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳеч қачон бирини иккинчиси билан адаштириб юбормаган», – дейди.

Амир Темур қўшин тузилишини ҳарбий санъат билан уйғунлаштириди ва шу аснода давлатнинг мустаҳкам ҳарбий тизимини яратди.

Маълумки, Соҳибқирон ҳарбий тизимга муҳим ўзгаришлар киритган. Биринчи марта қўшинни етти қисмга бўлишни жорий этган. Чунончи, Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда: «Кундузча мавзеида Тўхтамишхонга етиб, мутаважжих бўлди. Аммо ҳазрат (Амир Темур – Ш.Ў.) черикни етти қўл тартиб эттиким, ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва эшитмайдур эрди. Ва бу етти ададида хосият кўб турур ва кўб сир анда бор эрдиким, андин сабъ ул-масаниннинг воқифлари андин хабардор эрдилар»³, – деб маълумот берган.

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I жилд. ... – Б.128.

²Ҳукҳэм Х. Властитель семи созвездий ... – С.13.

³Махмудов В.Н. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик маҳорати // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.28.

Тадқиқотчи В.Н.Маҳмудов Амир Темур барпо этган армиянинг ички йўналиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, унинг қўшини умумхалқ характеридаги лашкар эмаслиги, чорвадор, косиб, дехқонлар, ҳунармандлар ва ўтрок аҳолидан аскарлар олингани, қўшинининг асосий қисмини отлик ва пиёдалар ташкил этгани, Шарқ ҳарбий тарихида биринчи бўлиб ўт иргитувчи мосламалар ишлатилгани, тоглик худудлар учун маҳсус пиёдалар қисми тузгани, қўшинни биринчи марта етти қисмга бўлгани билан унинг тизимидан фарқланиб туришини таъкидлаб ўтган.¹

Жан-Пол Ру Амир Темур ва Боязид Елдирим муносабатлари ҳамда улар ўртасида бўлиб ўтган Анқара жангини таҳлил қилган. У усмонлилар армиясининг ўз ҳарбий бошлиқларига Амир Темур қўшини каби мустаҳкам боғланмагани, Боязид Европага юриш қилгани билан жанг ҳарбий ҳаракатлар саҳнасини Амир Темурчалик англаб етмаганлигини алоҳида таъкидлаган.² Жаҳонгир Родос рицарларига тегишли салибчи ғайридинлар маскани Смирнани икки ҳафта мобайнида кўлга киритгани, Боязид Елдирим эса ўн икки йил овора бўлиб бу ерни забт эта олмагани, Соҳибқироннинг ҳарбий лаёқати Боязиднидан бир неча баробар устун бўлганлигини кўрсатиб ўтган.³

Жан-Пол Ру ўз даврининг қудратли мамлакатлари саналмиш Усмонлилар, Миср, Олтин Ўрда каби давлатларни енгиб подшолик сарҳадларини кенгайтиргани, Европа давлатлари ҳукмдорлари, жумладан, Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ва бошқалардан қутловлар олгани, Амир Темурнинг жаҳон миқёсида ўзига хос арбитр мақомига эришганлигини айтиб ўтади.⁴

Соҳибқирон қўшинлари юришдан бўш вақтларида бунёдкорлик фаолияти билан шугулланган. Биргина Кавказда 1403 йили қурилган Байлақон шаҳрининг бир ой ичida батамом қуриб

¹ Мухаммаджонов А.Р. XIV аср охири – XV асрларда ирригация ва ер зегалиги тарихидан // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.44 – 45.

² Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.114.

³ Кўрсатилган манба. – С.118.

⁴ Ўша жойда.

битказилиши ва бошқа күплаб қурилишлар фикримизга далилдир. Бу шаҳар ҳақида В.В.Бартольд батафсил тұхталиб үтган.¹

Сипоҳ кучи билан Байлақонда узунлиги 60 – 70 километрли, эни 10 метрли, чуқурлығы 4 метрли Барлос каналы – Нахри Барлос қазилған.² Унинг суви Байлақонға етиб борған, бу каналда кемалар bemalol сузған.³

Х.Дадабоев Амир Темурнинг ғаним күчларининг ён томонидан айланиб үтиб, үнг, орт томондан зарба беріш ниятида ташкил қилинған суворий қысм – қанбулни жорий этгани, бошқа хукмдорлар ҳарбий сиёсатидан яна бир фарқи, маслағат ва машваратни кучайтирганини таъкидлаб үтган.⁴ Унинг ҳарбийлари орасыда нақибчилар (қалъа девори остини кавлайдигандар), нафтандозлар ва бошқа турли-туман қыслар мавжуд эди.

Тадқиқоттардан шундай хulosага келиш мүмкінки, Амир Темур давлатининг ҳарбий тизими, аввало, мамлакат хавфсизлиги, адолат, барқарорликни кучайтириш, тартибсизликлар ва бошбошдоқликларнинг олдини олиш, энг муҳими, қонунийликни таъминлаш мақсадларини амалга оширишга қаратылған. Жаҳонгир үз салтанатида бошбошдоқликларни тугатиб, адолат, умумисоний қадриятлар, соғ исломий ғоялар йўлида жанглар олиб борған. Үз навбатида, бу юришлар давлатлараро интеграцион жараёнларни тезлаштиришга хизмат қилған.

Шунингдек, Амир Темур қўшинининг таъминотини мувофиқлаштириш билан бирга ҳарбий тизимни үз олдига қўйған мақсад-вазифаларига эришиш воситаси деб ҳисоблаган. Соҳиб-қирон мулк, хазина, лашкарни давлат таянчи ва уларнинг мутаносиблигини асраш давлат тараққиётининг бош омили деб билған. Амир Темур давлати ҳарбий тизимининг мукаммал даражада ташкиллаштирилиши салтанатнинг ички ва ташқи вазифасини оғишмай амалга оширишда таянч вазифасини баҗарған. Салтанатда ташкил этилған ҳарбий құдрат билан минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадларини ҳам амалга оширган.

¹ Бартольд В.В. История Туркестана // Сочинения. – М., 1963. Т.II. Ч.I. – С.745.

² Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.123.

³ Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ... – Б.28.

⁴ Үша жойда.

Соҳибқироннинг ҳарбий соҳадаги бетакрор анъаналари темурийлар даврида ҳам давом этди, бироқ улар кўпроқ мудофаа характеридаги фаолият юритдилар. Шоҳруҳ мирзо, Улугбек мирзо, Ҳусайн Бойқаро имкони борича ҳарбий соҳани тако-миллаштиришга интилсалар-да, улар ичидан Амир Темурдек саркарда иккинчи марта етишиб чиқмади, умуман, XV асрдан кейин Амир Темур каби бирор лашкарбоши ва саркарда жаҳон тарихи саҳнасида фаолият юрита олмади.

III боб бўйича хулоса

Мазкур бобда Амир Темур салтанатининг суд-хукуқ ва мудофаа тизими таҳдил этилган. Тадқиқот натижаларидан маълумки, Амир Темур тинчлик, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида давлатнинг суд-хукуқ тизимиға таянган.

Салтанатда жиноятга жазо бериш эмас, унинг олдини олишга катта эътибор берилган. *Дорулиморат*, эл-улус ҳокимлари ва маъмурий органлар ҳам ана шу мақсад йўлида фаолият юритган. Амир Темур салтанатида қозиликларнинг фуқаролик, шариат, ҳарбий ишлар билан шуғулланувчи соҳалари мавжуд бўлган. Улар ўз йўналишидаги низо ва жиноятларни кўриб чиқсан. Қозиликларнинг фаолиятини текшириб туриш, марказга хисобот бериш учун ҳар бир вилоят ва шаҳарда *адолат амири* тайинланган.

Конунларда содир этилган жиноятта жазонинг муқаррарлиги тамойилига амал қилинган. Давлат учун нафи теккан, обрўли, фидойи шахсларга жазолар енгиллаштирилган. Амир Темур давлатида давлат қўпорувчилиги, сотқинлик, порахўрлик ва бошқалар оғир жиноятлардан ҳисобланган, бундай хатти-ҳаракатлар аёвсиз жазоланган. Жиноятчиларга адолатли жазолар берилган ва бундай тартиботлар давлатда интизом сақланишига олиб келган.

Ҳар бир шаҳарда суд идораси (*қозихона*), адлия бошқармаси (*доруладолат*) мавжуд бўлган.

Амир Темур салтанатининг суд-хукуқ тизими қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган бўлиб, давлатнинг мажбурлов қучини сақлашда улар муҳим роль ўйнаган.

Жойлардаги қозиликларнинг фаолияти марказдан бош қози томонидан назорат қилиб турилган.

Шунингдек, хукуқни муҳофаза килувчи идоралар ихтисослашган бўлиб, кундузги, тунги, фуқаролик ва ҳарбий ишларни назоратда тутиш ва содир этилган хукуқбузарлик ҳамда жиноятларни фош қилиш вазифасини бажарган.

Амир Темур давлатида ўз даврининг энг кучли мудофаа тизимини яратган. Салтанат ичкариси ва ташқаридан бўладиган ҳавфлар бартараф этилган. Бу даврда амир саройи, девонхона, мамлакат ичкариси ва чегара ҳудудларини ҳимоя қилиш учун маҳсус бўлинмалар ташкил этилган.

Амир Темур минтақалардаги барқарорликни саклаш учун ҳарбий соҳани кучайтиришга интилган. Ҳарбий сиёsat салтанат тинчлиги, барқарорлиги ва яхлитлигини саклашда катта ўрин тутган. Бу эса «Амир Темур ўз даврининг энг пешкадам ҳарбий тизимини яратган» деган хulosага келишимизга асос бўлади. Амир Темур ҳарбий соҳани иқтисодий, ҳарбий санъат ва дипломатия йўли билан янада мукаммаллаштириди. Урушлар ҳавфи кучли бўлган ўрта асрларда ҳарбий тизимга алоҳида эътибор берилиши Амир Темурнинг минтақада фаол ҳаракат олиб боришига, мавқеи қўтарилишига замин яратди. Кучлилар заифларга ўлжа бўлган ўрта асрларда Соҳибқироннинг Осиё минтақасида тинчлик ва фаровонликни таъминлагани унинг буюк хизматларидандир.

Амир Темур мулк, ҳазина ва лашкар манфаатларини мувофиқлаштиришга эришишни давлат тараққиётининг бош омили деб ҳисоблаган. У ҳалқнинг тўқлиги, ҳазина мустаҳкамлиги қўшиннинг жанговарлигига олиб келишини яхши тушунган. Акс ҳолда, ҳалқнинг камбағаллашиши ҳазинанинг камайишига, ҳазинанинг камайиши лашкарнинг тарқалишига, давлатнинг барқарорлиги ҳамда яхлитлиги бузилишига олиб келарди, шунинг учун, аввало, ҳалқнинг тўқлигини таъминлаш зарур деган тушунчага амал қилган.

Соҳибқирон қўшинни ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик қисмларга ажратиб бошқарди. Шунингдек, қўшин сонига қараб жанг қилиш усуллари, лашкарни рағбатлантириш, маош тайинлаш қаби масалаларга эътибор берди.

Амир Темур қўшинни паҳлавон йигит танасига, лашкар қисмларини унинг аъзоларига қиёслаган ва жангларда қайси аъзоларни вақтида ишлатишни яхши билган. Қўшинда ҳар бир бўлинманинг маҳсус кийими, ранги, қуроли мавжуд эди, бу ҳолат унинг қисмларни жангга йўналтиришида маҳсус белги бўлиб хизмат килган.

Қўшин тизимидағи ихчамлик, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, бир-бирига бўйсуниши, погоналар тизими мукаммал ишлаб чиқилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида Амир Темур давлатининг ҳарбий ва мудофаа тизими, аввало, мамлакат ва минтакалар хавфсизлиги, адолат, барқарорликни таъминлаш, тартибсизликлар ҳамда бошбошдоқликларнинг олдини олиш, қолаверса, давлатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишга хизмат килган деган хуносага келиш мумкин.

IV БОБ АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИ

4.1. Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари

Амир Темур ташқи сиёсатининг йўналишлари мавзуси баъзи тадқиқотларда қисман очиб берилган¹, аммо ушбу мавзуни алоҳида ўрганиш ўша даврда халқаро майдонда юз берган сиёсий вазият ва жараёнларни кенгроқ билишимизда, вазиятга холис баҳо беришимизда катта аҳамият касб этади.

Соҳибқирон яшаган давр мураккаб ва зиддиятларга тўла бўлиб, ўз олдидаги тўсиқларни енгиб ўтиш учун у халқаро майдонда фаол ва аниқ режаларга асосланган ташки сиёсат олиб бориши лозим эди. Бир томондан, ҳали чингизий мўғулларнинг хавфи кучли эканлигини унутмаслик ва уларни даф этиш чорасини кўриш, иккинчи тарафдан, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, учинчидан, Чигатой улусини тўлигича ўз кўлига олиш, тўртингидан, Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқлари устидан назорат ўрнатиш каби масалаларни давлат манфаатлари жиҳатидан тўғри ҳал этиш масалалари Амир Темурдан алоҳида ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни тақозо этди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мўғул истибододига зарба бериши янгича муаммоларни туғдириди. Хоразм, Олтин Ўрда, Мўгулистон, Эрон, Миср, Сурия ва Ироқ каби ўз даврининг кучли

¹ Аскаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.39 – 40; Ака Исмоил. Буюк Темур давлати. – Тошкент: Чўлпон, 1996; Бўриев О. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўгулистон муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.37 – 44; Ўша муаллиф. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё ... – Б.186; Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – М., 1957; Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.60 – 72; Гуломов С. Амир Темур билан Ахмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б.196 – 200 ва бошқалар.

давлатлари хукмдорлари Амир Темур давлатига рақиб сифатида каар, уни ҳар қандай йўл билан сиёсат саҳнасидан четлатишга тайёр эдилар. Бундай шароитда мазкур давлатларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида сиёсат йўналишларини белгилаш талаб этиларди.

Ана шундай давлатлардан бири Хоразм эди. Бу Амир Темур давлатининг ён қўшниси бўлиб, келажакда у билан сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли мавжуд эди. Амир Темур 1370 йили ўтказилган қурултойдан кейин Чигатой улуси худудларини тиклашни мақсад қилиб қўяди ва бу йўлда ўз эътиборини Хоразмга қаратади.¹ У ўз давлатининг шимолий чегаралари хавфсизлигини таъминламоқчи ва бу масалани Хоразм суфийлари билан ҳал қилмоқчи эди. Суфийлар эса Амир Темурга душманлик муносабатида бўлиб, у билан музокаралар олиб боришни истамас, қулай фурсат келганида Темур давлатига тез-тез босқинлар уюштириб турар эди.²

Юсуф Суфийнинг 1372 – 1373 йиллардаги талончиликлари сабабли Амир Темур Хоразмга иккинчи марта юриш қиласи. Суфийларнинг кўп илтижо ва совға-саломларидан сўнг уларни кечиради.³

Бу ҳам етмагандай, Юсуф Суфий Соҳибқиронга қарши Оқ Ўрда билан маҳфий алоқалар олиб борар, Амир Темур эса бундан бохабар эди.⁴ Шунингдек, Оқ Ўрда хукмдори Ўрусхон билан Мўғулистон ҳокими Қамариддиннинг ҳамфирлиги ҳам жаҳон-гирнинг эътиборида эди.

Халқаро майдонда Амир Темурга қарши кучларнинг бирлашувида Хоразм ташкилотчилик ролини ўйнаётган бўлиб, бу ҳолат Соҳибқирон давлатига катта хавф туғдиради. Шу боис Амир Темур 1375 йили Хоразмга учинчи марта юриш бошлайди ва ички мураккаб жараёнлар туфайли бу юриш вақтли тўхтатилади.

Амир Темурнинг Тўхтамишга ёрдам бериш мақсадида Оқ Ўрдага юриши вақтида суфийлар яна Бухорога юриш бошлайдилар. Бундан хабар топган Соҳибқирон 1379 йили Хоразмга навбатдаги юришни бошлайди.

¹ Аскаров А. Амир Темур ва Хоразм ... – Б.39.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.109.

³ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.97; Аскаров А. Амир Темур ва Хоразм ... – Б.39.

⁴ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.96, 97.

Юсуф Суфий орага кўп нуфузли одамларни солиб, яна минг бор кечирим сўраб Амир Темур хузурига элчи юборади. Соҳибқирон бу сафар ҳам Юсуф Суфийни афв этди. Шу билан бутун Хоразм устидан Амир Темур хукмронлиги тан олинди. Битимга мувофиқ, Юсуф Суфий Ғарбий Хоразм устидаги хуқукларидан маҳрум бўлди.

Агарда Юсуф Суфий Амир Темур давлати ҳудудларига бостириб кирмаганида ва унга қарши кучларни бирлаштиришга интилмаганида, балки, унинг сиёсий мавқеи анчагина сакланиб қолиши мумкин эди. Жилла курса, суфийлар Амир Темурнинг тўртингчи юришидан кейин жиддийроқ ва эҳтиёткорроқ муносабатда бўлиши лозим эди. Улар 1386 – 1388 йилларда Соҳибқироннинг Эронга қарши уч йиллик урушда эканлигидан фойдаланиб яна Амир Темур давлати ерларига боскинчилик юришларини уюштиради. Бу даврда ҳалқаро майдонда вазият мураккаб тус олади. 1387 или Амир Темур Мовароуннахрда йўклигига Тўхтамиш ҳам бостириб киради. Бир томондан Мўғулистон амири Анқа Тўра Фарғонага ҳужум қиласи, Хутталонда эса Султон Маҳмуд исён кўтаради. Узоқ йиллар давомида рақибига катта имкониятлар яратган Амир Темур 1388 или ғазабланиб Хоразмга бешинчи марта юриш қиласи ва уни мағлуб этади.¹

Амир Темурнинг Чифатой улуси ерларига эгалик килишга талабгор эканлигини инобатга олсак, унинг Хоразм билан юзма-юз келиши аниқ масала бўлиб, суфийлар эҳтиёткорлик билан иш тутишганида, балки, уларга имконият берилиши ҳам мумкин эди, аммо уларнинг воқеаларни салбий томонга буриши, Амир Темурнинг куч ва имкониятларини тўғри баҳолай олмагани сиёсий саҳнадан барвақт кетишларига сабаб бўлган. Хоразмда содир этилган ғорат суфийлар сулоласи вакилларининг калтабин сиёсати натижаси эди.

Биз ташки сиёсат йўналишида Хоразм билан муносабатларни мушоҳада этар эканмиз, Амир Темур бу давлат билан тўғри дипломатик сиёсат олиб боргани, юришлар учун катта сабаблар мавжуд бўлса-да, суфийларга узоқ вақт ва катта имкониятлар берганининг гувоҳи бўламиз.

¹ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.112.

Амир Темур куч-қудрати ва шон-шавкатидан чўчиган Шоҳ Шужоъ унга қарши бош қўттармасликни маъқул кўради ва катта совға-саломлар билан элчи юбориб ўз дўстлигини изҳор кила-ди. Шарафиддин Али Яздий Соҳибқирон Шоҳ Шужоъ элчисини «тухфалар била йибарди ва қизини Жаҳонгир мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад учун тиладиким, «Чун аромизда дўстлук бўлғон туурур, эмди керакким, қариндошлиқ вокиъ бўлғайким, бир-би-римизга меҳру муҳаббат артуқ бўлғай» деб элчини ижозат бе-риб, ўз кишисини қўшиб Шерозға йибарди»¹ деган маълумотни келтиради.

Амир Темур Озарбайжон ҳокими Таҳуртан билан ҳам дўсто-на дипломатик алоқалар қилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича: «Таҳуртандинким, Озарбайжонда эрди, элчи келиб, кўп пешкашлар ва тухфалар келтурдилар ва мазмуни ул эрдиким, «Банда ва хизматкор ва давлатхоҳи ҳазрат Соҳибқирон-дурмен... Ҳазрат Соҳибқирон кўп маҳтаб, раҳматлар деди ва ул вилоятнинг ҳокимлигини бурунғи дастури била анга мусаллам тутти ва келгон элчи била анга хосса хилъат ва ҳукумат нишо-нини йибарди».²

Соҳибқироннинг Мўғулистан ҳукмдорлари билан диплома-тик муносабатлари ҳам алоҳида бир йўналишни ташкил этади. О.Бўриевнинг таъкидлашича, Амир Темур ҳокимият тепасига келгач биринчи галдаги вазифа Мовароуннаҳрнинг хавфсизли-гини таъминлаш эди. Чунки Шарқда Мўғулистан, шимолда Ол-тин Ўрда ҳамда уларга хайриҳоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мустақил давлат пайдо бўлганига бефарқ қа-раб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни Туғлук Темурхон ва Илёсхўжахоннинг юришлари бунинг тасдиғидир. Амир Темур, айниқса, Мўғулистан томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доимо хавфсиарди.³

Соҳибқирон Амир Темур дастлаб чингизийлардан бўлмаган, сиёсий вазиятдан фойдаланиб Мўғулистан таҳтига ўтирган ва Мовароуннаҳрга таҳдид солган Қамариддинга қарши курашди

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.96.

² Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.110.

³ Бўриев О.Б. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистан муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. – Б.37 – 38.

ҳамда чингизийзода Хизрхўжа ўғлоннинг таҳт тепасига келишига катта имкон яратди. 1389 йилги юришдан кейин Мўғулистон батамом тебе этилди. Соҳибқирон Амир Хизрхўжанинг қизи Тўкал хонимни ўзига сўратади (1397) ва шу орқали қариндошлиқ ришталарини боғлайди¹, ўша даврнинг гўзал bogларидан бири боғи Дилкушони Самарқанднинг Конигил деган жойида Тўкал хонимга атаб қурдиради² ва бу муҳим тадбирлар Мўғулистон муаммоси анча осон ҳал бўлишига олиб келади.

Соҳибқироннинг Олтин Ўрда билан алоқалари ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишни ташкил этади. Амир Темур бу давлат билан фаол алоқага киришганинг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннахрга чегарадош эди. Темур тузайтган янги давлатига Олтин Ўрда хавф солишини сезарди.³ Шу боис Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида юз бераётган сиёсий воқеаларни сергаклик билан кузатди.

М.Абдураимовнинг ёзишича, Ўрусхон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботухоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

Тўйхўжа ўғлон Ўрусхон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб кудрати оламга тараляётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди.⁴ Бу вазият Амир Темурга жуда қўл келди, чунки у Олтин Ўрда хони ўзига тарафкаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиласарди.⁵ Бизнингча, у ана шу истаклари рўёбини Тўхтамишхон сиймосида қўрган.

Соҳибқирон мадад сўраб келган Тўхтамишни ҳар хил қимматбаҳо совғалар билан қарши олди. Низомиддин Шомий бу ҳақда ёзади: «Тўхтамиш ўғлон келганида амирлар уни Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни етарлича хурмат-эҳтиром билан қарши олди. Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совға-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безак-

¹ Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.6.

² Бўриев О. Амир Темур даврида ... – Б.44.

³ Кўрсатилган манба. – Б.37 – 38.

⁴ Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.6

⁵ Ўша жойда.

лар, мол ва газмол, от ва хачир, чодир, ноғора ва байроқ ҳамда жанговар қўшин берди. Ўтрор ва Саврон вилоятига ҳоким этиб тайинлади».¹

Соҳибқирон муттасил равишда Тўхтамишга ҳарбий мадад бериб туради. Бироқ Тўхтамиш Ўрусхон билан жангда енгилади ва ёлғиз ўзи чакалакзорга кириб бекинади.² Шунда ҳам Амир Темур Тўхтамишни оёққа турғизиши ва Олтин Ўрдани унга олиб беришга интилади, амир Идигуй Барлосни унинг олдига юбориб: «Подшоҳлик ишида мардана ва жасур бўлсин, душманни даф қилишни вожиб билсин»³, – дейди.

Бу орада Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Ўрусхоннинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни талаб қилишади. Темур бу таклифни қатъий рад этади ва тез орада ўзи жангга киришини айтади.

Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашмок учун Сифноқ яқинига келиб жойлашади ва об-ҳавонинг ёмонлиги, яъни қаҳратон қиши, ёгингарчилик туфайли ортга қайтиб бир неча ой Кешда қолади. Ўрусхонга қарши юришда Тўхтамишни йўлбошчи қилиб олади, лекин вазият ўзгариб, аввал Ўрусхон, кейинроқ эса унинг ўғли Тўқтақиё вафот этади.⁴ Оқ Ўрда билан тахт учун курашлар натижасида Тўхтамишхон қўшинлари учинчи марта енгилади. Амир Темур Тўхтамишнинг ҳарбий лаёқатига шубҳаланиб қолган бўлса-да, унда тахтга ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди.⁵

Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида хонлик тахтига ўтирган бўлса ҳам, ўз хукмронлигининг дастлабки йилларида жаҳонгирга номигагина бўйсунарди, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиб, унинг ҳокимиятидан юз ўгириб кетиш ниятида юарди.⁶

М.Абдураимов Тўхтамиш бошқараётган Олтин Ўрда давлати Рус князликлари ёки Амир Темур давлатига ўхшаб мустаҳкам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда эмас,

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.103.

² Ўша жойда.

³ Курсатилган манба. – Б.104.

⁴ Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.99; Абдураимов А. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.7.

⁵ Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.8.

⁶ Ўша жойда.

курама ва хўжаликларо тарқоқ масканда бунёд этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳол Тўхтамишга анча мураккабликлар туғдириши табийй эди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-кувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш Рус князликлари устидан тўла-тўқис хукмронлик үрнатиш учун Жўчи улуси кучларини оширишга аҳамият берди ва рус феодал князликларининг Москва атрофига бирлашишига тўсқинлик қилди. Олтин Ўрда ва рус тарихидан аёнки, мўғул хонлари, хусусан, Тўхтамиш ҳам Рус ерларида ажралишга бўлган ҳаракатларни қўллаб-кувватларди. Жўчи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун бутун куч-ғайратини сарфлади. Ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди.¹

Олтин Ўрда ва Амир Темур ўртасидаги низо Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф қилишга ва мўғуллар даврида шимолий тармоғи кучайтирилган Буюк ипак йўлини эгаллашга бўлган саъй-ҳаракати туфайли чиққан. Ҳар икки томон ана шу масала юзасидан мухолифатчилик киларди. Бу даврда Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқларидан биттаси мазкур икки давлат худудидан ўтган. Бу йўлларнинг бири Рус жанубидан Қоракум ва Қизилкум, Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброкдаги Шом, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтган. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлишса-да, иккинчисини ҳам қўлга олиш, жилла курса, кесиб ташлашни, биринчи навбатда, бой Табриз шаҳрини қўлга киришишни орзу қиласдилар.²

Табризни босиб олишга эронликлар, жалойирийлар ва Амир Темур қарши чиқди. Соҳибқирон собиқ жалойирийлар хукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385 – 1386 йилларда ўрдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Ўрда хони ва Самарқанд хукмдори ўртасида ихтилоф чиқишига сабаб бўлган.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.17.

² Уша жойда.

Улар ўртасидаги келишмовчиликка иккинчи сабаб Даشتى Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади.¹

Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишига яна бир сабаб Хоразм масаласидир. Чунки Хоразм XIV асрнинг 60-йилларигача Олтин Ўрданинг таркибий қисми хисобланган, Тўхтамишнинг Озарбайжонга юриши Амир Темурнинг Хоразмнинг ўз тасарруфига киритгани учун бир қасос эди.

Амир Ҳусайн ва Сароймулкхоним мўғул уруғиданлигини ҳисобга олган ҳолда ва Ибн Арабшоҳ фикрига таяниб М.Абдураимов яна бир ихтилоф Амир Ҳусайннинг ўлдирилишидан келиб чиқкан деб тахмин қиласди.²

Демак, бизнингча, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан тутган ташки сиёсати қуйидаги мақсадларни ўзида мужасамлаштирган:

биринчидан, шимолдан – Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф этиш;

иккинчидан, давлат тараққиётида муҳим ўрин тутган Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи устидан назоратни қўлга киритиш;

учинчидан, Олтин Ўрданинг кучли давлатга айланишига йўл қўймаслик ва уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш;

тўртинчидан, Олтин Ўрданинг Эрон ва Озарбайжонда хукмронлик килишига йўл қўймаслик;

бешинчидан, Даشتى Қипчоқнинг шимолий қисмiga ўз таъсирини ўтказиш;

олтинчидан, Хоразмни ўз тасарруфида саклаб қолишига интилиш.

Тўхтамишон жаҳонгирнинг юришлар билан бандлигидан фойдаланиб Каспийнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл – Дарбанд орқали Амир Темур давлатига юриш қиласди.³

Бу воқеалардан кейин Соҳибқироннинг сабр косаси тўлади. У хавфли душманга айланган Тўхтамишга қарши 1388 – 1389, 1390 – 1391, 1395 йилларда уч марта юриш қиласди ва уни енга-

¹ Ўша жойда.

² Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.19.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.109.

ди. Амир Темур Олтин Ўрдани мағлуб этиб ҳолдан тойдиради, Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғини бутунлай издан чиқаради, Эрон, Озарбайжоннинг дахлсизлигини таъминлайди ва бошқа максадларини амалга оширади.

Соҳибқирон дунё сиёсий харитасида муҳим ўзгаришлар ясаб Рус князликларининг кейинги тараққиёти ва бирлашуви бошланниши учун замин яратди. А.Ю.Якубовский ғалабанинг аҳамиятини кўрсатиб, шундай ёзган эди: «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан, айниқса, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги Жануби-Шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди...»¹

Соҳибқирон ўша даврдаги майда давлатлар билан ҳам ташқи сиёсат йўналишини белгилаб олган. У ўзига қарши бош кўтарган Мозандарондаги Амир Вали ва бошқаларнинг ҳаракатини тўхтатиш учун олиб борилган жангда тинч аҳолига зарар етказмасликка интилган. Биринчидан, ҳеч қачон тунда ухлаб ётган шаҳар аҳолиси устига хужум қилмаган. Иккинчидан, хужумдан аввал уларни огоҳлантирган, яъни иложи борича муаммони музокара – тинчлик йўли билан ҳал этишга уринган. Сира иложи қолмаган тақдирдагина жанг қилишга мажбур бўлган.²

Амир Темурнинг Миср ва Усмонлилар давлати билан олиб борган ташқи сиёсатини ўрганаётган олимлар У.Уватов ва С.Ғуломов тадқиқотлари бу даврдаги халқаро алоқалар мазмунини чуқурроқ тушунишимизга ёрдам беради.³ С.Ғуломов Боязид Елдирим ва Амир Темур ўргасидаги низолар кескинлашишига Қора Юсуф Туркман билан бирга Аҳмад ибн Увайс Жалойир ҳам сабабчи бўлганлигини кўрсатиб ўтади.⁴ Манбалар Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойирнинг тубан, золим, халқ нафратини қўзгатадиган салбий шахс бўлгани хақида гувоҳлик беради. Ибн Арабшоҳ бу ҳақда «Бағдод ахли ундан нафратланиб,

¹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М.-Л., 1950. – С.373.

² The Cambridge history of Iran. The timurid and safarid period. 1986. №6. – Р.55 – 56.

³ Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар... – Б.60 – 72; Ғуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари... – Б.74 – 82; Ўша муаллиф. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б.196 – 200 ва бошқалар.

⁴ Ғуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – Б.197.

унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар»¹ деган маълумотни келтирган.

Соҳибқирон Султон Аҳмадга карши қураша бошлайди, аммо бу ишга Боязид Елдирим халақит бериб, Султон Аҳмадни ўз панохига олади. Абулҳусайн Навоййининг «Аснод ва макотиби тарихий» асарида келтирилишича, Эрон ҳукмдори Шоҳ Мансур устидан ғалабага эришган Амир Темур Ироқ томон уруш бошлаган пайтда Султон Аҳмад ўз мамлакатини ташлаб Сурия томонга йўл олади. У ердан Елдирим Боязидга мактуб йўллаб, Темурнинг Бағдодни эгаллагани, ўзининг (Султон Аҳмад) Қора Юсуф билан биргаликда ортидан қувиб келаётгани, Темур лашкарларидан бир гуруҳи билан жанг қилиб ғолиб келганликларини, шу билан бирга, воқеа хабари Темурга етиб борганидан сўнг катта жанг бўлиши муқаррарлигини ва бу борада унинг (Боязиднинг) ёрдамига муҳтоҷ эканликларини билдиради.² У бундай мактубни Миср султони Аз-Зоҳир Сайфуддин Барқуқ-қа (1382 – 1399) ҳам йўллаган.³ Миср ҳукмдори Барқуқ ва усмонлилар султони Елдирим Боязид (1389 – 1402), Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1376 – 1395), Сивос ҳокими Қози Бурхонуддин орасида Темурга қарши иттифоқ тузилиб⁴, унинг қўлами янада кенгаяди. Бу иттифоққа қорақўюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (1389 – 1420), музafferий ҳукмдор Шоҳ Мансур (1389 – 1395), Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир ҳам қўшилади.⁵

Ана шундай йирик иттифоқ юзага келаётганини, албатта, Амир Темур билган ҳолда улар билан қурашиш чора-тадбирларини кўради. Бу масалада, аввало, вақтдан ютишга интилади ва рақибларини енгиш учун куляй вазият кутиб туради. Султон Аҳмад Жалойирнинг ҳақоратли мактубларига ҳам ҳурмат ва огоҳлантириш билан жавоб қиласди.⁶

1395 йили Тўхтамишнинг енгилиши, 1398 йили Қози Бурхониддиннинг оққўюнлилар билан жангда ҳалок бўлиши, 1399 йили Барқуқнинг вафот этиши муносабати билан Елдирим Боя-

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб. ... – Б.137.

²Гуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – Б.198.

³Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.64.

⁴Гуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – Б.198.

⁵Ўша жойда.

⁶Кўрсатилган манба. – Б.199.

зид мамлукларнинг баъзи қисмларини ўз тасарруфига олиш билан бу иттифок барҳам топди ва Қора Юсуф Туркман ва Султон Аҳмад Жалойир Амир Темурга қарши қурашишдан ожиз бўлиб, иккиси ҳам усмонлилар ҳимоясига қочди.¹

Воқеалар ривожини кузатар эканмиз, Амир Темурнинг зиддиятли вазиятларда тўғри тактика ва стратегия қўллай билгани, бу тадбирлар ижобий натижа берганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг кураш усулида рақибнинг ва ўзининг имкониятларига эътибор берилар, душман ҳимоядан чиққач, қулай вазият топиб зудлик билан у бартараф этилар эди.

Халқаро зиддиятли муносабатларда вактдан ютишга, хар қандай шароитда ҳам сабр-қаноатли бўлишга, қулай вазият қидиришишга интилиш Соҳибқироннинг ғалабаларига сабаб бўлган омиллардандир.

1382 йили Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас мамлуклари давлати ўз тарикибига кирган Сурия, уларга тобе бўлган ва муқаддас саждагохлар макони Ҳижоз билан биргаликда кудратли кучга айланган, Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ўтарди.²

Миср ҳам XIV аср охирида дунёning энг кучли давлатлари бўлмиш Усмонлилар империяси, Амир Темур салтанати, Олтин Ўрда ва Хитой билан бир қаторда турарди.³

Шарқдан Амир Темур давлатининг хавфи ортаётгани сабабли Синжар, Қайсария ва Такрит ҳокимлари 1383 йили Миср сultonига мактуб йўллаб унга тобелигини билдирадилар.⁴

Халқаро майдонда вазият кун сайин мураккаблашиб боради. Бир томондан, усмонлилар, иккинчи томондан, Миср, учинчи томондан, араб мамлакатларига юриш, боз устига, Барқуқ, Боязид ва бошқа оппозицион кучларнинг бирлашишга интилишлари Амир Темурдан ўта нозик тадбирлар қўллашни талаб этган.

Миср ҳукмдори Барқуқ Амир Темурни гўёки писанд қилмагандай унинг душманларига ўз давлатидан паноҳ берар, Соҳибқироннинг элчиси Отламишни асирда тутар эди.

¹ Фуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – Б. 199.

² Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б. 60.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Боязид Елдирим Амир Темурнинг душмани, Бағдоднинг со-
бик ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирга ҳам паноҳ бе-
ради. Ҳолбуки, Бағдод ҳалқи Султон Аҳмад Жалойир устидан
шикоят қилиб Соҳибқиронга мурожаат этган эди.¹

Бу ҳам етмагандай, Барқуқ Амир Темур томонидан ўз саройи-
га келган элчиларини қатл этади. Унинг ушбу қўрс муомаласининг
боиси айни шу пайтда Султон Барқуқ усмонли турклар султони
Боязид сиймосида салобатли бир иттифоқдош топганида эди.²

Амир Темур Отламишни қўйиб юборишни талаб қилиб Бар-
қуқка таҳдидли мактуб юборади.³ Амир Темур Беҳишти, Айн-
тоб қалъалари, Ҳалақ, Баалбек шаҳрини забт этиб, Дамашқни
ишғол қиласи ва Миср волийсини Дамашққа келишга чорлайди.
Миср волийси уч нафар фидойиларга заҳарланган ханжар бериб
Амир Темурни заҳарлаб ўлдиришга юборади.⁴ Бироқ бу машъум
режа барбод бўлади.

Мазкур воқеадан кейин Амир Темур Миср устига юриш қи-
лиши мумкин эди, бироқ бу сафар ҳам рақибига ён босади ва
уни ўйлаб кўришга ундан, психологик таъсир қўрсатувчи таҳ-
дидли мактуб йўллайди.

Мисрда юз берган мураккаб ички вазият ва мактублар мазму-
ни, элчиларнинг сўзлари отасининг вафоти туфайли Миср таҳ-
тига ўтирган қайсар Фаражга таъсир этмай қолмади.

Ҳалқаро алоқалар ривожини қузатар эканмиз, Амир Темур-
нинг минтақаларда адолатли сиёсат олиб борганлигини англаб
етамиз. Бу ҳакда тарихий далиллар ҳам бор. Ибн Арабшоҳ Ҳа-
мога етганида Нурий жомесининг қибла томон деворида бир
парча мармартошга форсча үйиб ёзилган бир нақшин хатни
кўрган. Унда шундай лавҳалар бор эди: «Бу шуки, Тангри таоло
бизга мамлакатларни фатҳ этишни мұяссар кўрдики, ҳатто биз
Ироқ ва Бағдодгача (ҳамма) ерларни батамом эгалладик. (Шу
билан) Биз Миср султонига қўшни бўлдик ва унга мактуб ёздиқ
ҳамда турли-туман тухфаю ҳадялар билан унга чопарларимизни
юбордик. У бўлса ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни ўлдириди.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.61.

² Кўрсатилган манба. – Б.62 – 63.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.289.

⁴ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.216.

Бундан максадимиз дўстлик ва ҳамсояликни (ипини) боғлаш, икки тараф ўртасида садоқат (борлиги)ни таъкидлаш эди. Сўнгра бундан бироз (муддат) кейин баъзи туркманлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султони Баркуққа юбордилар. Султон уларни зинданга солиб жабрлади. Мана шунга биноан мухолифларимиз чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида йўлга чиқдик».¹

Амир Темурнинг қатор зафарларидан кейингина Миср волийси унинг элчисини иззат-икром билан кутиб олади.

Воқеалар ривожида Фараж амир Отламишни Амир Темурга қайтаришни яна пайсалга солади, аммо унинг Шом, Ҳалабдаги зафарлари Фаражни чўчитган эди. Боязиднинг енгилиши туфайли ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ўртага Отламишни васила қиласди, узроҳлик ва беҳисоб совға-саломлар билан уни Амир Темур ҳузурига жўнатади.

Шунда ҳам Амир Темур уни кечиради, «... у (Фараж – Ш.Ў.) ёшлиқ чоғида отаси марҳаматининг соясидан маҳрум бўлиб қолгани учун Аллоҳ таоло ризолиги йўлида мен уни фарзандликка қабул қилдим. Агар у яхши хизмат йўлида аҳдида собит турса, бедариг марҳаматимизни ундан аямасдан ёрдам қиласман, мамлакат ишларини бошқаришда унинг қўлига қувват бераман»², – дейди.

Икки давлат муносабатлари анча мураккаб кечгани, Соҳибқирон томонидан тобелик белгиси бўлган икки байроқнинг қабул қилинмаганига қарамай, барибир, Миср Амир Темур давлатига тобе бўлган. 1404 йилнинг кузида Конигилга совға-саломлар билан ташриф буюрган Фараж элчилари орқали «Амир Темур зарҳал ҳарфлар билан узунасига 70 газ, энига 3 газдан иборат мактубини ҳам султон Фаражга юборади. Айни дамда, Абдулла Кешийни ҳам элчи сифатида Мисрга жўнатиб, Амир Темур билан султон Фараж ўртасида сулҳ шартномаси имзолашни таклиф этади. XIV аср охири – XV аср бошида яшаб ушбу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган таникли Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, шу тарздаги сулҳ ҳақиқатан ҳам имзоланган ва Миср султони ўзини Амир Темурнинг тобеи (вассали) деб эътироф этган».³

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.216.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.354.

³ Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.72.

Биз Амир Темур ва Миср мамлукларининг ўзаро муносабатларига батафсил тўхтамоқчи эмасмиз, балки унинг ташқи сиёsat йўналишидаги қўлланган чора-тадбирлар ва уларнинг давлатчиликка таъсирини таҳлил этмоқчимиз. Агарда Амир Темур сабр-тоқат билан чоралар қўлламаганида, унинг сиёсий фаолиятига нуқта қўйилиши ҳам мумкин эди. Ўз даврининг энг кудратли давлатлари остонасига кириб бориб уларни енга олиш муҳим масаладир. Соҳибқироннинг мазкур ютуғи, шубҳасиз, Турон давлати куч-кудратининг ошишига сабаб бўлди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиргди.

Баъзи тадқиқотчилар Амир Темурнинг бошқа давлатларга бесабаб юриш қилганлигини таъкидлаши мумкин, лекин рақиб ҳукмдорларнинг Соҳибқирон билан боғлиқ масалаларга аралашиши, унинг душманларига паноҳ бериб, писанд қиласликлари бунга сабаб бўлган. У Миср султонига: «Ҳар бир ишда одамларнинг этагидан тутадиган нарса гайрат ва ор-номусдир»¹, – деб бежиз айтмаган.

Амир Темурнинг Туркия султони Елдирим Боязид билан олиб борган ташқи сиёсати бу давр сиёсий жараёнларини чукурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ва Боязид Елдирим ўртасида мураккаб низоли муносабатлар ҳукм сурган. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Темур Табризда ҳукмронликни қўлга киритган қорак ўюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф Туркмандан (791/1389 – 823/1420) бир неча бор итоат этишни талаб қилган. Унинг отаси Қора Муҳаммадни эса Темур илгаридан ҳаж ва савдо карвонлигига босқинчиликда айблаб келган, ўзининг ашаддий душмани деб билган. Қора Юсуф Туркман Темурнинг талабини рад этган. Бунинг устига, тўқнашувлардан бирида Авник кальясига Темур томонидан ҳукмдор этиб тайинланган Отламиш Кучинни 1388 йили асир олиб Қоҳирага, мамлуклар султони ҳузурига юборган.²

Қора Юсуф ва Султон Аҳмад Жалойир ўзларининг хавфли душмани бўлмиш Амир Темурга қарши курашиш чораларини кўрадилар ва Боязид ёнида қўним топадилар.³

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.300.

² Гуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б.75 – 76; Хасанов А. Из истории дипломатических отношений ... – С.130.

³ Фарзалиев Ш. Темурнинг Усмон султони Боязид билан ёзишмалари ... – Б.91.

Икки ҳукмдор ўртасидаги зиддиятлар Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида анча батафсил ёритилган. Унда айтилишича, Соҳибқирон Амир Темур Боязидга қайта-қайта элчилар жўнатиб ундан рақибларини мамлакатдан чиқариб юбориш ёки қатл этишни талаб қиласди. Навбатдаги элчилик орқали Амир Темур Боязидга: «Қора Юсуф Туркмонким, мусулмонлар ичидан кириб туур, ё улдурким, ани ўлдурууб мусулмонларнинг хотирини андин жам этсун, ё улким уни банд қилиб бизга йибарсун. Бу ишдин бирини қилса, аромизда дўстлук бўлғуси туур»¹, – дейди.

Бироқ Боязид унинг истагини бажаришни истамас, ўзига ракиб сифатида пайдо бўлган Амир Темурни тан олишни хохламас, мактубларига ҳақоратлар билан жавоб қиласди, бунинг оқибатида ўзаро муносабатлар кескинлашиб борарди.

Манбаларда келтирилишича, Боязид Амир Темур томонидан Арзинжон ва унга қарашли вилоятлар ҳокими этиб тайинланган Тахуртан² ва унинг кишиларини ҳам асирда сақлар эди. Амир Темур элчилар орқали Боязидга яна бир имкон берди ва Тахуртанинг кишилари билан бирга Боязиднинг ўғилларидан бирини гаров сифатида юборишни сўради. Шундай қилган тақдирда у омон-эсон ўз мамлакатида хукмронлик қилишини уқтириди.³ Бу талаблар Боязид Елдирим томонидан қондирилмади.

Аслида, ҳар икки томон ҳам халқаро майдонда ўз манфаатлари ва обрўси учун курашаётган, юкорида келтирилган сабаблар эса ҳар икки томоннинг ўзаро муносабатлари ифодаси эди.

Табиийки, Осиё минтақасида таъсир кучини сақлаб турган усмонлилар халқаро майдондаги янги рақобатдош кучнинг пайдо бўлишини истамас ва уни ҳар қандай йўл билан янчидан ташлашга интилар эди. Бундан ташқари, Буюк географик кашфиётларга қадар Буюк ипак йўлининг йирик худуди турклар кўлида бўлиб, усмонлилар бундай имкониятни кўлдан беришни истамасди.

Куч ва иктисолий қудрат тимсоли бўлган Буюк ипак йўлини назорат қилиш мақсадлари ҳам Амир Темур ва Боязид ўртасида келиб чиқсан низоларнинг сабабларидан бири эди.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.253.

² Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.116.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.257.

Бир оз муддатдан кейин Боязид элчилари Темурга хат келтиради. Бу мактубда Боязид уларнинг ўртасида низо чикадиган жиддий сабаб йўклигини, бунинг ўрнига кофирлар билан урушиб, янги худудларни қўлга киритишни таклиф қиласди. Боязид Елдирим Миср султони билан Темурнинг ўртасини яхшилаш учун воситачилик қилишни таклиф этади. Амир Темур эса элчиларни жуда яхши кутиб олади ва Рум ҳалқига душманлиги йўклигини, ўзи ҳам дўстлик муносабатлари ўрнатиш истагида эканини айтади. Бунинг учун эса усмонлилар Қора Юсуфни тутиб беришини ёки уни давлатидан чиқариб юборишини талаб қиласди. Лекин Боязид бунинг тескарисини қиласди.

Амир Темур Султон Боязид билан муносабатларда дипломатия қонун-қоидалари, этикасига қатъий амал қиласган.

Биринчидан, у ўз рақибининг таъна-дашномлари, ҳақоратларига сабр-тоқат билан жавоб қайтариб, у билан ҳар қандай вазиятда ҳам келишишга интилди.

Иккинчидан, рақибининг кучини яхши билган ҳолда вақтдан ютишга, узоқ масофали азобли йўлдан кейин кучларини қайта жонлантиришга ва тўғри стратегик тактикалар ишлаб чиқишга интилди.

Учинчидан, Боязидга қарам кичик ҳукмдорлардан иттифоқчи қидириб, улар ўртасида мавжуд бўлган адоватдан тўғри фойдалана билди.

Тўртинчидан, психологик тактика қўллаб Боязидга қарши ғоявий кураш усулларини қўллади, айбларини ҳалққа тўғри етказиб ундан омманинг ихлосини қайтарди ва ўзининг ҳақиқий раҳнамо эканлигини кўрсата билди. Бундан кўринадики, Амир Темур ўз давридаёқ информацион кураш усулларидан фойдаланган.

Биз Амир Темур ва Боязид муносабатларини мушоҳада этар эканмиз, ҳар икки буюк давлат арбобининг муносабатлари кескинлашишига нафақат объектив, балки субъектив омиллар ҳам сабабчи бўлганлигини англашимиз мумкин. Дўстлик, жилла курса, бетарафлик мақомида туриши мумкин бўлган ҳар икки шахсни Миср подшоси Барқуқ, Олтин Ўрда подшоси Тўхтамиш, Султон Аҳмад Жалойир, Қора Юсуф Туркман каби шахслар ҳам уруш гирдобига тортганлар.

Амир Темурнинг мардлиги шундаки, Боязидни енгач бутунлай усмонлиларни ҳокимият тепасидан супуриб ташлаши, у ерда янги бир сулолага асос солиши мумкин эди. У геосиёсатда кучайтириш ўрнига тенглаштириш, йўқотиш ўрнига ичдан қулатипп йўлидан борди.

Жанг ва Боязид Елдириминг енгилиши билан якун топган муносабатлардан кейин ҳам Амир Темур усмонлиларга яна катта имкониятлар яратди. У Боязид Елдиримга катта ҳурмат қўрсатиб, ундан ўч олмади, Амир Темурнинг марҳамати туфайли усмонлилар сулоласи XX асрнинг биринчи чорагигача тарих саҳнасида турди.

Амир Темур етти иқлим давлатлари билан дипломатик муносабатларни олиб борган. Шарафиддин Али Яздий ва Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, «2 ой давом этган Конигил тантаналарида Миср, Афранъж, Ҳинд, Дашиби Қипчок, Жата, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳам ҳозир бўлганлар».¹

Тадқиқотчи Н.Каримова темурийлар ва Хитой алоқаларини Хитой манбалари асосида ёритишга интилган. Муаллифнинг келтиришича, 1395 (айрим манбаларда 1387) йили Мин ҳукмдори томонидан Амир Темур саройига Фу Ан бошчилигидаги биринчи элчилар юборилган. Мин императори Чэн Цзу (1403 – 1425) Туркистондан элчиларнинг келишини фаоллаштирувчи сиёsat юритди, «Ғарбий мамлакатлар ҳақида қисса» (Сиюй-чжуан) номли (1403) олий фармон чиқариши натижасида Хитой ва Туркистон ўтасидаги савдо алоқалари ўз ривожининг юқори чўққисига кўтарилди.²

Айниқса, Шоҳрух мирзо даврида халқаро алоқалар ривожланган. Шоҳрухнинг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган пайтдан бошланади. Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворих» асарида, Абдураззок Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» китобида Хитойдан келган ва Темурийлар давлатидан юборилган элчилар ҳақида хабар берилади.³ Шунингдек, Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафари эсдаликлари ҳам фикримизга далилдир.⁴ Ташқи муносабатлар-

¹ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё ... – Б.5.

² Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.48 – 49.

³ Кўрсатилган манба. – Б.119.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.55.

да темурий ҳукмдорлар Амир Темур каби тинчлик-тотувлика, яхши қүшничиликка, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўларида хавфсизликни таъминлашга, демак, халқаро ҳукуқ меъёrlарига қатъий амал қилишга интилганлар.

Л.Керен Амир Темурнинг нияти Самарқанд теварагида равнақ топган ва яхши идора қилинадиган, ташқи ҳужумлардан ҳимояланган бир подшолик барпо этиш бўлгани, у манфаати уйғун (маданияти, дини умумий) қўшни давлатларни қўшиб олганлигини, хорижий подшоликлар билан оралиқ давлатларни куч ёки дипломатия йўли билан олганлигини айтиб, қуидагиларни таъкидлайди: «Итоаткорлик, тўланган солиқ ва бож эвазига Темур уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли турк қўшниси Тахуртан, Туркман амирлиги, Гуржистон, Қашғар, Ҳинд ва Боязидга қарши уруш давридаги Трабзунлар бунга мисол бўла олади. Бу қарам ёки иттифоқдош мамлакатлар атрофида Рус ерлари, Олтин Ўрда, Туркия, Сурия, Бағдод сultonлиги, Дехли сultonлиги ва Хитой каби қудратли ташқи подшоликлар турган. Шу подшоликлар унга ғанимлик қилганларида ва хавф солғанларида Темур улар устига аёвсиз ҳарбий юришлар қилган, шаҳар қўргонларини босиб олган, хазиналаридан кўплаб бойликлар билан қайтган. Шундай қилиб, ўз юрти атрофида бе-поён мудофаа қўргонини сақлаб турган».¹

Демак, Соҳибқирон нафақат ўз мамлакати сарҳадларида, балки бошқа қўшни давлатлар ҳудудида ҳам мудофааани мустаҳкамлашга интилган.

Амир Темурнинг Европа ҳукмдорлари билан олиб борган муносабатлари ҳам халқаро муносабатларда муҳим йўналишdir. Ушбу алоқалар Боязид Елдирим билан Амир Темур ўртасида зиддиятли муносабатлар кескинлашётган даврда ўрнатилган. Бу пайтда Европа давлатлари Боязид Елдирим тутқусидан хавотирда бўлиб, мазкур хавфни бартараф этишнинг чораси топилмаётганди. Боязиднинг тутқуси эса шимол ва шимоли-гарбга кундан-кунга кучайиб борарди. Ҳудди шу мураккаб сиёсий жараёнлар даврида Боязидга рақобатчи янги кучнинг пайдо бўлиши европаликлар учун катта имкон эди. Шунинг учун улар

¹ Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция ... – Б.54.

Амир Темурни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг кучи билан Боязид хавфи бартараф этилишини истардилар.

Л.Керен: «Амир Темур ва Европа қироллари ўртасидаги муносабатлар кўп жихатлари билан кишини ҳайратга солади. Аслини олганда, уларни кўп нарса ажратиб турарди: эътиқодлари, тиллари, бир-бирига душман халқлари, ораларидаги масофа ва, айниқса, манфаатларнинг турли-туманлиги»¹, – деб ёзади.

Дини бир, урф-одатлари ўхшаш икки саркарданинг муҳолифатчилигини дунё халқлари ҳаяжон билан кузатди. Улар ўз ғаними Боязиднинг Амир Темур қўли билан янчиб ташланишини ва шу билан хавф бартараф бўлишини орзиқиб кутдилар.

Л.Керен Амир Темур ташки муносабатларига оид янги маълумотларни топиб илмий муомалага киритди. Улардан бири шуки, «томонлар мактублар ва илтифотлар билан алмашдилар, Амир Темур Испанияга элчи йўллаб, Боязид ҳарамидан озод килинган уч насроний гўзални қўшиб юборди (бу улуғ амирнинг Кастилия қиролига тухфаси эди)».²

Амир Темур «Насроний Испания (хукмдори Ҳенри III) билан бошқа Европа давлатларига қараганда анча муҳим дипломатик муносабатлар ўрнатди».³ Бунинг сабаби шуки, усмонлилар насронийларга Никопол ёнида катта зарба бериб, бутун Европага катта хавф туғдираётган бир пайтда насроний хукмдорлар учун икки йўл қолган эди: биринчиси дипломатик алоқалар ўрнатиш, иккинчиси бевосита тўқнашув. Кастилия қироли эса дипломатик муносабатларни танлади, Боязидга, Амир Темурга, Бобил, Фес ва Тунис хукмдорларига элчилар жўнатди.⁴

Батамом бошқа вазифа билан келган элчилар вазиятдан унумли фойдаланиб қолиб Соҳибқиронни атайлаб кутлаш учун келганликларини билдиришади. «Амир Темур уларни илтифот билан тинглади ва шундан кейинги кунлар давомида уларни бир неча маротаба қабул қилди. Қадимий испан солномаларида элчиларнинг Соҳибқирон ҳузурида бўлган даври ҳақида афсонасифат ҳикоятлар битилган. Бу ёзувларда Амир Темур Кастилия

¹ Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.205.

² Кўрсатилган манба. – Б.206.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

элчиларига бағоят катта илтифот күрсатган, уларнинг ҳар бир истагини рүёбга чиқаришга ҳаракат қилган мард ҳукмдор сифатида тавсифланади»¹, – деб ёзади Л.Керен.

Фурсатдан фойдаланиб Гомес ва Ҳернан шахсан Амир Темур уларга шамшир ҳадя этишини илтимос қилишади. Уларнинг бу нияти бажо келтирилади. Гомес туркларнинг бирортаси билан яккама-якка жанг қилишга рухсат сўрайди ва бунга ижозат олади, жангда у ғолиб чиқади ва Амир Темурнинг таҳсинига сазовор бўлади.

Амир Темур «ўгли» Ҳернан ушбу учрашувдан хотира сифатида ўз исми-шарифига унинг ҳам исмини қўшиб олишини таклиф қиласди; шундай ҳам бўлади, зеро, юқорида тилга олинган солномада таъкидланишича, кейинчалик Ҳернаннинг Аревало яқинидаги Рапарнегос черкови ҳовлисига қўйидаги сўзлар битилади: «Бу ерда қирол Ҳенри III саройининг аъёни ва унинг Амир Темур хузуридаги элчиси марҳаматли рицар Ҳернан Санчес до Паласуэлос Тамерлан дафн этилган».

Мазкур учрашувдан кейин «Ҳенри III нинг дипломатик ташаббусидан улуғ амир ҳам унга ўз элчисини йўллашга қарор қиласди ва Мухаммад Кешийни совға-саломлар ва насроний гўзал билан Кастилияга юборади».²

Л.Керен Севилья шаҳрининг қадимиј архивларида ҳам Амир Темур элчилиги хусусида ёзувлар сакланиб қолганлигини таъкидлаб ўтган.

Бу элчиликка жавобан Амир Темур саройига (1404 – 1406 йилларда) Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо келган ва у таассуротларини «Қундаликлар»ида ёзиб қолдирган.

У даврда ҳам ҳукмдорларга халқаро ва дипломатия ҳуқуқини таъминловчи ишонч ёрликлари топширилган. Масалан, Амир Темур томонидан йўлланган доминикан ордени (мазҳаби) руҳонийси Султониянинг Жан исмли епископи Карл VI га ишонч ёрликларини топширди, зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрликтининг бирида «улуғ амирнинг «rosti – rusti» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган эди».³

¹ Уша жойда.

² Кўрсатилган манба. – Б.209.

³ Кўрсатилган манба. – Б.219.

Соҳибқирон европаликларга биринчилар катори Шарқ ва Ғарб ўртасида манфаатли савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишни, буни қонун ва шартномалар йўли билан мустаҳкамлашни тақлиф қилган.

Амир Темур шу даражада мустаҳкам ва кенг кўламли дипломатик алоқалар ўрнатдики, Али Яздий маълумотларига кўра, ўзининг санъаткорона безатилган чодир шаҳарчаси Конигилда етти икlimдан келган элчилар ўн икки поя кўланкасида ўтирадилар.¹

Соҳибқироннинг ташқи сиёсатида мудофаа, тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик ва савдо-иқтисод алоқаларини ривожлантириш мақсадлари ётарди. У мустаҳкам божхона тизимини яратди. Бу эса давлатнинг иқтисодий-сиёсий қудратини мустаҳкамлади.

Амир Темур асрлар давомида Мовароуннаҳр худудларидан ўтган, аммо мўғуллар даврида йўналишлари бирмунча бузилган Буюк ипак йўлининг йўналишларини қайтадан тиклади ва ривожлантирди. Буюк ипак йўлининг сўнгги ривожланиш даври ҳам Амир Темур хукмдорлигига тўғри келади.

Соҳибқирон замонида ҳалқаро савдо-сотиқ алоқалари ривожлантирилиб, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди. Амир Темур кўпгина Шарқ ва Ғарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида ҳам, аввало, ҳалқаро савдо-сотиқ ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги, давлат тараққиётига айнан хусусий тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. У тадбиркорларга имтиёзлар яратиш ва уларнинг фаолиятини кафолатлаш мақсадида Буюк ипак йўлининг фаолиятини бир маромга солиб, ҳар бир бекатга алоҳида нигоҳбонлар тайинладики, натижада карвонларнинг бир манзилдан иккинчи жойга бехатар етиб бориши таъминланди. Соҳибқирон карвон йўлларидағи ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу худудларнинг ҳокиму маъмурларига юклади. Заарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қоидасининг жорий этилиши ҳалқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолди. Амир Темур даврида карвон йўлларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди.

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.291.

Бу даврда 12000 чақирим узунликдаги Буюк ипак йўли орқали кўплаб Шарқ давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилди. Шунингдек, Гарбий Европа давлатлари билан ҳам узвий савдо-иктисодий ва дипломатик алоқалар йўлга кўйилди. Буюк ипак йўли ўша даврда катта стратегик аҳамиятга эга бўлиб, халқаро кўприк ва зифасини ўтагани сир эмас. Соҳибқирон Буюк ипак йўлини мустаҳкамлаш орқали ўз давлати ва қўшни давлатларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳам харакат қилган. Амир Темур замонида давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхоналар барпо килинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизига туташ ерида жойлашган Дарбанд божхонаси эди. Иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шахрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта микдорда маблағ ўтказар эди.¹ Маълумотларга қараганда, бу даромадлар Австрия ёки Дания давлатларининг йиллик даромадларидан қолишмасди. Айрим йилларда бу даромадлар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиги микдори билан тенглашарди.²

Буюк ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик-барқарорлик, яхши қўшничилик ва савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган. Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлмиш Буюк ипак йўли халқаро майдонда катта аҳамият касб этган, қайси давлат бу йўлда сарбонлик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган. Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлига сарбонлик қилиш учун катта қурашлар кетган. Соҳибқирон Буюк ипак йўлини ҳар қандай шароитда ҳам қўлга олиш, назорат қилишни тараққиёт ва хавфсизлик гарови деб билган.

Амир Темур халқаро муносабатларни ривожлантириш орқали интеграция жараёнларида янги бир сахифа очди. Унинг 27 давлатни бирлаштирган салтанатида ягона пулнинг муомалада бўлиши, тадбиркор – савдогарларга кенг имтиёзлар яратилиши, насроний ва ислом дунёсининг иқтисодий ҳамкорлигига имкон яратилиши ўша даврнинг энг катта воқеаларидан бири эди.

¹ Зайнуддинов О.З. Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигига тутган ўрни (1991 – 2001): Тарих. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – Б.14.

² Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.90.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур ташқи сиёсатнинг йўналишларини, аввало, ўз салтанатининг, қолаверса, бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатлари ни химоя қилишга қаратган. Бу сиёсат асосида минтақа бирлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш, давлатнинг иқтисодий кудратини юксалтириш, адолатни таъминлаш ва бошқа мақсадлар ётган.

Шунингдек, ушбу жараёнларни таҳлил этиб унинг юришлари кенгайиши сабабларини ҳам англаб олишимиз мумкин.

Кўриб чиққанимиздек, агар Амир Темурга бошқа давлатларнинг раҳбарлари атайлаб тўсқинлик қилмаганларида, унинг юришлари кўлами бу даражада кенгаймаган бўлиши ҳам мумкин эди.

Жаҳонгир томонидан берилган имкониятлар рақиблари томонидан суиистеъмол қилинди. У ҳеч қачон тинч аҳоли устига бесабаб юришлар уюштиргаган, минтақадаги халқларнинг осуда яшашини, иқтисодий ҳамкорлигини таъминлаш ва хавфсизлигини кафолатлашга интилган.

Амир Темур рақибларини ичдан қулатса-да, бутунлай ўқ қилиш йўлидан бормаган, яна қайта тикланишига имкон берган.

Соҳибқирон ташқи сиёсатда ирқи, дини, мағкураси турлича бўлган Шарқ ва Farb давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган Евроосиё интеграцияси ғоясининг тамал тошини қўйган. У ташқи сиёсат йўналишида адолат, ҳуқуқий мезонларга амал қилган ва бу фоалияти билан ўз даврининг расмий анъаналаридан ўзиб мазкур соҳани бемисл даражада ривожлантиришга эришган.

4.2. Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари

Амир Темур даври дипломатиясини ўрганиш миллий давлатчилигимиз тарихи ва моҳиятини янада кенгроқ тушунишимизда катта аҳамият касб этади. Бу мавзу олимлар¹ томонидан ўрганилаётганига қарамай, ҳали унинг барча муаммолари тўлиқ очиб

¹ Каримов Ф., Хабибуллаев А. Амир Темур ва Темурийлар давлатининг дипломатик алоқалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1998. №1. – Б.34 – 35; Амир Темур жаҳон тарихида ... – Б.94 – 114; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё ... – Б.92 – 134 ва бошқалар.

берилмаган. Жумладан, унинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқарувини кучайтиришга кўрсатган таъсири, назарий асослари тўлалигича таҳдилга тортилмаган.

Бизнинг туркий давлатчилигимизга мувофиқ аждодларимиз азалдан халқаро муносабатлар ва дипломатия қонун-қоидаларига амал қилиб, бу соҳани ривожлантириб келганлар. Мехмондўст халқимиз азалдан ўзга халқларни ҳурмат қилиш, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилган.

Манбалар Амир Темур дипломатиясида тинчлик, ўзаро ҳурмат, рақибиға шафқат қилиш ва унга катта имкон яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, дипломатия қоидаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаёти дахлсизлиги, гуманизм ғоялари устувор бўлганлигини кўрсатади.

Соҳибқирон барча чигал жумбоқларнинг ўндан тўққизини тўғри қўлланилган тадбирлар, яъни дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилган.

«Амир Темур даври дипломатиясининг ғоялари, мақсадлари, хусусиятлари ўша даврда бошқа давлатларнинг олиб борган дипломатиясининг ғоя ва хусусиятларидан нимаси билан фарқ қиласди? Нима учун бошқа давлатларнинг салоҳиятли ва кучли раҳбарлари билан олиб борган мураккаб муносабатларда ҳам унинг қўли баланд келган? У чигал вазиятларда қандай тадбир ва усуллар қўллаган? Амир Темур дипломатиясини кучайтиришга хизмат қилган омиллар нима эди? Унинг дипломатияси бошқа давлатлар раҳбарлариникидан нимаси билан устунлик қилган?» каби саволларни қўйиш, бизнингча, масалани тўлиқроқ тушуниб етишимизга ёрдам беради.

Мисрлик тадқиқотчи олим Фатхи ал-Гувейли ҳам ҳақли рашида: «Амир Темур томонидан бошқа давлатлар арбоблари билан бўлган муносабатларда қўлланган дипломатик усуллар ва уларнинг айрим нозик жиҳатлари назарий ва амалий жиҳатдан чукур ўрганишга арзигулиkdir», – деб таъкидлайди.¹ Яна: «Амир Темурга теран ақл-фаросат ва зийраклик хос бўлиб, бу сифатлар дипломат шахснинг энг муҳим жиҳатини ва асосини ташкил этади. Амир Темур у ёки бу мамлакатга ўз элчилари-

¹ Фатхи ал-Гувейли. Амир Темур дипломатияси ... – Б.108.

ни юбориб, бошқа давлатлар әлчиларини қабул қилиб, қирол ва амирлар билан дипломатик ёзишмалар ўрнатиб, бу соҳанинг шакл-мазмунини янада бойитди¹, – деб ёзади.

Бизнингча, мазкур фаолиятдаги биринчи хусусият Амир Темурнинг нозик дипломатик тактикаси ва унинг инсонпарварлигидир. Соҳибқирон ҳар қандай шароитда ҳам дипломатия мезонларига қатъий амал килди ва бу қоидаларга хилоф иш тутмади.

Б.С.Маннонов ҳам: «Темур дипломатиясининг ўзига хос томонларидан бири, у ўзининг барча мурожаатларида, ҳатто қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам Шарқ дипломатияси этикетларига риоя қиласди. Узоқ юртлар хукмдорларининг қўпол шаклда, айрим ҳолларда ниҳоятда жаҳл ва таҳқир билан ёзилган номаларига ҳам Соҳибқирон ҳамма вакт ўз фикрларини аниқ баён қилган ҳолда сокин ва одоб билан жавоб қиласди. Амир Темурнинг шахсан ўзи «элчиларга ўлим йўқ» деган қадим-қадимдан қолган дипломатик қоидага доимо амал қилган ва ўз қўл остидагилардан бу қоидани ҳеч қачон, асло бузмасликларини талаб қилган»², – дейди.

Жаҳонгирнинг бу фазилати Хоразм хукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқаларида ҳам яққол кўринади. Амир Темур Хоразм билан низони бартараф қилиш учун у ерга ўз элчиларини жўнатган эди. Низомиддин Шомий бу ҳақда: «... ўртада элчилар бориш-келиш қилиб турдилар ва бир-бирлари билан боғланиб, қариндош бўлишиб, орадаги ваҳшатни унсу улфат билан алмаштирилар. Воқеа бундай бўлган эди, амир Нангӯдайнинг ўғли Оқ Суфийнинг (Юсуф Суфийнинг иниси – Ш.Ў.) (Олтин Ўрда хони) қизини никоҳига олган, Хонзода (Хонзода-нинг асл исми Севинбека, Оқ Суфийнинг қизи – Ш.Ў.) подшоҳ Ўзбекнинг набираси эди. Амир Соҳибқирон уни улуғ амирзода Жаҳонгир учун сўраттирилди. Жанг ва хусумат хешлик ва дўстликка алмашинди»³, – деб ёзади.

Бироқ Юсуф Суфий ўз ваъдасига хилоф равишда иш тутиб Амир Темурга бир неча марта қарши борди. Бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай хикоя келтирган: «Юсуф Суфий фур-

¹ Ўша жойда.

² Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси ... – Б.105.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.95.

сатдан фойдаланиб калтабинлик билан ишнинг оқибатини ўйламади ва Бухоро томонга лашкар юборди. Улар боскин ясаб, баъзи вилоятларни талон-торож қилдилар. Амир Соҳибқирон Жалолиддин баҳодирни элчи қилиб юбориб, Юсуф Суфийга деди: «Орамиздаги иттифоқлик ва қариндошликтан кейинги бу муҳолифатга сабаб нима?» Юсуф Суфий элчига жавоб бермай, уни ушлаб бандга солди. Амир Соҳибқирон лутф, хайриҳоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «Элчига ўлим йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор», – деб ёзди ҳамда бу муҳим иш билан яна бир чопарини йўллади. Юсуф Суфий чопарни ҳам тутиб банди қилди ва Тўй Бўғони лашкар билан Бухоро атрофини боскин қилиш учун юборди».

Юсуф Суфий билан низолар кескинлашаётганида Термиз тарафдан Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. У: «Юсуф Суфий гарчи ўринсиз мен билан муҳолифат қилган бўлса ҳамки, аммо орамизда қариндошлик бор бўлгани учун биринчи қовунни усиз ейишга лойик эмасдур», – деб қовунни бир олтин табоққа қўйиб Юсуф Суфийга юборди. Юсуф Суфий бунинг эвазига таъзим ва ҳурмат маҳомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб тухфа ва совғалар юбориши лозим эди. У эса ўша қовунларни сувга ташлашни буюрди ва олтин табоқни дарвозабонларга баҳшида қилди».¹

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темурнинг мураккаб шароитларда ҳам сабр-тоқат билан масаланинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилгани, такаббур, ўзига бино қўйган душманлари билан юзага келган низо-келишмовчиликларни тўғри ҳал этиш учун йўл излаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Тўхтамиш ҳам Амир Темур ёрдамида Олтин Ўрта хони бўлиб олса-да, яхшиликни унтиб унга хиёнат қилгани кўпчиликка маълум. Бироқ Соҳибқирон бу рақибини ҳам кечирди ва Хитой юриши олдидан унинг элчилариiga юришдан қайтгач ёрдам қилаҗагини айтди.

Амир Темурнинг Миср ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ҳам ибратлидир. Миср ҳукмдори Барқуқ,

¹Кўрсатилган манба. – Б.110.

унинг вафотидан кейин таҳтга ўтирган Фараж Соҳибқироннинг якин кишиси бўлган Отламишни асирида ушлаб, қайтариш талабига жавоб бермай вактни чўзар эди. Бироқ Амир Темурнинг Шом ва Ҳалабдаги галабаларидан кейин ундан чўчиган Фараж қилмишидан пушаймон бўлиб, Отламишни озод қиласи ҳамда уни васила қилиб беҳисоб совға-саломлар билан Амир Темур ҳузурига жўнатади. Шундан кейин ҳам Амир Темур унинг отасиз ўсганлигини инобатга олиб ўз ўғли сифатида қабул қиласи ва унинг қўлига қувват бераман дейди.¹

Соҳибқироннинг Боязид Елдиримга бўлган муносабатини олайлик. Манманлик ва кибр билан ўзига ҳаддан ташқари ишонган Боязид Амир Темурнинг душманларини қўллаб-куватлайди, унинг илтимосу талабларига ҳақорат ва қўрслик билан жавоб қиласи.

Охир-оқибат жанг билан якун топган зиддиятли муносабатлардан кейин енгилган Боязидни Амир Темур ҳузурига олиб келадилар. «Чангга беланган ва ҳолдан тойган омадсиз сultonни музafferнинг чодирига келтирсанларида тун чўккан эди. Амир Темур ўйнаётган шатранжини тўхтатиб, одат юзасидан унга бир неча савол берди. У сulton ва унинг ўғиллари ҳаётига зарар етказмасликка сўз берди. Агар ишимиз чаппасидан кетиб, бугун худо сенинг тарафинғни олганида, – дея таъкидлади улуғ амир, – сен менга ва лашкаримга қандай муносабатда бўлишингни ҳамма биларди. Улуғ амир умри бўйи эришган зафарларининг буюидан сўнг хотамтойлигини кўрсатди»², – деб ёзади Люсен Керен.

Соҳибқирон Амир Темур дипломатик муносабатларда ташабbus кўрсатиб, ҳалқаро алоқаларни ривожлантиришга интилган. Тенглик, рақибиға ён босиш, жўмардлик каби фазилатлар унинг дипломатиясига хос хусусиятлар эди. У «ҳар бир банда, ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, Аллоҳ олдида тенг» деган тушунчага асосланиб, ташқи сиёсатда ҳам унга амал қилиб келган эди.

Демак, инсон омили, фаровонлиги, ободлиги унинг қарашларида ва дипломатиясида аввалги ўринда туради.

¹ Кўрсатилган манба. – Б.354.

² Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.132 – 133.

Ричард Нелсон ҳаққоний равишда Амир Темур салтанатга факат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча, турли маданиятларни қўшиб бугунгача яшаб келаётган Евроосиё ғоясини дастлаб олдинга қўйган шахс эканлигини, маданиятлараро кўприк ўрнатганлигини, Фарб ва Шарқ ўртасида ҳам тахсинга сазовор муносабатларга асос соганини айтиб ўтган эди.¹

Соҳибқирон бугунги кунда глобаллашувда муҳим ҳисобланган интеграциянинг дастлабки даракчилари ва назариётчиларидан бўлган. У, Тўхтамиш, Барқуқ, Боязид ва бошқа йирик дипломатлардан фарқли ўлароқ, бир динни бошқа динга, мафкуруни ўзга мафкурага қарши қўймай, ҳар қандай зиддиятнинг ижобий ечимини топишга интилган.

Қозоғистонлик олим К.Л.Бурҳонов ва ҳамюртимиз И.Искандаров тадқиқотларида «Ягона Туркистон» концепцияси Амир Темурнинг ягона макон ғояларига ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтадилар.²

Покистонлик олим Ф.А.Дурроний ҳам: «Амир Темур Ўрта Осиёдан чиққан буюк саркардалардан бўлган. Унинг қатъиятлилиги, бир мақсадга интилувчанлиги ҳамда тиришқоқлиги кучли рақиблари устидан ғалаба қозонишга ёрдам берган. У турли вазиятларда рақибларидан устун келишнинг биронта ҳам имкониятини қўлдан бермаган, керак бўлганда ҳеч иккиланмай музокара олиб борган, ўзи кучли дипломат бўлган, унинг стратегияси зудлик билан ҳаракат қилиш, рақибига зарба беришdir», – дея Соҳибқирон дипломатиясини юксак баҳолаган.

Тарихий далиллардан Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясида байналмилаллик, толерантлик гоялари мавжуд бўлганлигини англаш мумкин. Жумладан, Грузия хукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари фикримизга далилдир. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, гуржилар ерлари, шаҳарла-

¹ Нелсон Р. Амир Темур улкан стратег ва сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.33 – 34.

² Бурҳонов К.Л. Амир Темур давлати ва ягона Туркистон концепцияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.38 – 39; Искандаров И. Амир Темур ва даврлар ҳамоҳанглиги // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.41 – 43.

ри ва ахли аёлини Соҳибқироннинг ғазаб ўтидан сақлаш учун заруратдан қайта-қайта элчи юбордилар, нодир тухфалар, отлар ва ҳар хил жониворлардан иборат тортиқлар бериб: «Ҳазрати Амир Соҳибқирон раҳмли тангри ва ҳазрати раббилоламин-нинг соясидирлар. Тангрининг раҳмати мўминларга қаратилган бўлганидек, унинг карами коғирлар ва мушриклар учун ҳам насиба етказувчи ва нигоҳбондир, барча унинг раҳмати дастурхонидан насибадор, карам ва эҳсонидан хиссадордир. Бизнинг илтимосимиз шулдурки, журмимиз устига афв этагини ёпиб, гуноҳимиздан ўтсалар ва бу навбат яна бизга навбат берсалар, тики бундан кейин илгариги подшоҳлар ва оталаримиз бу мамлакатлар сultonлари билан қандай яшаган бўлсалар, биз ҳам шутариқа ҳаёт кечирайлик, божу хирож молларини хизонаи маъмурага етказайлик, ҳарбий юришларда муқаррар қилинган миқдорда аскарлар жўнатайлик. Агар жизйа тўлаб турсак ва амонда эканлигимизни билсак, сизнинг динингиз ўзингиз учун, менинг диним ўзим учун...»¹ – дея илтимос қиласдилар.

Грузинларнинг ушбу илтимосидан кейин Амир Темур уларнинг гуноҳидан ўтди, ҳадяларини қабул этиб, шундай ихтиёр қилди: «Бундан кейин қуллик мақомига дохил бўлиб, яхши бандалик вазифаси ва мақбул хизматларини адо этишга киришсинлар, ёзишмалар ва борди-келди эшигини очсинлар, мусулмонларни ўз жойларида эмин ва азиз тутсинглар, бединлар қоидаларини мўминлар вилоятида ошкор этмасинлар»², – деб элчиларга сарполар кийгизиб жўнатади.

Демак, у дипломатия йўлида мафкуралар, динлар, халқларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларнинг ўзаро хурмат сақлаши, миллий ҳамда диний жиҳатдан беобрў қилмаслиги тарафдори бўлган.

Қатъият, мақсадга интилиш, тиришқоқлик, имкониятдан мукаммал ва тўғри фойдалана билиш, юксак ахлоқий қадриятлар, музокара олиб бориш орқали масалани тинчлик йўли билан ечиш, тезкор ҳаракат қилиш, рақибига пайт пойлаб зарба бериш каби усуллар унинг дипломатиясидаги хос хусусиятлар дандир.

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.316.

² Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси ... – Б.106.

Амир Темур дипломатиянинг таҳдид, огоҳлантириш билан бирга ташвикот¹ усулларидан кенг фойдаланишга интилган. Бу эса ўша даврнинг ўзига хос информацион қуарашларидан эди. Соҳибқирон Амир Темур дипломатияси маслаҳат, кенгашшага асосланган бўлиб, сўнгги хulosаси чиқарилган қатъий қарорлар қабул қилган.

Ўзининг дипломатик алоқалари, хатти-ҳаракатлари билан Амир Темур ўз давригача мавжуд бўлган дипломатия илмини умуминсоний ғоялар, юксак ахлоқий фазилатлар билан бойитди. Унинг шакли, этикаси, мазмунини гўзаллаштириб, ўз даври даражасидан юқорига олиб чиқди.

Соҳибқирон дипломатиясида мардлик ва жасорат бир-бирини тўлдирувчи асосий арконлардан эди. Б.С.Маннонов ҳам: «Кўлимиздаги кўплаб далилларга таяниб Амир Темур дипломатияси чуқур ва изчил гуманизм руҳи билан суғорилган дейишимиз мумкин. У сотқинларни беаёв жазолаган, қўркоқлик ва иккюзла-мачилиқдан жирканган, бироқ душманларига ўз қилмишларини обдан ўйлаб кўриш ва хulosалар чиқаришга имкон берган, агар улар ўз хатоларини тушуниб етиб, уларга Соҳибқиронга бўлган садоқатини ҳаётда исботлаш учун яна бир марта имкон беришини сўраб ялиниб-ёлборганда уларни кечирган»², – деб ёзади.

Тарихдан яна бир мисол. Миср хукмдорлари Соҳибқирон элчиларини ўлдирса-да, «элчига ўлим йўқ» қоидасига биноан у томондан келган Байсақ исмли элчига шафқат қиласи, уни ўлдириш учун қулай имкон бўлса ҳам, бундай пасткашликка бормайди. Миср хукмдорининг хатти-ҳаракатларидан ғазабланган Амир Темур элчига жавоб мактуби ёзиб бермайди ва шундай дейди: «Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди, менинг унга мактуб юборишинга лойиқ эмасдир. Аммо унга айтгинки, мана мен сенинг изингдан унга томон етиб бораман ва мана менинг шерларим чангллари сенинг этагингга ёпишган (дай) у қочиши учун ёки (жойида) қарор топиши учун этагини шимарсан. Булар (қочиши ёки туриш)дан қай бирини ихтиёр этса, шунга лойиқ имкони борича куч-куввату отлиқ аскарлар тайёрласин»³. Миср элчиси Амир Темурнинг бу жў-

¹ Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.244.

² Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси ... – Б.106.

³ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.239 – 240.

мардлигидан ҳайратланиб: «Тирик қайтарилиб юборганлигимга ишонмасдим», – деб айтган.¹

Соҳибқирон қўшинида хизмат кўрсатган европалик саркарда Шилтбергер томонидан келтирилган бир ҳикоя унинг дипломатиясидаги гуманизм фоясини янада яққолроқ акс эттиради. Шилтбергернинг айтишича, Амир Темур Сивосни йигирма бир кун давомида қамал килади. Боязид шаҳарда беш минг кишидан иборат қўшин қолдирганди. Йигирма бир кунлик қамал давомида бу аскарларга кайта-қайта мурожаат этиб, қаршилик кўрса-тишлари бефойда эканлигини, таслим бўлишса, молу жонлари-ни омон қолдириб, хоҳласалар ўз қўшинларидан жой берилиши, ҳар кимнинг рутбасига яраша мансаб, лавозим ва маош билан таъминлашини, хоҳласалар истаган томонларига қўйиб юбори-шини таъкидлаган бўлса-да, аскарлар таслим бўлишни ор би-либ жанг қилдилар ва Амир Темурнинг уч мингдан ортиқ энг сара, норғул йигитларининг бошига етадилар, боз устига, қамал пайтида улар Амир Темур лашкарларининг кўнглига ваҳима со-лиш учун шаҳардаги кўплаб қари-қартанг ва хотин-халажларни қиличдан ўтказиб, бошларини найзага илиб, девор тепасидан аскарларга намойиш этадилар, «Агар кетмасалар, шаҳарнинг бутун аҳолисини ўлдирамиз», – деб пўписа қилдилар. Бундан ғазаби жунбишга келган Амир Темур қандай бўлмасин шаҳарни ишғол этишга ва бу қонхўрларни жазолашга қатъий азму қарор килади. Тун пайтида шаҳарни ўраб турган деворнинг тагидан хандаклар қазишиб, деворни ағдарган лашкарлар шаҳарга бос-тириб кириб Боязиднинг лашкарларини қўлга туширишади. Амир Темур: «Уларга қандай жазо берсам экан», – деб ўйлаб турганида уларнинг лашкарбошиси келиб, аксарларнинг қонини тўқмасликни илтижо қилади. «Тўғри сўйлайдурсен, пок қилич ва найзаларимни сен мурдорларнинг ифлос қонингга булғамай-дурмиз», – дейди жаҳонгир ва уларни қилмишларига яраша жа-золайди. Сўнгра биз кетгач Боязид келиб, тинч аҳолини қийна-масин деган ўйда омон қолган барча аҳолини, айниқса, ўзини ҳимоя қилишга курби етмайдиган тўққиз минг навжувион қизни кўчириб, ўз юртига олиб кетади.²

¹ Ўша жойда.

² Олмон аслзодаси Соҳибқирон хизматида // Соҳибқирон юлдузи. 1998 йил 13 январь.

А.Х.Сайдов ҳам унинг дипломатиясидаги ўзига хос хусусиятлардан баъзиларини келтириб ўтган: «У шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талафот бериб олишни афзал қўрган. Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан қуюқ ваъдадан тортиб савимий насиҳатгача бўлган шакллардан мохирона фойдаланган. Масалан, 1401 йилнинг июнида узоқ давом этган қамал палласида Амир Темур қамалдагиларга агар бефойда қаршилик қўрсашибни ўжарлик билан давом эттираверсангиз, навкарларим қаҳрғазабини жиловлаб тура олишга кафолат бермайман деб таҳдид солган. 1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бўлимини озод қилган ва шаҳарда кимки уйидан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам омон қолади деб гап тарқатган. Пухта ўйланган бу ҳийла кутилган натижани беради. Бозор, маҳаллаларга сафарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига курол олишдан ва қалъа деворлари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортади».¹

Соҳибқироннинг дипломатик ҳийлалари стратегияси билан қоришиб кетган эди. Унинг душман кўнглига қайси вазиятда таҳдид билан ваҳима солгани ва юмшокроқ муносабат билдирганини, душманни қўрқитиш услугуни ўрганиш ҳам муҳимdir. Жумладан, Миср сultonига ёзган хатида: «Мен бегона лашкарларни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман»², – дея огоҳлантирган.

Душманларига насиҳатлари, огоҳлантиришлари, таклифлари ёрдам бермагач, Амир Темур охирги йўл – таҳдид солиш, қўрқитиш ва психологик ҳужумлар уюштириш чораларини қўрган. Тарихчи Ибн Арабшоҳ келтирган бир хатдан, гарчанд воқеа бирмунча бўрттирилган бўлса ҳам, бундай усулни қўриш мумкин: «Билинглар, биз Аллоҳ қўшинлари бўлиб, унинг қаҳридан яратилганимиз ва унинг ғазаби тушган ҳар бир киши устидан бизга ҳокимият берилган: биз шикоят қилгувчини аямаймиз, йиғловчининг кўз ёшига раҳм қилмаймиз – бизнинг қалбларимиздан тангри раҳмдилликни юлиб олган; бизнинг амримизга

¹ Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция ... – Б.48 – 49.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.289.

амал килмаган ҳар бир киши устига қайғу-алам, чексиз қайғу-алам келади. Биз мамлакатларни хароб килдик, баңдаларни ҳалок этдик ва ер юзига фасодни зоҳир қилдик; бизнинг қалбимиз гўё тоғлар, ададимиз кумлар сингари, отларимиз ўзгир, найзала-римиз тилка-пора қилувчи; бизнинг мулкимизга тажовуз қилин-майди, қўшнимиз ранжитилмайди. Агар сиз шартимизни қабул этиб, амримизга мувофиқ иш қилсангиз, унда нимаики ўзимиз учун бўлса, сиз учун ҳам, бизга қаршилик қилсангиз ва ситамни давом эттирангиз, унда фақатгина ўзингиздан ўпканланг; биз-га кўргонлар моне бўла олмайди; бизни даф қилиш учун тилаб қилган дуоларингиз мустажоб бўлмайди ва тингланмайди».¹

Амир Темур энг шошилинч ва мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмас, босик ва вазмин ҳолатда масаланинг ечимини топишга интиларди.

Унинг дипломатиясига хос хусусиятлардан бири шундаки, Со-ҳибқирон ўз душманларининг барча заиф томонларини синчков-лик билан ўрганган ва шунга яраша тадбирлар қўллаган. Шунинг-дек, душманларининг ҳатти-ҳаракатлари, халқаро майдонда рўй бертаётган воқеаларнинг тафсилотлари ҳақида маҳсус одамлари орқали доимий равишда тўлиқ маълумотлар олиб турган.

Ҳилда Ҳукҳэм Амир Темурнинг жосуслари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар бериб ўтган. Соҳибқирон ўзи юриш қилмоқчи бўлган ерларга шайх, савдогар, сайёҳ ниқоби остида жосусларини йўллаган ва улар орқали ўша ерда рўй бертаётган барча воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлган. У ҳатто хавфли жиноятчилар, хунармандлар, мунажжимлар, табиблар, дайдилар, денгизчилар, қўшиқчилар, донишмандлар, устомон қария кампирларни ҳам ўзга диёrlарга йўллаб улар ор-қали энг керакли маълумотларни қўлга киритар ва чора-тадбир-ларни аввалдан белгилар эди.

Ҳилда Ҳукҳэм Амир Темурнинг Сурияни забт этишига гу-воҳ бўлган Мигнанеллининг маълумотларига таяниб Алеппо синагогида Соҳибқирон одамларининг ўзларини жухуд деб та-нитганлари, ҳатто талмутлардан парчаларни устомонлик билан қироат қилиб берганлари ҳақида айтиб ўтган.² Амир Темур то-

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б. 167 – 168.

² Ҳукҳэм X. Властитель семи созвездий ... – Б. 71.

монидан тайёрланган маҳсус кишилар араб, форс, юонон ва бошқа тилларни яхши билғанлар.

Жаҳонгир қўлга киритған ғалабалар жанг тақдири қўшиннинг сифати ва таркибиға эмас, аввало, тўғри қўлланган тадбирга боғлиқ эканлигини яна бир бор исботлайди. Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, туғма дипломатик қобилият Амир Темурнинг йирик салтанат тузишида катта ўрин тутган.

Амир Темур дипломатиясидаги яна бир хос хусусият унинг ғоялари давлат мафкураси билан уйғунлашганидадир. Бу мафкура умуминсоний қадриятларга таянган, ўзининг соғлиги, мукаммаллиги билан бошқа ғоялардан фарқланиб турган. У ақидапарастликдан холи бўлиб, барча динлар олдинга сурган инсонпарварлик ғояларини илгари сурган ва бундай ғоя билан суғорилган ҳаракатлар дунё аҳлини ҳаяжонга солган, Соҳибқиронга нисбатан чуқур ҳурмат билдирилиб, ўз ҳалоскорлари сифатида тан олишган, ҳатто Ғарбда унга олтиндан ҳайкал қўйилган. Ғарб ва Шарқ мафкуралари ўртасида чуқур жарлик бўлишига қарамай, у дипломатик салоҳияти орқали динлар, маданиятлар, иқтисадлар, сиёсатлар аро кўприк кўя олган буюк шахсадир.

Соҳибқирон дипломатиясининг хусусиятларидан яна бири унинг элчиларни танлаш масаласига катта эътибор берганлигидир. У энг қийин ҳалқаро вазиятларда ўзга давлатларга машҳур авлиё ва шайхларни элчи қилиб юборди. Бундай муҳим элчиликлар уюштиришда ўз даврининг руҳиятини ҳисобга олганлиги кўринади. Шунингдек, элчиликка тайинланадиган кишилар зийрак, билимли, ҳалқаро муносабатлар илмини пухта эгаллаган, ҳар қандай оғир вазиятларда тўғри тадбир қўллай оладиган кишилар орасидан танланиб маҳсус тайёргарликдан ўtkазилган. Уларга ўзини тутиш, кийиниш ва айтадиган гапларигача пухта ўргатилган.

Демак, Амир Темур ҳалқаро дипломатия этикасига қатъий риоя қилган. Манбаларда Алқа тавачи, Жилорти, Амир Довуд, Ёдгор Барлос ва Узун Улжайту (Хоразмга), Шамсиддин Алмолифий (Тўхтамишга), Шайх Соважий, Подшоҳ Баврон (Мисрга), Муҳаммад Кеший (Европага) каби ҳалқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилган, иқтидорли, илмли ва тадбиркор элчилар ҳақида маълумотлар қолган. Айниқса,

Мұхаммад ал-Кеший салтанатдаги эътиборли әлчилардан бири бўлган. У буюк жаҳонгирнинг фармонига биноан Кастилия қи-
роли Ҳенри III хузурида Амир Темур империясининг мухтор вакили сифатида иш олиб борган. Ўша даврдаги Шарқ ва Farb ўртасидаги муносабатлар эътиборга олинса, Мұхаммад ал-Ке-
шийга нақадар катта вазифалар ишониб топширилганига имон келтириш мумкин.¹

Шамсиддин Алмолиғийга Шарафиддин Али Яздий шундай таъриф берган: «Шамсиддин доно ва иш билгучи ва оқил ва зий-
рак киши эрди. Ва тўра (конун)ни яхши билур эрди, оғзи юмшок ва сўзи чучук киши эрди. Соҳибқирон биткон мактубни олиб,
Дарбанд йўлидан ўтуб, Даشتி Қипчоқка бориб, Тўхтамишхонга
борди. Бас, анда етконда Тўхтамишни кўриб, ҳазрат Соҳибқи-
рон мактубини бериб, ҳазрат деган сўзларни чучук тили билан
анга деди».²

Жан-Пол Ру ҳам Амир Темурнинг әлчиларни муқаддас, дахлсиз ва фахрий кишилар деб ҳисоблагани, Миср ҳукмдори жаҳонгирнинг ишонган кишиларини зинданбанд этиб ҳалқаро қоидаларни қўпол равишда бузгани, аммо Миср ҳукмдори то-
монидан келган әлчиларга шафқатли муносабатда бўлиб, ҳатто олтин совға инъом этиб уларни қўйиб юборганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.³

Амир Темур асос солган бу анъана унинг фарзандлари дав-
рида ҳам давом этган. Абдурраззоқ Самарқандий Шоҳруҳ ҳукм-
дорлиги ва ундан кейин ҳам темурий ҳукмдорларнинг хорижий давлатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларига оид иш-
лар билан шуғулланган. 1442 йили уни Шоҳруҳ Жанубий Ҳин-
дистондаги порт шаҳар Каликутга ва Вижаянагар давлатига әлчи қилиб юборган. Шунингдек, у Миср султони ҳузурига ҳам әлчи қилиб юборилган эди. Шоҳруҳ мирзо вафот этгач, у Ху-
росон таҳтида бирин-кетин алмашиниб турган темурийлардан Абулқосим Бобур (1451 – 1457), Абу Сайд (1458 – 1469) каби ҳукмдорларнинг бир қатор дипломатик топширикларини ба-

¹ Манинов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари // Шарқшунослик. – Тоши-
кент, 1993. №4. – Б.128.

² Ўша жойда.

³ Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С.245.

жаради, давлатлараро мураккаб сиёсий воқеаларни ҳал этишда ўша эҳтиёткорлик, донолик билан иш кўради.¹

Ғиёсиддин Наққош ва бошқа элчилар ҳам халқаро алоқаларда мухим роль ўйнаган. Шарқшунос олимлардан А.Ўринбоев ва О.Бўриев ҳамкорлиқда «Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси» асарини ўзбек тилига ўгирганлар.² Бу эса тарихчиларнинг ташқи сиёсат масалаларини атрофлича ўрганишга имконият яратади.

Амир Темур томонидан тайинланган элчилар бошқа мамлакатлардан келган элчиларга нисбатан ҳар томонлама устунлик қилган. Масалан, Миср қўшинлари қочиб кетаётib Соҳибқиронга ҳақоратловчи мактуб битиб, уни Байсақ деган элчи орқали Амир Темурга етказадилар. Жаҳонгир элчини қабул қиласди ва ундан исмининг маъносини сўрайди. Байсақ эса ўз исмининг маъносини билмаслигини айтади. Шунда Амир Темур: «Сен ҳали ўз исминг маъносини билмайсанму, э ярамас! Қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан?»³ – деб танбех беради. Амир Темур ҳатто ўз исмининг маъносини билишга қизиқмаган калтабин элчининг тайинланишини катта айб деб билади ва Миср хукмдорининг фаҳм-фаросатсизлигидан ёзгиради.

Амир Темур давлатида элчиларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатилиб, улар ҳаётининг дахлсизлиги таъминланган, тўхтаган манзилларида озиқ-овқат, кийим-кечак, меҳмонхона, янги чопон, тухфалар, отлар берилиб, уларга кейинги манзилга тезроқ етишлари эслатиб турилган.⁴

Б.С.Манноновнинг ёзишича: «Амир Темур салтанати девонида маҳсус дипломатия корпуси тузилган бўлиб, унга ҳар тарафлама маълумотли ва бир неча тилларни яхши билган кишилар кирган. Уларга Соҳибқиронга турли мамлакатлардан келган вакиллар билан музокара олиб бориш ишлари юклатилган эди».⁵

Маълумки, Амир Темур савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кўп саъй-ҳаракат қилган. «Соҳибқироннинг

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.174.

² Ўринбоев А, Бўриев О. Ғиёсиддин Накқошнинг ... – Б.55.

³ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб. – Б.239 – 240.

⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ... – С.74.

⁵ Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси ... – Б.105.

химмати ул эрдиким, йўллар анинг айюми давлатида эмин бўлгай ва худой бандалари хар сориким борсалар, аларға ташвиш ва тараддуд бўлмағай, фароғат била бориб келгайлар. Мунга кўп саъий қилур эрди»¹, – деб ёзади Шарафиддин Али Яздий.

Унинг дипломатик алоқалари шахсан Амир Темур номидан олиб борилган ва расмий жиҳатдан мукаммал мактублар ёзиш услублари ишлаб чиқилган. Темур номалари «Амир Темур Гўрагон сўзимиз» деб бошланган.

Амир Темур салтанатида элчиларни қабул қилиш пайтидаги расмий маросимларнинг сценарийлари – юксак меъморий-бадиий ечим, сиёсий-бадиий композиция, этика ва эстетика қоидалари хар тарафлама пухта ишлаб чиқилган.

Саройда фаолият юритган дипломатик корпус жаҳонгир юришдалик чоғида ҳам муентазам ишлаб туар, барча муомала Амир Темур номидан олиб борилар эди.

Де Клавихо бу даврда ҳар бир соҳага катта эътибор берилгани, расмий маросимлардаги мукаммаллик ва гўзаллик ҳакида ўз «Кундаликлар»ида ҳайратланиб ёзганди.²

Тарихий далиллар Амир Темур салтанатида дастурхон безаш ва овқатланиш қоидалари ҳам дипломатик одоб доирасида бажарилганидан шоҳидлик беради. Расмий анъаналарга кўра, зиёфагдан сўнг турли давлатларнинг элчилари келтирган совгалар намойиш этилган.

Дипломатик муносабатларда аёллар ҳам қатнашишган, маросимларда улар юзларига юпқа ҳарир мато тутиб юришган ва мато ортидан уларнинг юз-кўзлари bemalol кўриниб турган. Маросимларда аёлларнинг учрашув майдонига кириб келиши ва қаердан жой олиши каби кичик жиҳатлар ҳам эътибордан четда колмаган.

Элчиларга зардўзи тўн, сарполар ва бошқа миллий кийимлар, турли ҳадялар инъом этилган. Бир сўз билан айтганда, оддий овқатланиш, давраларда ўзини тутишдан тортиб барча йирик маросимларгача пухта ишлаб чиқилган. Бу омиллар расмий учрашувлар учун маҳсус дастурлар яратилганигини билдиради.

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.159.

²Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги // Санъат. – Тошкент, 1990. №6. – Б.22.

Темурийлар даври дипломатияси халқаро муносабатлар тарихида муҳим ўрин тутади. Шоҳруҳ мирзо, Улуғбек мирзо ва Ҳусайн Бойқаро каби йирик темурий хукмдорлар ўзга давлатлар билан анча илиқ дипломатик муносабатлар олиб боришган. Айниқса, Шоҳруҳ мирзо анча лаёқатли дипломат бўлиб, Ҳиндистон, Хитой, Миср каби давлатлар билан дипломатик муносабатларда ташаббускорлик кўрсатган.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, Амир Темур дипломатияси умуминсоний ғояларга садоқат руҳида шаклланган, ўз даврида устувор бўлган халқаро дипломатия қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган. Ўзининг рақибларидан фарқли ўлароқ, Амир Темур «элчига ўлим йўқ» шиорига амал қилиб ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам элчининг ҳурмат-иззатини жойига қўйишга интилган. Шунингдек, Соҳибқироннинг мардлик, жасурлик, ташаббускорлик каби хислатлари унинг дипломатик муваффақиятларига замин бўлиб хизмат қилган. У ўз рақибларига чексиз ҳурмат кўрсатиб, қилаётган ишлари юзасидан тегишли хулосалар чиқаришга имкон яратган. Унинг қатъияти, тиришқоклиги, мақсадга интилувчанлиги ва имкониятдан максимал фойдаланганилиги, тезкорлиги дипломатик ютуқларининг бош омиллариридир. Амир Темур низоларни иложи борича музокаралар йўли билан ечишга интилган, мураккаб вазиятлар ижобий ҳал бўлиши учун кўпроқ вақтни чўзиш йўлидан борган. Унинг кечирувчанлиги ҳам душманлари, ҳам дўстларининг ҳурматига сазовор этган. У пасткашлика қарши сахийлик, сабр-тоқат, кечирувчанлик ва бағрикенглик йўлини тутган. Унинг дипломатиясида ютқизиқсиз ва талафотсиз мақсадга эришиш бош ғоя бўлган.

Амир Темур вазиятларга қараб дипломатиянинг насиҳат, огоҳлантириш, қўрқитиш ва овоза тарқатиш каби усулларидан фойдаланган. Шунингдек, рақибларининг заифликларидан усталик билан фойдалана билган. Жаҳонгирнинг элчилик фаолияти ва элчи танлашга алоҳида эътибор бергани ҳам унинг ташки сиёсатда катта ютуқларга эришишига олиб келган. Шу мақсадда амир девонида элчилик фаолияти билан шуғулланувчи маҳсус дипломатик корпус мавжуд бўлиб, у давлатлараро муносабатларнинг расмий, эстетик ва бошқа масалаларини такомиллаштириш ишлари билан шуғулланган. Бу даврда элчилар билан

учрашишдаги расмий маросимлар, дастурхон безаш ва овқатла-
нишнинг маҳсус меморий-бадиий ечимлари ишлаб чиқилган.

Амир Темур ўзининг дипломатик фаолияти билан динлар, мағкуралар, маданиятлар, иқтисодиётлар, сиёсаллар аро кўприк қўйган йирик давлат арбобидир. Бугунги глобаллашув жараёни-да унинг бу меросини чукур ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

4.3. Амир Темур салтанати дипломатик ёзишмаларининг давлатчиликдаги ўрни

Мустақиллик даврида Амир Темур даври дипломатик ёзишмалари ва уларнинг мазмун-моҳияти тадқиқотчилар томонидан холисона ўрганила бошланди.¹

Соҳибқироннинг ўзга мамлакатлар ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларини ўрганиш асносида ўша даврдаги ҳалқа-ро вазият, давлатлараро муносабатларнинг ривожи, низолар ва урушлар келиб чиқишига туртки бўлган сабаблар, уларнинг бузилиши ёки яхшиланишида кимлар қандай таъсир кучига эга бўлганлиги, ким ҳак ёки ноҳақ эканлиги, оқибатлари ҳамда Амир Темур салтанатининг мақсад ва вазифалари, давлатчилик тараққиётига кўрсатган таъсирини кенгроқ билишимиз мумкин.

Амир Темурнинг Хоразм суфийлари билан олиб борган дипломатик ёзишмалари ҳам ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни атрофлича ўрганишимизда кўл келади.

Хоразм суфийлари, қариндошлилик алоқаларига қарамай, Соҳибқироннинг Ўрусхонга қарши юришга кетганидан ва Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб унинг ерларига босқин уюштирган. Низомиддин Шомийнинг айтишича, Соҳибқирон Жилортийни Юсуф Суфий қошига элчилликка юборди ва «Қариндош бўлғондин мухолифат қилмоқ яна не жиҳаттин турур?» – деб

¹ Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7 – Б.10 – 37; Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996; Каримова Н. Темурйлар ва Хитой алоқалари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.44 – 60; Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.60 – 74; Ғуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.74 – 83; Ўша муаллиф. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б.196 – 201 ва бошқалар.

сўради. Бунга жавобан Юсуф Суфий элчини тутиб беркитди. Соҳибқирон унинг бу беандиша ҳаракатидан жаҳли чиқиб яхшиликча хат ёзди. Хатда: «Подшолардин раво эрмаским, элчини банд қилғай, анинг учунким аларда гуноҳ бўлмас. Агар сенинг сўзунг бўлса, сенинг била туур, элчи била не ишинг? Борғон элчини йибаргил ва мундоқ қилмағилким, пушаймон бўлғунг туур»¹, – дея алоҳида таъкидланган. Аммо бу сафар ҳам Юсуф Суфий элчини бандга солди. Бу, албатта, у томонидан кўлланилган нотуғри тадбир эди. Шу тариқа ўртадаги низолар чукурлашиб боради. Низомиддин Шомий бу ҳақда қуидаги сатрларни ёзиб қолдирган: «Соҳибқирон лутф ва хайриҳоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «Элчига ўлим ва бандалик йўқдур. Элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдур. Менинг элчимни қайтариб юбор», – деб ёзди».²

Мактублар мазмуни Амир Темурнинг Хоразмга юриш қилишига асосли сабаблар пайдо бўлганини кўрсатади.

Амир Темур ўз чақириқ ва талабарига тўғри жавоб берган рақибларига хурматсизлик қилмаган. Унинг Шоҳ Шужоъ билан муносабатлари фикримизга далилдир. Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотга кўра, «Шероз вилоятининг шоҳигаким, Зайналобидин эрдиким, Шоҳ Шужонинг ўғли эрди ва анга киши йибариб эрди, «Эмди бизнинг ҳимматимиз ул туурким, асари андин зоҳир бўлгайким, барча олам йироқ ва йақиндин эшиткай. Ва билгайларким, дўстлукни нечук қилмоқ керак ва сенга яқин келиб, тушуб туруббиз. Тавақкуф қилмай бот келгил, то ниҳоят ва шафқатларимизни кўруб қайтқайсенким, дўстлар шод бўлуб, душманлар ғаним бўлғайлар».³

Шероз вилояти ҳукмдори Шоҳ Шужоъ унинг талабини тұғри қабул қилган ва унга хат йўллаган. Хатда, жумладан, шундай дейилган эди: «Ҳазрат Соҳибқироннинг умрига бақо бўлсин. Эмди ул ҳазрат била сидқу мухаббат бор жиҳатидин вожиб кўруб дилбандни – Зайналобидинни... Сенга тобшурдим..., чи ҳақиқат била ул ҳазратнинг лутф ва карамини сийлабмен. Ул ҳазратнинг лутфидин нечук лойик туур, қилғучи туур ва ахволларидан хабардор бўлгайлар..., буларни барчани ўзига маҳ-

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б.85 – 86.

² Кўрсатилган манба. – Б.113 – 114.

³ Кўрсатилган манба. – Б.113.

сус килиб, шафқат ва марҳамат қўланкаларини булар устида солиб андок қилсунларким... ва бу дўсти маҳсуским, дўстлук ва аҳд тавфиқин топиб туур, фотиха ва дуо била ёд қилсунлар».¹

Урушлар хавфи кучли бўлган ўрта асрларда майдароқ давлатлар кучли давлатларнинг қурбонига айланмаслиги учун ҳам уларга кучли бир раҳнамо керак эди. Шоҳ Шужоъ ҳам Амир Темур паноҳида хотиржам юришни афзал билган ва унга тобеликни бажонидил қабул қилган. Ҳатто эронликларнинг ўзи ҳам Темурнинг Хуросонни эгаллашига даъват қилганини Соҳибқиронга йўллаган хатидан қўришимиз мумкин. Жом шаҳрига яқинлашиб бораётганида мамлакатнинг сиёсий ҳаётга кучли таъсир кўрсата оладиган шайхлар Соҳибқиронни кутиб оладилар ва ҳеч қандай норозиликсиз мамлакатни унинг қўлига топширадилар. Баъзи ҳукмдорлар Амир Темурнинг ўз қарорида қатъий туришини ва мақсадларини албатта амалга оширишини яхши билганлар. Бироқ баъзи майда давлатлар ҳукмдорлари кучли давлат раҳбарлига ишониб Амир Темурга қарши чикқанлар. Демак, улар халқаро сиёсий алоқаларда бажарувчилик ролини ўйнаганлар.

Фикримизга тарихдан бир мисол келтирмоқчимиз. 1393 йили Амир Темур Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими бўлган Абул Аббосга мактуб йўллаб, ўзига итоат қилишини талаб этди. Лекин 1383 йилдан буён Баркуқ билан иттифоқда бўлган Абул Аббос Темур элчилари бошлиқларининг (кибор русул) бошларини кесиб, кесилган бошларни тирик қолган элчилар бўйинларига осиб, элчиларнинг ярмини султон Барқукка, қолган ярмини эса турк султони Боязидга жўнатди.²

Биз халқаро алоқаларни чуқурроқ тушуниш учун Соҳибқироннинг Миср ва Туркия султонлари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Темуршунос олим У.Уватов Қоҳирада ва бошқа кутубхоналарда сақланаётган мактублар ҳамда уларга оид тадқиқотларни ўрганиб, Соҳибқироннинг Миср султонлари билан ёзишмаларини ёритди. Олим Амир Темур ва Миср султони Барқук расмий мунособатлари 1385 йилдан бошланганини, нисбатан қисқа муҳлатда – 1386 йилдан то 1405 йилгача Баркуқ ва Фараж, шунинг-

¹Кўрсатилган манба. – Б.114.

²Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б.65.

дек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактублар ва элчилар алмашуви бўлганлигини қайд этади.¹ Бу мактублар матнларидан айрим парчалар Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ларида ҳам келтирилган, аммо бу маълумотлар бизга барча ёзишмалар ҳакида тўла маълумот бермайди. Олим У.Уватов тадқиқотида кенг кўламли ёзишмаларни таҳлил этгани билан аҳамиятлидир.

Убайдулла Уватов тўплаган маълумотларга кўра, 1393 йили Амир Темур Бағдодга Миср волийсига Сова шаҳри машойихлари ва улуғларидан бир кишини элчи қилиб жўнатган эди. Соҳибқирон ҳар доимги одатига кўра элчи билан шоҳона ҳадя ва тухфалар жўнатди.

Элчилик мазмунига кўра, волийга давлатларнинг азалий дўстлиги, низолари ҳакида сўзлаб, ўз даврида Чингизхон наслидан номдор подшоҳ қолмаганлигини эслатади. Шундан кейин давлатларда тарқоқлик юзага келганлигини айтади ва ўзаро муносабатларда яхши бир таклиф киритади: «Сўнгра (тарқоқликдан сўнг – Ш.Ў.) ҳар турли тоифалар маликлари пайдо бўлди, жаҳон аҳволига шўришу нотинчлик йўл топди. Ва у илгариги коидалар барқарор қолмади. Эндиликда вазифа шулки, ҳамсоялик (дўстлик) ҳакқига риоя қилиб, дўстлик этагини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин».

Бундан ташқари, Миср мамлуклари Соҳибқироннинг ашаддий душмани Султон Аҳмад ибн Увайсга мамлакатдан паноҳ берган эдилар. Соҳибқирон мактубларидан бирида Мисрга қочиб келган Бағдод ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайсни юборишини, яъни Мисрдан чиқариб юборишини талаб этган эди.² Бироқ Миср мамлуклари халқаро удумларни оёқости қилиб Амир Темур элчиларини бандга солар ёки ўлдирап эдилар.

Л.Керен тадқиқотига таяниб бир ёзишмани мисол тариқасида келтирамиз. Соҳибқирон Миср ҳукмдорига шундай хат йўллайди: «Билгинким, биз худонинг лашкарларимиз, у бизни

¹ Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б.63; Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений ... – С.126.

² Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б.65.

ғазабга келгән пайтида яраттан ва қаҳрга учраганларни жазолашни топширган... Биз билан бирга бўлмаганларнинг бошларига кулфат ва яна кулфат ёғилгай! Агар сиз қарши исён қўрсатсангиз ўзингиздан ўпкаланг... Мухораба ўти ёқилмасидан олдин бизга жавоб ёзишга шошилинг... Биз сизга элчилар юбориб, адолат бўйича иш тутдик, уларни ҳам биринчи элчилар каби қатл эттирангиз ўзингиздан хафа бўлинг!»¹

Бу хатга жавобан Барқуқ ҳақоратомуз жавоб йўллайди ва мактуб сўнгида: «Услубини безаб, ўз маҳоратини намоён этмоқчи бўлган котибингга айтиб қўй, сенинг мактубинг созланмаган рубобнинг тинғиллашига ёхуд пашшанинг визиллашига ўхшаб қолибди»², – деб жавоб беради.

Шундан сўнг Соҳибқирон яна элчи юбориб, ҳужжатни таъкидловчи хабар йўллайди: «Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юборинглар токи мен элчини ўлдирганинг гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман».³

Бироқ Амир Темур элчиларининг иззат-нафси бу сафар ҳам топталди. Улар элчини жазолаб, Амир Темурни худосиз деб ҳақоратлаб, Отламишни қайтиб беришмайди.

Қарийб йигирма йил вақт ичидаги ўртадаги кучли низоларга қарамай, Миср ва Амир Темур қўшинлари ўртасида айтарли ийрик жанглар содир бўлмагани ҳам Соҳибқироннинг дипломатик маҳорати, сабр-тоқати, кечирувчанлигидан дарак беради.

Мактублар мазмуни ҳалқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кетгани, Амир Темурни яккалашиб янчид ташлашига интишишлар бўлгани, Боязид ҳам бошқа ҳукмдорларнинг гижгижлаши билан шу ўйинга тортилганлигини кўрсатади. Ўзлариниadolatniga ҳисоблаган Миср, Туркия сultonlari бузгунчи Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Туркманни Амир Темурга тутиб бершишлари, жазолашлари ёки бетарафлик мақомида туришлари керак эди. Аммо улар бундай ўйл тутмадилар. Ҳалқаро воқеалар чигаллашувидиа Миср сultonini Барқуқнинг роли ҳам катта эди.

¹Керен Л. Амир Темур салтанати ... – Б.101.

²Ўша жойда.

³Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.289.

Хатлардаги маълумотларга кўра, Боязиднинг элчилари ҳам Темур билан жангда султон Барқуққа иттифоқдош бўлишиликка интилиши, шунингдек, ўз султонларининг Миср ҳукмдори тасарруфига ўзининг қўшинидан икки юз минг кишини беришга тайёр эканлигини билдирилар. Ушбу таклифлари учун Барқуқ уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, бу фикрларга тегизили жавобини берди.

Улар бир-бирлари билан тез-тез элчилар алмасиб турдилар. Шунингдек, Мамлуклар давлати ерлари билан чегарадош бўлган туркман амирликларининг бошлиқлари ҳам Барқуққа итоат этишларини билдириб хабар юбордилар.¹

1399 йили Миср султони Барқуқ вафот этиши муносабати билан «мудофаа иттифоқи» якун топди. Боязид Мисрдаги бекарор вазиятдан фойдаланиб Миср мулкига қарашли ерларни босиб олади (Малатия, Сивас ва б.) ва бу хатти-ҳаракатлардан Мисрнинг ўн бир ёшли янги ҳукмдори Фаражс норози бўлади. Амир Темур 1399 йилнинг июль ойида Ҳиндистонни тарк этди ва Озарбайжон ҳудудига келиб, Табrizни қароргоҳ тутди. Табризда турганида султон Боязидга мактуб йўллаб, одоб билан унга Қора Юсуф Туркман ва Багдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс билан яқинлашиб келаётган урушда холис (бетараф) мавқеда бўлишини сўради. Лекин султон Боязид Амир Темурнинг ушбу маслаҳатини қулоққа олмади ва унинг хатига қўрслик билан жавоб қайтариб: «Ёрдам сўраган одамни ўз ҳолига ташлаб қўйини туркларнинг одатидан эмас», – деб таъкидлади. Кейин унга қарши кучли қўшин билан боришини, қаерда бўлмасин, уни таъқиб қилишини билдирид.²

1400 йили Малатияни ишғол этгач Амир Темур ўзининг биринчи мактубини Faражга йўллаб, хатида унинг отаси йўл қўйган «хатолар»ни – унинг элчиларини ўлдиргани, Отламишни зинданга солганини қўрсатди. У Faраждан дарҳол Отламишни озод қилишини талаб этди, талаби бажарилмаса, Сурия ва Миср ҳалқидан ўч олишини таъкидлади.³

Султон Faраж эса отаси каби Ҳалабдаги ноибига элчиларни тутиб олиб, зинданга ташлашни буюрди. Бундай қалтис вазият-

¹ Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.67.

² Кўратилган манба. – Б.67 – 68.

³ Уша жойда.

да Фараж шармандали ва калтабин сиёсат юритди. Амир Темур эса улардан ўч олишга интилди ва энди Боязид томон эмас, Миср томон юришни иродат этди.¹

Амир Темур Бихишти, Айнотбни эгаллаб, Дамашқ ноиби Судунга мактуб йўллаб, уни вазиятдан огоҳ этиб, Боязиднинг адабини бериш учун Сивасни эгаллагани, Мисрга томон юриш бошлаганинг сабаби Қоҳирада зинданда ётган ўз кариндоши Отламишни озод этиш, бу мамлакат билан тұғри муносабат ўрнатиш ва ҳоказолар деб изохлади.² Лекин Дамашқ ноиби Темурнинг бу тарздаги мактубига эътибор бермади ва унинг элчисини чормихга (салибга) тортишни буюрди.³

Дамашқ ноибининг ушбу калтис хатти-ҳаракатидан кейин Темур қўшинлари Ҳалаб устига ёпирилдилар. Ҳалаб ишғол қилингач, Соҳибқирон ўзининг илгариги талабларини такрорлаб, яна султон Фаражга мактуб йўллади. Қариндоши Отламишни озод этишни сўради, агар шундай қилса, ўз хузурида асирда турган унинг ноибларини ва бошқа асиirlарни озод қилишини билдириди.⁴ Лекин Фараж бу талабларни ҳам рад этди. Соҳибқирон яна хат йўллаб: «Сустлик қўрсатишни шу даражага етказдингизким, ирова жилови бизни бу жонибга келтирди. Шунга қарамай, агар ишнинг оқибатини ўйлаб қўрсангиз ва уни юбориш билан ўтган кечмишнинг тадорикини қилсангиз ўзингиз учун яхшилик қилган ва ахли аёлингизни ўзингиздан миннатдор этган бўласиз ҳамда биз билан дўстлик эшигини очиб, ору номусингиз, молу манол ва мулкингиз бизнинг жаррор лашкаримиз заруридан сақлаб қолгай»⁵, – деб унинг номи билан пул зарб этишни таклиф қиласди.⁶

Амир Темурнинг шаҳдидан чўчиган Фараж элчиларни шохона кутиб олади ва ўзининг жавоб хатида Отламишни беш кун мобайнида зиндандан озод этишни ваъда қилиб, бундан кейин Соҳибқирон билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор этади.⁷

¹ Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б. 70.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б. 300 – 301.

⁶ Уватов. Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б. 71.

⁷ Ўша жойда.

Келищувга қарамай, ҳар икки томон жангга тайёргарликни кучайтиради. Бироқ вазият янада жиддийлашади ва кутилган жанг юз бермайди. Чунки Фаражнинг амирларидан бир қисми кечаси махфий равишда Қоҳира томон жўнаб кетади. Қоҳирада Ложин бошчилигига султонга қарши фитна тайёрланаётганини эшитган Фараж ҳам Дамашқни ўз ҳолига ташлаб яширинча Қоҳира томон йўлга чиқади. Дамашқ аҳлининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Амир Темур шаҳарни эгаллади.

Соҳибқирон яна Фаражга хат йўллаб аввалги талабарини қайтарди, агар шарт бажарилса, Дамашқда асир олинган, унинг ҳузурида бўлган мамлук султонининг амирлари ва ноибларини озод қилишни ваъда берди.¹

Амир Темур ҳукмдорнинг ҳар бир ҳаракати халқининг тақдири билан боғлиқ деб тушунган ва дипломатик муносабатларда ҳам имкон қадар низоларни келишиш йўли билан ҳал этган. Соҳибқирон бежизга: «Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эssa, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканлигини унутмаслиги керак», – демаган.²

Амир Темур дипломатияда ҳам ана шу мақсадга, яъни халқ тинчлиги, яшаш ҳуқуқи, эркинлигини таъминлашга интилган. Унинг инсонийликка асосланган дипломатияси орқали Миср мамлуклари жазодан омон қолдилар, кейинчалик ҳам қайсарлик килиб турсалар-да, барибир, Амир Темур ҳукмронлигини тан олдилар.³

Амир Темурнинг Боязид Елдирим билан дипломатик ёзишмалари ҳам ўзига хос. Аввал таъкидлаганимиздек, Елдирим Боязид ва Амир Темур ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашишига Султон Аҳмад Увайс ва Қора Юсуф Туркман сабабчи бўлган. Соҳибқирон Боязидга йўллаган илк мактубида асосан ўша икки шахсни мамлакатдан чиқариб юбориш талабини қўйган. Усмонлилар султонидан келган жавоб мактуби жуда қўпол иборалар билан битилган бўлиб, Амир Темурни жанг майдонига очик даъват этиш билан якунланган.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Кўрсатилган манба. – Б.72.

Жаҳонгир бу мактубга нисбатан насиҳатомуз бир нома йўллаган, унда Боязиднинг фарангларга карши жиҳодга отлангани туфайли унинг мамлакатига ҳужум қилмаганини ёзган, сultonнинг номаъкул сўзлар айтиши факат ўзига зарар келтиражагини айтиб огоҳлантирган.¹ Бу хат мазмуни Низомиддин Шомийда шундай келтирилади: «Ўзининг куч-кудрати, шон-шавкатидан мағурланиб кетган Елдирим Боязидга Соҳибқирон шундай хат йўллаган: «Аллоҳ таоло ўз қадри ва даражасини билган ва ўз ҳадди ва мақомидан ташқари босмаган бандасини раҳмат қилгусидир. Бугун, худога шукрки, рубъи маскун мамлакатлари бизнинг тасарруфимиз ва фармонимиз остидадир, атрофу жавониб маликлари бизга мутеъ ва фармонбардордирлар; мамлакат ишлари тўғри йўлга қўйилган, жаҳоннинг гарданкашлари бизга итоат ҳалқасидан бўйин товламайдилар, мамлакатлар сардорлари бизнинг ҳукмимиизга саркашлиқ қилолмайдилар, жаррор лашкарлар бизнинг ҳаммамизга қарши туролмайди, айланиб турган фалак бизга мутобаатдан бош тортмайди. Агар ўз ҳаддингни сақлаб, ўз қадринг палоси ўлчамидан ташқарига қадам босмасанг – бу сенинг учун яхшидур. Яна билгинки, сен фаранг лашқари билан ғазот ва жанг қилаётганингни эшитиб то ҳозиргача сенинг диёрингга дахл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар етишини хоҳламадик, чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту баҳтсизлигига сабаб бўлғай. Ҳозир сен мағрурлик мақомига қадам қўйиб, ўз ҳаддингдан ташқари сўзларни айтяпсан, сенга бориб етмайдиган нарсани истаяпсан, балони зўрлаб ўзингга тортаяпсан, тинчлик ва саломатликнинг қадрини билмаяпсан... Аҳли иллат, фитнаю бало эшигини ўз юзингга очма».²

Боязид бу мактубни «жанг учун бир баҳона» қабилида тушуниб, усмонлилар томони ҳам жангта тайёр эканлигини билдириган.³ Амир Темур усмонлилар билан бўладиган жангда Миср сultonни ҳужуми эҳтимоли бўлган сўл томонни кучсизлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Сурияга юриш қилиб, Ҳа-

¹ Фуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б.77.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.284.

³ Ўша жойда.

лаб, Дамашқни, сўнгра Бағдодни ҳам эгаллади.¹ Фурсатни ганимат билган Боязид Арзинжонни ва Камоҳ қалъасини босиб олади.

Темур ўзининг Боязидга ёзган тўртинчи мактубида дашном бериш билан бирга унга сулҳ тাকлиф этган ва усмонлиларга тааллуқли ерларни, жумладан, Сивас, Малатия ва Абистонни Боязид тасарруфида қолдиришни ваъда беради, эвазига Арзинжон ҳокими Таҳуртан баҳодир, Жиржис баҳодир, Ялмон баҳодир, Ҳожи пошо каби саркардаларнинг фарзанд ва яқинлари озод этилиши, Камоҳ қалъасидан усмонли навкарларини олиб чиқиб кетиш талабини қўйган.²

Боязиднинг ножӯя хатти-харакатига, ҳақоратларига қарамай, Амир Темур мазкур дилсиёҳликни унутишга қарор қиласди ва ғанимга ҳар икки томоннинг маълум шартларни бажариш эвазига сулҳ тақлиф этади.

Иbn Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон ёзган бир хатида Боязидга дўқ-пўписа қилиб: «Сиз бизнинг душманларимиз ва уларга ўхшашларнинг ҳолини ҳамда улар бошларига уруш ва зарбадан тушган калтакларни эшигтгансиз. Улар билан нима ишлар қилганимиз сизга аёндир. Баҳслашишу урушиш у ёқда турсин, ҳатто биз билан сиз ўртамиизда ади-бади гапларни ҳам кўпайтирманг», – деб огоҳлантирган.

Бунга жавобан Боязид Елдирим ҳам Амир Темурга ўзининг bemисл куч-қудратини, ўз қўшинининг жаннат талабида худо йўлида жонларию мол-дунёларини фидо қилганлигини, кофирларнинг қонларини дарёдай оқизганлигини таъкидлаб: «Гапнинг холосаси шуки, бизнинг жами ишларимиз, аскар ҳолимизу ҳаракатимиз мункирларни тўдалаш, асирларни йигиб олиш, ўлжаларни жам қилишдир. Чунки биз тангри йўлида жиҳодчилармизки, улар маломатчининг маломатидан сира-сира кўркмайдилар. Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин»³, – деб ёзади.

¹ Гуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б.79 – 80.

² Ша жойда.

³ Иbn Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I жилд ... – Б.257 – 259.

Мусулмон оламида аёл киши ор-номус тимсоли ҳисобланади. Боязиднинг жавобини эшитган Амир Темур: «Ибн Усмон мажнун ва аҳмок», – деди. Соҳибқирон султон жавобидан хотинларни зикр қилган жойини ўқиб хотима қилди. Чунки хотинларга тил текизиш катта айб саналарди. Ҳатто улар хотин-қизларнинг исмини айтмай, бошқа бир ибора билан атардилар ҳамда бу нарсадан сақланинглар деб одамларга доимо уқтирадилар¹ дейди Ибн Арабшоҳ. Бизнинг наздимизда, Боязид Елдирим томонидан ёзилган бу мактуб шусиз ҳам чигал муносабатларнинг урушга айланиб кетишига олиб келди.

С.Ғуломов: «Темур душманларининг сулҳ ташаббусига муқобил унга қарши «иттифоқ»нинг тузилиши ва баъзи худудлар устидаги тортишувлар Анқара жангига етаклаган сабаблар экани аниқ. Бундан ташқари, Оврупа ва Византиянинг ўша даврдаги ҳолатидан мантиқан келиб чиқиладиган бўлса, мазкур минтақалар қироллари ва императорининг Темурни усмонлиларга қарши жангга ташвик этганликлари эҳтимоли кучлидир»², – деб ёзади.

Соҳибқироннинг Европа давлатлари билан олиб борган ёзишмалари ҳам муҳим тарихий манбадир. Бу мавзу бўйича шўро даврида И.И.Умняков биринчилардан бўлиб салмоқли тадқиқотлар олиб борди. Хусусан, у Парижда сақланаётган Амир Темур ва Ғарбий Европа хукмдорларининг хатларини таҳдил этиш асосида бир нечта илмий асарлар ёзил бу мавзуни анча муфассал очиб берган.³

Мустақилликнинг қўлга киритилиши бизга асл манбаларни ўрганиш ва улар ҳақида янгича фикр-мулоҳазалар юритишига имкон берди.

Л.Керен ва А.Сайдов томонидан чоп этилган «Амир Темур ва Франция» китобининг «Амир Темурнинг дипломатик ёзиш-

¹ Курсатилган манба. – Б.259.

² Курсатилган манба. – Б.81.

³ Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УзГУ. Новая серия. – Самарканд, 1956. Вып.61. – С.179 – 200; Ўша муаллиф. Международные отношения Средней Азии в начале XV в.: Тезисы докладов. – Самарканд, 1959. – С.55 – 58; Ўша муаллиф. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV века: Международный конгресс востоковедов. – М., 1960; Ўша муаллиф. Малоизвестный французский источник о Тимуре // История. 1960. – С.173 – 199; Ўша муаллиф. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы // История Самарканда. – Ташкент, 1969. – С.173 – 195.

малари» бўлимида Франция миллий архивида сақланаётган ана шу хатларнинг баъзилари ўзбек тилидаги таржимаси билан берилган.¹

Амир Темур, Боязиддан фарқли ўлароқ, Европа давлатлари билан дўстона дипломатик алоқаларини йўлга кўйди ва «мамлакат динсиз ерда туриши мумкин, аммо зулм бор ерда туролмайди» деган фалсафий тушунчасига таяниб гайридинларга нисбатан дўстона муносабатда бўлди ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилди. Ёзишмалардаги маълумотларга кўра, у Европа давлатлари билан тез-тез элчилар алмашиниб туришни, шунингдек, мамлакат тараққиётига катта хисса кўшувчи саводгарлар, яъни тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратишни кўзлаган. У мусулмон шарқидан гарбга дўстона ниятда кўл узатган дастлабки давлат арбоби эди.

Амир Темур Европа хукмдорларига «Сиз саводгарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизгин, барча иззатларни ўрнига кўйиб кутиб олайлик. Бизнинг саводгарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни саводгарлар фаровон қиладилар деган нақлни инкор этиш бефойда»² каби хатларни юборган.

Мактуб мазмунидан англаш мумкинки, Соҳибқирон ҳалқаро савдони ривожлантириш учун саводгарларга катта имкониятлар яратиш, уларнинг ҳукуқларини кенгайтиришга ва кафолатлашга кафил бўлган, қиролларни ҳам бу савобли ишга ундаган. Соҳибқироннинг бу хатти-ҳаракатларини олимлар дипломатияда «қўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар.³

Амир Темурнинг Карл VI га йўллаган яна бир мактуби «Темур Гўрагоний сўзимиз» деган расмий усул билан бошланади. «Оlam машъали, музaffer, буюк дўстимиз, оламга жуда зарур, катта урушлар ғолиби, олампаноҳ Франция ва кўп бошқа юртлар қиролига ўзимизнинг таъзим ва раҳматимизни йўллаймиз. Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллаб-яшнашини дўстона ти-

¹ Керен Л., Сайдов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари // Амир Темур ва Франция ... – Б.72 – 82.

² Ўша жойда.

³ Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция ... – Б.76 – 77.

лаб қоламиз»¹, – дея ўзининг самимий фикрларини изҳор этади. «Сизнинг номингиз узоқ юртларга кетганлиги ва бошқа қироллар орасида обрўйингиз баланд эканлигини бутун Шарқ тақвадорлари, оғамиз Иоанн бизга сўзлаб берган эди», – дея Карл VI ни улуғлайди. Мактубдаги бу сатрлар Сохибқироннинг гўзал дипломатик усулидан далолат беради.

Амир Темур ушбу мактубда Европа кироллари ва ўзининг душмани Боязиднинг аҳдини бузгани туфайли унинг юртини забт этганлигини алоҳида таъкидлаб, бу хабарни роҳиб Иоанн томонидан етказаётганини айтади. «Буюк шоҳлар ва дўстлар бир-бирларини катта воқеалардан хабардор қилиб туриши одат тусига кирганлиги боис биз роҳиб Иоанни Сизга бизнинг давлат ва биздаги вазият, биз томонларда Сизнинг душманингизга қарши қилинган ишлар, Сизларга бўлган дўстона муносабатимиз йўлидаги самараларимиз хақида ҳикоя қилиб берсин учун Сиз улуғ зотлар томон йўлладико»², – деб ўз максадларини баён этади.

Амир Темур элчига катта ишонч билдириш учун уни ҳар икки давлатнинг элчиси деб ҳисоблайди. «Мамлакатларимиз ўртасида борди-келдини йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда қилишларини ва савдодан яхши фойда олишларини истаймиз. Дарҳақиқат, савдогарларингизнинг биз томонларда хавфсизлиги таъминланишини таъкидлаш жоиз», – деб яна аввалги таклифини, савдогарларнинг тинч-осойишталигини кафолатлашни ўз зиммасига олади. Амир Темур даврида биринчи марта Farb ва Шарқ савдо алоқалари муаммоси расмий масала сифатида қўйилган.

Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ мирзонинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби ҳам муҳим тарихий манбадир. Санъаткорона хат ёзиш услубининг ўзи ҳам Сохибқирон ва темурийлар даврида дипломатия соҳаси санъат даражасига кўтарилиганинг қўрсатади. Хат шундай бошланади: «Мироншоҳ Гўрагоний, ушбу бизнинг сўзимиз, христиан эътиқодидаги ичидан саралаб олганларимиз, Қодири таолонинг назари тушганлар, христиан француз шоҳлари ва шаҳзодаларига саломлар йўллаймиз. Қалбимиз биродарлик ҳисларига тўлиб, Сизларга

¹Ўша жойда.

²Ўша жойда.

шуни маълум қиласизки, агар Сизлар хоҳиш билдириб биз томонларга келсангизлар, истакларингизни бажо келтуурмиз».¹

Мироншоҳ мирзо ҳамкорларини ўз юртига келишга чорлаб уларнинг истагини бажо келтириш, уларга яратилажак имкониятлар ва кафолатлари ҳақида сўз юритган. Айниқса, унинг хатидаги бир эпизод темурийлар давлатчилик ғоясини теранроқ тушуниб етишимизга ёрдам беради. Мироншоҳ мирзо: «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда ҳавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир, барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор», – дейди.²

Мироншоҳ мирзо эътиқодларидаги фарқ тараққиётга тўсиқ бўлмаслигини, фаровонлик тафовутлардан устун туришини яхши англаган. Дипломатияда энг мақбул йўлларнинг танланиши давлат сиёсатининг мукаммал даражага чиққанлигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган. У ташки муносабатларда миллатидан қатъи назар инсонни қадрлаш, ҳамкорлик, тинчлик ва тараққиёт ғояларини олга суради.

Темурийлар орасида Шоҳруҳ мирзо ҳам қўшни давлатлар билан муваффақиятли дипломатик ёзишмалар олиб борган. Хитой императорига йўллаган мактубида у хоқонни кўпхудоликни йўқотишга, савдо ахлига имкон яратишга, фуқаролар фаровонлигини таъминлашга чақиради.

Бу ҳақда бир мактубда шундай дейилган: «Бу паст дунё ва салтанати бақосига ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига, ҳаққонияту тўғриликни қўллаб-кувватлаш ва хайру савоб умидида ер юзасидан кўпхудолигу кофирилик заарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (хоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қиласалар ҳамда элчилар ҳам хабарчилар юбориб турсалар. Сайёҳ ва

¹ Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шахзодаларга йўллаган мактуби // Амир Темур ва Франция ... – Б. 78.

² Ўша жойда.

савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва яқдиллик воситалари кувват топса, (бинобарин) мамлакатлар атрофларидағи халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса».¹

Шоҳруҳ мирзо бу мақсадларига ҳамкорлик воситасида эришишга, Амир Темур каби тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Амир Темур давридаги дипломатик ёзишмалар миллий тарихимиздаги муҳим тарихий манба ва ишонарли расмий ҳужжатлар ҳисобланади.

Амир Темур томонидан олиб борилган ёзишмалар у ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқаро қоида ва шартларга амал қилганидан далолатдир. Улар Соҳибқироннинг ўз душманларига катта имкон ва вақт бергани, мардлиги, кечирувчанлигидан шоҳидлик беради. Амир Темур Шарқ ва Farb давлатлари бошлиқларига йўллаган номаларида қўшинчилик алоқаларини ўрнатиш, ташқи савдода тадбиркорларга эркинлик бериш, уларнинг хавфсизлигини кафолатлашни таклиф қилган ва минтақада долзарб бўлиб турган бу муаммоларни биринчи марта расмий йўл билан ҳал этиш йўлига ўтилган.

Мактублар Амир Темурнинг юксак сиёсий илми, стратегиясидан дарак беради. У Туркия, Миср, Олтин Ўрда каби йирик ҳарбий иттифоққа қарши вақтни чўзиш йўли билан курашди ва уларни тор-мор этиш учун қулай фурсатни кутди. Хатлар мазмани ҳалқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кетганлигини, Амир Темурнинг бу қалтис курашда ақл-фаросат билан иш тутганини кўрсатади. Ганимлари Соҳибқиронга қарши шармандали ва қалтабин сиёсат юритсалар, Амир Темур сабр-тоқат ва тинчлик йўли билан вазиятни юмшатишга уринган.

У султонларнинг ўзаро муносабатлари ҳалқ тақдирини ҳал қилишини яхши билган, шунинг учун султон ҳар қандай шароитда ҳам келишишга интилиши шарт деб тушунган.

Амир Темур жанг юз бергунга қадар олиб борилган ёзишмаларининг аксариятида ганимига сулҳ таклиф қилган, дипломатиянинг огоҳлантириш усулига таянган, бу таклифлар рад

¹ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё ... – Б.123.

этилганида ҳам зиддиятларни уруш билан якунламасликка интилган, Миср билан олиб борилган қариб йигирма йиллик муносабатлар ҳам фикримизга далилдир.

У ўз душманини хурмат қилган, ҳар доим берган ваъдаларининг устидан чиққан, вазиятдан фойдаланиб номардларча бирор ерга дахл килмаган.

Соҳибқирон, ўз давридаги бошқа мусулмон ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, ғайридин қиролларга нисбатан дўстона муносабатда бўлгани ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилганлигини ҳам ўша даврда битилган мактублардан англаш мумкин. Амир Темур эътиқодлардаги фарқ тараққиётга тўсик бўлмаслигини, икки тарафлама манфаатли алоқалар тафовутлардан устун туришини яхши англаган. У «дунё савдогарлар билан обод бўлажак» шиорига амал қилган. Бу жиҳат унинг мафкурасида бағрикенглик мавжудлигини кўрсатади.

Амир Темур давлатининг ҳалқаро миқёсда довруқ қозониб, барча жабҳаларда уйғониш палласига ўтишида ҳам, бизнингча, миллий давлатчиликда тўғри юритилган дипломатик тадбирлар катта омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

IV боб бўйича хуроса

Ушбу бобда Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, унинг ўзига хос ҳусусиятлари, мактубларнинг давлатчиликни мустаҳкамлашга кўрсатган таъсири таҳлил этилган.

Бир томондан, ҳали чингизий мўғуллар хавфи кучли эканлиги, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, Чигатой улусига эгалик килиш, иккинчи томондан, Буюк ипак йўли устидан назоратни қўлга олиш муаммоси Амир Темурдан тўғри ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни талаб этган.

Соҳибқироннинг мўғуллар зулмига зарба бериши унга янги-ча муаммоларни туғдирди. Вазият Амир Темурдан Хоразм, Олтин Ўрда, Мўғулистан, Эрон, Хуросон каби ўз даврининг кучли давлатлари билан бир-биридан фарқланувчи ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни тақозо қилган.

Амир Темур, аввало, Чигатой улусининг таркибий қисми бўлган Шарқий Хоразмни ўз давлати худудига кўшиб олиш, шу ор-

қали шимолий чегараларни мустаҳкамлаш, мазкур ҳудудда кучли мудофаа маконини яратиш, Олтин Ўрданинг Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик, уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш, Даشتி Қипчоқнинг шимолий қисмига ўз таъсирини ўтказиш каби мақсад ва вазифаларни қўйган.

Унинг ташки сиёсат йўналишида Миср, Усмонлилар давлати катта ўрин тутган. Амир Темурнинг режаларига дунёда етакчи мавқега эга бўлган давлатлар раҳбарлари – Миср сultonи Баркуқ, усмонлилар сultonи Боязид Елдирим халақит бераётган, боз устига, улар Олтин Ўрда билан бирга Амир Темурни янчидан ташлашга интилган. Манфаатлар, ҳудудлар устидаги тортишувлар ҳам йирик давлатлар орасидаги зиддиятларнинг кескинлашишига катта таъсир кўрсатган.

Халқаро майдонда вазият кескинлашаётган бир пайтда Амир Темур тўғри дипломатик тадбир ва усуслар орқали ўз олдида турган мураккаб тўсиқларни енгиб ўтди. Масалан, қарийб йигирма йиллик зиддиятларга қарамай, Миср ва Амир Темур давлати ўртасида йирик жанглар юз бермаган.

Соҳибқирон Европа давлатлари билан ҳам дўстона, ҳамкорлик ва дипломатик алоқаларни ўрнатишга эришган. Бу эса салтанатнинг наинки Шарқда, балки Ғарбда ҳам обрўси ошишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, Амир Темурнинг ташки сиёсатда қўллаган тадбирлари давлатнинг сиёсий, мудофаа ва иқтисодий кудратини кучайтиришга хизмат қилган.

Унинг дипломатиясида бугун кўтарилаётган ягона макон барпо этиш ва интеграцияни кучайтириш асосий ғоялардан бири бўлган. Амир Темурнинг қатъияти, тиришқоклиги, мақсадга интилувчанлиги ва имкониятдан максимал фойдалангани, тезкорлиги дипломатик ютуқларининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Музокаралар орқали низоларни бартараф этиш Амир Темур дипломатиясининг муҳим ютуғидир. Соҳибқирон, ўз даврининг бошқа ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, маслаҳат ва кенгашга асосланиб дипломатик алоқаларни кучайтирган.

У низоли масалаларда вақтни чўзиб, дипломатия йўлини тутган ва ракибининг тўғри хулосага келишига имкон берган. Амир Темур кечирувчан дипломат бўлиб, пасткашликка қарши сахий-

лик, сабр-тоқат, кечирудчанлик ва бағрикенглик йўлини тутган. Ҳар қандай шароитда ҳам унинг дипломатиясида ютқизиқсиз ва талафотсиз мақсадга эришиш бош ғоя бўлган. Амир Темурнинг вазиятларга қараб дипломатиянинг насиҳат, огоҳлантириш, қўрқитиш ва овоза тарқатиш каби усулларини қўллаган. У ракибларининг заиф томонларидан усталик билан фойдаланган ва ғалабаларга дипломатияда қўллаган тўғри тадбирлари орқали эришган.

Амир Темур салтанатида элчи танлаш масаласига алоҳида эътибор берилган, уларга юрт рамзи сифатида қаралган. Шунга монанд саройдаги дипломатия корпуси мукаммал тузилган бўлиб, у мунтазам равишда фаолият юритган. Дипломатик муносабатлар шахсан Соҳибқирон номидан олиб борилган.

Шуниси эътиборлики, халқаро учрашувлар, расмий маросимлар аниқ ва санъаткорона ишлаб чиқилган қоидалар асосида олиб борилган. Бу қоидаларнинг юксак меъморий-бадиий ечим, этика, эстетика ютуқлари билан бойитилгани ҳам давлатнинг обруй-эътибор қозонишида муҳим роль ўйнаган.

Турли давлатлар билан борган ёзишмаларида Амир Темур яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам, иқтисодий ҳамкорлик ғояларини тарғиб қилиш билан бирга ўзининг амалга ошириши лозим бўлган геостратегик мақсад ва вазифаларини аниқ баён этган.

Ёзишмалар Амир Темур, ўз давридаги бошқа мусулмон хукмдорлардан фарқли ўлароқ, ғайридин қиролларга нисбатан дўстона муносабатда бўлгани ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилганини тасдиқлади. Европа давлатлари билан алоқаларда тез-тез элчилар алмашиниб туриши ва улар орқали дўстликнинг мустаҳкамланиши ҳамда ҳар икки мамлакат тараққиётiga катта ҳисса қўшувчи савдогарлар, тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратилиши томонлар ўртасида келгусида дўстлик алоқалари ривожланишига сабаб бўлган. Амир Темур тарихда илк маротаба мусулмон шарқидан насроний ғарбга дўстона ва ҳамкорлик йўлида қўл узатган, машриқу магриб ўртасидаги ғовларни олиб ташлашга интилган жаҳонгир сифатида тарихга кирган.

Умуман олганда, унинг ташқи сиёсати ва дипломатияси салтанатда миллий давлатчиликнинг тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатган.

ХУЛОСА

Биз ушбу монографияда Амир Темур даврида миллий давлатчилик ривожланишининг назарий асосларини имкон қадар таҳлил қилишга интилдик. Тадқиқотлар жараёнида бу даврда ҳар бир соҳа аниқ ва пухта ишлаб чиқилган давлатчилик таълимоти орқали бошқарилган деган хulosага келдик. Шунингдек, давлатчилик механизмларининг ўзаро уйғунлиги, мутаносиблиги, бир-бирига мувофиқлиги, қонун устуворлиги, жамият, шахс, фуқаролар манфаати уйғунлиги таъминланган, давлат бошқаруви асослари назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган.

Мавзу юзасидан чиқарган асосий хulosаларимиз қуйидаги-лардан иборат:

Амир Темур шахс сифатида салтанат тараққиётида катта сиёсий мавқега эга бўлган. У қатъиятли, олимлар ва пирларининг ёрдамига таянадиган, ҳар бир ишни маслаҳат ва машварат билан бажарадиган, сиёсий илмли, ақл-заковатли, адолатли, хушёр, сергак, огоҳ, юксак ахлоқий сифатлар эгаси, нозиктаъб, чапдаст, тезкор харакатлана оладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мақсадини амалга оширадиган, низо-камчиликларни бартараф эта оладиган, инсоннинг руҳиятини англай билган иродали киши эди. Ўзига мухолифатда бўлган кучлар билан келиша олгани ва кучли душманларининг салоҳиятидан давлатни бошқаришда фойдалана билгани унинг энг мухим ютуқларидандир. Амир Темур ўз мақсадларига эришиш, кудратли салтанатни барпо этишда малакали мутахассисларга, айниқса, ишбилармон, билимли, адолатли ва доно вазирларга таянган. Соҳибқироннинг танлаган қоида ва та-мойиллари мамлакат ички потенциалининг, интеграция жараён-ларининг кучайиши ҳамда кенгайишига олиб келган.

2. Салтанат бошқарувида ўрта асрларда шаклланган форсий, туркий ва мӯғул бошқарув анъаналаридан кенг фойдаланилган. Амир Темур давлатчилигига хос хусусият бўлган бу жиҳатни табиий деб қарашибозим, чунки юртимиизда аввалдан шаклланган давлатчилик асослари, бир юз эллик йил давомида ўрнатилган

мұғул бошқарув тартиби, шунингдек, форсий-арабий маъмурий тартиботлар, диний асослар ундан үз даври одатларига биноан, имконият ва әхтиёжларни инобатга олган ҳолда бошқарувни ташкиллаштиришни тақозо этган. Амир Темур мұғул, форсий-арабий ёхуд қадимий туркий бошқарув анъаналарининг бирортаси асосида давлат бошқарувини олиб бориши ҳам мумкин зди. Унинг турли анъаналардан мамлакат ва халқ манфаатлари юзасидан усталик билан фойдалангани, улар ўртасидаги үйғунликни таъминлагани давлатчиликдаги муҳим янгиликлардан ҳисобланади.

3. Амир Темур ҳокимиятга келиш арафасида мамлакат ҳаётіда Чигатай улусининг таъсири сақланиб қолган, шу сабабли улар сиёсий ва маъмурий ҳокимиятда катта роль үйнашган, бу анъаналар Соҳибқирон даврида ҳам сақланиб қолган.¹

Амир Темур таомилга құра бошқарувда форс тили ва маданияти анъаналарига амал қылған бүлса ҳам, йирик амалдорлар чигатоий амирлар орасидан қўйилған. Соҳибқирон давлатни бошқаришда икки тоифа кишилар – форсийлар ва чигатоийлар нинг мавке, билим ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда уларнинг куч ва имкониятларини чеклашга интилған.

У давлат бошқарувида қўчманчи ва ўтроқ аҳолининг талаб-әхтиёжларини инобатга олган, ислом дини давлат мафкурасининг асосини ташкил этган.

Мұғуллар даврида заифлашиб қолған исломга бўлган эътиборни тиклаш, үз қўл остидаги халқларнинг тинчлигини, иқтисодий барқарорлиги, қонунийлик ва адолатни таъминлаш Амир Темурнинг үз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири зди.

Қонун устуворлиги ва адолат қоидаларига қатъий амал қилингани, қенгаш ва маслаҳатга таянилгани ҳам бошқарувнинг ўзига хос жиҳатларидандир.

Амир Темур даврида қонунлар ижроси таъминланиши сабабли илм-фан, маданият соҳалари юксак ривожланган.

4. Амир Темур салтанатида фуқароларнинг ўн иккита ижтимоий катламга бўлиниши, бошқарувда ҳар бир тоифа манфаатларининг мувоғиқлаштирилиши давлатни ривожлантиришдаги омиллардан бири зди. Сиёsat, савдо-иқтисод ва бошқа соҳалар-

¹ Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane ... – P.20 – 23.

да амалга оширилган ислоҳотлар бу ўн икки катламнинг ичидаги ҳам табақаланишлар юзага келиши, Амир Темур давлатининг ҳаракатлантирувчи кучлари орасида сифат ва сон ўзгаришлари юз беришини таъминлаган.

Шунингдек, давлат кам таъминланган, камбағал, етим-есирларни кучли ижтимоий ҳимоя қилгани, давлат ишига мутахассисларни танлаш, мансаб ва унвонларга тайинлаш, энг паст табакадан юқори табақагача уларнинг ижтимоий муҳофазасини ташкиллаштириш ишларининг олиб борилиши ҳам давлатчилик тараққиётида муҳим омил бўлган.

Амир Темур мутахассисларнинг билим-малакаси, ақл-заковати, ахлоқий сифатлари ва жисмоний камолотига эътибор қаратди. Унинг мутахассисларни танлаш ва улардан давлат ишида фойдаланиш усуллари ҳам ибратлидир. Ўзи қурган салтанатнинг мақсад-вазифаларини амалга оширишда унинг ходим ва хизматчилари катта роль ўйнади.

5. Амир Темур бошқарув аппаратининг ташкил этилиши, унинг марказий, маҳаллий бошқарувдаги уйғунлиги, ўзаро алоқадорлиги яхши йўлга қўйилгани ҳам давлатчиликнинг ютуқлариданdir.

Манбаларнинг далолат беришича, Соҳибқирон бошқарувда форсий-туркий-мўғул усулларининг керакли жиҳатларидан ўз давлатининг мақсад-вазифаларини амалга оширишда фойдаланди. Ҳокимият амир ва унинг авлодига бўлиб берила-да, кейинги амалларнинг ворисийлигига қонуний тус берилемади. Амир Темур форсий маъмурлар ва уларнинг усулларидан девонхона, ҳокимиётлар фаолиятини юритишда фойдаланган бўлса, йирик амалдорларни чигатоий амирлардан қўйди. Шунингдек, ҳар икки тоифадаги бошқарувни марказлаштириб, уларни истаган пайтда алмаштириш вақолатидан фойдаланиб мутлақ ҳокимлигини сақлаб қолди. Айнинса, вазирларга иш бўлиб бериш билан бирга улар устидан назоратни амалга оширди, қолаверса, амалдорларни бир жойдан иккичи жойга кўчириш орқали уларнинг бир жойда узоқ қолиб илдиз отишига, давлат ичидаги давлат яратишига имкон бермади.

6. Амир Темур даври сиёсий механизми – марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари, улар ўргасидаги узвий алоқадорлик тұғри йўлга қўйилган. Шунингдек, марказий ва маҳаллий бошқарув, уларнинг бир-бирига бўйсуниши, бир-бирига бўйсун-

майдиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар маъмурий жиҳатдан мувофиқлаштирилган. Давлат бошқаруви тизими орқали марказга тезкор ахборотлар етказиш, давлат механизмининг бир маромда узлуксиз ишлаши таъминланган. Бу даврда таъсис этилган мансаб ва унвонлар ортиқча харажат ҳамда бюрократик кусурлардан холи бўлиб, унда самарадорлик назарда тутилган. Амир Темурнинг бошқарув таълимоти юзлаб йиллар давомида кўплаб давлатларга андоза бўлиб хизмат қилган. У ўз давридаги мавжуд турли бошқарув удумларидан фойдаланиш орқали янгича бошқарув анъаналарини юзага келтирган.

Ушбу асослар Амир Темур салтанатида уйғониш даврининг келиб чикишида асосий омил бўлиб хизмат қилган дейиш мумкин. Бу даврда қонун устуворлиги, адолат тамойилига салтанатда ва ташқи муносабатларда қатъий амал қилинган.

Давлат бошқаруви асосларининг мукаммаллашувига бошқарувда муносабат, муомала, сабр ва дипломатиянинг уйғунлашиб кетгани катта таъсир кўрсатган. Бу қоидалар давлатда тинчлик ва тартиб-интизомнинг сақланишида катта аҳамият касб этган. Мухим масалаларнинг ечимини топишда маслаҳату машваратга таянилиши Амир Темур томонидан эришилган ютуқларга замин бўлган.

7. Амир Темур давлатчилигида қурултойга алоҳида эътибор берилган бўлиб, унда давлатнинг энг мухим муаммолари – уруш ва тинчлик, бошқарувни такомиллаштириш каби масалалар ҳал қилинган, улар хусусида маҳаллий зодагонларнинг эркин фикр юритишига имкон берилган ва бу сиёсий институт давлат ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда мухим роль ўйнаган. Қурултойлар Амир Темур давлат бошқарувига бирданига кириб қолган янгилик бўлмай, улар асрлар оша фаолият юритиб келар ва туркий давлатчиликка хос хусусиятлардан эди. Соҳибқирон бу соҳадаги тарихий тажрибани такомиллаштириди ва қурултойни янада фаоллаштириди.

Амир Темур қурултойларни чакириш орқали маҳаллий зодагонларнинг ўз худудларига тааллуқли фикр-мулоҳазалари, талаб ва эҳтиёжларини ўрганди. Қурултойлар маҳаллий ҳалқ вакилларига баъзи ҳолларда ўzlари хоҳлаган кишини сайлаш ҳукуқини ҳам берган эди. Салтанатда юқори мансабга лойиқ кишилар кў-

тарилигандар эса ишдан туширилган. Уларнинг сўровига кўра баъзан соликлар камайтирилган. Курултойда давлат амалдорлари, лашкарбошилар, олим уламолар, улуғ ва кекса – тажрибали кишилар қатнашган. Адолатли масалалар кўтарилилган тақдирда маҳаллий вакилларнинг фикрлари инобатга олинган. Давлатни бошқаришда, ҳатто маҳаллий ҳокимиятларда олимлар, тажрибали кишилар маъмурларга маслаҳатчи сифатида тайнинланган. Бу ҳам унинг бошқарувида инсон, унинг фаровонлиги, конунийлик ва адолат устун бўлганлигини кўрсатади.

8. Амир Темур даврида мансаб ва унвонлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу даврда марказий, маҳаллий, хукуқни муҳофаза этувчи идоралар, диний идораларга тегишли мансаб ва унвонлар туркий, форсий ва мӯғулча анъаналар уйғунлаштирилган, бу эса давлатчиликда ўзига хосликни юзага келтирган. Мансаб ва унвонларга тайнинланишда илмий, ахлоқий, малакавий ва ирсий омилларга эътибор қаратилган.

9. Амир Темур суд-хукуқ тизимини кучайтиришни давлатда қонунчилик ва адолатни уйғунлаширишнинг кафолати деб тушунган. Жиноятга жазо беришни кучайтиришга эмас, жиноятнинг олдини олишга ва жиноятчиларни қайта тарбиялашга эътибор берилган. Дорулиморат, эл-улус ҳокимлари ва маъмурний таркиб ҳам ана шу максад йўлида фаолият юритган. Соҳибқирон даврида судлар фуқаролик, шариат, ҳарбий соҳаларга бўлинган. Улар ўз йўналишидаги низо ва жиноятларни кўриб чиққан. Уларнинг фаолиятини текшириб туриш ва марказга ҳисобот бериш учун ҳар бир вилоят ва шаҳарда адолат амири тайнинланган. Қонунларда жиноятга жазонинг мукаррарлиги кўрсатилган. Давлат учун нафи теккан, обрўли, фидойи шахсларнинг айбига бериладиган жазолар енгиллаштирилган. Амир Темур давлатида қўпорувчилик, сотқинлик, пораҳўрлик ва бошқалар оғир жиноятлардан ҳисобланган, бунда айборлар аёвсиз жазоланган. Жиноятчиларга адолатли жазолар берилган, бундай тартиботлар давлатда интизом сақланишига олиб келган.

10. Амир Темур даврида мамлакат мудофаасини ташкиллаштириш давлатнинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган. Бу вақтда давлат тинчлигига рахна солувчи ички ва ташқи хавфларни бартараф этишга катта эътибор берилган.

Салтанатнинг энг четида рўй бераётган воқеалардан огоҳ бўлиш ва бу ишни амалга ошириш усулининг мукаммаллиги давлат дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Нафақат четдан кирган ёки четга чиқкан кишиларнинг мақсадлари, хатти-ҳаракатлари, балки қўшни давлатларнинг раҳбарлари, улар юритаётган сиёsat ҳам ўрганилган.

Шунингдек, у ерлардаги сиёсий вазият ҳақида аниқ маълумотларнинг олиниши, «қўшнинг тинч – сен тинч» иборасига қатъий амал қилингани давлат хавфсизлигини таъминлаган. Амир Темурнинг минтақадаги вазиятни яхши билиши унинг маъқул геостратегияни танлашига ва геосиёсатни тўғри юритишига сабаб бўлган.

Расмий маросимларда, саройда, ўрдуда, чегараларда ва мамлакатнинг барча ерларида хавфсизлик хизмати яхши йўлга қўйилган, ҳар бир амалдор ҳамиша жанговар шай ҳолатда туриши шарт ҳисобланган.

Айниқса, амир саройи, девонхонани қўриқлаш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, хавфсизлик хизмати ходимларининг пухта таъёргарлик қўргани, ҳатто уларнинг маҳсус парол орқали сўзлашгани маълум.

Шунингдек, давлат бошқаруви асосларидан бирини ташкил этувчи ҳарбий тизимнинг мукаммал даражада ташкиллаштирилиши Амир Темурга ўз режаларини амалга оширишда қўл келган. Мамлакатда яратилган ҳарбий тизим ҳам бу даврдаги давлатчиликнинг тараққий этишига ижобий таъсири кўрсатди ва у орқали давлатнинг яхлитлиги, барқарорлиги сақланиб турди. Амир Темур ўз даври ҳарбий илмини ривожлантириб, унинг амалга оширилиш воситалари ва бошқа назарий жиҳатларини мислсиз даражада бойитди. Том маънода ўз даврининг энг пешқадам ҳарбий тизимини яратди. Уни иқтисодий, ҳарбий санъат ва дипломатия йўли билан янада мукаммаллаштириди. Бу эса минтақаларда катта таъсири кучига эга бўлишга, шунингдек, давлатни мустаҳкамлашга ўз таъсирини кўрсатган.

11. Амир Темур давлатининг ҳарбий тизими, аввало, мудофаани кучайтиришга қаратилган эди. У томонидан олиб борилган ҳарбий сиёsat йигирма етти давлатни ўз ичига олган йирик салтанат барпо этишга, Осиё минтақасида ўз мақсадларига эришишга, интеграцион жараёнларни тезлаштиришга хизмат қил-

ган. Амир Темур, аввало, зулм ва адолатсизликлар, бошбошдоқликлар хукм сурган давлатларга қарши курашган, миңтақаларда әл-улус фаровонлигини таъминлаган ҳамда ислом дини ва шариат мустаҳкамлиги учун курашган.

Кучлилар заифларга үлжак бүлган ўрта асрларда Амир Темурнинг Осиё миңтақасида тинчлик ва фаровонликни таъминлагани унинг буюк хизматлариданdir.

Соҳибқирон мулк, ҳазина, лашкарни давлат таянчи деб тушунгандын үлжак мутаносиблигини асраш давлат тараққиётининг бош омили деб ҳисоблаган. У ҳалқнинг түқлиги, ҳазинанинг тұлиши, ҳазина мустаҳкамлиги құшиннинг жанго-варлигига бош сабаб деб тушунгандын. Бундан күринадикі, Амир Темур худуд, иқтисод ва лашкарнинг мутаносиблигини таъминлашга интилған. Демек, давлатнинг мудофаа, иқтисод ва ҳарбий тизимларини у бир-биридан айрича тасаввур этмаган. Амир Темурнинг буюклиги шундаки, юз минглаб лашкарнинг тезкор ҳаракати, бошқарув асослари ва юришларни ўта мустаҳкам ташкиллаштирган. Соҳибқирон давлат ва жамиятни бир ижтимоий организм деб тасаввур этгандын ҳамда унинг ҳар бир муруваттың алохидә эътибор қараттады.

Амир Темурнинг құшин тизимидағи ихчамлик, үларнинг үзүй боғлиқлиги, бир-бирига бўйсуниши, погоналар тизими мұкаммал ишлаб чиқилған.

Құшин юришдан бўш вақтларида бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган. Бу ҳам Амир Темур құшинининг ўзига хос жиҳатларидан бириди.

Аввалги жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, Амир Темур ҳарбий соҳани ҳам маслаҳат ва машварат орқали кучайтиришга эътибор қараттады.

Соҳибқироннинг давлатчилик режаларида ички ва ташқи тарқоқликка барҳам бериш бош масалалардан бўлган, шунингдек, у ҳалқаро муносабатларни мувофиқлаштириш ролини бажарған. Улар чапдастлик, олғирлик, мағфийлик ва тезкорлик билан бажарилған. Амир Темурнинг лашкарбошилик қобилияти сиёсий қарашлари ва тактикалари билан уйғунлашиб кетганды.

Қолаверса, ютқизиқсиз мақсад Темур даҳосининг асосини ташкил этганды.

Чунки у ўз даврининг геосиёсий вазиятини түғри баҳолай олган.

Унинг мақсадга эришишда ғоявий кучга, информацион кураш усулларига таянгани, ўз рақибиға психологик ҳужумларни амалга оширгани, давр рухиятини яхши англагани, ўз стратегиясида қабилалараро ва минтақалараро низолардан кенг фойдалана олиши, уруғчилик анъаналарига зарба бериб, қонунийлик гизимини жорий этгани ҳам улкан стратегик қобилиятидан далолатдир. Унинг уруғлараро ва минтақалараро қўллаган тактикалари аник мақсад сари йўналтирилган бўлиб, ўз иттифоқчиларидан стратегик мақсадларда фойдаланган. Амир Темур бир пайтда бир неча нуқталарда нозик тактикалар кўллаган ва геосиёсий майдондаги қизғин нуқталарни ўз назоратига олган. У диний, ирқий тўқнашувларни кучсизлантиришга интилган, маданиятлараро кўприк ўрнатган, бундай режалари мукаммал давлат бошқарувини барпо этишга қаратилган эди. Соҳибқирон илк маротаба «ягона макон» ғоясини илгари сурган ва бугунги Евроосиё ғоясининг ҳам наزارиётчиси сифатида тарихга кирган. Унинг бошқарув ғоялари ислом ва умуминсоний қадриятларга асосланган. Щунингдек, «цивилизациялар тўқнашуви»нинг илк даракчиси сифатида минтақавий, ирқий, миллий, диний, умуминсоний ғояларни ўзининг мукаммал геополитик қобилияти билан уйғунлаштириди.

Амир Темур, бошқа саркарда ва давлат арбобларидан фарқли ўлароқ, халқларни этносиёсий жиҳатдан бирлаштира олди. Бу далиллар унинг давлатчилик ғоялари байналмилалчиликка асосланганлигини кўрсатади.

12. Амир Темур давлатининг пайдо бўлиши ўша даврда ундан кўшни давлатлар билан олиб бориладиган ташқи сиёsat йўналишларини белгилаб олишни тақозо этган. Масалан, Соҳибқирон Чигатой улусининг собиқ ҳудудларига даъвогарлик қилиб Хоразмни ўз давлати ҳудудига кўшиб олишни, шимолий чегараларни мустаҳкамлашни режа қилиб кўйган бўлса, Олтин Ўрда томонидан эҳтимолий хавф-хатарларни бартараф этиш, Эрон, Озарбайжон каби ерларни ўз таъсир доирасига киритиш каби мақсадларини амалга оширишга интилган.

Амир Темур ташқи сиёsatида давлат манфаатлари аввалги ўринга қўйилиши баробарида минтақалардаги халқларга ҳам қатор имкониятлар яратилган. Унда турли халқларнинг ўзаро айирбошлилари, имкониятларини рӯёбга чиқаришга катта эъ-

тибор қаратилган. Амир Темурнинг ташқи сиёсати замирида тинчлик, ҳамкорлик ўрнатиш мақсадлари ётади.

Соҳибқироннинг жалойирлар, қорак ўюнлилар, усмонлилар ва бошқа давлатлар билан муносабатларини мушоҳада этар эканмиз, манфаатлар уруш даражасига олиб бориши эҳтимоли кам бўлган тақдирда ҳам ўзгаларнинг бу жараёнларга таъсири юриш қўламининг кенгайишига олиб келганини қўрамиз. Тинчлик, хотиржамлик, ўзаро ҳамкорлик бош мақсад бўлган тақдирда ҳам, душманларининг қўпол жиноятлари Соҳибқирон томонидан ҳам баъзи қирғинларнинг амалга оширилишига олиб келган. Биз, албатта, унинг бу фаолиятини оқламоқчи эмасмиз. Амир Темур ташқи муносабатларда душманларига обдан мулоҳаза юритиш учун вақт берди, аммо, кузатганимиздек, баъзан бу имкониятдан фойдаланилмади.

Амир Темур ташқи сиёсатининг йўналишларини мушоҳада этиш асносида унинг дипломатияси адолат, қонун ва ҳақгўйликка таянганлигини тушуниб етиш мумкин.

Соҳибқирон дипломатиясига баҳо беришдан олдин унинг ўзида туғма дипломатик истеъод бўлгани, буни вазиятга қараб янада тўлдиргани, маънавий дунёсининг нозиктаъб ва гўзаллигини, юксак даҳо соҳиби бўлганини тан олиш керак.

Биз бугунги кунда Амир Темур дипломатияси, унинг ғоялари, мақсад ва вазифалари, усуслари ва бошқа жиҳатларини чукурроқ ўрганишимиз лозим деб ўйлаймиз. Негаки бугунги давлатчилигимизда ташқи сиёsat масалаларини мувофиқлаштиришда мазкур мерос амалий жиҳатдан катта сабоқ бўлиб хизмат килиши мумкин.

13. Амир Темур жаҳоншумул муваффакиятларининг катта қисмiga дипломатик тадбирлари орқали эришган. Унинг дипломатик ғоялари давлат мафкурасига муштарак бўлиб, инсонпарварлик, байналмилаллик бош ғояси эди. Амир Темур ташқи муносабатларда доимо ҳалқаро дипломатия мезонларига қатъий амал қилган. «Элчига ўлим йўқ» жаҳонгирнинг улуғ шиори бўлиб, энг мураккаб вазиятларда ҳам ана шу қоидага амал қилиб келган.

Амир Темур дипломатиясида мардлик, жасурлик, ташаббускорлик устувор бўлган. Соҳибқирон ҳар қандай вазиятда енгилган рақибига катта ҳурмат қўрсатган. Унинг дипломатиясида

буғун күтарилаётган ягона макон барпо этиш ва интеграцияни кучайтириш бош ғоя бўлган эди.

Теранроқ қарабалса. Амир Темур дипломатияси ўз даврининг илғор дипломатияси бўлиб, у мазкур соҳани ижодий ривожлантириди, бойитди, бу фаолияти орқали маданиятларо кўпrik ўрнатди.

Бизнингча, унинг қатъияти, тиришқоқлиги, мақсадга интилувчанлиги ва имкониятдан максимал фойдалангани, тезкорлиги дипломатик ютуқларига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланади. Музокаралар орқали низоларни бартараф этиш Амир Темурнинг ташки сиёсатдан қўзлаган максадларидан бири эди. Соҳибқирон маслаҳат ва кенгац, илм, ўз даврининг тафаккури, янгича назарий ва амалий қоидалари билан дипломатия илмини мукаммаллаштирган.

У дипломатиянинг вақтни чўзиш услубидан кенг фойдаланган, бу эса тўғри қарорлар қабул қилиш, вазиятдан максимал дарражада фойдаланиш, қулай пайт пойлаб масалани ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Соҳибқироннинг рақибларига нисбатан кечирувчанлик билан ёндашганлиги пасткашликка қарши саҳийлик, сабр-тоқат, бағрикенглик йўлини тутганлигини билдиради. Бу ҳам давлатни мустаҳкамлаган омиллардан биридир. Амир Темур ҳар қандай шароитда ютқизиқсиз ва талафотсиз мақсадга эришишга интилган. Вазиятга қараб дипломатиянинг насиҳат, огоҳлантириш, кўрқитиш ва овоза тарқатиш каби усулларидан, рақибларининг заиф томонларидан усталик билан фойдаланган. Унинг ўзи ўринли қўлланган бир тўғри тадбир билан минглаб сипоҳ қилолмаган ишни бажариш мумкин деб билган.

Амир Темур ўзга давлатлар билан ўрнатиладиган алоқаларда элчилар муҳим роль ўйнашини яхши тушунган. У ўз даври манафатлари ва мафкуравий вазиятга қараб элчиларни танлаш масаласига алоҳида эътибор берган, уларни миллат ва юртнинг рамзи деб тушунган. Шунга монанд саройдаги дипломатия корпуси мукаммал тузилган бўлиб, у мунтазам равишда фаолият юритган. Халқаро муносабатлар шахсан Амир Темур номидан олиб борилган. Бу даврда халқаро учрашувлар, расмий маросимлар аниқ ва санъаткорона ишлаб чиқилган қоидалар асосида ўтказилган. Бу қоидаларнинг юксак меъморий-бадиий ечим, этика, эстетика ютуқлари билан бойитилгани ҳам давлатчиликда муҳим аҳамият касб этган.

14. Соҳибқирон дипломатик мактубларида Шарқнинг энг қудратли давлат раҳбарларига яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, ташқи савдода тадбиркорларга эркинлик бериш ва уларни хукукий жиҳатдан кафолатлашни таклиф қилган. Унинг томонидан битилган хатлар ҳар қандай оғир йўқотишлар даври ва қалтис вазиятларда ҳам муросаю мадора талабида бўлганлигини кўрсатади.

Миср билан қарийб йигирма йиллик мураккаб вазиятларга қарамай, йирик жанг юз бермагани ҳам унинг тўғри дипломатик тадбирлар қўлланганлигини кўрсатади.

Мактублар мазмуни дипломатик муносабатларда Соҳибқирон ҳар бир низоли масалани фақат қонун-коидага асосланиб ҳал қилганлигини кўрсатади.

Ёзишмалар Амир Темурнинг Туркия, Миср, Олтин Ўрда каби йирик давлатларнинг ўзига қаратилган кучли ҳарбий иттифоқига қарши стратегик тадбирлар орқали жангсиз курашгани, ўша даврда халқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кетганидан гувоҳлик беради. Мактублар мазмуни Амир Темур халқаро қоидаларни қўпол равишда бузган душманлари билан бирданига эмас, вазиятга қараб алоҳида мағлубиятга учратгани, имкониятдан тўғри фойдалана олмаган ғанимлари шармандали ва калтабин сиёsat юритганини кўрсатади.

15. Амир Темур давлатчилигида ҳар бир соҳага катта эътибор қаратилган. Унда сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларнинг уйғунлиги таъминланган. Бунда давлат ва фуқароларнинг манфаатлари инобатга олинган. Давлат бошқаруви ихчамлаштирилиб, тезкорлик, самарадорлик ва сифатга эътибор берилган. Бу даврда минтақаларда фаол геосиёсий фаолият юритилган. Мамлакат хавфсизлиги, мудофаа ишлари пухта ташкиллаштирилган. Ҳарбий соҳанинг такомиллаштирилиши давлатда барқарор вазиятнинг ўрнатилишига, шунингдек, минтақаларда фаол ҳаракатлар олиб борилишига, вазиятларни назорат қила олишга замин яратган, у давлатнинг куч-қудрати рамзи саналган.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур давлатида бошқарувнинг ҳар бир соҳаси пухта ишлаб чиқилган ва мукаммал давлатчилик назарияси яратилган. Бу сиёсий таълимот давлатчилик асосларини кучайтиришга, ҳар бир соҳада кучли ижобий ўзгарышлар юзага келишига олиб келган.

Тадқиқот иши юзасидан қўйидаги тавсиялар берилади:

Ушбу монография ишидан Ўзбекистон давлатчилик тарихини ёритишда, Амир Темур салтанатининг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тарихи, жаҳон тарихининг ўрта асрлар қисмини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларига маҳсус курс ташкил этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи», «Сиёсатшунослик», «Фалсафа», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи», «Марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви асослари» ва бошқа фанлардан Амир Темур мавзусига оид баъзи кўшимчаю ўзгартиришлар киритишда, маъруза матнлари, ўкув дастурлари, қўлланмалар тузишда, маҳсус курслар ўқишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан ўрта асрларнинг Амир Темур давлатчилиги билан боғлиқ ҳалқаро муносабатлар ва дипломатия тарихини ёритишда фойдаланиш мумкин.

Амир Темур давлатчилиги тарихини ёзишда турли соҳа мутахассислари билан темуршунос олимларнинг кенг ҳамкорлигини таъминлаш лозим.

Монографиядаги мавжуд маълумотлардан давлат бошқарув органлари раҳбарлари фойдаланишлари мумкин.

Мазкур иш натижаларидан ёшларни миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, юрга садоқат, умуман, комил инсон қилиб тарбиялашда фойдаланиш мумкин.

Ҳарбий билим юртлари, Миллий хавфсизлик институти талабаларига маъruzалар ўқишида фойдаланиш мумкин.

Амир Темур ва темурийлар салтанати давлатчилик тарихини ўрганиш марказини ташкил этиш, унда кенг қамровли фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, турли тилларда чоп этиладиган «Амир Темур ва темурийлар» номли илмий журнал чоп килиш, олингган муҳим натижаларни ушбу матбуотда мунтазам эълон қилиб боришга эришиш муҳим масаладир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Меъёрий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тұғри-сида»ги қарори // Тошкент ҳақиқати. 1995 йил 4 январь.

1.3. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 62 б.

1.4. Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.169.

1.5. Каримов И.А. Азалий буюклик маскани // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.171 – 174.

1.6. Каримов И.А. Соҳибқирон камолга етган юрт // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.175 – 178.

1.7. Каримов И.А. Адолат ва құдрат тимсоли // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.179 – 180.

1.8. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. V жилд. – Б.181 – 191.

1.9. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик рухи бизга намуна бұлаверсін // Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.25 – 30.

1.10. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 208 б.

1.11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 32 б.

1.12. Каримов И.А. Эҳтиром // Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.5 – 9.

1.13. Каримов И.А. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди // Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.10 – 24.

2. Манбалар

2.1. Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли, лугатлар А.Ўринбоевники. – Тошкент: Фан, 1969. – 464 б.

2.2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ.Муниров ва Қ.Махмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 188 б.

Абу Тоҳирхўжа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1994. – 144 б.

2.4. Бағирзода Мираббос. Амир Темурнинг Фарангистонга мактуби // Тошкент оқшоми. 1991. №1.

2.5. Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1965. ХII жилд. – 216 б.

2.6. Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. XIV жилд. – 270 б.

2.7. Амир Темурнинг Боязид Елдиримга йўллаган мактуби // Халқ сўзи. 1996 йил 10 февраль.

2.8. Амир Темур Гўрагон. Зафар йўли / Ашраф Аҳмедов таржимаси ва раҳбарлигида чоп этилган. – Тошкент: Нур, 1992. – 110 б.

2.9. Амир Темур Гўрагоний. Зафарнома / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков. – Тошкент, 2000. – 136 б.

2.10. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида / Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1996. – 296 б.

2.11. Амир Темур Гўрагон. Қиссаи Темур (Малфузоти Темурий) / Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгариш, сўзбоши, лугат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Куронбеков. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 1108 б.

2.12. Амир Темурнинг Франция кироли Шарл VI га мактуби // Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – 74 б.

- 2.13. Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншохнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби // Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.78 – 79.
- 2.14. Аҳмедов Б.А. Хондамир. – Тошкент: Фан, 1965. – 54 б.
- 2.15. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халклари тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 174 б.
- 2.16. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони / Форс тилидан Б.Аҳмедов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 86 б.
- 2.17. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.
- 2.18. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Тошкент: Мехнат, 1992. I китоб. – 328 б.
- 2.19. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Тошкент: Мехнат, 1992. II китоб. – 192 б.
- 2.20. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи / Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 352 б.
- 2.21. Керен Л., Сайдов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари // Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.72 – 82.
- 2.22. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани кайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 528 б.
- 2.23. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар) // Санъат. – Тошкент, 1990. №8. – Б.22 – 23.
- 2.24. Тарихдан сабоқлар / Нашрга тайёрловчи Б.А.Аҳмедов. – Тошкент: Фан, 1994. – 320 б.
- 2.25. Темур тузуклари / Форс тилидан Алихонтўра Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. №8. – Б.131 – 179.
- 2.26. Темур тузуклари / Проф. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 200 б.
- 2.27. Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабиулло Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар, умумий

тахрир академик Б.Аҳмедовники. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 344 б.

2.28. Темур тузуклари / Форсча матндан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Қароматов таржимаси. Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир Муҳаммад Али. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 160 б.

2.29. Ҳофизи Абро. (Низомиддин) Шомийнинг «Зафарнома шоҳий» асарига илова // Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 382 б.

2.30. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Мовароуннаҳр воқеалари 1360 – 1370) / Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А.Ўринбоев, О.Бўриев таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1994. – 288 б.

2.31. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.

2.32. Хондамир. Дастур ул-вузаро. ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди. Инв. №55/1, №5524.

2.33. Хондамир. Номаи номий. ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди. Инв. №801.

2.34. Хондамир. Маъосир ул-мулук. – Техрон, 1994. – 378 с.

2.35. Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1991. – 56 б.

2.36. Автобиография Тамерлана / Перевод с тюркского Нила Лыкошина. – Ташкент, 1894. – 116 с.

2.37. Гияс ад-Дин Али. Дневник похода Тимура в Индию / Перевод с персидского, предисловие и примечания А.А.Семенова. – М.: Наука, 1958. – 206 с.

2.38. Захираддин Мухаммад Бабур. Бабур-наме (Записки Бабура) / Пер. М.Салье. – Ташкент: АН РУз., 1956. – 530 с.

2.39. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди / Введение, пер. с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – 728 с.

2.40. Му'изз ал-ансаб (Прославляющие генеологию) // История Казахстана в персидских источниках. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006. – 672 с.

2.41. Рашид-ад-дин Фазлаллах Ҳамадани. Сборник летописей / Пер. с перс. А.К.Арендса. Под ред. А.А.Ромаскевича, Е.Э.Бертельса, А.Ю.Якубовского. – М.-Л.: Наука, 1946. Т.III. – 340 с.

2.42. Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1406 г.) / Пер. со страисп. предисл. и comment. И.С.Мироковой. – М.: Наука, 1990. – 212 с.

2.43. Собрание восточных рукописей Института Востоковедения АН РУз. История / Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. – Ташкент: Фан, 1998. – 536 с.

2.44. Уложение Тимура (Тамерлана) / Под. ред. Н.П.Остроумова. – Казань, 1894. – 116 с.

2.45. Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния / Составление, обработка и подготовка текста Р.Рахмоналиева. – М.: Гураш, 1992. – 544 с.

2.46. Уложение Тимура / Под ред. И.Муминова. – Ташкент: Наука, 1968. – 168 с.

2.47. Фасих Ахмад ибн Джалалиддин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс. комментарии и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – 346 с.

2.48. Шараф ад-Дин Али Йазди. Зафар-наме / Подг. к печати, предисл., примеч. и указатели А.Урунбаева. – Ташкент: Фан, 1972. – 1270 с.

3. Бир жилдли китоблар, монографиялар

3.1. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 80 б.

3.2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 368 б.

3.3. Азимов Э. Амир Темур салтанати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 88 б.

3.4. Ака Исмоил. Буюк Темур давлати / Туркчадан Т.Қаҳхор таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1996. – 152 б.

3.5. Алимов Р.А. Соҳибқирон Амир Темур (Методик тавсия-нома). – Тошкент, 1995. – 102 б.

Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: Наврӯз, 1992. – 12 б.

3.7. Амир Темур жаҳон тарихида / Иш раҳбари проф. С.Сайдқосимов. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 294 б.

3.8. Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 304 б.

- 3.9. Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1996. – 320 б.
- 3.10. Амир Темур васиятлари, маслаҳатлари, танбехлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 80 б.
- 3.11. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 88 б.
- 3.12. Аҳмедов Б.А. Хондамир. – Тошкент: Фан, 1965. – 54 б.
- 3.13. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 430 б.
- 3.14. Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати // Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.5 – 22.
- 3.15. Аҳмедов Б.А. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 368 б.
- 3.16. Аҳмедов Б. Миллий тарбия сарчашмалари // Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.125 – 126.
- 3.17. Аҳмедов Б.А. Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 94 б.
- 3.18. Аҳмедов Н., Бадиров А. Амир Темур ва темурийлар даври тарихига кириш (маъruzалар матни). – Самарқанд: Самарқанд Университети, 1999. – 74 б.
- 3.19. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 96 б.
- 3.20. Бобоев Ҳ.Б. Алишер Навоий буюк давлат арбоби. – Тошкент: Фан, 1962. – 64 б.
- 3.21. Бобоев Ҳ.Б. Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Университет, 1987. – 72 б.
- 3.22. Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Камалак, 1996. – 200 б.
- 3.23. Бобоев Ҳ.Б., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 48 б.
- 3.24. Ҳусайн Бойқаро. Рисола / Нашрга тайёрловчилар Алибек Рустам ва Каримбек Ҳасан. – Тошкент: Шарқ, 1991. – 44 б.
- 3.25. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 186 б.
- 3.26. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 96 б.

- 3.27. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 96 б.
- 3.28. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (милоддан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001. – 448 б.
- 3.29. Каримов С.К. Амир Темур: дин ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 1997. – 100 б.
- 3.30. Кароматов Ҳ. Айрим атамалар ва тарихий истилоҳларнинг изоҳли луғати // Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.506 – 521.
- 3.31. Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – 88 б.
- 3.32. Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 224 б.
- 3.33. *Логофет Д.Н. Бухоро тоглари ва текисликларида // Сомон йўли.* – Тошкент: Камалак, 1992. – Б.72 – 73.
- 3.34. Лунин В.Б. Амир Темур ва унинг даврига оид манбалар // Темур ва Улугбек даври тарихи. – Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1996. – Б.254 – 264.
- 3.35. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1969. – 46 б.
- 3.36. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон хукукининг тарихий манбалиари. – Самарқанд: Зарафшон, 1995. – 126 б.
- 3.37. Муҳаммаджонов М. Амир Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1994. – 128 б.
- 3.38. Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Фан, 1996. – 128 б.
- 3.39. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Кадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва хуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – 266 б.
- 3.40. Темур ва Улугбек даври тарихи. – Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1996. – 264 б.
- 3.41. Тошқулов Ж.Т. Ўзбекистон халқлари сиёсий ва хуқуқий фикрлари тарихи (XVII – XIX асрлар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 352 б.
- 3.42. Гойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 48 б.

- 3.43. Ҳукҳэм Ҳ. Етти иқлим султони / Рус тилидан Ҳ.Тўрабеков ва Ш.Сокин таржимаси. – Тошкент: Адолат, 1999. – 320 б.
- 3.44. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 354 б.
- 3.45. Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан, 1999. – 164 б.
- 3.46. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 224 б.
- 3.47. Ўринбоев А., Бўриев О. Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – 166 б.
- 3.48. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 208 б.
- 3.49. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – 380 с.
- 3.50. Ахмедов Б.. Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Ташкент: Университет, 1999. – 264 с.
- 3.51. Ахмад Дониш. История Мангитской династии. – Душанбе: Дониш, 1967. – 140 с.
- 3.52. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеологии / Пер. с анг. и прим. П.А.Грязневича. – М.: Наука, 1971. – 324 с.
- 3.53. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М.-Л.: АН СССР, 1950. – 480 с.
- 3.54. Григорьев В.В. История монголов. От древнейших времен до Тамерлана. – СПб.: Тип. К.Крайя, 1834. – 160 с.
- 3.55. Гулямов Я.Г. К истории орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: АН УзССР, 1957. – 314 с.
- 3.56. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Товарищество ККК, 1993. – 620 с.
- 3.57. Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер. с фр. Е.А.Соколова. Послесл. В.Л.Егорова. – М.: Молодая гвардия, 2004. – 260 с.
- 3.58. Жизнь Тимура. Сочинения Лянгле / Пер. с франц. Н.Суворова. – Ташкент, 1890. – 72 с.
- 3.59. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XIV – XV вв.). – М.: ИВАН СССР, 1958. – 248 с.

- 3.60. История Индии в средние века. – М.: Наука, 1968. – 294 с.
- 3.61. Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. – М.-Л., 1950. – 332 с.
- 3.62. Кобзева О.П. История изучения Великого Шелкового пути во второй половине XIX – в начале XX вв. – Ташкент: Заркалам, 2006. – 160 с.
- 3.63. Леонов И.И. Улугбек – великий астроном XV века. Изд. 2-е. – М., 1950.
- 3.64. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – 340 с.
- 3.65. Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии XIV – XV вв. – Душанбе, Дониш, 1966. – 130 с.
- 3.66. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. по материалам «Вакф-наме». – Ташкент: Наука, 1966. – 354 с.
- 3.67. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Ташкент: Фан, 1976. – 234 с.
- 3.68. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV – XVI вв. – Ташкент: Фан, 1985. – 136 с.
- 3.69. Муминов И.М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии: в свете данных письменных источников. – Ташкент: Наука, 1968. – 46 с.
- 3.70. Петрушевский И.П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII – XIV вв. – М.-Л.: АН СССР, 1960. – 492 с.
- 3.71. Петрушевский И.П. Ислам в Иране VII – XV веках (курс лекций). – Л.: ЛГУ, 1966. – 400 с.
- 3.72. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент: Художественная литература, 1958. – 292 с.
- 3.73. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана с древнейших времен до середины XIX века. – М.: Искусство, 1965. – 418 с.
- 3.74. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. – Ташкент: Мир, экономика и право, 1999. – 112 с.
- 3.75. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаева Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент: Адолат, 2000. – 352 с.

- 3.76. Хукхэм Х. Властитель семи созвездий / Перевод с английского Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. – 320 с.
- 3.77. Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. – Ташкент: Фан, 2006. – 328 с.
- 3.78. Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и тимуридах. Очерк. – Л., 1933. – 68 с.
- 3.79. Я – Темур, властитель вселенной / Составитель Марсель Брион (Франция). Отв. редакторы А.Ахмедов, Д.Юсупова. – Ташкент, 2007. – 504 с.

4. Кўп жилди китоблар ва туркум нашрлар

- 4.1. Комилов Н. Тасаввух ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
- 4.2. Комилов Н. Тасаввух. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 206 б.
- 4.3. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи (тарихий-хуқуқий тадқиқот). – Самарқанд: Зарафшон, 1998. I қисм. – 312 б.
- 4.4. Тожиҳонов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон ИИВ академияси, 1998. 1-жилд. – 336 б.
- 4.5. Ҳамроев Т. Амир Темур ва илм-маърифат // Амир Темур сабоқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. 2-қисм. – Б.11 – 12.
- 4.6. Ахмедов Б.А. Из истории политической жизни Хорезма XV в. Серия ОН. – Ташкент: АН Уз ССР, 1965. №5. – С.45 – 53.
- 4.7. Арунова М.Р. К истории народных выступлений в государстве Тимуридов в XV в. // КСИВ АН СССР. – М.: Наука, 1960. Т.XVII. – С.34 – 36.
- 4.8. Бартольд В.В. Народное движение в Самарканде 1365 года // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – СПб., 1907. Т.XVII. – С.1 – 19.
- 4.9. Бартольд В.В. О погребении Тимура // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – Пг., 1916. Т.XXVII. – С.1 – 32.
- 4.10. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – СПб., 1898. Тексты. – С.201; Исследование. – СПб., 1900. Ч.1. – 574 с.

- 4.11. Бартольд В.В. Тимур // Энциклопедический словарь. – М.-СПб.: Бракгауз-Ефран, 1901. Т.XXX. – С.195 – 197.
- 4.12. Бартольд В.В. Народное движение в Самарканде 1365 года // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – СПб., 1907. Т.XVII. – С.1 – 19.
- 4.13. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения. – М., 1963. Т.1. – 762 с.
- 4.14. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Сочинения. – М., 1963. Т.2. Ч.1. – С.265 – 267.
- 4.15. Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра // Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М., 1963. Т.1. – С.114 – 237.
- 4.16. Бартольд В.В. История Туркестана (конспекты по истории Туркестана с древнейших времен до завоевания его русскими) // Сочинения. – М., 1963. Т.2. Ч.1. – С.157 – 162.
- 4.17. Бартольд В.В. Улугбек и его время // Сочинения. – М., 1964. Т.П. Ч.2. – С.25 – 174.
- 4.18. Бартольд В.В. Мир Алишер и политическая жизнь (Алишер Навои) // Сочинения. – М., 1964. Т.П. Ч.2. – С.198 – 260.
- 4.18. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории тюркских народов Средней Азии // Сочинения. – М., 1968. Т.V. – С.17 – 192.
- 4.19. Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана // Сочинения. – М., 1971. Т.VII. – С.31 – 225.
- 4.20. Бартольд В.В. Исторический обзор // Сочинения. – М., 1971. Т.VII. – С.227 – 234.
- 4.21. Бартольд В.В. Хафизи-Абру и его сочинения // Сочинения. – М., 1973. Т.VIII. – С.74 – 97.
- 4.22. Бартольд В.В. Новый источник по истории Тимуридов // Сочинения. – М., 1973. Т.VIII. – С.546 – 574.
- 4.23. Гафуров Б.Г. История таджикского народа. – М., 1955. Т.1. – 322 с.
- 4.24. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: Ирфон, 1989. Кн.П. – 212 с.
- 4.25. Грановский Т.Н. Тимур // Полн. собр. соч. – СПб., 1905. Т.1. – С.341 – 352.
- 4.26. Гулямов Я.Г., Семенов А.А. Исторические знания у народов Средней Азии (в XI – XVI вв.) // Очерки исторической науки в СССР. – М.: АН СССР, 1955. Т.1. – 254 с.

- 4.27. История Азербайджана. С древнейших времен до присоединения Азербайджана к России. – Баку, 1958. Т. I. – 302 с.
- 4.28. История Грузии. – Тбилиси, 1950. Часть I. – 284 с.
- 4.29. История народов Узбекистана. С древнейших времен до начала XVI в. / Авторы К.В.Тревер, А.Ю.Якубовский, М.Э.Воронец. Под ред. С.П.Толстова, Ю.В.Захидова, Я.Г.Гулямова и Р.Н.Набиева. – Ташкент, 1950. Т. I. – 474 с.
- 4.30. Возникновение и развитие феодального строя (VI – XVI вв.) // История таджикского народа / Под. ред. Б.Г.Гафурова, И.М.Беленицкого. – М.: Наука, 1964. Т. II. Кн.1. – 492 с.
- 4.31. История Туркменской ССР. С древнейших времен до конца XVIII века. – Ашхабад: АН Туркменской ССР, 1957. Т. I. – 496 с.
- 4.32. История Узбекской ССР в 4-х томах. С древнейших времен до середины XIX вв. – Ташкент: Фан, 1967. Т. I. – 772 с.
- 4.33. История Узбекской ССР / Под ред. М.Г.Вахабова и др. – Ташкент, 1956. Т. I. – 498 с.
- 4.34. Киргизия при Тимуре и тимуридах // История Киргизии. – Фрунзе, 1969. Вып. I. – С.183 – 225, 243 – 245.
- 4.35. Маркс К. Хронологические выписки // Архив Маркса и Энгельса. Т. V – VI. – М.: Госиздат, 1939. Т. II. – С.44.
- 4.36. Массон М.Е. Самаркандский Регистан // Труды САГУ. Новая серия. – Ташкент, 1950. Вып.2. – С.75 – 80.
- 4.37. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеке. Труды САГУ, новая серия. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1953. Вып.61. Гуманитарные науки. Кн.6. – С.17 – 97.
- 4.38. Материалы по истории туркмен и Туркмении. XVI – XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники / Под ред. акад. В.В.Струве, А.К.Боровкова, А.А.Ромаскевича, П.П.Иванова. – М.-Л.: АН СССР, 1938. Т. II. – 700 с.
- 4.39. Махмудов Н. Из истории земельных отношений и налоговой политики государства тимуридов // Вакуфное землевладение. – Душанбе: ИВАН Тадж ССР. ООН. 1963. №1 (32). – С.21 – 33.
- 4.40. Махмудов Н. Феодальная рента и налоги при Тимуре и тимуридах // Труды ТаджГУ, Серия исторических наук. СССР. – Душанбе, 1967. Вып. II. – С.60 – 80.

- 4.41. Петрушевский И.П. Движение сербедаров в Хорасане // УЗИВ. История и экономика стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1956. Т. XIV. – С. 91 – 162.
- 4.42. Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов // Труды САГУ, новая серия. – Ташкент, 1951. Вып.23. Гуманитарные науки. Кн.4. – С.143 – 168.
- 4.43. Росляков А.А. Военное искусство Средней Азии и Казахстана VI – XV вв. // ТуркмГУ. Ученые записки. – Ашхабад, 1962. Вып.21. – С.78 – 79.
- 4.44. Строева В.Л. Возникновение государства Тимура // Ученые записки ЛГУ. История и филология стран Востока. Серия востоковедческих наук. – ЛГУ, 1952. №128. Вып.3. – С.70 – 75.
- 4.45. Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УзГУ. Новая серия. – Самарканд, 1956. Вып.61. – С.179 – 200.
- 4.46. Умняков И.И. Малоизвестный французский источник о Тимуре // Труды СамГУ. Новая серия. История. – Самарканд, 1960. Вып.6. – С.173 – 199.
- 4.47. Хасанов А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV – в начале XV вв. // Сборник науч. трудов. ТашГУ. Востоковедение. – Ташкент, 1981. №5. – С.130.
- 4.48. Шлоссер Ф. Всемирная история. – М., 1870. Т.8. – С.56.
- 4.49. Якубовский А.Ю. Государство Тимура // История Узбекской ССР. Кн.1. – Ташкент, 1955. Т.1. – С.313 – 334.

5. Монография ва монография авторефератлари

- 5.1. Зайнуддинов О.З. Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигига туттган ўрни (1991 – 2001): Тарих фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 28 б.
- 5.2. Маматов Х.Т. «Темур тузуклари»да давлат ва ҳукуқ масаласи: Юрид. фан. номз... дисс. – Тошкент: ИИВА, 2002. – 156 б.
- 5.3. Муҳаммедов Х.М. Мовароуннахрда давлатчилик ривожланишининг муаммолари (VII – XIII асрлар): Юрид. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: ИИВ академияси, 2001. – 26 б.

5.4. Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги нинг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи («Темур тузуклари» асосида): Юрид. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент: ИИВА, 1996. – 48 с.

5.5. Ульжаева Ш.М. XX асрнинг 50 – 60-йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 1999. – 154 б.

5.6. Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослиги ёритилиши: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2004. – 166 б.

5.7. Хидиров С. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: Юрид. фан. номз... дисс. – Тошкент: ИИВА, 2002. – 178 с.

5.8. Абиджонова Д.С. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: Уз ФА ИИ, 2001. – 26 с.

5.9. Ишанова Ш.А. Нормы шариата и их применение казаискими судами в Средней Азии до 1924 года: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 1993. – 24 с.

5.10. Махмудов Н. Из истории аграрных отношений в Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Душанбе: ДГУ, 1965. – 18 с.

5.11. Мукимов З. Основные исторические источники права в Узбекистане (VIII – XIX вв.): Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – Ташкент: АВД УзР, 1998. – 48 с.

5.12. Юсупова Д.Ю. Творческое наследие Хондамира как источник по истории культуры Центральной Азии XVI в.: Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН Уз, 2001. – 52 с.

6. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

6.1. Аҳмедов Б. «Темур тузуклари» ҳакида икки оғиз сўз // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. №8. – Б.27 – 32.

6.2. Болтаев А. Амир Темур мухри ҳакида // Шарқшунослик. – Тошкент, 1993. №4. – Б.108 – 109.

- 6.3. Бўриев О. Амир Темур даврида Мовароуннахр ва Мўғулистан муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.37 – 44.
- 6.4. Жузжоний А. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1997. №7. – Б.11 – 19.
- 6.5. Исламатуллоҳ Х. Соҳибқирон ва хорижий дунё. Венеция архивларидағи Амир Темурга оид ҳужжатлар // Иктиносид ва ҳисобот. – Тошкент, 1996. №9. – Б.72 – 78.
- 6.6. Каримов С.К. Фоний бўлмаган ... (Амир Темур ва тасаввиф) // Гулистон. – Тошкент, 1996. №5. – Б.10 – 16.
- 6.7. Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.46 – 48.
- 6.8. Каримов F., Ҳабибуллаев А. Амир Темур ва Темурийлар давлатининг дипломатик алоқалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1998. №1. – Б.34 – 37.
- 6.9. Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.10 – 37.
- 6.10. Маннонов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1993. №4. – Б.128.
- 6.11. Муқимов З. Амир Темур нега хонлик мансабини олмаган? // Гулистон. – Тошкент, 1998. №3. – Б.20 – 21.
- 6.12. Назаров Х. Соҳибқирон ва шарқона демократия // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1996. №4. – Б.3 – 9.
- 6.13. Назаров Х. Соҳибқироннинг адолат ҳақидаги таълимоти // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1996. №8. – Б.5 – 10.
- 6.14. Салоҳиддинов З. Тарихий жасорат ёхуд жавонмардлик сабоқлари // Гулистон. – Тошкент, 1996. №4. – Б.13.
- 6.15. Тошқулов Ж. Меросдан сабоқ – келажакка ойдин йўл // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1994. №12. – Б.58 – 62.
- 6.16. Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг уч тамойили // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1996. №9. – Б.8 – 10.
- 6.17. Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.60 – 72.
- 6.18. Усмон О. Ваҳдат шаробини ичдим (Яссавия тариқати) // Мулоқот. – Тошкент, 1991. №6. – Б.12 – 20.
- 6.19. Хидиров С. Амир Темур салтанати // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2001. №4. – Б.33.

- 6.20. Гуломов С. Амир Темур билан Ахмад ибн Увайс Жало-йир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б.196 – 200.
- 6.21. Гуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.74 – 83.
- 6.22. Қораев С. Сўз мулки // Шарқшунослик. – Тошкент, 1995. №6. – Б.171.
- 6.23. Абдураимов М.А. Обзор литературы, посвященной Тимуру и тимуридам, изданной в Узбекистане в 60-х годах // История СССР. – М., 1973. №5. – С.83 – 90.
- 6.24. Беленицкий А.М. К истории феодального землевладения в Средней Азии и Иране в тимуридскую эпоху (XIV – XV вв.) // Историк марксист. – М., 1941. №4. – С.43 – 58.
- 6.25. Заходер Б. Империя Тимура // Исторический журнал. – М., 1941. №6. – С.78 – 88.
- 6.26. Лунин Б.В. История культуры и искусства времени тимуридов в советской литературе. Библиографический указатель // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1969. №8 – 9. – С.101 – 145.
- 6.27. Лунин Б. Новая книга о Тимуре и не сбывшиеся надежды её читателей // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1992. №9 – 10. – С.66 – 70.
- 6.28. Новосельцев Н.П. Об исторической оценке Тимура // Вопросы истории. – М., 1973. №3. – С.3 – 20.
- 6.29. Пугаченкова Г.А. Страницы из истории тимуридской культуры // Народы Азии и Африки. – М., 1961. №4. – С.20 – 25.
- 6.30. Юсупова Д.Ю. Развитие образования в эпоху Амира Темура и темуридов // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1996. №7 – 10. – С.106 – 109.

7. Илмий ишлар тұпламларига ҳаволалар

- 7.1. Алимов Ү. Шохрухияда олиб борилған янги тадқиқоттар // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мурохазалар: Республика илмий анжуман материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2003. – Б.78 – 84.

7.2. Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2005. 2-китоб. – 218 б.

7.3. Ахророва С. Амир Темурнинг давлатни бошқариш усуллари хусусида // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2005. – Б.169 – 174.

7.4. Бўриев О. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари ва «Темур тузуклари» // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2003. – Б.85 – 92.

7.5. Бўриев О. Клавихо «Кундалиги»да Мовароуннаҳр тавсифи // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2005. 2-китоб. – Б.47 – 63.

7.6. Бўриев О. Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси. // Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.92 – 134.

7.7. Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий таълимотининг асосий тамойиллари // Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан. – Самарқанд: Самарқанд, 2000. – Б.259 – 311.

7.8. Кароматов Ҳ. «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2003. – Б.54 – 65.

7.9. Маннонов Б. Амир Темурнинг муҳрлари ҳақида // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2003. – Б.18 – 25.

7.10. Мустақиллик йилларида ижодий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДСИ, 2004. – 182 б.

7.11. Соғуний А. Олтин китоб химояга муҳтож эмас // «Ўзбегим» тўплами. – Тошкент: Правда Востока, 1992. – 236 б.

7.12. Тарихий манбашунослик муаммолари // ЎзМУ Илмий ишлар тўплами. – Тошкент: Университет, 2003. – 226 б.

- 7.13. Темурийлар даври маданий ёдгорликлари // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, муроҳазалар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, ТТДМ, 2003. – 108 б.
- 7.14. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, муроҳазалар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент: ТТДМ, 2003. – Б.34 – 42.
- 7.15. Эсонов М. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асаридаги ғоявий асосларнинг Амир Темур давлат бошқарувидаги инъикоси // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар: Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2005. 2-китоб. – Б.174 – 181.
- 7.16. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 338 б.
- 7.17. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. – Тошкент: ТДПУ, 2004. – 294 б.
- 7.18. Ўзбекистон давлатчилиги тараққиёт босқичлари. Олий ўкув юртлараро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 162 с.
- 7.19. Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: ТКТИ, 2005. – 238 б.
- 7.20. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. I қисм. – 290 б.
- 7.21. Ўрта Осиёнинг маданий мероси. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2000. – 310 с.
- 7.22. Абдураимов М.А. К изучению истории социально-экономической жизни государства Тимуридов // Из истории развития общественно-экономической мысли в Узбекистане в XV – XVI вв. – Ташкент: Фан, 1960. – С.5 – 32.
- 7.23. Ахмедов Б. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра в первой половине XV века // Из истории эпохи Улугбека. Сб. статьей. – Ташкент: Фан, 1965. – С.5 – 66.
- 7.24. Ахмедов Б. Политическая жизнь Маверауннахра при Амире Темуре // Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Ташкент: Университет, 1999. – С.18 – 59.

- 7.25. Беленицкий А.М. Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии в XIV – XV вв. // ТОВ-ГЭ. – Л., 1940. Т.II. – С.189 – 201.
- 7.26. Кляшторний С.Г. Предисловие // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1968. Т.V. – С.6 – 7.
- 7.27. Мукминова Р.Г. Ремесло и торговля (при Тимуре и тимуридах) // История Самарканда. – Ташкент, 1969. Т.I. – С.195 – 212.
- 7.28. Мукминова Р.Г. Социальный состав населения // Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Ташкент: Университет, 1999. – С.117 – 126.
- 7.29. Муминов И.М. К изданию факсимиле «Уложение Тимура» // Уложение Тимура. – Ташкент, 1968. – С.3 – 5.
- 7.30. Умняков И.И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы // История Самарканда. – Ташкент, 1969. – С.173 – 195.
- 7.31. Юсупова Д.Ю. Вопросы градостроительства в трудах Хондамира // Позднефеодальный город Средней Азии. – Ташкент, 1990. – С.157 – 162.

8. Конференция тезислари

- 8.1. Азамат Зиё. Амир Темур даврида давлат бошқаруви // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.12 – 13.
- 8.2. Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни: Халқаро конференция маъruzalariining тезислари. – Самарқанд, 1996. – 118 б.
- 8.3. Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси // Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни: Халқаро конференция маъruzalariining тезислари. – Самарқанд: СамДУ, 1996. II қисм. – 232 б.
- 8.4. Аскаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.39 – 40.
- 8.5. Бурхонов К.Л. Амир Темур давлати ва ягона Туркистан концепцияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни:

Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.38 – 39.

8.6. Нелсон Р. Амир Темур улкан стратег ва улкан сиёсатдан сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.33 – 34.

8.7. Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.104 – 107.

8.8. Маҳмудов В.Н. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик маҳорати // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.28.

8.9. Муқимов З. Амир Темур давлатида ҳуқуқнинг манбала-ри // Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни: Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996. – Б.67 – 68.

8.10. Муқимов З. Амир Темур «Тузуклари» ҳуқуқнинг тарихий манбай сифатида // Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси: Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд: СамДУ, 1996. Ж.И. – Б.135 – 136.

8.11. Муҳаммадиев Ш. «Темур тузуклари»да жиноят ва жазо // Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни: Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд: СамДУ, 1996. – Б.155 – 156.

8.12. Муҳаммаджонов А.Р. XIV аср охири – XV асрларда ирригация ва ер эгалиги тарихидан // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.44 – 45.

8.13. Олимов У. Амир Темур даврида боғчилик санъати // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.12 – 13.

8.14. Остонова Г. Амир Темурнинг туркийда битилган бир ёрлиги ҳақида // Тарихий манбашунослик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Университет, 2003. – Б.81 – 84.

8.15. Прицак О. Амир Темур салтанатининг тузилиши // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.15 – 16.

8.16. Фрагнер Б. Амир Темурнинг маъмурий ислоҳотлари ва уларнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон давлат идораларига таъсири // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.13 – 15.

8.17. Фарзалиев Ш.Ф. Темурнинг усмонли султони Боязид билан ёзишмалари // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.90 – 92.

8.18. Фатхи ал-Гувейли. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.108 – 109.

8.19. Буряков Ю.Ф. Историческая топография Самарканда тимуровского времени // Тезисы докладов. – Ташкент, 1960. – С.26 – 28.

8.20. Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV в. // Научная сессия профессорско-преподавательского состава УзГУ, апрель, 1959. Тезисы докладов. – Самарканд: УзГУ, 1959. – С.55 – 58.

8.21. Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV века // Международный конгресс востоковедов. – М., 1960. – С.220 – 223.

8.25. Юсупова Д.Ю. Вопросы науки и культуры эпохи темуридов в трудах Хондамира // Расцвет науки и культуры в эпоху темуридов: Материалы междунар. конференции. – Ташкент-Париж, 1996. – С.28 – 36.

9. Газеталарда эълон қилинган мақолалар

9.1. Алибеков Л. Ҳарбу зарб даҳоси // Ўзбекистон овози. 1997 йил 8 апрель.

9.2. Амир Темурнинг Боязид Елдиримга йўллаган мактуби // Халқ сўзи. 1996 йил 10 февраль.

9.3. Бағирзода Мираббос. Амир Темурнинг Фарангистонга мактуби // Тошкент оқшоми. 1991. №1.

9.4. Бердимуродов А. Улуғларимизни қачон улуғлаймиз? // Туркистан. 1992 йил 10 январь.

9.5. Исматулла Хайрулла. Султон Ҳусайн Бойқаро фармони (ўзбеклар ва дунё). Британия музейида сақланаётган Ҳусайн Бойқаронинг Боязидга ёзган хати ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1998 йил 11 сентябрь.

9.6. Олмон аслзодаси Соҳибқирон хизматида // Соҳибқирон юлдузи. 1998 йил 13 январь.

9.7. Соҳибқирон ва Миср султонлари // Халқ сузи. 1996 йил 20 февраль.

9.8. Соҳибқироннинг ҳарбий ислоҳотлари // Халқ сўзи. 1996 йил 22 август.

10. Хорижий тиллардаги адабиётлар

10.1. Aercke K. Au tirioir des peurs occidentals. Samarkande 1400 – 1500. – Paris, 1995. – P.55 – 72.

10.2. Ahmad Hasan Dani. Timur Leogacy // Pakistan Academy of letters. –Islamabad, 1996. – 238 p.

10.3. Aka Ismail. Mirza Sahruh zamanında (1405 – 1447) timurlularda imar faaliyetleri. – Istanbul, Belleten (1984). XLVIII. – S.189 – 190, 285 – 297.

10.4. Aka Ismail. Timur'un ölümünden sonraki hakimiyet mucadelerini kısa bir bakış // Yıldönü münü anma kitabı. – Ankara, 1974. – S.383 – 390.

10.5. Aka Ismail. Timur'un ölümünden sonra guney Iran'da hakimiyet mucadeleleri. Atsiz armagani. – Istanbul, 1976. – S.3 – 15.

10.6. Aka Ismail. Timur'un Ankara savası (1402) fetihnamesi // Türk Tarik Kurumu. Belgeler. – Istanbul, Turk tarih belgeleri dergisi, 1986. – S.1 – 22.

10.7. Aka Ismail. Timur'un olumandan sonra dogu Anadolu, Azerbaycan ve Irak-I Acem'de hakimiyet mücadeleri // Türk Kultürü arastırmaları. XXII. – Istanbul, 1986. №1 – 2. – S.49 – 66.

10.8. Aka Ismail. Timur ve devleti // Atatürk kültür. Dil ve tarih yüksek kurumi. Turk takih kurumu yayınları. – Ankara, 1991. XXIV. Dizisa. 15. – P.172.

10.9. Aka Ismail. Timur devri Anadolusu // Osmanlı. – Ankara, 1999. I cilt. – S.229 – 234.

10.10. Alexandrescu-Derca M.M. La campagne de Timur en Anatolie 1402. – Bucuresti, 1942. – 250 p.

- 10.11. Amarger P., Laffont K. *La Fureur des Tartares.* – Paris, 1996. – 358 p.
- 10.12. Amiof J.M. *Recueil de suppliques lettre de cruance, etc. / Memoires concernant les Chinois.* 1789. Vol. 14. – P.239 – 308.
- 10.13. Amoretti B.S. *Religion in the timurid and safavid periods // The Cambridge history of Iran.* The Cambridge University Press. 1986. VI. Chapter 12. – P.610 – 656.
- 10.14. Andrews P.A. *The tents of Timur: an examination of reports on the quriltay at Samarkand, 1404 // Art of the European steppe lands / Ed. P.Denwood.* – London, 1978. – P.143 – 181.
- 10.15. Appendix C. *The formal administrative structure // Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane.* – Cambridge University Press, 1989. – P.167 – 175.
- 10.16. Atiya Aziz Suryal. *Europe and the Tatars // The Crusades in the later Middle Ages.* – London, 1956. – P.256 – 259.
- 10.17. Aubin J. *Comment Tamerlan Prenait les villes // Studia Islamica.* – Paris, 1963. Vol.XIX. – P.83 – 122.
- 10.18. Aubin J. *La fin de l'Etat sarbadar au Khorasan // Journal asiatique.* 1974. CCL. XII. – P.95 – 118.
- 10.19. Aubin J. *L'Ethnogenese des qaraunas // Turcica.* I. – P.65 – 94.
- 10.20. Aubin J. *On santon qushautie a l'epoque Timouride // Revue des etudes islamiques,* 1967. – P.185 – 216.
- 10.21. Aubin J. *Tamerlan and Bagdad // Arabica.* 1962. IX. – P.303 – 309.
- 10.22. Balfour E. *The Encyclopaediya of India and Southern Asia.* Gras, 1968. Vol. 3. – P.887 – 889.
- 10.23. Bazin L. *Les peuples turcophones en Eurasie: un cas majeur d'expansion ethnolinguistique // Herodote.* – Paris, 1986. №42. – P.75 – 107.
- 10.24. Beaupertius-Bressand F. *Jardins Timurides a Paris // La Temuride.* – Paris, 1991. №5. – P.10.
- 10.25. Berinstain V. *Les palais de soie de Timur et les tapis d'Asie Centrale // La Timuride.* – Paris, 1992. №8. – P.14 – 15.
- 10.26. Beaupertuis-Bressand F. *Le Prince Sacant annexe les étoiles // Samarcande 1400 – 1500.* – Paris, 1995. – P.123 – 149.
- 10.27. Beaupertius-Bressand F. *Festivites timurides a Paris // La Temuride.* – Paris, 1996. №16. – P.2 – 3.

- 10.28. Berindei et Veinstein. La Tana-azaq de la Persen italienne de l'Empire ottoman (fin XIII – XVI siecle) // *Turcica*. 1976. VIII. 2. – P.110 – 201.
- 10.29. Berinstain V. Timur et les grands Moghols de l'Inde // *La Timuride*. –Paris, 1990. №3. – P.9 – 12.
- 10.30. Beveridge H. On Tamerlane // *JASB (Journal of the Asiatic Society of Bengal, Calcutta)*. 1938. Ser. 7. Vol. 4. – P.167 – 174.
- 10.31. Bonneville G. de. La terrible vengeance de Tamerlan // *Melanges de l'Univesite Saint-Josseph*. – Beirut, 1975 – 1976. XLIX. – P.803 – 817.
- 10.32. Bozkurt M.E. Aksak Timur'un develof politikas. – Istanbul, 1943. – 48 p.
- 10.33. Bouvat L. Essai sur la civilization timuride // *Journal Asiatique*. 1926. Vol. CC. VIII. – P.193 – 299.
- 10.34. Bouvat L. Timur lang // *EI. (Encyclopaedia Islam)*. 1934. Vol. 4. – P.777 – 779.
- 10.35. Brent-Barbara. A carpet and related pictures. A legasy of Timur's Samarqand // *Oriental Art*. 1984. XXX. №2. – P.186.
- 10.36. Bretschneider E. Notice of the medieval geography and history of Central end Western Asia. Drawn from Chinese end Mongol writings end compared with observations of western authors in the Middle Ages. – London, 1877. – 233 p; 2 maps.
- 10.37. Brion M. Tamerlan: Presentation de Tamerlan par M. Brion; texts de Tamerlan: Ibn Arabchah, Cheref ed-din, Ibn Khaldoun, l'archeveque de Sultanieh, l'ambassadeur Clavijo. Le merechal boucicant. – Paris, 1963. – 382 p.
- 10.38. Capus G. A Travers le Royaume de Tamerlan. – Paris, 1892. – 434 p.
- 10.39. Chaghtai A. Indian links With Central Asia in in Architecture // *Indian Art and letters*. – London, 1937. XII. – P.85 – 104.
- 10.40. Dizer M. Ulugbeg. – Ankara, 1989. – 98 p.
- 10.41. Ferrier R. Trade from the 14th century to the end of the safarid period // *The Cambridge history of Iran*. The Cambridge University Press. 1986. Vol. VI. – P.412 – 491.
- 10.42. Fourniau V. *Histoire de l'Asie Centrale*. – Paris, 1994. – 128 p.

- 10.43. Fourniau V. Samarcande timuride. Samarcande 1400 – 1500. – Paris, 1995. – P.11 – 28.
- 10.44. Fragnuer B. Social and international economic affairs // The Cambridge history of Iran. The Cambridge University Press. 1986. VI. Chapter 9. – P.491 – 568.
- 10.45. Jamaluddin S. Timurs contribution to the islamisation of the Central Asian state and society // Islam at the modern age. 1981. Vol. 12. – P.114 – 125.
- 10.46. Goldenchtein Y. Samarcand, Bukhara, Shahrizabs, Khiva. – Paris, 1995. – 192 p.
- 10.47. Institutes, Political and Military. Written ... by the great Timour with the notes by Major Davi ... – Oxford, 1787.
- 10.48. Haidar M. Timurlar davlatinde hakimiet anlayisi (XIV – XV. Yuzyillar) // Turk kulturi. 1984. XII. – S.611 – 632.
- 10.49. Haider M. The sovereign in the Timurid state (XIV – XV centuries) // Turcica. 1976. VIII. 2. – P.57 – 79.
- 10.50. Halil Inalchik. Osmanli tarihine toplu bir bakis // Osmanli 12 ciltlik. – Istanbul, 1999. 1 cilt. – 702 s.
- 10.51. Hookham H. Timurlaine the conqueror. – London, 1962. – 234 p.
- 10.52. Kehren L. Tamerlan et Byzance // La Timuride. – Paris, 1994. 13. – P.3–6.
- 10.53. Kehren L. Tamerlan, le Seigneur de fer. – Neuchatel, 1978. – 260 p.
- 10.54. Kehren L. Tamerlan. – Paris: Payot, 1980. – 262 p.
- 10.55. Kehren L. Un Espagnol a Samarcande // Samarcande 1400 – 1500. – Paris, 1982. – P.30 – 47.
- 10.56. Kennedy E. The exact sciences in timurid Iran // The Cambridge history of Iran. The Cambridge University Press. 1986. Vol. VI. – P.568 – 581.
- 10.57. La Renessans timouride. – Paris, 1966. – 224 p.
- 10.58. Lentz T., Lowry G. Timur and the princely vision. Persian art and culture in the fifteenth century. – Washington, 1989. – 396 p.
- 10.59. Leomu F. Tamerlan. – Paris, 1996. – 354 p.
- 10.60. Manz B.F. Adminstration and the delegation of authority in Temur's dominions // Central Asiatic Journal. 1976. XX. – P.191 – 207.

- 10.61. Manz B.F. The Ulus Chagatay before and after Temur's rise to power // Central Asiatic Journal. 1983. XXVII. – P.79 – 100.
- 10.62. Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989. – 228 p.
- 10.63. Nelson R. Timur is military strategist and geopolitical. His modern interpretation in world history. – Tashkent: Uzbekistan, 1996. – P.17 – 19.
- 10.64. Prof. Dr. M.Kemal Oguzman. Medene hukuk dersleri. – Istanbul: Filiz kitabevi, 1990. – 856 s.
- 10.65. Roux J.P. Tamerlan. – Paris, 1991. – 380 p.
- 10.66. Samarcande 1400 – 1500. La cite-oasis de Tamerlan: Coeur d'un Empire et d'une Renaissance. Dirige par Vincent Fourniau. – Paris, 1995. – 226 p.
- 10.67. Szuppe M. Le Khorassan et l'Fsia centrale aux XIV – XVIe siecles: aspects de l'unite culturelle et politique // La Timuride. – Paris, 1995. №14. – P.8 – 15.
- 10.68. Spuller Bertold. India before Timur the mongol period. History of the Muslim world. – Leiden, 1960. – P.60 – 65, copyright 1969. 1996.
- 10.69. Spuller Bertold Timur // The mongol period. History of the Muslim world. – Leiden. Brill, 1960. Copyright, 1969. 1994.
- 10.70. Tan M.T. Timurlenk. – Istanbul, 1936. – 318 p. 2nd ed: Istanbul, 1960. – 224 p.
- 10.71. The Cambridge history of Iran. – Cambridge, 1970. V.2. – P.586 – 587.
- 10.72. The Cambridge history of Iran. – Cambridge, 1986. V.6. Chapter 7.
- 10.73. The Cambridge history of Iran. The timurid and safarid period // The Cambridge University Press, 1986. №6. – P.42 – 146.
- 10.74. The Cambridge history of India. – Cambridge, 1987. VIII. – P.195 – 201.
- 10.75. UNESCO: Resolutions twentyeighteen session of the general Conference. – Paris, 1996. Vol. I. – 90 p.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Амир Темур салтанатида давлат бошқаруви асослари	
1.1. Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги сиёсий мавқеи.....	22
1.2. Амир Темур салтанатида бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари	37
1.3. Амир Темур салтанатининг ижтимоий тизими.....	52
I боб бўйича хулоса.....	67
II боб. Амир Темур салтанатининг маъмурий тизими	
2.1. Амир Темур салтанатининг марказий ва маҳаллий бошқарув тизими.....	69
2.2. Давлат бошқарувини такомиллаштиришида курултойларнинг ўрни.....	84
2.3. Амир Темур давлатидаги асосий мансаб (лавозим) ва унвонлар	96
II боб бўйича хулоса	114
III боб. Амир Темур давлатининг суд-хукуқ, мудофаа ва ҳарбий тизими	
3.1. Амир Темур давлатининг суд-хукуқ тизими	117
3.2. Амир Темур давлатининг мудофаа ва ҳарбий тизими.....	129
III боб бўйича хулоса	149
IV боб. Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати ва дипломатияси	
4.1. Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг acosий йўналишлари.....	152
4.2. Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	174
4.3. Амир Темур салтанати дипломатик ёзишмаларининг давлатчиликдаги ўрни	190
IV боб бўйича хулоса	205
Хулоса	208
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	220

Илмий-оммабон нацир

ЎЛЖАЕВА ШОҲИСТАХОН МАМАЖНОВНА

**АМИР ТЕМУР
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ**

Ташки сиёсат. Дипломатия
Монография

Мухаррир: Абдулла ЩАРОПОВ
Бадиий мухаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник мухаррир: Диљшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаххих: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 26.12.2016 й.

Босишига рухсат этилди: 13.01.2017 й.

Офсет көғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 11,9. Шартли б.т.: 13.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 10

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^й-мавзе 42-үй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz



ЎЛЖАЕВА ШОҲИСТАХОН МАМАЖОНОВНА

1967 йили Фарғона вилоятида туғилган. 1985 – 1990 йилларда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетида таҳсил олган. Мазкур даргоҳда 1990 – 2004 йилларда асистентликдан то доцент лавозимигача бўлган илмий-педагогик йўлни босиб ўтган. Олима 1997 йили Франциянинг Ренн университетида малака оширган. 1999 йили «Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги» мавзуида номзодлик, 2008 йили «Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши» мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлаган. 200 дан ортиқ илмий мақола, рисола ва ўкув қўлланмалари чоп этилган.



ISBN 978-9943-4728-8-4

9 789943 472884